

67  
Ҳ.Т.Одилқориев  
И.Т.Тультеев

# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ



**Ҳ. Т. ОДИЛҚОРИЕВ**  
**И. Т. ТУЛЬТЕЕВ**

# **ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ**

**ТОШКЕНТ**



**Ҳ. Т. ОДИЛҚОРИЕВ**  
**И. Т. ТУЛЬТЕЕВ**

# **ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ**

**Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр**

**Тошкент 2005**

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги,  
юридик фанлар доктори, профессор Ш. З. Ғураев;  
юридик фанлар доктори, профессор О. Т. Хусанов


Х-71

Одилқориев Ҳ. Т., Тультеев И. Т.

Икки палатали парламент. — / Қайта ишланган ва тўлдирилган  
2-нашр. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
2005. — 344 б.

Мазкур монография Ўзбекистон Республикасида икки палатали парла-  
мент тизимига ўтиш шароитида парламент ислоҳотини чуқур таҳлил этиш,  
унинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш, хорижий давлатлар парла-  
ментаризмининг тажрибасини синчковлик билан ўрганиш, қонунчилик жа-  
раёнини такомиллаштириш, қонунчилик техникасидан самарали фойдала-  
ниш масалаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг де-  
путатларига, Сенат аъзоларига, юридик олий ўқув юртларида «Давлат ва ҳуқуқ  
назарияси», «Қиёсий ҳуқуқшунослик», «Хорижий мамлакатларнинг консти-  
туциявий ҳуқуқи», «Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи»,  
«Парламент ҳуқуқи» каби ўқув курсларини ўрганиш ва ўргатиш билан шу-  
ғулланувчи ўқитувчилар, тадқиқотчилар, аспирантлар, адъюнктлар, тала-  
балар, тингловчилар, илмий ходимлар ҳамда кенг китобхонлар оммасига  
мўлжалланган.



## КИРИШ

Ўзбекистон давлат мустақилликка эришганидан сўнг ўтган тарихан қисқа давр ичида амалга ошган сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар парламент фаолиятига ва парламентаризм хусусидаги ижтимоий фикрга ижобий таъсир кўрсатди.

Парламент демократиянинг улкан ютуғи бўлиб, ниҳоятда серқирра ва маънодор ижтимоий-сиёсий институтдир. Аслида, парламент республика шаклидаги давлатга хос бўлиб, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида халқчилликни таъминлашга хизмат қилади. Тобора такомиллашиб бораётган парламентаризм анъаналари аксарият давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўрин олишига ва жадал суръатлар билан тараққий этишига сабаб бўлмоқда. Натижада ҳокимиятни парламент асосидаги республика шаклида ташкил этишга мойил мамлакатлар сони кўпайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда дунёда парламентаризмнинг икки палатали шакли анъаналлашиб бормоқда. Айниқса, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни қатъий мақсад қилиб қўйган мамлакатлар ҳаётида бикамерализм, яъни икки палатали парламент ўз самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ана шундай парламент шаклига ўтилиши Конституция ва қонун устунлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишга, ҳокимиятнинг тақсимланиши принципини янада кенгроқ жорий этишга хизмат қилувчи қадрият сифатида эътироф этилмоқда.

Истиқлол йилларида фаолият кўрсата бошлаган парламентимиз — жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Олий Мажлис ўзининг икки чақириқдан ортиқроқ фаолияти давомида мустақилликнинг ҳуқуқий асоси саналган Мустақиллик декларацияси, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди. Қолаверса, Олий Мажлис Конституциямиз асосида давлат қури-

лиши ва бошқарувини ҳамда жамият ҳаётини эркинлаштириш, бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий негизини белгиловчи юзлаб қонунларнинг ижодкори сифатида Ватанимиз тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олди.

Ўзбекистон Республикасида парламентаризм анъаналарининг жамият ҳаётига сингдирилишидаги ўзига хослик шундаки, у икки палатали парламент шаклига ўтишни дафъатан мақсад қилмади. Бинобарин, давлатимиз мустақиллигининг дастлабки ўн йили ичида қонунчилик тизимини муносиб қонунлар билан таъминлашга амалдаги парламентимизнинг ўзи кифоялиги англаб етилган эди.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларида эришилган барча ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилиниб, икки палатали парламентга ўтиш қатъий мақсад сифатида белгиланди. Икки палатали парламент тизимига ўтишга халқнинг розилигини билиш учун 2002 йилнинг 27 январида умумхалқ референдуми ўтказилди. Шундан кейин иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг учта сессияси давомида умумхалқ иродасини ифодалаган «Референдум якунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, янги типдаги парламентни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун сайловни ташкил этиш ва демократик асосда уюшқоқлик билан ўтказиш вазифасини Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклайди.

2004 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди<sup>1</sup>. Унга кўра

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. — 2004. — 16 сент.

икки палатали парламентга сайлов 2004 йилнинг 26 декабрь кунига белгиланди ва юқори савияда ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ниҳоятда фаол ташкил этди. Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 участка сайлов комиссияси тузилди.

Уларда аҳоли кенг қатламларининг вакиллиги таъминлангани диққатга сазовордир. Хусусан, участка комиссиялари аъзолари орасида мамлакатимизда истиқомат қилаётган юздан зиёд миллатлардан 14 миллатнинг вакиллари борлигини, улардан 292 нафари хотин-қизлар вакиласи, 13 нафари фан доктори ва 29 нафари фан номзоди эканлигини эътироф этиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган 40 та элчихона ҳамда ваколатхонасида ҳам сайлов участкалари ташкил этилиб, улар ёрдамида чет давлатларда ишлаётган 14 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқаросининг сайлов ҳуқуқи таъминланди.

Мамлакатимизда сайловнинг халқчил ва оқилона ташкил этилишини таъминлашга оид конференциялар, семинар-тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Жумладан, 2004 йилнинг 26 октябрь кунин Олий Мажлис биносида «Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди<sup>1</sup>. Шунингдек, 1 ноябрь кунин Марказий сайлов комиссияси билан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти раисининг шахсий вакили Мартин Ахтисаари раҳбарлигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мулоқотда сайлов комиссиялари фаолияти, сайлов жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ошқора ёритилиши, эркин ва демократик сайловлар ўтказишда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди<sup>2</sup>. Сайлов кампанияси чоғида сайловчилар билан депутатликка номзодлар ўртасида ўтказилган учрашувларда халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг иштирок этишига катта эътибор қаратилди ва бунинг учун тегишли шарт-шароитлар яратилди. Ушбу сиё-

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. — 2004. — 28 окт.

<sup>2</sup> Қаранг: Халқ сўзи. — 2004. — 2 нояб.



сий тадбирда МДХ мамлакатлари ва бошқа халқаро ташкилотлардан 200 нафардан зиёд кузатувчи қатнашди.

Сайловда сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 489 нафар депутатликка номзод, жумладан Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 108, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан — 114, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 84, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 58, Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан — 71, Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 54 нафар депутатликка номзод иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, 5 та сайлов округида икки нафардан номзод, 23 та сайлов округида уч, 55 та сайлов округида тўрт, 32 та округда беш, 5 та округда олти нафардан номзод бир депутатлик мандати учун кураш олиб борганлиги сайловнинг холис, демократик тарзда ва муқобиллик асосида ўтганлигидан далолатдир.

Республика бўйича сайловчилар рўйхатига 14323709 сайловчининг фамилияси киритилиб, уларнинг 12197159 нафари, яъни 85,1 фоизи овоз беришда қатнашди. Жумладан, биринчи турдаги овоз беришда Тошкент шаҳрида сайловчиларнинг 81 фоизи, Андижон вилоятида — 87,8 фоизи, Бухоро вилоятида — 86,4 фоизи, Жиззах вилоятида — 88,6 фоизи, Навоий вилоятида — 80,5 фоизи, Наманган вилоятида — 88,3 фоизи, Самарқанд вилоятида — 84,7 фоизи, Сирдарё вилоятида — 86,9 фоизи, Сурхандарё вилоятида — 81,7 фоизи, Тошкент вилоятида — 82,3 фоизи, Фарғона вилоятида — 87,4 фоизи, Хоразм вилоятида — 84,9 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 86,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида — 85,2 фоизи иштирок этди. 120 та сайлов округининг барчасида рўйхатга киритилганларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди.

Биринчи турнинг овоз бериш натижаларига кўра 62 та сайлов округида Қонунчилик палатасининг депутатлари сайланиб, уларни тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — 21, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 18, Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 9, Миллий тикланиш демократик партиясидан — 6, «Адолат» социал демократик партиясидан — 2, Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 6 нафар вакил ташкил этди.

Сайланган 62 нафар депутатнинг 8 нафари, яъни 12,9 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлди. Қолган 58 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг ҳеч қайсиси овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмади<sup>1</sup>.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2004 йил 29 декабрда такрорий овоз беришни 2005 йил 9 январь куни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Такрорий овоз бериш натижаларига кўра, 58 та сайлов округида рўйхатга олинган 6 млн. 800 мингдан зиёд сайловчидан овоз беришда 5 млн. 400 минг нафардан ортиғи иштирок этди. Бу тегишли округларда рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг қарийб 80 фоизини ташкил этади. Жумладан овоз беришда Тошкент шаҳридаги олтита округда сайловчиларнинг 71,2 фоизи, Андижон вилоятидаги олтита округда — 82,9 фоизи, Бухоро вилоятидаги бир округда — 82,4 фоизи, Жиззах вилоятидаги бир округда — 80,8 фоизи, Навоий вилоятидаги учта округда — 76,6 фоизи, Наманган вилоятидаги тўртта округда — 84,6 фоизи, Самарқанд вилоятидаги етти округда — 79,7 фоизи, Сирдарё вилоятидаги иккита округда — 81,4 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги олтита округда — 77,2 фоизи, Тошкент вилоятидаги етти округда — 74,1 фоизи, Фарғона вилоятидаги тўққизта округда — 82,1 фоизи, Қашқадарё вилоятидаги учта округда — 82,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасидаги учта округда — 83,2 фоизи қатнашди<sup>2</sup>. Такрорий овоз бериш натижасида яна 58 нафар, жами 120 нафар депутат Қонунчилик палатасига сайланди.

Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга ўтказилган сайловдагидан икки ярим баравар кўпдир.

Янги сайланган депутатлар корпуси таркибининг 18,3 фоизи — юристлар, 21,7 фоизи иқтисодчилардир. Депутатларнинг 10 фоизи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳасининг вакиллари, 7,5 фоизи қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5 фоизи тадбиркорлар, 20 фоизи таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларидир. Халқ мухтор вакилларининг 16 фоизи нодавлат нотажорат ташкилотларнинг номзодларидан иборат бўлди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. — 2005. — 5 янв.

<sup>2</sup> Қаранг: Халқ сўзи. — 2005. — 11 янв.

<sup>3</sup> Қаранг: Халқ сўзи. — 2005. — 15 янв.

2005 йилнинг 17–20 январь кунлари республикамиз маҳаллий ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайлов ўтказилди. Сенат аъзолигига номзодларни оқсоқоллар кенгашлари маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан кўрсатдилар. Шунингдек, Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا мувофиқ тайинланди. Сенаторларнинг қарийб 15 фоизи Ўзбекистон аграр секторининг намоёндалари бўлиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган фермер хўжаликларининг таниқли раҳбарларидир. Сенаторларнинг 20 фоизидан ортиқроғи таълим, илм-фан ва маданият тизимининг вакилларидан иборат. Мамлакатимиз саноатининг вакиллари сенаторларнинг 10 фоизини ташкил этади.

Сенат аъзоларининг 15 фоизи турли соҳаларда фаолият юриб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган, ўз меҳнати, илғор ҳаётий қарашлари билан халқимиз орасида обрў-эътибор қозонган хотин-қизлардир. Сенаторлар орасида 7 миллат вакиллари бўлиб, уларнинг 89 фоизи — ўзбеклар, 11 фоизи — қорақалпоқлар, руслар, туркманлар, қozoқлар, украинлар, корейслардир<sup>1</sup>.

Икки палатали парламент — давлатчилигимиз тараққиётидаги мутлақо янги босқич. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий институт миллий хусусиятларимиз, менталитетимиздан ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг шу йўналишдаги тажрибаларидан келиб чиқиб, мукамал таҳлиллар олиб боришни талаб этади.

2005 йилнинг 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга қонунга асосан Марказий сайлов комиссиясининг раиси Б. Мустафоев раислик қилди. Мажлисида депутатлар Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайладилар. Қонунчилик палатаси фракцияларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Палатанинг тегишли қўмиталари ташкил этилди ҳамда уларнинг раислари тасдиқланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Сенатининг ҳам дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Сенат аъзоларидан Ўзбе-

<sup>1</sup> Халқ сўзи. — 2005. — 25 янв.

кистон Республикаси Президенти кўрсатган номзодлар Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари этиб сайландилар. Шунингдек, Сенатнинг қўмиталари ташкил этилиб, сенаторлар орасидан уларнинг раислари сайланди<sup>1</sup>.

28 январь куни эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни чуқурлаштириш, парламент олдида турган асосий вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Маърузада «**давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлиши мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат**»<sup>2</sup>, — деб таъкидланди.

Икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад:

биринчи — парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш;

иккинчи — Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш;

учинчи — Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инobatга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш;

тўртинчи — аҳолининг мамалакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш<sup>3</sup>.

Қўлингиздаги китоб тадқиқотимиз предметини ташкил этадиган бикамерализмнинг вужудга келиши, унинг жаҳон миқёсида ривожланиши, хорижий мамлакатлар тажрибасини синчковлик билан ўрганган ҳолда, икки палатали парламент шароитида қонун қабул қилиш жараёнини янгича асосларда ташкил этиш ва янада такомиллаштиришга оид муаммоларни ўрганишга бағишланган.

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. — 2005. — 28 янв.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдур // Халқ сўзи. — 2005. — 29 янв.

<sup>3</sup> Уша жойда

У ўзига хос ички тузилишга эга бўлиб, ўзаро боғлиқ уч мустақил бобга ажратилган. Ҳар бир боб, ўз навбатида, кичик фаслларга бўлиниб, уларда муаллифларнинг икки палатали парламент хусусиятлари борасидаги қарашлари баён этилди. Хусусан, «Икки палатали парламент Ўзбекистонда давлат ривожланишининг демократик истиқболи» деб номланган биринчи бобда мамлакатимизда ўтказилган парламент ислохотлари, уларнинг бутуни ва истиқболдаги кўринишлари, парламентаризмнинг хорижий тажрибаси ва улар асосида шакллантирилган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, унинг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва ваколатлари хусусида фикр юритилади. Зеро, парламентаризм ўзига хос тарихга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси давлатчилиқ ривожланишида асло тасодиф эмас. Янги кўринишдаги Ўзбекистон Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва ваколатларини белгилашда миллий хусусиятимиздан келиб чиққан ҳолда, илғор хорижий давлатларнинг парламентаризм тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг табиатини таҳлил этиш ҳам махсус илмий изланишлар ўтказишни тақозо этади. Айниқса, икки палатали парламент шароитида қонун ижодкорлиги моҳиятан ва мазмунан бойийди. Монографияда таклиф этилаётган Қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси ва Қонун чиқариш жараёни кодексини яратиш ғоясини рўёбга чиқариш учун ҳам хорижий мамлакатлар парламентлари қонунчилик фаолиятининг хусусиятларини синчиклаб ўрганишга саъй-ҳаракат қилинди. Юқорида кўрсатиб ўтилган мавзулар ва қонун ижодкорлиги билан боғлиқ масалалар китобнинг иккинчи бобида муфассал таҳлил этилди.

Муаллифлар парламент маданияти ва қонунчилик техникаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тили ва услуби, қонунчиликни системалаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Зотан, бу масалалар ҳақли равишда қонун чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари сифатида майдонга чиқади.

Китоб сўнггида илмий таҳлилнинг хулосаси ўрнида бир қатор методик тавсиялар берилган. Улар, ўз навбатида, мамлакатимизда янги мазмундаги парламентаризмнинг ривожланишига, унинг демократик анъаналари ва институтлари жадал қарор топишига ва қонун чиқариш жараёнини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

## I боб

# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ—ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИСТИҚБОЛИ\*

### 1.1. Парламент ислоҳоти: бугуни ва истиқболи

Мустақил Ўзбекистон қонун чиқарувчи органи фаолиятининг дастлабки даврида ноқ мамлакатимизда парламентаризм анъаналари қарор топа бошлади. Аммо ҳозирги кунда бу сиёсий барқарорликни янада такомиллаштиришни икки палатали парламентга ўтиш ислоҳотисиз тасаввур этиш қийин. Икки палатали парламент замонавий парламентаризмнинг ривожланган, демократлашган, оқил кўриниши бўлиб, у миллий-маданий, ҳудудий манфаатларни ишончли ҳимоя қилиш имкониятлари билан бир палатали парламентдан ажралиб туради. Чунки Парламентнинг икки палатали бўлиши Олий Мажлисда ваколатларнинг чинакам демократик тақсимланишига ва қонун ижодкорлиги жараёнида Конституциянинг устунлиги таъминланишига олиб келади. Фикримизнинг далили сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

*биринчидан*, Ўзбекистонда ҳозирги кунда икки палатали парламентга ўтиш учун барча шароитлар етарли. Жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида бошқарувни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди. Бироқ бозор муносабатларига ўтилаётган, ижтимоий тараққиёт ислоҳотлари жадал амалга оширилаётган вазиятда қонунчилик тизимига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳаммаантиқлидир;

*иккинчидан*, узоқ давом этган мустамлакачилик тузумининг барча асоратларидан деярли халос бўлди. Мамлакатимиз ҳудуди ўз хусусиятлари эга бўлган маъмурий бирликлардан ташкил топган. Худди ўша минтақалардаги аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг эҳтиёж ва талабларини

\* Биринчи боб Ў. Ҳ. Муҳаммедов билан ҳаммуаллифликда ёзилган

аниқ ифодалаш зарур бўлмоқда. Бунинг учун ҳудудий ва умум-давлатларни уйғунлаштиришга эришиш мақсадида икки палатали парламентга ўтиш зарур;

*учинчидан*, қабул қилинаётган қонунларнинг сифат даражаси, тартибга солиш самараси ҳам ортиб, қонунчилик фаолиятида фикрлар хилма-хиллиги ўз ифодасини топади. Олий Мажлис ваколатларининг юқори ва қуйи палаталар ўртасида тақсимланиши давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши ҳамда мувозанатни таъминлаш механизмини барқарорлаштиради.

Шунингдек, бугунги парламент ислоҳоти юзасидан амалга оширилиши мўлжалланаётган миллий концепциямиз ҳам ўзига хосдир. Унга кўра, парламентнинг юқори палатасидаги аъзолар вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари депутатларининг вакилларида иборат бўлади. Бунинг боиси шундаки, ушбу вакиллар ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни яхши билиб, келажакда ўзларининг парламент фаолиятидаги иштирокида уларни тегишлича бартараф эта оладилар, мухтасар қилиб айтганда, ўз вилояти аҳолисининг манфаатларини парламентдан туриб ҳимоя этадилар.

Дунё сиёсий-юридик харитасига эътибор берадиган бўлсак, АҚШ, Россия, Франция, Италия, Испания, Япония, Буюк Британия каби давлатлар икки палатали парламент воситасида ўз ривожланишини жадал давом эттирмоқдалар. XX асрнинг 60–70 йилларида дунёда икки палатали парламентлар 45 тадан зиёд давлатда фаолият кўрсатган бўлса, XXI аср бошига келиб, бундай парламентларнинг сони 70 тага етди. Бу эса дунё давлатчилиги ривожланишида бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтиш жараёнининг фаол амалга ошаётганлигидан далолат беради. Қолаверса, ҳозирги кунда бир қатор давлатларда икки палатали парламентга ўтиш масаласи ўртага қўйилмоқда ва ижобий ҳал этилмоқда. Анъанавий тус олган бу жараён бошқарувнинг деярли барча шаклларидаги мамлакатларда кечмоқда. Мустақил Ўзбекистон ҳам бундай давлатлар сирасига киради.

Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи тармоғи бўлмиш миллий парламентимиз ташкил этилганидан бери 400 дан ортиқ қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда уни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни

амалга оширишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этди. Амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг моҳияти ҳамда йўналиши Олий Мажлиснинг ўзини ҳам ташкилий-тузилмавий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этмоқда. Қонунчилик ҳокимиятини шакллантириш ва тузилишини қайта ташкил этиш ҳар қандай жамият учун ўзига хос демократик поғонага кўтарилганлик ифодасидир. Давлат ва ҳуқуқ соҳасида ривожланиб келаётган таълимотлардан маълумки, парламент турли ижтимоий қатламлар, сиёсий партиялар ва сиёсий ҳаракатлар вакиллари орқали жамиятда мавжуд бўлган сиёсий фикрлар ҳамда манфаатларни акс эттиради, уларни мувофиқлаштириб, халқнинг ягона иродаси даражасида шакллантиради. У «...мураккаб механизм бўлиб, партиялар, ҳудудлар, гуруҳлар, шахсий манфаатлар чатишувидир. Парламентнинг мустақамлиги учун кўплаб гуруҳий ва хусусий манфаатлар асосида универсал манфаат — тинчлик, миллатлараро ризолик ва халқнинг тўкин-сочинлиги ётиши лозим.

Парламент ҳукмронлик учлигида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Унда жамият манфаатларининг мужассамлашиши ва бу манфаатларнинг очиқ ифодаланиши парламентнинг ошкоралигини таъминлайди. Бу ошкоралик ҳукумат ва турли давлат органлари, марказ ва ҳудудлар орасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилишда ёрдам беради. Ваколат чегараларида манфаатлар балансини аниқлаш парламентнинг доимий ва зифасини ташкил қилади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2000 йил 25—26 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида парламентимизни доимий асосда ишлайдиган икки палатали тизимга ўтказиш тўғрисидаги ғояни ўртага ташлади. Ушбу ғоя мамлакатимизда рўй бераётган демократик ислоҳотларнинг муҳим, мутлақо янги босқичини бошлаб берди деб ҳисоблаш мумкин. «Ҳаёт ўзгариши билан, — дейди Президент, — одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламенти-мизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси. — Т., 2002. — 28-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Т.8. — Т., 2000. — 483-б.



Парламентимизни ислоҳ қилиш хусусида айтилган ушбу ғояларнинг амалий мазмуни шундаки, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 2004 йилдаги сайловларда икки палатали тарзда ташкил этилди. Бунда қуйи палата партияларнинг вакиллари ва мустақил номзодлардан сайланган депутатлардан иборат бўлди. Номзодлар муқобиллик асосида сайландилар. Сайланган депутатлар парламентда доимий равишда ишлайдилар. Муҳими шундаки, янги парламентда мутахассис депутатлар фаолият кўрсатишига, вакиллик ва қонун чиқарувчи идорамиз юқори малакали, профессионал бўлишига эришилди. Янги қонун чиқарувчи идорамиз олдида турган муҳим вазифа—жаҳон парламентаризмининг тартиб ва анъаналарини, демократик парламент тарзида ишлаш илмини ва парламент маданиятини пухта эгаллашдан иборат.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш шароитида икки палатали парламентга ўтишнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

«Биринчидан, сайлов ўтказиладиган муддатнинг аниқ белгилаб қўйилиши ўзбошимчалик ва кимларнингдир ғаразли манфаатлари намоён бўлиши ҳамда бу соҳага бошқа шу каби субъектив ёндашувларнинг олдини олади.

Иккинчидан, бундай тартиб ҳокимият тармоқлари ўртасидаги, асосан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ва келишмовчиликни бартараф этишга, улар фаолияти қайтадан такрорланмаслигига шарт-шароит яратади.

Учинчидан, ҳозирги кунда Президент томонидан бажариладиган айрим вазифалар бошқа вазифалар билан биргаликда Сенат зиммасига юклатилади»<sup>1</sup>.

Президент И.А.Каримов парламент ислоҳотига оид таклифни умумхалқ муҳокамасига ва овоз беришига қўйиш ғоясини илгари сурди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида (2001 йил 6 декабрда) депутатлар икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш

<sup>1</sup> Шарифходжаев М. Ислоҳотлар жараёни: эзгу марралар сари // ҳуқуқ—Право—Law. — 2002. — №2. — 11-б.

масалалари юзасидан Ўзбекистон референдумини ўтказиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди.

2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатда икки палатали парламент тузиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Референдум асл мазмунини эркинлаштириш ташкил этувчи демократик ислохотлар даврини кечираётган Ўзбекистон сиёсий тизими учун, юксак тараққиёт марраларини кўзлаётган халқимиз учун катта синов бўлди. Референдумни тайёрлаш ва ўтказиш жараёни аҳолининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий фаоллигини оширишга жиддий туртки бўлди. Умум-халқ овоз бериши Ўзбекистон тарихи учун тақдириломон қарор қабул қилиш, яъни икки палатали парламент тизимига ўтиш ғоясини қувватлаш билан якунланди.

Референдум Ўзбекистонда давлатнинг конституциявий тузилишини ривожлантиришга оид энг муҳим масалаларда юксак даражадаги келишувга (консенсусга) эришилганлигини кўрсатди ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқларини ислоҳ қилиш учун кенг йўл очиб берди.

Референдум давлатчилигимиз ва ҳуқуқий тизимимиз тараққиётида беназир истиқболлар очди. Халқ давлат ҳокимияти органларига, мансабдор шахсларга демократик ислохотлар ўтказиш учун зарур бўлган юксак ишонч билдирди ва уларнинг зиммасига улкан масъулият юкледи. Айтиш мумкинки, референдумнинг бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлган қарори давлатчилик ривожланишида ва қонун ижодкорлигини фаоллаштириш борасида янги босқични бошлаб берди. Халқимиз референдумга қўйилган масалаларни маъқуллаб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятни давом эттириш зарурлигини тасдиқлади. Референдум қарорлари фуқаролик жамияти асосий институтларининг изчил ривожлантирилиши учун зарур бўлган энг муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Референдум қарорларини ҳаётга жорий этиш қуйидагиларга имкон яратди:

1) ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини тўлароқ амалга ошириш, уларнинг самарали ҳамкорлиги учун зарур шароит яратиш, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатга солиш тизимининг барқарорлигини таъминлаш;

2) қонун чиқариш иши ва давлат қарорларини қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш;

3) қабул қилинаётган қонунларнинг самарадорлигини ошириш;

4) суд ҳокимиятининг мустақиллиги ҳамда халқнинг қонун ва адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

5) фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш;

6) мамлакатда ҳақиқий кўп партияли тизимни ривожлантириш;

7) демократик жараёнларни ривожлантиришни рағбатлантириш<sup>1</sup>.

Референдумдан кутилаётган натижалар давлат ҳокимияти органларини демократия нуқтаи назаридан такомиллаштиришга оид қонунларни янгилаш, фуқаролик жамияти тузилмаларини такомиллаштириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда ҳолисона изчилликни талаб этади. Бунда амалга оширилаётган ишлар у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Уларнинг сони ўз-ўзидан давлатчилик институтларининг ривожланганлигидан, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш даражаси юксалганидан ва қонунийликнинг мустаҳкамлигидан далолат бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Референдуми яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 2002 йил 4 апрель қарорида шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда демократик давлатчиликнинг асосий институтларини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, XXI аср бошидаги қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналишлари, шунингдек қонунларни қабул қилиш кетма-кетлиги мустаҳкамланди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида қонун ижодкорлиги ишларининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги (2002 йил 4 апрель) конституциявий қонун кейинги ўзгаришларни чуқур ўйлаб ва асосли амалга ошириш имконини берувчи норматив асос бўлиб хизмат қилди. Унда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари белгиланди. Унга конституциявий қонун мақо-

<sup>1</sup> Батафсил маълумот олиш учун қarang: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – 99-100-б.

мининг берилиши Референдум қарорларини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий асосни яратиш ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш имконини берди. Бинобарин, янги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирди.

XXI аср бошида Ўзбекистон қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1) икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги парламент ислоҳотларини давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг асосий вазифаси сифатида амалга ошириш;

2) давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов ўтказиш тартибини янгилаш ва такомиллаштириш;

3) президентлик институтининг конституциявий қоидаларини ривожлантириш;

4) ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, аввало, Вазирлар Маҳкамаси, прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

5) суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

6) сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тайёрлаш, халқаро шартномалар, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш<sup>1</sup>.

«Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 2-моддасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг бешта асосий принципи белгиланди:

*биринчи принцип* — қонун устуворлигини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасидаги мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

<sup>1</sup> Уша жойда. — 101—102-б.

*иккинчи принцип* — халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларини, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали тизим яратиш;

*учинчи принцип* — сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

*тўртинчи принцип* — нодавлат нотижорат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустақамланиши ҳамда ривожланиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

*бешинчи принцип* — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида икки палатали парламентни қарор топганлиги, биринчидан, том маънода профессионал парламентга ўтиш; иккинчидан, давлатчилик қурилиши ва сиёсий воқелигимизда замонавий парламентаризм аънавалари (тартиблари)ни шакллантириш ва янада ривожлантириш; учинчидан, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мавқеи ва ҳуқуқий мақомини изчиллик билан мустақамлаш ва шу тариқа ҳокимиятлар тақсимланиши принципини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш имконини бериши шубҳасиз.

Республикаимизнинг давлат мустақиллиги қўлга киритилганидан кейинги тараққиётига баҳо бериб, шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда ҳақиқий парламентаризм қарор топиши учун зарур сиёсий-ҳуқуқий пойдевор яратилди. Парламентаризм ўзининг классик маъносига кўра жамиятда давлат раҳбарлиги (бошқаруви)ни амалга оширишнинг демократик тизимидир. Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви механизмида сайлаб қўйиладиган қонун чиқарувчи органнинг етакчи ўрин эгаллашини англатади.

Ҳозирги дунё парламентаризми жамият иродасини аниқлаш ва ифодалашнинг барқарор аънава, тартиб ва қоидаларига

**бойлиги билан ажралиб туради. Айни вақтда, муайян демократик парламентчилик маданияти ҳам қарор топди. У қонун лойиҳаларининг оммавий муҳокама қилиниши, жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан мунозаралар ўтказиш ҳамда оқилона қарорлар қабул қилиш жараёнида муросага келиш кабиларда намоён бўлади.**

**Икки палатали парламент тизимига ўтиш республикамиз давлатчилиги ва ҳуқуқий қурилишида ниҳоятда масъулиятли давр ва туб бурилиш палласи бўлди. Бу борада жаҳон парламентаризми назарияси ва амалиётида тўпланган барча ижобий намуналардан ижодий фойдаланилди.**

Гарчанд парламентаризм тарихида кўп палатали парламентлар учраса-да, ҳозирги замондаги аксарият парламентлар бир ёки икки палатадан иборат. Икки палатали парламентни тузишнинг жуда кўп усул ва йўллари мавжуд. Бироқ, энг аввало, аҳолининг умумий сиёсий маданиятини юксалтириш, сиёсат билан профессионал даражада шуғулланувчи шахслар қатламини вужудга келтириш, парламент қурилиши тажрибасини орттириш ва кўпайтириш зарур. Жаҳон тажрибасида икки палатали парламент тизимининг икки асосий кўриниши—кучсиз юқори палата ёки кучли юқори палата тизимлари фарқланади. Кучсиз юқори палата ўзи норози бўлган парламент қарорларининг қабул қилинишини орқага суриши мумкин, холос, аммо унга тўсқинлик қила олмайди. Кўпинча бу қонунчилик жараёнига тегишлидир. Масалан, Буюк Британия парламентининг Лордлар палатаси қуйи палата қабул қилган билл (қонун лойиҳаси)ни бир йилгача, агар билл молиявий масалада бўлса, бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин (1911 йил қабул қилинган Парламент тўғрисидаги акт 1-моддасининг 1-қисми ҳамда 1911 йилги Парламент тўғрисидаги актга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги 1949 йилги Актнинг 1-моддаси). Польша Сейми қабул қилинган қонунга Сенат билдирган эътирозни мутлақ кўпчилик овоз билан рад қилиши мумкин (Кичик Конституциянинг 17-моддаси, 4-қисми).

Кучли юқори палатанинг ўзига хослиги шундаки, унинг розилигисиз парламент қарори қабул қилинмайди. Масалан, АҚШ Конституцияси 7-бўлими 1-моддасининг 2-қисмидан шу қоида келиб чиқадики, агар қонун Конгресснинг ҳар бир палатасида қабул қилинмаса, юридик кучга эга бўлмайди. Бу қоида

Италия Конституциясининг 70-моддасида ҳам ўз аксини топган. Унга кўра, қонунчилик функцияси ҳар икки палатанинг ҳамкорлигида амалга оширилади<sup>1</sup>.

Палата парламентнинг ўз номига, ваколатлари ва вазифаларига эга бўлган, нисбатан мустақил таркибий қисмидир<sup>2</sup>. Икки палатали парламент модели шунга олиб келадики, ХХІ аср арафасида Европа ва Америка минтақаларидаги аксарият давлатлар икки палатали парламентга эга бўлдилар. Айти пайтда, икки палатали тизим нафақат федератив давлатлар, балки унитар давлатларга ҳам хосдир.

Бикамерализмнинг (яъни парламентнинг икки палатали моделининг) аҳамияти унинг қуйидаги функцияларида акс этади:

1) аҳоли ва ҳудуд вакилликнинг анча тўлиқ таъминланиши. Агар бир палата муайян сайловчилар депутатларининг вакиллиги асосида ташкил топса, бошқаси давлат таркибий қисмлари (штат, ўлка, вилоят кабилар)нинг вакиллиги асосида ташкил топади. Ҳар икки палата биргаликда бутун мамлакат аҳолиси ҳамда унинг таркибий қисмларининг манфаатларини эътиборга олиш ва ифодалаш имконини беради;

2) меҳнатнинг самарали ташкил этилиши, бу ўринда мураккаб ва сермашаққат фаолиятнинг оқилона тақсимланиши таъминлайди. Ҳар бир палата қонунчилик жараёнида ўз функциясини бажаради. Бу эса уларнинг биргаликда шошма-шошарлик билан хато қарорлар қабул қилинишини истисно этувчи пухта ўйланган қарор қабул қилишларига кўмаклашади;

3) парламентнинг икки палатали тузилиши муроса, келишув, зиддиятларни бартараф этиш, зарур қонунларни ишлаб чиқиш воситаларини ўзида мужассамлаштирган қонунчилик ҳокимиятининг тарихий шаклланган механизмидир. Икки палатали тизимга ўтган мамлакатлар унинг ижобий томони сифатида юқори палатанинг парламентни кўпинча ўйламасдан, ҳис-ҳаяжонга берилиб, баъзан эса тўғридан-тўғри шухрат қозониш мақсадида қарорлар қабул қилишдан тўхтатиб туришини эътироф этадилар. Палаталар шаклланиш тартиби, ички тузилиши ва бошқа хусу-

<sup>1</sup> Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть / Отв. ред. Б. А. Страшун. — М., 1995. — С.448.

<sup>2</sup> Қаранг: Конституция: Российский энциклопедический словарь / В.А.Ту-манов, В. Е. Чиркин, А. Ю. Юрин и др. — М., 1997. — С.180.

сиятлари билан ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, юқори палатада одатда партия фракциялари ва блоklar тузилмайди<sup>1</sup>.

Парламент ислоҳоти йўлида ҳали кўп ишларни қилиш мумкин ва лозим деб ўйлаймиз. Масалан, парламент аъзоларининг қасамёд қабул қилишини йўлга қўйиш масаласини ўйлаб кўриш мумкин. Зеро, улар ҳам Президент каби халқ вакиллари бўлиб, халқ олдида масъул ҳисобланадилар. Шунингдек, Куролли Кучлар ва бошқа ҳарбийлаштирилган тузилмаларда қонун назорати бўйича парламент комиссари лавозимини таъсис этиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Парламент фаолиятида ин-терпелляция, мунозара (дебат), парламент тинглови каби тартибларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Икки палатали парламентга ўтилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг қайта тақсимланиши ҳисобига давлат ҳокимияти механизмининг маълум даражада ўзгаришига олиб келади. Шу боис давлат ҳокимиятининг механизми жуда чуқур ўйлаб ва режа асосида қайта ташкил этилиши керак. Чунки номутаносибликка йўл қўймаслик мақсадида, унда қонун чиқарувчи ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг функция ва вазифаларини аниқ белгилаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам биздаги бу ислоҳотларга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонун (2002 йил 12 декабрь, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонун (2002 йил 12 декабрь) ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун (2003 йил 24 апрель) асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, мазкур конституциявий қонунларда икки палатали парламентнинг ҳуқуқий ҳолати ва тузилишига доир асосий қоидалар мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий ҳолати бир қатор масалаларни, жумладан, парламентни шакллантириш, унинг ишини ташкил қилиш, фаолият кўрсатиши ва ваколатларининг тўхтатилиши, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан ҳамкорлиги каби масалаларни қамраб олади.

Ўзбекистон парламенти—Олий Мажлис—Ўзбекистон Республикасининг доимий амал қилувчи вакиллик ва қонун чиқарувчи

<sup>1</sup> Батафсил маълумот олиш учун қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — 105—106-б.



органи бўлиб, Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат номли юқори палатадан иборат. Таъкидлаш жоизки, парламентнинг назорат қилиш ваколатлари қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият муносабатларини ташкил қилишнинг демократик тизимидаги муҳим элемент бўлиб, парламент назорати ғоясини жаҳон парламентаризми тараққиётидаги ҳозирги талабларига жавоб берувчи шаклларда амалга ошириш имконини беради.

Умумхалқ овоз бериши, яъни референдум орқали қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ва юридик мустақамланиши қонунчилик стратегиясининг йўналишларини белгилаш, янги парламентнинг самарали ишлашини таъминлаш, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ваколатларни аниқ қайта тақсимлаш заруратини келтириб чиқаради.

Референдум қарорларининг бажарилишини ташкилий жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган қонун лойиҳалари мажмуини ишлаб чиқиш учун турли органлар ва институтларнинг вакиллари ҳамда депутатлардан иборат комиссиялар тузиш мақсадга мувофиқдир. Комиссиялар қошида қонунларнинг алоҳида лойиҳаларини ишлаб чиқиш, чет эл тажрибасини ўрганиш, билдирилган таклифларни таҳлил қилиш ва танлаш бўйича ишчи гуруҳлар тузиш лозим. Бу гуруҳлар ишига юристлар, сиёсатшунослар, социологлар ҳамда бошқа мутахассис олимларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Парламентни ислоҳ қилиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинар ва коллоквиумлар ташкил қилиш ижобий самара беради.

Парламентнинг инфратузилмасини — ахборот хизмати, парламент ҳузуридаги назорат (ҳисоб) идораси, парламент кутубхонаси, нашриёт ва бошқаларни — ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тadbирлар тузиш ва уларни амалга ошириш бугунги талабдир. Шунингдек, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда парламент аъзоларининг штатли ёрдамчилари институтини шакллантириш, ҳар бир парламент кўмитаси ҳузурида ишчи котибиятлар тузиш, парламент ҳузурида кучли матбуот маркази ташкил этиш каби депутатлар фаолиятини ташкилий таъминлашга қаратилган муҳим масалаларни ҳал қилиш зарур.

Ҳозир юридик фан олдида парламент ишини илмий асосда қайта ташкил қилишга, унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан

тўлиқ таъминлашга ёрдам беришдек муҳим ва масъулиятли вазифа турибди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциямиз қоидаларини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциямиз қоидаларини конституциявий қонунларда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг, жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва фаолиятининг кафолатлари белгилаб қўйилган. Уларда депутатнинг унинг номзодини илгари сурган сайловчилар ва сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатлари, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти, ҳуқуқ ва эркинликлари, депутатлик ахлоқи масалалари акс эттирилган.

Конституциявий қонун қоидаларининг амалга оширилиши қонун чиқарувчи органдан давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг яқин ва узоқ муддатли мақсадларини, шунингдек уларга эришиш йўллари ва воситаларини аниқ тушунишга қаратилган юксак касб маҳоратини талаб этади. Бу иш жамоатчилиكنинг қўллаб-қувватлашини, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда манфаатли иштирокини назарда тутаяди.

Давлат қурилиши узлуксиз жараёндир. Шу боис давлат ҳокимиятининг барча органлари сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва мафкуравий чоралар орқали, шунингдек сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ва давлат ҳаётига оид энг муҳим масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиши учун зарур шароитларни яратиш йўли билан ҳаётга жорий этишлари керак.

## **1.2. Парламентаризм борасидаги хорижий тажриба**

Парламентаризм — узоқ тарихга эга бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодиса. У давлат ва жамият, қолаверса ҳуқуқ билан бирга ривожланиб келаётган кадриятлардан биридир. Парламентаризм ўзида халқ ва ҳокимият, шахс ва давлат ўртасида ҳуқуқий муносабатларни намоён этиши билан бирга, ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий ва маънавий муносабатларни ҳам ифодалайди.

Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқ фани парламентаризм анъаналарининг ривожланиш тарихини бир қанча босқичларга бўлади.

**Биринчи босқич.** Милоддан аввалги даврлардаёқ Қадимги Рим ва Юнонистоннинг айрим ривожланган шаҳарларида фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатган. Кейинчалик бу одат Англия ва Испаниянинг ижтимоий ҳаётига кириб борган. Фуқароларнинг ушбу йиғинларида маҳаллий аҳолининг ҳаёти-ни яхшилашга, солиқ ва йиғимларни давлатга ўз вақтида тўлашга доир бир қатор масалалар муҳокама қилиниб, ҳал этилган. Йиғинларда асосан зодагонлар, асилзодалар ва ҳокимият вакиллари иштирок этганлар. Муҳокама этиладиган масалаларга аста-секин қўни-қўшничилик муаммолари, тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосида ҳаёт кечириш, судлов каби муаммолар қўшилиб борган.

**Иккинчи босқич.** XII аср охиридан XIII аср бошларигача Англия парламенти давлат форуми даражасида фаолият кўрсата бошлаган. Бироз вақт ўтиб, яъни XVI–XVII асрларда парламент давлат раҳбари ҳузуридаги мажлис вазифасини бажарувчи табақавий вакиллик органига айланган.

**Учинчи босқич.** XVII аср охирларида парламентаризм анъаналари деярли тўлиқ шаклланиб бўлган. Инглиз олими Жон Локк, француз донишмандлари Жан Жак Руссо ва Шарль Луи Монтескьё парламентаризмга оид энг мақбул ғояларнинг классик асосчилари ҳисобланадилар. 1787 йилда қабул қилиниб, шундан бери ўзининг амалий нуфузини йўқотмаган, энг барқарор конституция сифатида тан олинган АҚШ Конституциясининг асосчиларидан бири Т.Жеферсон суверенитет, ҳокимият ва инсонлар ўртасидаги ижтимоий шартнома назариясини ишлаб чиққан эди<sup>1</sup>. Ж.Локк, Ш.Монтескьёнинг «давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши назариясида қонун ижодкори ҳисобланмиш парламентга алоҳида урғу берилган. 1960 йилда Ж.Локкнинг «Бошқарув ҳақида икки рисола» китоби муаллифи кўрсатилмаган ҳолда чоп этилган. Ж.Локкнинг асосий ғояларидан бири шундан иборат эдики, одам — табиатан шахсий ҳис-туйғуларга берилувчи, авваламбор, роҳат-фароғатга ин-

<sup>1</sup> Қаранг: *Шелдон Г.* Политическая философия Томаса Джеферсона. — М., 1996. — С.37–38.

тилувчи ва оғриқлардан қочиш истагига эга мавжудот. Инсон табиатининг заифлиги ҳокимиятга интилишида намоён бўлади. Инглиз файласуфининг фикрича, қонун яратиш ҳокимиятига эга шахслар ушбу қонунларни бажариш ҳуқуқини ўз қўлларида жамлаб, ўзгалар яратган қонунларга бўйсунмасликни хоҳлаб қолишлари ҳам мумкин<sup>1</sup>.

Давлатда ҳокимиятларнинг нисбатини тушуниш учун Локкнинг қонун чиқарувчи ҳокимият устунлигига доир қуйидаги фикри эътиборга молик: «қонун чиқарувчи ҳокимият жамият ушбу ҳокимиятни бир марта ишониб топширган шахслар қўлида муқаддас ва ўзгармас бўлиб қолади»<sup>2</sup>.

Ж. Локк қарашларининг ўзига хослиги шундаки, у ижтимоий онгда парламентнинг устунлиги доктринаси ҳукмрон бўлган шароитда ҳокимиятлар чегарасини белгилаб қўйди. Локкнинг фикрича, қонун чиқарувчи орган ҳеч кимга ўз қонун чиқарувчилик ваколатини бериши мумкин эмас.

**Тўртинчи босқич.** Парламентаризм тараққиётидаги мазкур босқичда, яъни XIX асрда парламент давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида тўлиқ шаклланди. Шундан эътиборан сайлов қонунчилиги асосида парламент аъзоларини муайян ваколат муддатига сайлаш анъанаси кенг тус олди. Қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи ягона ташкилотга айланган парламент ҳокимиятлар тақсимланиши тизимидаги бошқа органлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, матбуот идоралари билан биргаликда фаолият олиб бориши йўлга қўйилди.

**Бешинчи босқич.** XX асрнинг бошларига тўғри келган ушбу босқичда парламентнинг аҳамияти халқаро миқёсда миллий давлатлар тизимида тан олина бошланди. Улар маҳаллий омманинг фикрини тўлиқ ифодалаш орқали халқ орасида катта обрў қозониб, энг ишончли, халқчил ҳокимият тармоғи сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Парламент демократик ҳуқуқий давлатнинг ҳамда фуқаролик жамиятининг тимсолига айланди. Вақт ўтгани сайин парламент институтлари катта амалий тажриба орттира бориб, давлатни тараққиёт сари элтувчи муҳим омил бўлиб қолди.

Инсоният ривожланиб борган сари «...ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида парламентлар олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Ижтимоий манфаатларни акс эттирувчи

<sup>1</sup> Қаранг: Локк Дж. Два трактата о правлении. Т.3. – М., 1988. – С.347.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – 339-б.

марказ сифатида унинг аҳамияти сезиларли даражада ортди. Парламентлар фаолияти ва уни ташкил этиш даражасини атрофлича ошириш зарурати тобора ортиб бормоқда»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ҳар қандай ҳодиса каби парламентаризм ривожланиши билан боғлиқ жараёнлар ҳам бир қанча боқичларни босиб ўтган. Масалан, XX асрда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса, илмий-техникавий инқилоб шароитида парламентларнинг иши публицистик адабиётда, жамоат арбобларининг нутқларида тобора кўпроқ танқидга учрай бошлади. Парламентлар ўз вазифаларини секин бажаришда, иш тартибининг бесўнақайлигида, депутатлар эса касб маҳоратининг етишмаслигида, маъмуриятни етарли назорат қилмасликда ёки, аксинча, бундай назоратни ҳаддан зиёд кучайтириб юборганликда айбланарди.

Масалан, 60–70-йилларда совет олимлари буржуа парламентаризмининг инқирози ҳақида кўп ёзганлар. Айни пайтда, собиқ Совет Иттифоқида парламентаризмнинг ўзи бўлмаган, боз устига бу сўз салбий маъно касб этган, олимларнинг кўпчилиги бир қатор сабабларга кўра мамлакатда умуман парламентаризм бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар. Бундай муносабат жаҳон парламентаризмидаги умумий инқирозни ҳам акс эттирарди.

Лекин СССР парламентаризмни инкор қилган ягона мамлакат бўлмаган. XX асрнинг бошларида жуда кўп давлатлар парламентаризмга нисбатан салбий муносабатда бўлган. Бир қатор тоталитар давлатлар (масалан, нацистлар Германияси, фашистик Италия, Португалия, Испания)да ҳам парламентаризм тан олинмаганлигини тушуниш мумкин бўлса, классик парламентаризм мамлакатлари ҳисобланган кўплаб давлатларда ҳам умуман парламент фаолиятининг доирасини чеклаш рўй берганлиги ажабланарли ҳолдир.

Масалан, фашизм ёки миллатчиликдан умуман йироқ бўлган Шарль де Голль ҳам парламент давлат механизмининг фаолият кўрсатишига қандайдир беқарорлик (диссонанс) киритади, деб ҳисобларди. Шу боис Франциянинг Бешинчи Республикасида (яъни 1958 йилги Конституция бўйича) парламентнинг ҳокимият ваколатлари (Франция тарихининг бундан олдинги даврларидагига қараганда) маълум даражада торайтирилган эди.

<sup>1</sup> Қаранг: Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси. – Т., 2003. – 21-б.

Юқорида айтиб ўтилган танқидлар парламентларнинг анъанавий тузилиши ва фаолиятида ўзгаришларга олиб келди. Айнан 70—80-йиллар бутун жаҳон миқёсида парламентаризмни ривожлантириш борасида кескин бурилиш йиллари бўлди. Бундай ўзгаришлар вакиллик қонунчилиги соҳасини кенгайтириш (парламент топшириғи билан ижроия органлари томонидан қонун кучига эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш), «рационаллашган парламентаризм» таълимоти ва амалиёти (бу, қисман, парламентнинг қонунчилик соҳасидаги ваколатларини чеклашни назарда тутди), парламент вакилликсиз (конституциявий қоидалар асосида) қонун кучига эга ҳужжатларни чиқариш ваколатига эга бўлган регламентар ҳокимият институти (президент ва ҳукумат)нинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Кўплаб мамлакатларда «ишончсизлик конструктив вотуми» деб номланган немис концепцияси қабул қилинган бўлиб, у ҳукумат бошлиғи ваколатларининг узлуксизлигини таъминлайди. Унга кўра, парламентнинг қуйи палатаси чиқараётган айтиб берилган қарорда икки ҳолат — илгариги бош вазир истеъфога чиқиши билан бирга янгисининг тайинланганлиги кўрсатилиши шарт.

Биринчи жаҳон урушидан кейин Америка Қўшма Штатларида ҳам Конгресснинг мавқеи пасайиб борди. Бу жараён бошқа давлатлардагидек даражада рўй бермаган бўлса-да, ҳар ҳолда XIX асрнинг биринчи ярми АҚШ Конгрессининг гуллаб-яшнаган даври ҳисобланади. Фуқаролар урушидан сўнг Олий суд кўп жиҳатдан юқори ўринга чиқди. XX асрнинг бошларида ва Биринчи жаҳон урушидан сўнг Президент давлатнинг етакчи сиёсий институтига айланди.

XX асрнинг 70-йиллари АҚШ учун ҳам бурилиш йиллари бўлди. Конгресс (парламент) ҳокимияти тарафдорлари парламентнинг мавқеини ошириш учун ҳамма ишни қилдилар. Натижада парламент ваколатларини кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳозирги кунда ҳам АҚШда парламентнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Америка Қўшма Штатларининг Конституциясига мувофиқ, бу мамлакатда Конгресснинг ўрни ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиб туриши принципи асосида сайқаллашиб бормоқда. Зарур бўлган ҳолларда парламент ҳатто ижро ҳокимиятининг бошлиғи бўлган президентга нисбатан импичмент эълон қилишдек самарали воситалардан фойдаланиши мумкин.

Баъзи мамлакатларнинг конституцияларида парламент ваколатлари анча батафсил тартибга солинган.

Масалан, Англияда парламент қонун чиқарувчи ҳокимият органи бўлиб, монарх ва икки палатани, яъни жамоалар палатаси ҳамда лордлар палатасини ўз ичига олади. Англия парламенти 1265 йилдан буён мавжуд деб ҳисобланади. Ўшанда илк бора қирол ҳокимиятини чеклаган ва мамлакат манфаатларини етарлича ифодалаган мажлис чақирилган. Унинг аъзолари сифатида баронлар билан бирга ҳар бир графликдан иккитадан рицарь ва ҳар бир шаҳардан иккитадан вакил йиғилган. Шунинг учун ҳам Англия парламентини парламентларнинг «отаси» деб аташ русум бўлган<sup>1</sup>.

Ҳозирги пайтда Буюк Британия парламенти бир-бирини мувозанатга солиб турувчи иккита ибтидо асосида фаолият кўрсатади. Бу, бир томондан, парламентнинг устуворлиги ва бошқариш масъулияти доктринал принципи бўлса, иккинчи томондан, икки партияли тизимнинг шаклланган амалиёти ва шундан келиб чиқадиган министриализм давлат режимидир.

Кўрсатилган омиллар амал қилган шароитда парламентнинг фаолияти Буюк Британия парламент тизими ва, умуман, давлат механизмида демократизм ва рационализм элементларининг оқилона уйғунлашиб кетишини таъминлайди.

Швеция анъанавий равишда парламентаризм билан боғлиқ мамлакат ҳисобланиб, бу ерда деярли икки юз йил давомида на авторитаризм, на тоталитаризм мавжуд бўлмаса-да, 70-йиллар бу мамлакатнинг Риксдаги (бир палатали парламенти) учун ҳам изсиз кетмади. Асосан 1972 йилда қабул қилинган бир қатор янги ҳужжатлар бўйича парламент ваколатлари кенгайди ва монарх ҳатто номинал ваколатларидан, масалан, ҳукумат раҳбарини тайинлаш ваколатидан ҳам маҳрум бўлди. Бош вазирни тайинлаш борасидаги барча имтиёзлар парламентнинг ихтиёрига ўтди. Бу ҳам парламентаризм тараққиётидаги умумий тамойил кўрсаткичларидан биридир.

Ана шу йилларда Испания, Португалия, Грецияда ҳам парламент муҳим ўрин тутган сиёсий тузумлар қарор топди. Масалан, Португалияда парламентнинг аҳамиятини мустаҳкамлаш бора-

<sup>1</sup> Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Особенная часть. Страны Европы / Отв. ред. Б. А. Страшун. – М., 1998. – С.51.

сидаги иш шу даражага бориб етдики, эндиликда Конституцияга мувофиқ бу мамлакат Миллий Ассамблеяси ихтиёрида бир қатор ваколатлар бўлиб, у мазкур ваколатларни бировга беришга ҳақли эмас. Аммо замонавий парламентда қонун чиқариш соҳасидаги ўз ваколатларини бошқа бировга бериш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги барча мамлакатларга ҳам хос эмас.

XX асрнинг 80-йиллари ва, айниқса, 90-йилларида Францияда парламент мавқеини мустаҳкамлашга интилиш кучайди. Бу мамлакатнинг парламенти икки палатадан, яъни Миллий кенгаш ва Сенатдан иборат. Франция Конституциясининг 34-моддасида қонунларни парламент қабул қилиши белгиланган. Бу билан парламентнинг у ташқарига чиқиши мумкин бўлмаган қонун чиқарувчилик ваколатларининг доираси белгилаб қўйилди. Ана шу доирадан ташқарида регламентар ҳокимиятнинг ҳукумат ҳамда Президентга тегишли бўлган ваколатлари бошланади. Миллий кенгашда 577 нафар депутат, Сенатда эса 321 нафар сенатор мавжуд. Сенат мажоритар тизим бўйича овоз бериш йўли билан тўққиз йилга сайланади, ҳар уч йилда сенат таркибининг учдан бир қисми янгиланиб туради.

Франция Конституциясининг V бўлими парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга бағишланган бўлиб, 34 – 63-моддаларни ўз ичига олади.

Энди баъзи хорижий мамлакатлардаги қонун чиқарувчи органларнинг тузилишини кўриб чиқамиз.

**Австрияда** парламент икки палатадан – Миллий ва Федерал кенгашлардан ташкил топган. Миллий кенгаш 183 нафар депутатдан иборат бўлиб, улар яширин овоз бериш орқали тўғридан-тўғри ва тенг ҳуқуқли сайловлар асосида тўрт йил муддатга сайланади. Федерал кенгаш 63 нафар депутатдан иборат бўлиб, уларни ландтаглар, яъни ўлкалар парламентлари сайлайди.

Миллий ва Федерал кенгашлар биргаликда парламент мажлисини ташкил қилади. Унинг ваколатига уруш эълон қилиш, федерал президентнинг қасамёдини қабул қилиш каби энг муҳим масалалар киради.

Австрия Конституцияси 40-моддасининг 1-қисмига кўра, Федерал мажлис қарорлари унинг раиси томонидан тасдиқланади ва Федерал канцлернинг имзоси билан мустаҳкамланади.

**Германия Федератив Республикасида** ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент – Бундесрат ва Бундес-



таг амалга оширади. Бундестаг (қўйи палата) 496 нафар депутатни ўз ичига олади. Бундесрат таркибида эса 41 нафар депутат бўлиб, улар ўлкалар ҳукуматларининг аъзолари ҳисобланадилар. Палаталар ўз раҳбарларини ўзлари сайлаб оладилар. Улар депутатларнинг ишига раҳбарлик қиладилар ва доимий қўмиталарни ташкил этадилар.

Бундестаг депутатлари бутун халқнинг вакиллари ҳисобланади. Германиянинг балоғат ёшига етган ҳар қандай фуқароси Бундестагга сайланиши мумкин. Бундестаг тўрт йил муддатга сайланади. Агар Бундестаг тарқатиб юбориладиган бўлса, янги сайловлар икки ой ичида ўтказилиши керак. Бу палата сайловлардан кейин 30 кундан кўп бўлмаган муддат ичида йиғилади. Бундестаг ўз Президентини, унинг ўринбосарларини сайлаб ва ўз регламентини тасдиқлаб олади. Бундестаг қабул қилган қарорлар хусусида федерал конституциявий судга шикоят қилиниши мумкин.

Бундестаг ёки унинг қўмиталари федерал ҳукуматнинг ҳар қандай аъзосидан Бундестаг мажлисига келишни талаб қилиши мумкин. Судлар ва маъмурий ҳокимият органлари Бундестагга унинг тергов комиссиялари ўтказадиган тергов ишларида ёрдам кўрсатишлари шарт. Бундестаг депутати фақат ушбу палата розилиги билангина жавобгарликка тортилиши ёки қамоққа олиниши мумкин.

Бундесратда эса ўлкалар ўз депутатлари орқали қонун чиқаришда ва Федерация маъмуриятида, Европа Иттифоқи ишларида иштирок этадилар. Бундесрат ўлкаларнинг ҳукумат аъзоларидан ташкил топган бўлиб, ўлкалар уларни тайинлайди ва чақириб олади. Европа Иттифоқига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун Бундесрат Европа ишлари бўйича палата ташкил қилиши мумкин. Бу палатанинг қарорлари Бундесрат қарорлари кучига эга бўлади.

**Япония** тажрибаси ҳам ўзига хосдир. Конституцияга кўра, Японияда ягона қонун чиқарувчи орган парламент бўлиб, у икки палатадан, яъни Вакиллар палатаси ва Маслаҳатчилар палатасидан ташкил топган. Вакиллар палатаси 50 нафар депутатни ўз ичига олса, Маслаҳатчилар палатасида 252 нафар депутат фаолият кўрсатади. Ҳар иккала палатага ҳам тўғридан-тўғри сайловлар ўтказилади. Японияда 20 ёшга етган фуқароларнинг барчаси сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Вакиллар палатасига 25 ёшдан

бошлаб, Маслаҳатчилар палатасига эса 30 ёшга киргандан кейин сайланиш мумкин. Вакиллар палатаси — қуйи палата, Маслаҳатчилар палатаси — юқори палата ҳисобланади.

Парламентни шакллантириш тартиби Конституцияда белгилаб қўйилган. Бу қонунга кейинчалик бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Вакиллар палатаси ҳар тўрт йилда қайта сайланади, лекин муддатидан олдин тарқатиб юборилиши ҳам мумкин. Агар шундай бўлса, палатанинг янги таркибига сайлов палата тарқатиб юборилганидан кейин 40 кундан кўп бўлмаган муддат ичида ўтказилади, парламент мажлиси эса сайловдан кейин 30 кун ичида чақирилади.

Японияда парламентга сайлов палата ваколати тугашига 30 кун қолганида ўтказилади. Сайловдан олдин ҳар бир номзод маълум миқдорда маблағ тўлайди. Агар номзод овозларнинг белгиланган минимумини тўплай олмаса, бу пуллар қайтарилмайди, балки давлат ҳисобига ўтказилади.

Маслаҳатчилар палатасига депутатлар олти йилга сайландилар, бироқ ҳар уч йилда ундаги депутатларнинг ярми қайта сайланади.

Сайлов участкаларида сайловни маҳаллий сайлов комиссиялари тайинлайдиган махсус кузатувчилар ҳамда сайловчилар орасидан уч-беш кузатувчи ташкил қилади ва ўтказилади. Бундан ташқари, депутатликка номзод ҳар бир шахс ҳисоб комиссиясига бир нафардан ўз вакилини юбориш ҳуқуқига эга.

Японияда парламентни шакллантиришнинг хусусиятларидан бири сайлов кампаниясининг ўзига хос белгилари билан боғлиқ. Сайлов тўғрисидаги қонунда сайлов олди курашининг иштирокчиларига тенг имкониятлар таъминланиши белгилаб қўйилган. Шунинг учун сайлов олди жараёнида бир қатор чеклашлар мавжуд. Масалан, сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу 15 кунни ташкил қилади ва сайлов арафасидаги кун соат 20.00 да ҳар қандай ташвиқот тўхта-тилади. Бундан ташқари, ҳамма номзодларга давлатга қарашли ва хусусий телерадиоканаллар орқали чиқишлари учун бир хил вақт ажратилган, кўчада нутқ сўзлаш, ташвиқот машиналари, стендлар, варақалар, почта открыткаларининг сони чекланади. Номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари ташвиқот мақсадида аҳолининг турар жойларига боришлари мумкин эмас.

Бу мамлакатда парламентнинг асосий функциялари ва ваколатларига қуйидагилар киради: қонун чиқариш фаолияти — қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш; молиявий ваколатлар — ҳар йили миллий бюджетни тасдиқлаш; ижро ҳокимиятини назорат қилиш (буни амалга оширишнинг асосий усуллари бош вазир тайинлаш, ҳукуматга ишонч билдириш масаласини кун тартибига қўйиш, вазирлар маҳкамасининг давлат бошқаруви борасидаги фаолиятини текшириш учун махсус комиссиялар тузиш); лавозимидан четлатиш тўғрисида иш қўзғатилган суд ходимларининг ишларини кўриб чиқиш учун суд ҳайъати тузиш, суд органларининг фаолиятини назорат қилиш; ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатлар, жумладан халқаро шартномаларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш.

Японияда парламентнинг қонун чиқариш жараёнидаги вазифаси асосан вазирлар маҳкамаси тайёрлаган қонун лойиҳаларини танлаб олиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, уларни қабул қилиш ёки рад этишдан иборат. Шу билан бирга, парламент умумий масалаларни ҳам ҳал қилади.

Япония парламентининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти доирасига қуйидаги масалалар киради:

- тахт ворислиги ва регентлик;
- Япония фуқаролигига қўйиладиган шартларни белгилаш;
- таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш;
- иш ҳақи, иш вақти ва бошқа меҳнат шароитларини тартибга солиш;
- солиқлар тизимини тартибга солиш;
- хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- парламентнинг ҳар иккала палатасидаги депутатлар сонини белгилаш;
- сайлов округлари ва тизимини тасдиқлаш;
- вазирлар маҳкамасининг тузилишини белгилаш;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши, уларнинг аъзоларини сайлаш, фаолият тартибини белгилаш ва ҳ.к.

Кейинги вақтларда Японияда партиялар сиёсати Маслаҳатчилар палатасига ҳам кучли таъсир қилмоқда, юқори палата қўйи палатанинг ишини такрорламоқда, шу боис уни сақлаб қолишнинг ҳожати йўқ, деган фикрлар тез-тез айтилмоқда.

Япония Конституциясида парламент муҳокама қиладиган масалаларнинг кўпчилигини ҳал этиш борасида Вакиллар па-

латасига муайян имтиёзлар берилган. Булар, хусусан, қуйидагилардан иборат:

— бош вазир тайинлаш;

— ҳозир бўлган депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми билан илгари Маслаҳатчилар палатаси қайтарган қонун лойиҳаси бўйича такроран қарор қабул қилиш;

— бош вазирга ишонч ёки ишончсизлик билдириш тўғрисида қарор қабул қилиш.

**Конституцияда** Маслаҳатчилар палатасига берилган ягона устуқлик қуйи палата тарқатиб юборилган вақтда юқори палата сессиясининг фаолият кўрсатишидир. Шунингдек, Маслаҳатчилар палатаси нисбатан барқарор бўлиб, унинг таркиби ҳар уч йилда фақат ярмига ўзгаради, холос. Қуйи палата эса таркибини ҳар тўрт йилда бир марта тўлиқ алмаштиради.

Японияда парламентнинг расмий сессияси ҳар йили декабрь ойининг ўрталарида чақирилади. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилади. Шундан сўнг депутатлар норасмий янги йил таътилига чиқиб кетадилар. 20 январь кунига келиб сессия расман очилади. Унда барча депутатлар ҳамда император иштирок этади.

Парламентнинг барча мажлислари очиқ ҳисобланади, уларда журналистлар, аҳоли вакиллари иштирок этишига рухсат берилади (кўпчилик овози билан ёпиқ мажлис ўтказишга қарор қилинган ҳоллар бундан мустасно). Бундан ташқари, палаталарнинг йиғилишлари телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилади, йиғилишларнинг баённомалари нашр қилинади.

Япония парламентининг олий мансабдор шахслари ҳар иккала палатанинг спикер (раис)ларидир. Улар яширин овоз бериш йўли билан палата депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми ёқлаб овоз берганида сайланадилар. Спикерлар палаталар фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг маъмурий аппаратини назорат қилиш соҳасида ҳам катта ваколатларга эгадирлар.

Лавозимга ўтиришда спикерлар ва уларнинг ўринбосарлари партиядан чиқишлари ва мустақил депутат бўлишлари керак (ҳеч бўлмаганида расман). Бу уларнинг қарор қабул қилишда ҳолислигини таъминлаши зарур. 1976 йилдан бошлаб раис ўринбосари лавозими энг кучли мухолиф партиянинг аъзосига бериладиган бўлди.

Японияда парламент депутатларининг давлат марказий аппарати, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат корхоналари ва муассасаларида бирор расмий лавозимни эгалла-

ши ман қилинган (вазир лавозими бундан мустасно). Лекин бундай ман этишлар уларнинг хусусий тадбиркорлигига тааллуқли эмас, шунинг учун кўплаб депутатлар хусусий фирмаларнинг директорлари, президентлари, акциядорларидирлар.

Япония парламентида депутатлар қонунчилик ташаббуси кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар, лекин улар берган қонун лойиҳасини қуйи палатадан 20 нафар ва юқори палатадан 10 нафар депутат қўллаб-қувватлаши керак. Депутатлар ўзларининг палатада сўзлаган нутқлари ва фикрлари учун парламентдан бошқа жойда жавоб бермайдилар. Депутат ўз ваколатларининг бутун муддати давомида парламент иммунитетидан фойдаланади. Баъзи ҳолларни истисно қилганда, ҳар иккала палата аъзолари ҳам сессия даврида қамоққа олинишлари мумкин эмас. Сессия очилишигача қамоққа олинган депутат тегишли палатанинг талаби билан сессия даврида қамоқдан озод қилиниши керак. Шунингдек, ўзи аъзо бўлган палатанинг махсус қарорисиз депутат ўзининг парламентдаги ваколатларидан маҳрум қилиниши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Палата депутатларга нисбатан жазо чораларини қўллаши мумкин. Қуйидагилар бунга асос бўлиб хизмат қилади:

- депутатлик бурчини бажармаслик;
- палата интизомини бузиш;
- палатанинг обрўсига доғ тушириш;
- бировларнинг шахсий ҳаётига аралашуш.

Мазкур қилмишлар учун Япония парламентида тўрт хил жазо берилади:

- мажлислар залида эълон қилинадиган огоҳлантириш;
- мажлислар залида кечирим сўраш мажбуриятини юклаш;
- палатага келишни маълум муддатга тақиқлаб қўйиш;
- палата аъзолари сафидан чиқариш.

**Канадада** қонун чиқарувчи орган парламентга ва қироличага тегишлидир. Бу мамлакатда ҳам парламент икки палатадан – Сенат ва Жамоалар палатасидан ташкил топган. Сенатда 104 нафар депутат бўлиб, улар 10 та провинция ва иккита ҳудуднинг вакиллари дидирлар. Сенаторни генерал-губернатор бир умрга тайинлайди. Ҳар бир сенатор камида 30 ёшда бўлиши ва 4 минг доллар-

<sup>1</sup> Қаранг: Япония // Конституции мира. Т. 6 / Составители и авторы вступительных статей У. Таджиханов, А. Х. Саидов. – Т., 1998. – С.366–367.

лик мулкка эга бўлиши шарт. Сенат раиси (яъни спикер)ни ҳукумат тайинлайди. Жамоалар палатасининг 295 нафар аъзоси бўлиб, улар тўғридан-тўғри умумхалқ овоз бериши йўли билан беш йил муддатга сайланадилар. Бу палата спикери янги сайланган Жамоалар палатасининг биринчи йиғилишда сайланади.

Канада Сенати юқори палата ҳисобланади. Сенатда кўриладиган масалалар кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Спикер овоз бериш ҳуқуқига эга. Бордию, овозлар тенг бўлиб қолса, қарор қабул қилинмаган ҳисобланади. Канада парламентининг қўйи палатаси бўлмиш Жамоалар палатасининг мажлисларида сенаторлар иштирок этишлари мумкин эмас. Бирор сабаб билан (масалан, вафот этганида, истеъфога чиққанида ёки бошқа сабаб билан) спикернинг ўрни бўш қолса, Жамоалар палатаси имкон қадар қисқа муддатда ўз таркибидан спикер сайлайди<sup>1</sup>.

**Италия Республикасида** қонун чиқарувчи орган парламент бўлиб, у икки палатадан иборат. Депутатлар палатаси қўйи палата ҳисобланади, республика Сенати эса юқори палатадир. Депутатлар палатасида 630 нафар депутат бўлса, Сенат 322 нафар сенаторни ўз ичига олади. Депутатлар палатасини аҳоли мутаносиб вакиллик асосида умумхалқ овоз бериши йўли билан сайлайди. Ҳар иккала палатанинг ваколат муддати – беш йил. Италияда парламент фақат Конституцияда белгиланган ҳоллардагина умумий мажлисга йиғилиши мумкин.

Сайлов вақтида 25 ёшга кирган ҳар қандай сайловчи Депутатлар палатасига сайланиши мумкин. Сенатга сайлов вилоятлар бўйича 25 ёшга тўлган сайловчиларнинг умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериши йўли билан ўтказилади. 40 ёшга кирган сайловчилар сенатор бўлиб сайланишлари мумкин. Бу мамлакат Конституциясининг 59-моддасига мувофиқ, республика Президенти Италия Республикасига ижтимоий, илмий, маданият ва адабиёт соҳасида улкан хизматлар кўрсатган беш нафар фуқарони сенатор қилиб тайинлаши мумкин. Ҳар бир палата унинг раиси ёки Президентнинг ёхуд палата аъзолари умумий сонининг учдан бир қисми ташаббуси билан фавқулодда сессияга чақирилиши мумкин.

Ҳеч ким бир вақтнинг ўзида ҳар иккала палатанинг аъзоси бўлишга ҳақли эмас. Парламент аъзолари қонунда белгиланган

<sup>1</sup> Қаранг: Канада // Конституции мира. Т. 2. – Т., 1997. – С.425–439.

тарзда мукофотланишлари мумкин. Италия Конституцияси 72-моддасининг 2-қисмида белгиланганидек, зарур ҳолларда регламент қонунларни барча босқичлардан тезроқ ўтказиш тартибини назарда тутиши мумкин. Шунингдек, регламентда қонун лойиҳалари қайси ҳолларда ва қандай тартибда комиссияларга берилиши белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай комиссиялар жумласига доимий комиссиялар ҳам киради. Улар парламентдаги фракцияларнинг сонига мувофиқ равишда тузилади<sup>1</sup>.

Лекин шундай ҳолларда ҳам қонун лойиҳаси сўнги марта тасдиқлангунича палатага берилади (башарти ҳукумат ёки палата аъзоларининг ўндан бир қисми ёхуд комиссия аъзоларининг бешдан бир қисми қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва палатада овоз беришни ёки қонун лойиҳасини муҳокамасиз тасдиқлашни талаб қилса). Ҳукумат палаталарнинг аниқ ифодаланган ваколатини олмай туриб, қонун кучига эга бўлган декретлар чиқариши мумкин эмас.

Қонунлар республика Президенти имзо чекиши билан дарҳол эълон қилинади. Агар қонуннинг кучга кириш муддати унинг ўзида кўрсатилмаган бўлса, эълон қилинган кундан 15 кун ўтгач кучга киради. Алоҳида ҳолларда, зарурат туғилганида ва муддатлар талаб қилганида ҳукумат масъулиятни ўз бўйнига олган ҳолда қонун кучига эга бўлган вақтинчалик фармойишлар чиқаради.

Бундай ҳолларда ҳукумат тасдиқлатиш учун ушбу фармойишларни палаталарга тақдим этади (депутатлар ҳатто тарқатиб юборилган бўлсалар ҳам, беш кун муддат ичида тўпланадилар). Шунингдек, палаталар қонун чиқариш йўли билан сиёсий тусдаги халқаро шартномаларни, шунингдек арбитраж ёки суд томонидан тартибга солишга ёхуд ҳудудий ўзгаришлар, молиявий мажбуриятлар ёки қонунларни ўзгартиришга оид шартномаларни ратификация қилиш масаласини ҳал этишлари мумкин.

Италияда палаталар ҳар йили ҳукумат томонидан тақдим этиладиган бюджетни ва уни ижро этиш ҳақидаги қонунларни тасдиқлаш ваколатига эга. Бюджетни тасдиқлаш тўғрисидаги қонунда янги солиқлар ёки янги харажатлар белгиланиши мумкин эмас. Италия парламентининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, бу мамлакатда янги харажатларни келтириб чиқарилган ёки олдингиларини кўпайтиришга қаратилган ҳар қандай

<sup>1</sup> Қаранг: Италия // Конституции мира. Т. 2. – Т., 1997. – С.317.

**бошқа қонунда бу харажатларни қоплаш воситалари кўрсатилиши шарт (Италия Конституцияси 81-моддасининг 4-қисми)<sup>1</sup>.**

Италия парламентининг ҳар бир палатаси давлат манфаатларига дахлдор масалалар бўйича текширув ўтказиши мумкин. Палаталар ана шу мақсадда ўз аъзолари ичидан турли фракцияларни намоён қиладиган мутаносибликда комиссия тузадилар. Бундай комиссия худди суд ҳокимияти каби ваколатлар ва чеклашларга эга бўлгани ҳолда текширувлар ўтказиши мумкин.

Италия Республикасининг Президенти қонунни тасдиқлагунича, асослантирилган равишда палаталар эътиборига тақдим этган ҳолда унинг янги муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиши мумкин. Агар палаталар қонунни такроран қабул қилсалар, Президент уни тасдиқлаши шарт бўлади.

Италия Конституцияси 75-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, агар 500 минг сайловчи ёки бешта вилоят кенгаши талаб қилса, қонун кучига эга бўлган ҳужжатни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш учун умумхалқ референдуми тайинланади. Депутатлар палатасини сайлашга чақириладиган барча фуқаролар референдумда иштирок этишлари мумкин.

Конституциянинг 76-моддасига мувофиқ, қонун чиқариш функциясини амалга ошириш ваколати ҳукуматга ҳам берилиши мумкин. Фақат бунинг учун ушбу ваколатни амалга ошириш принциплари ва мезонлари аниқлаб олиними, мазкур ваколат фақат маълум муддатга ҳамда маълум доирадаги масалалар бўйича берилиши лозим.

Италияда парламент аъзоларини ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ фикрлари учун таъқиб этишга йўл қўйилмайди. Парламентнинг ҳеч бир аъзоси ўзи мансуб бўлган палатанинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ўзи ёки турар жойи тинтув қилиниши, қамоққа олиними ёки бошқача тарзда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Қамоққа олиними шарт бўлган, жиноят жойида қўлга олинган, якуний ҳукм чиқарилган ҳоллар бундан мустасно.

XX асрнинг 80—90-йилларида собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида содир бўлган воқеалар парламент аҳамиятининг ошиши ва сиёсий маданиятда парламентаризм қадриятининг ривожланишига туртки берди. Бу фикрининг тасдиғини Иттифоқ парчала-

<sup>1</sup> Уша жойда. — 320-б.



ниб кетганидан кейин унинг худудида пайдо бўлган давлатларда бўлиб ўтган сайловлар тарихида, аҳолининг вакиллик давлат органларига қизиқиши ортиб бораётганлигида кўриш мумкин.

Парламентнинг ҳар қандай палатасини шакллантириш учун энг яхши усул тенг ҳуқуқли сайлов ўтказишдир. Ҳозирги кунда собиқ Иттифоқ худудида ташкил топган мустақил давлатларда ҳам парламентаризм сезиларли даражада ривожланиб бормоқда.

Масалан, **Россияда** парламент — Давлат Думаси ҳамда минтақавий қонун чиқарувчи органларга бўлиб ўтган сайловлар шуни кўрсатдики, парламентаризм, умуман олганда, бу мамлакатнинг ҳокимият тизимидан жой ола бошлади. Шу билан бирга, 90-йилларда Россиянинг қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатлар силлиқ кечмади. Бунинг боиси ижро этувчи ҳокимият органлари ўзининг таклифлари ва лойиҳаларини ҳамisha маъқуллаб турадиган парламент бўлишини истарди. Парламент эса ижро этувчи ҳокимиятни назорат қилишга қаратилган бир қатор молиявий ва назорат ваколатларига ҳам эга.

1995—1999 йиллардаги Давлат Думаси анча мустақил эди. Парламентнинг асосий қисмини ташкил этган Дума кўп масалаларда ижро ҳокимиятига ён бермас эди. Бу эса Россия парламентининг ҳокимиятлар тақсимланиши тизимида ўз ўрнини топиб бораётганлигини кўрсатади. Масалан, назорат қилиш ваколатлари бу мамлакат Конституциясида тўғридан-тўғри белгилаб қўйилмаган бўлса-да, уларни баъзи билвосита белгиларда кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда Россияда парламентнинг Федерация Кенгашини шакллантириш соҳасида ҳам изланишлар олиб борилаётир. Эндиликда Федерация Кенгашида доимий равишда ишлайдиган ва ҳақиқатан ҳам парламент иши билан шуғулланадиган Федерация Кенгаши аъзоларининг фаолият кўрсатаётганлиги ижобий аҳамиятга эга. Айни пайтда, Федерация Кенгашининг аъзолари ўзлари сайланган минтақалардан узилиб қолмаган. Бу ҳам муҳим ҳолатдир, чунки ушбу палата ҳақиқатан ҳам минтақаларнинг манфаатларини ва федерация муносабатларини акс эттириши керак.

Федерация Кенгаши ҳозирги кунга келиб, давлат тузилишида илгари амалда бўлган минтақалар раҳбарларининг йиғилишидан ҳақиқий парламент палатасига айланиб бормоқда,

дейиш мумкин. Бунда 1993 йилда қабул қилинган Конституциянинг ўрни муҳимдир. Унга кўра, Федерация Кенгашига уруш эълон қилиш ёки тинчлик сулҳи тузиш, Президентни лавозимидан четлаштириш каби ваколатлар берилган.

Доимий фаолият кўрсатадиган парламентга ўтиш Россияда ривожланиш соҳасида бир қатор иқтисодий, сиёсий, ижтимоий вазифаларни самарали бажаришга имкон беради. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Россия кўпроқ Германия тажрибасига асосланган бўлиши мумкин. Масалан, Германияда Бундесратга парламентнинг бир қисми сифатида қаралмасда, бу ерда ҳам яширин бикамерализм мавжуд дейиш ўринли бўларди, чунки Бундесрат ҳақиқатан ҳам алоҳида палатанинг функцияларини бажаради.

Россиянинг парламент тизими мантиқан шундай тузилганки, Федерация Кенгаши — минтақа вакиллигини, Давлат Думаси эса аҳоли вакиллигини, яъни сайловчилар маълум миқдорининг манфаатларини намоён этади. Бу Россия парламентаризмининг ўзига хос жиҳатидир.

Парламентлар таркибида уларнинг ўрнини босадиган органлар тобора кўпроқ тузилмоқда. Улардан баъзилари аллақачон маълум бўлса (масалан, парламентда доимий вакиллик институти Испанияда 1812 йилда пайдо бўлган эди, бу институт XX асрнинг 30-йилларида, сўнгра 1978 йилда яна Конституцияга киритилди ва эндиликда ўзгача изоҳланади), бошқа органлар уларнинг қиёфасини ўзгартириб юборадиган янги ваколатларга эга бўлмоқда, яна бошқалари эса фақат охириги ўн йилликлар ичида пайдо бўлди.

Бу органларнинг ваколатлари бир хил эмас. Баъзилари фақат ташкилий ва бошқа назорат масалалари бўйича парламентнинг ўрнини босса, бошқалари деярли барча масалаларда парламентни алмаштириши мумкин (ҳатто қонун чиқарувчи фаолиятни ҳам ҳисобга олган ҳолда, лекин маълум шароитларда, масалан, мамлакат мудофааси ҳолатида), учинчилари, вазият қандай бўлишидан қатъи назар, бундай ваколатларга эга. Таъбир жоиз бўлса, улардан баъзиларини тузилиши ва ваколатларига кўра кичик парламент деб аташ мумкин.

Масалан, Япония парламенти фаолиятида комиссияларнинг ишига катта аҳамият берилади. Комиссиялар икки турга, яъни доимий ва махсус комиссияларга бўлинади. Доимий комиссия-

лардан ҳар бири маълум соҳага жавоб беради ва ўзига берилган қонун лойиҳаларини ва бошқа масалаларни кўриб чиқади. Ҳозирги кунда Вакиллар палатасида — 18 та, Маслаҳатчилар палатасида эса 16 та доимий комиссия мавжуд. Доимий комиссияларнинг сони улар ваколати доирасидаги масалаларнинг муҳимлигига, шунингдек мазкур комиссия қайси палатага тегишли эканлигига боғлиқ. Вакиллар палатасида энг кўп сонлиси бюджет комиссияси ҳисобланади (50 киши), қолганларида 30—40 киши бор. Маслаҳатчилар палатасида бюджет комиссияси 45 кишини ўз ичига олган, бошқа комиссиялар таркибини 10—25 нафар депутат ташкил этади.

Ҳар бир палатада унинг учун жуда муҳим бўлган масалаларни ёки доимий комиссиялардан ҳеч бирининг ваколатига кирмайдиган масалаларни ўрганиш учун комиссиялар тузилиши мумкин. Бундай комиссиялар бир парламент сессияси муддати давомида ишлайди ва улардан ҳар бирини тузиш бўйича сессия иши бошланишидан олдин палата махсус қарор қабул қилиши керак бўлади.

Япония парламентининг яна бир хусусияти шундаки, ҳар бир депутат бир нечта комиссиянинг аъзоси бўлиши мумкин. Доимий комиссияларнинг аъзолари ўз мажбуриятларини депутатлик ваколатлари тугагунича бажаришлари лозим. Махсус комиссияларнинг аъзолари эса кўриб чиқиладиган масала палата томонидан ҳал қилинмагунича ўз ваколатларини бажараверадилар. Япония парламентининг мажлислари ёпиқ ҳисобланади. Унда бегоналарнинг қатнашишига фақат комиссия раисининг рухсати билан ижозат берилади. Бироқ депутатларнинг кўпчилиги талаб қилса, мажлис мутлақо ёпиқ деб эълон қилиниши ҳам мумкин.

Комиссиялар билан бирга, палаталарда котибият ва юридик бюро фаолият кўрсатади. Котибиятнинг асосий вазифаси палаталар фаолиятини техник жиҳатдан таъминлашдан иборат. Унга депутат бўлмаган, сайлаб олинмаган шахс раҳбарлик қилади. Қонунчилик бюроси қонун лойиҳалари, ўзгартишлар лойиҳалари, турли маълумотлар ҳамда палатада у ёки бу масалани кўриш давомида зарур бўлган бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, парламент таркибида унга қонун чиқариш ва назорат қилиш билан боғлиқ бошқа баъзи ваколатларни амалга оширишда ёрдам бериш учун тузилган

дастлабки органлар — доимий комиссиялар (қўмиталар), шунингдек вақтинчалик қўмиталар мавжуд. Доимий комиссиялар давлат бошқаруви тармоқларига мос равишда тузилган (масалан, халқаро муносабатлар, мудофаа, саноат ва ҳ.к.)

Англо-саксон ҳуқуқий тизимига асосланган **Буюк Британияда** тармоқ доимий комиссиялари билан бирга, лотин алифбоси ҳарфлари билан белгиланадиган комиссиялар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам қонун лойиҳаларини олдиндан кўриб чиқади-лар, сўнгра муҳокамалар натижаларини ва ўз тавсияларини парламентнинг ялпи мажлисларида маълум қиладилар.

Баъзи ҳолларда ҳар икки палатанинг бирлашган комиссияси фаолият кўрсатади (масалан, АҚШда). Доимий комиссия қонун лойиҳаларини муҳокама қилувчи (тегишли тавсиялар берувчи) орган бўлиб, палаталар мажбурий ялпи муҳокамасининг ўрнини босмайди. У қисман назорат органи ҳам ҳисобланади (масалан, тегишли вазирни маълумот бериш учун таклиф қилиши мумкин, лекин унга нисбатан мажбурият юкловчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас). Дунё парламентаризми тажрибасидан маълум бўлишича, одатда 20 га яқин доимий комиссиялар тузилади (масалан, Грецияда 20 тагача), лекин бундан кўп ёки кам бўлиши ҳам мумкин. Вақтинчалик комиссиялар (тергов, тафтиш ва шу каби комиссиялар) палаталарнинг алоҳида топшириқларини бажарадилар, топшириқни бажариб бўлгач, ўз фаолиятини тўхтатадилар.

Бир палатали парламентнинг доимий вакиллари (депутация) бошқа вазифани бажарадилар. Улар доимий (ҳар доим тузиладиган) комиссияларга қараганда камроқ тузилади ва унчалик кўп бўлмаган давлатларда, асосан испан ва португал тилида сўзлашувчи мамлакатларда шакллантирилади. Бундай органларнинг расмий номлари турлича.

Доимий вакиллар дейилиши билан бирга, конституцияларда улар вакиллик комиссиялари, доимий комиссиялар, доимий депутатлик комиссиялари деб ҳам номланади. Уларнинг номларидаги ўхшашлик бу органларни биз юқорида айтиб ўтган тармоқ доимий комиссиялари билан адаштириб юборишга олиб келмаслиги лозим.

Ҳозирги кунда доимий парламент вакиллари институти Мексикада (1917 йилги Конституцияга асосан), Португалияда (1976 йилги Конституцияга кўра), Испанияда (1978 йилги

Конституцияга биноан), Бразилияда (1988 йилги Конституцияга мувофиқ) ва бошқа мамлакатларда мавжуд.

Тармоқ доимий комиссияларидан фарқли равишда, доимий парламент вакиллари парламент палаталарининг ҳар бирида биттадан (масалан, Испанияда) тузиладиган ёки ҳар иккала палатанинг умумий органи (Бразилияда) ҳисобланмиш яхлит органлардир.

Комиссияларда фаолият кўрсатувчи парламент аъзоларининг сони баъзан конституцияларда аниқ қайд этилса (масалан, Мексика Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ, бирлашган доимий комиссия қуйи палатадан 15 нафар депутатни ва юқори палатадан 14 нафар сенаторни ўз ичига олади), баъзан тахминан белгиланади (Испанияда ҳар бир палатадан камида 21 киши), бошқа ҳолларда улар ҳатто тахминан ҳам белгилаб қўйилмайди (Бразилия Конституциясида).

Бундай органлар учун баъзи умумий қоидалар ҳам мавжуд. Амалиётда бундай доимий вакиллар сони палата ёки парламент аъзоларининг 1/10–1/15 қисмини ташкил этади. Бироқ доимий вакиллар сони конституцияда қайд этилмаган мамлакатларда улар сони турли йиллардаги ва ҳатто турли сессиялар орасидаги маълумотларда ҳам ўзаро фарқ қилади, чунки доимий вакиллар ҳар бир сессияда сайланиши мумкин. Хусусан, улар парламент сессиясининг ёпилиши ва парламент аъзоларининг таътилга кетиши олдидан тузилиши зарур бўлиб, уларнинг таркиби кичрайтирилган кўринишда парламент фракцияларини ва мустақил депутатларни (мабодо улар палатада мавжуд бўлса) мутаносиб равишда намоён этиши керак.

Кўп ҳолларда сўнги талаб конституциявий тусга эга бўлади (масалан, Португалия Конституциясининг 82-моддаси), башарти бундай норма конституцияда мавжуд бўлмаса (буни Мексика мисолида кўриш мумкин), мазкур талаб Жентельменлар битими деб номланмиш келишувга биноан амалга оширилади.

Доимий вакилларнинг ваколатлари деярли бир хил қилиб белгиланган. Улар парламент таътили вақтида унинг узлуксиз ишлашини таъминлаши керак. Шу боис доимий вакиллар фавқулодда ҳолатларда парламент сессияларини чақиритишлари, депутатларнинг иммунитетига оид масалаларни ҳал қилишлари мумкин.

Баъзи мамлакатларда доимий вакиллар ҳукумат чиқарган қонун ҳужжатларини назорат қилишлари ва ҳатто уларни кон-

ституциявий эмас, деб эълон қилишлари мумкин (масалан, Испанияда). Португалияда доимий комиссия (унинг таркибига фракциялар улар сонига мутаносиб равишда тайинлаган депутатлар билан бирга, парламент раиси ва унинг ўринбосарлари киради) ҳукумат фаолиятини назорат қилади, депутатнинг мандатига нисбатан парламент ваколатларини амалга оширади, сессия чақирилишга кўмаклашади, башарти зарурат туғилса, президентнинг мамлакатда бўлмаслигига розилик беради, президентнинг қамал ёки фавқулодда ҳолат, уруш ёхуд сулҳ эълон қилишига розилик беради, бироқ айтилган пайтда бу вакиллар энг қисқа муддатларда парламент сессиясини чақиришлари шарт.

Масалан, **Мексикада** бундай орган тегишли штат ҳудудидан ташқарида миллий гвардияни (штатнинг полиция асосидаги ҳарбийлашган тузилмасини) қўллашга розилик бериши; президент ўз лавозимини бажаришга киришаётганида унинг қасамёдини, федерал округ Олий суди аъзоларининг қасамёдини қабул қилиши мумкин, шунингдек бу орган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини қабул қилади; навбатдан ташқари сессияларни чақиради (бунинг учун мажлисда қатнашаётган доимий комиссия аъзолари умумий сонининг 2/3 қисми рози бўлиши керак); президентга 30 кунгача таътил беради ва мазкур муддат ичида президент мажбуриятларини бажарувчи шахсни тайинлайди (Мексикада вице-президент лавозими мавжуд эмас); Мексика Конституциясининг 79-моддасига мувофиқ, президентнинг баъзи олий дипломатик ва ҳарбий лавозимларга шахсларни тайинлаш ҳақидаги фармонларини тасдиқлайди.

Юқорида айтиб ўтилган мамлакатларнинг барчасида доимий комиссия ўзи қабул қилган қарорлар ҳақида парламентга унинг яқин орада бўладиган йиғилишида хабар қилиши ва парламент олдида ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериши лозим. Парламент ушбу комиссиянинг қарорини ҳар қачон бекор қилишга ҳақли.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, доимий вакиллар асосан жорий ташкилий ишлар билан шуғулланадилар. Улар асосий соҳада, яъни қонун чиқарувчилик фаолиятида парламентнинг ўрнини босишга ҳақли эмасдирлар. Доимий вакиллар комиссияси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, айниқса қонун кучига эга актлар чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Бунинг учун баъзи давлатларда бошқа органлар тузилган бўлиб, қуйида уларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Доимий депутатлар комиссияси тузиш ҳақидаги гоя, чама-си, анча ўзгарган шаклда тоталитар социализм мамлакатларида қабул қилинган эди. Уларда парламентларнинг доимий фаолият кўрсатадиган коллегиял органлари тузилган бўлиб, улар олий давлат ҳокимияти органи сифатида қараларди. Бундай мамлакатларнинг конституцияларида олий вакиллик органи президиумини тузиш назарда тутилган эди. Масалан, собиқ Иттифоқда — СССР Олий Совети Президиуми, Венгрияда — Республика президиуми, Болгарияда — Давлат кенгаши кабилар шулар жумласидандир (Кубада ҳозир ҳам шундай кенгаш мавжуд).

Агар парламентлар икки палатали бўлса, бундай орган ҳар иккала палата учун ягона эди (буни собиқ СССР, Чехословакия, Югославия мисолида кўриш мумкин). Унинг таркиби парламент томонидан сессия охирида эмас, балки унинг бошланишида, сессия даври учун эмас, балки олий вакиллик органи ваколатларининг бутун муддатига сайланар эди. Давлат ҳокимиятининг доимий фаолият кўрсатувчи олий органлари парламент фракциялари вакиллигидаги мутаносиблик принципага кўра эмас (бундай фракциялар собиқ ГДР ва Польшадагина мавжуд эди), балки депутатлар томонидан ҳокимиятдаги коммунистик партиялар марказий комитетлари тавсия этган шахслар орасидан тузиларди.

Ҳозирги кунда депутатлар доимий комиссияси, гарчи ўзаро биров фарқ қилса-да, асосий белгилари жиҳатидан ўхшаш бўлиб, Хитой, КХДР, Вьетнам ва Кубада фаолият кўрсатади. У Бразилия, Испания, Мексикадаги доимий депутатлар комиссиясига қараганда кенгроқ ваколатларга эга. Бундай орган олий вакиллик органининг сессиялари орасида вазирлар (лекин ҳукумат раиси эмас), Олий суд аъзолари, Бош прокурор ҳамда бошқа олий ҳарбий ва фуқаролик лавозимидаги шахсларни тайинлаши ва алмаштириши мумкин.

Бундай органларнинг баъзилари фуқароликдан маҳрум қилиш, уруш ҳолати эълон қилиш, дипломатик вакилларни тайёрлаш, орденлар ва медаллар билан тақдирлаш, олий ҳарбий унвонлар бериш, фавқулодда ҳолат жорий этиш каби ҳуқуқларга эга бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Лекин, энг асосийси, улар қонун кучига эга норматив ҳужжатлар (масалан, декретлар, фармонлар, декрет-қонунлар ва ҳ.к.) чиқаришлари мумкин эди. Хитойда Бутунхитой халқ депутатларининг

доимий қўмитаси ҳатто «хусусий қонунлар» (хусусий масала-лар бўйича қонунлар) чиқаришга ҳам ҳақли. Лекин, аслида, бундай органлар қонунлар қабул қила олмайди. Кубанинг 1976 йилги Конституциясига мувофиқ, Давлат кенгаши олий вакиллик органи бўлмиш Халқ ҳокимияти миллий кенгашининг ваколатларини унинг сессиялари орасида амалга оширишга фақат ҳақлигина эмас, балки мажбур ҳамдир.

Бу борада муайян чеклашлар ҳам бўлиб, улар сўнгги ўн йиллик ичида тоталитар социализм мамлакатлари конституцияларида ифодалана бошлади. Бундай органлар конституцияга ўзгартиш кирита олмайдилар, давлат бюджетини, истиқболга мўлжалланган халқ хўжалиги режаларини ўзгартиришга ва фақат олий вакиллик органи ваколатигагина кирадиган бошқа баъзи ваколатларни бажаришга ҳақли эмас. Амалда бундай органлар парламентнинг ўрнини эгаллаган эди. Қонунлар кам қабул қилинар, сессиялар кам чақирилар ва қисқа бўларди (бир неча ҳафта ва ҳатто бир неча кун), норматив тартибга солишда парламентнинг доимий амал қиладиган олий органлари кўплаб фармонлар, ҳукумат эса кўплаб қарорлар чиқарарди. Бу ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган социалистик мамлакатларда мавжуд (гарчи уларнинг деярли барчасида демократия томон қадам ташланган бўлса ҳам).

Парламентнинг мамлакатни мудофаа қилиш шароитида тузиладиган доимий органлари янада кўпроқ вазифаларга (лекин маълум муддатда) эга эдилар. Бундай органларнинг тузилиши Германиянинг 1949 йилги конституциясига 1968 йилда киритилган ўзгартиришлар билан назарда тутилган. Швецияда ҳам ана шундай органларни тузиш назарда тутилган. Германияда мудофаа шароитларида ишлайдиган доимий орган Асосий қонун нормаларига асосан тузилиб, Бундестаг (парламент қуйи палатаси) аъзоларининг 2/3 қисми ҳамда Бундесрат (парламент юқори палатаси) аъзоларининг 1/3 қисмидан ташкил топади.

Швецияда ҳам мана шундай шароитларда Риксдаг (парламент)нинг ваколатларини ҳарбий комиссия амалга оширади. У парламент раиси (бу ерда парламент бир палатали) ва Риксдаг аъзоларининг 50 нафаридан ташкил топади ҳамда Риксдаг томонидан сайланади. Уруш вақтида ёки уруш келиб чиқиш хавфи мавжуд бўлганида ҳарбий комиссия Риксдагнинг «ўрнини босиши» мумкин. Лекин у конституцияни ўзгартириши, сай-



ловлар тўғрисидаги қонунларни ва Риксдагнинг ўзи ҳақидаги қонунни ўзгартириши мумкин эмас.

Мудофаа ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда парламентнинг ўрнини босиши мумкин бўлган органлар қонун чиқарувчи доимий комиссиялардир (Бразилияда — доимий комиссиялар, Италияда — ҳал қилувчи комиссиялар, Грецияда — парламент секциялари ва ҳ.к.). Доимий қонун чиқарувчи комиссияларнинг ташкилий шакли ҳамма жойда бир хил эмас. Масалан, Грецияда 1975 йилги Конституциянинг 68, 70—71-моддаларига мувофиқ, парламентнинг иккита қонун чиқарувчи секцияси тузилади. Унинг таркиби бир палатали парламентнинг йиғилишида овоз бериш йўли билан аниқланади. Лекин секциялар ҳамма масалалар бўйича ҳам қонунлар (қонун кучига эга ҳужжатлар) қабул қилавермайди. Секцияларнинг қарорлари ҳар бир секция аъзолари умумий сонининг 2/5 қисми овози олингандагина қабул қилинган ҳисобланади.

Бошқарувнинг парламентар монархия шаклида (одатда бундай бошқарув юксак даражада ривожланган Буюк Британия, Япония, Голландия, Швеция, Канада, Австралия каби давлатларда мавжуд) парламентнинг устунлиги шунда намоён бўладики, одатда монарх тайинлайдиган ҳукумат парламент (қўйи палата)нинг ишончига сазовор бўлиши керак. Монарх эса ҳукумат раҳбари этиб қўйи палатада кўпчилик ўринни эгаллаган партиянинг раҳбарини тайинлашга мажбур.

Парламент монархиясининг асосий белгиси ҳукуматнинг ўз фаолияти учун парламент (қўйи палата) олдидаги сиёсий жавобгарлигидир. Бордию, қўйи палата ҳукуматга ишонмаса ёки ишонч билдиришни рад этса, ҳукумат истеъфога чиқиши ёки монарх уни вазифасидан озод қилиши керак. Лекин кўпинча бу ваколат ҳукуматнинг монархга парламентни тарқатиб юбориш ва янги сайловлар ўтказишни таклиф қилиш ҳуқуқи билан мувозанатга солиб турилади.

Бундан кўзланган мақсад халқнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги низони ҳал қилишига эришишдир. Агар халқ ҳукуматни қўллаб-қувватласа, сайловлар натижасида парламентда ҳукумат тарафдорларининг сони кўпаяди, мабодо сайловчилар ҳукуматдан норози бўлса, қўйи палата таркиби ҳам тегишлича бўлади ва ҳукумат алмаштирилади. Монарх, парламент ва ҳукумат ўртасидаги бундай муносабатлар тизими парламентар режим ёки парламентаризм деб номланади.

Парламентар монархия ҳисобланувчи **Испанияда** қонун чиқарувчи ҳокимиятни Бош кортеслар (парламент) амалга оширади. У икки палатали бўлиб, депутатлар конгресси ҳамда сенатдан ташкил топган. Депутатлар конгресси камида 300, аммо кўпи билан 400 нафар депутатдан ташкил топади. Конгресс депутатларини аҳоли тўғридан-тўғри яширин овоз бериш орқали 4 йил муддатга сайлайди. Сенат эса мажоритар тартибда халқнинг яширин овоз бериши орқали 4 йил муддатга сайланади. Испания Конституцияси 66-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, унинг бюджетини қабул қилади, ҳукумат фаолиятини назорат қилади ва Конституцияда белгиланган бошқа ваколатларини амалга оширади.

Испания Конституциясининг 3-моддасига мувофиқ, Бош кортеслар дахлсиздир. Бу мамлакат Конституциясига мувофиқ (67-модданинг 3-қисми) парламент аъзоларининг чақириқсиз ва регламентсиз ўтказилган йиғилишлари палаталар ташкил қилмайди, ўз функцияларини амалга ошириши ва имтиёзлардан фойдаланиши мумкин эмас. Парламентга сайловлар ҳар бир округда мутаносиб вакиллик асосида ўтказилади. Палаталар навбатдаги сессияларига йилига икки марта: дастлаб сентябрдан декабргача, иккинчи марта —февралдан июнгача йиғиладилар.

Испанияда палаталар ҳукумат, доимий комиссия ёки ҳар қандай палата депутатлари мутлақ кўпчилигининг илтимосига биноан фавқулодда сессияга йиғилишлари мумкин. Палаталар доимий комиссияларга қонун лойиҳаларини ва қонунчилик бўйича таклифларни қабул қилиш ваколатини беришлари мумкин (Испания Конституцияси 75-моддасининг 2-қисми). Лекин палата истаган вақтида ўз йиғилишида комиссия кўриб чиққан қонун лойиҳасини муҳокама қилишни талаб этиши мумкин.

Палаталарнинг талабига кўра, палатага келиш мажбурий бўлиб, қонун бу талаб бажарилмаганлиги учун жавобгарликни назарда тутади. Мандатлар муддати тугагач ёки палаталар тарқатиб юборилган ҳолларда, депутатлар доимий комиссиялари янги Бош кортеслар чақирилгунича ўз функцияларини бажаришда давом этадилар. Испанияда қонунчилик ташаббуси, Конституция ва палаталарнинг регламентларига мувофиқ, ҳукуматга, Конгрессга ва Сенатга тегишлидир.

Сенат кўриб чиққан қонун лойиҳалари белгиланган инстанциялардан ўтиб муҳокама қилиниши учун Конгрессга юбори-

лади. Қонун депутатлар Конгрессида маъқулланганидан кейин унинг раиси Сенат раисига дарҳол хабар беради, Сенат раиси эса қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун ўз палатасига юборади. Сенат қонун матни олинган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида асосланган ҳолда унга вето қўйиши ёки матнга ўзгартишлар киритиши мумкин. Вето овозларнинг мутлақ кўпчилиги билан қабул қилиниши керак. Вето қўйилган ҳолларда Қирол лойиҳани маъқуллаши учун дастлабки матн Конгрессда овозларнинг мутлақ кўпчилик овози билан ёки лойиҳа таклиф қилинганидан икки ой ўтганидан кейин овозларнинг оддий кўпчилиги билан тасдиқланиши талаб қилинади ёхуд Конгресс овозларнинг оддий кўпчилиги билан ўзгартишларни қабул қилган-қилмаганлиги ҳақида баёнот бериши лозим бўлади.

**Францияда** ҳар иккала палата ўз ишига раҳбарлик қилиши учун бюро тузиб олади. Бюрога палата раҳбари билан бирга раис ўринбосарлари, котиблар ва квесторлар киради.

Франция парламентининг ҳар бир палатасида олтитадан доимий комиссия тузилади. Улар палаталарга қонун лойиҳалари ва таклифлар тайёрлаб берадилар. Парламентнинг ҳар бир депутати бирор комиссия таркибига кириши шарт. Шунингдек, палаталар махсус комиссиялар ҳам тузишлари мумкин (масалан, парламент иммунитетидан маҳрум қилиш мақсадида). Францияда қонунчилик ташаббуси бош вазир ва парламент аъзоларига тегишли. Бош вазир — қонун лойиҳаларини, парламентарийлар эса қонун хусусидаги таклифларини киритишлари мумкин. Қонун лойиҳаси аввалига Давлат кенгашида кўриб чиқилади, кейин Вазирлар кенгашида муҳокама қилинади, сўнгра палаталардан бирининг бюросига жўнатилади. Бунда молиявий қонунларнинг лойиҳалари аввало Миллий кенгашга жўнатилади.

Палата қабул қилишни рад этган қонун бўйича таклиф лойиҳалари камида бир йилдан кейин қайта киритилиши мумкин. Қонун лойиҳаси ёки қонун бўйича таклифлар киритиш учун палата ўз мажлисига йиғилади. Унинг бундай мажлислари очик ҳисобланади.

**Швейцарияда** ҳам парламент икки палатали бўлиб, унинг қуйи палатасини — Миллий кенгаш, юқори палатасини — Кантонлар кенгаши ташкил қилади.

Ҳар иккала палата ҳам конфедерация ваколатларига кирадиган масалаларни кўриб чиқиши лозим. Агар бирор масала бу

мамлакат Конституциясида бошқа федерал органнинг ваколатига киритилмаган бўлса, ўз-ўзидан федерал кенгашнинг ваколатига тегишли ҳисобланади. Федерал кенгаш конфедерация маъмурияти ва одил судловни амалга ошириш борасида олий назорат олиб боради, федерал ҳокимиятлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилади.

Швейцарияда палаталарнинг ташкил этилишидаги хусусият шундан иборатки, улар доимий раисларига эга эмас. Ҳар бир палата ҳар бир навбатдаги ёки навбатдан ташқари сессия учун ўз президенти ва вице-президенти сайлаб олади. Миллий кенгашда унинг олдинги сессиясида президент этиб сайланган аъзоси президент ҳам, вице-президент ҳам бўлиши мумкин эмас.

Кантонлар кенгашида, шунингдек Миллий кенгашда ҳам унинг президентининг овози, башарти бирор масала бўйича овоз беришда овозлар сони тенг бўлиб қолса, ҳал қилувчи ҳисобланади. Сайловлар пайтида палата президенти ҳам ҳар қандай бошқа парламент аъзоси каби сайлов ҳуқуқига эга бўлади.

Швейцария парламентининг палаталарида ҳам доимий комиссиялар тузилади. Ҳар бир палата масалаларни муҳокама қилишни ўз мажлисларида бир-биридан мустақил ҳолда амалга оширади. Лекин баъзи ҳолларда палаталар Миллий кенгаш президентининг раҳбарлиги остида биргаликда мажлис ўтказишлари мумкин. Булар қуйидаги ҳоллардир:

- мансабдор шахсларни сайлаш;
- афвни амалга ошириш масаласи;
- ваколат тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш.

Швейцария Конституциясига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳар иккала палатага ва ҳар иккала палатанинг ҳар бир аъзосига тегишлидир. Федерал кенгаш аъзолари палаталарда маслаҳат овозига ва муҳокама қилинаётган масалалар бўйича таклиф киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Швейцария қонунчилик жараёнига қонун лойиҳаларини парламентдан олдин тайёрлаш хос бўлиб, у ўз ичига бир неча босқични олади. Аввалига қонуннинг дастлабки лойиҳаси тайёрланади. Ҳукумат комиссияси ёки маъмурият вакиллари ва экспертлардан ташкил топган аралаш комиссия бу ҳужжатни кўриб чиқади. Кейин ишга кантонлар, партиялар, қасаба уюшмаларининг манфаатларини ифодалайдиган экспертлар комиссияси жалб қилинади. Кейинги босқичда Федерал кенгаш билан

маслаҳатлашилади, лойиҳа кантонларга ҳамда муаммога алоқаси бўлган партиялар ва бошқа ташкилотларга жўнатилади.

Лойиҳа парламентда кўриб чиқилишидан олдин келишувлар, мувофиқлаштиришлардан иборат узоқ жараёни босиб ўтади. Тақдим этилган қонун лойиҳаси аввал тегишли палатанинг тегишли комиссиясига, сўнгра партия фракцияларига топширилади. Улар ўз таклифларини берадилар. Палаталарда унга ўқиш бўлиб ўтади, дастлаб келиб тушган қонун лойиҳаси баҳоланади, сўнгра батафсил муҳокамадан ўтказилади, охирида умумий овоз бериш амалга оширилади. Бир палатада маъқулланган ҳужжат иккинчисига берилади. Агар қонун лойиҳаси юзасидан палаталарнинг келишувига эришилмаса, келишув конференцияси чақирилади. У ҳар иккала палатанинг қонун лойиҳасини тайёрлаган комиссияларидан ташкил топади.

**Қозоғистон Республикасининг** парламентаризми тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, бу ерда қонун чиқарувчи ҳокимият — икки палатали Парламент. У қонун чиқариш функциясини амалга оширади.

Парламент палаталари доимий асосда фаолият кўрсатадиган Сенат ва Мажлисдан иборат. Сенат депутатларининг ваколат муддати — 6 йил, Мажлис депутатларининг ваколат муддати эса—5йил («Қозоғистон Республикасининг Парламенти ва унинг депутатларининг мақоми тўғрисида»ги конституциявий қонун, 1995 йил 16 октябрь). Қозоғистон Республикасида парламент депутати айна вақтнинг ўзида ҳар иккала палатанинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Парламент депутатлари унинг ишида иштираётган этишлари шарт эканлиги республика Конституциясида белгилаб қўйилган.

Палаталарга уларнинг раислари раҳбарлик қилади. Ҳар иккала палатанинг раиси палата аъзолари таркибидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайлаб олинади.

Қозоғистон парламентининг сессиялари палаталарнинг алоҳида ва биргаликдаги йиғилишлари шаклида бўлиб ўтади. Парламент сессиялари ҳар йили бир марта сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб, июнь ойининг сўнгги иш кунигача бўлиб ўтади. Парламент сессияларини республика Президенти очади ҳамда Сенат ва Мажлиснинг биргаликдаги йиғилишларида ёпади.

**Сессиялар** оралиғидаги даврда республика Президенти ўз ташаббуси билан, палаталар раисларининг таклифига кўра ёки парламент депутатлари умумий сонинг камида учдан бир қисми овозига кўра палаталарнинг навбатдан ташқари биргаликдаги йиғилишини чақирishi мумкин. Бунда фақат мазкур сессияни чақирishга асос бўлган масалаларгина кўриб чиқилади.

Палаталар доимий комиссияларни ташкил қилади. Бу комиссияларнинг сони ҳар бир палатада еттитадан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қозоғистонда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи парламент депутатлари ва республика ҳукуматига тегишли бўлиб, ҳеч бир истисносиз фақат Мажлисда амалга оширилади. Республика парламенти асос бўлувчи принциплар ва нормаларни белгилаб берадиган, муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонунлар чиқариши мумкин.

Кўйи палатада кўриб чиқилган ва Мажлис депутатларининг кўпчилик овози билан маъқулланган қонун лойиҳаси Сенатга юборилади. Сенатда қонун лойиҳаси 60 кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида кўриб чиқилиши керак. Сенат депутатларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган лойиҳа қонунга айланади ва ўн кун муддат ичида имзолаш учун Президентга тақдим этилади.

Агар қонун лойиҳаси Сенат аъзоларининг кўпчилик овози билан рад қилинса, лойиҳа Мажлисга қайтарилади. Агар Мажлис депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми овози билан лойиҳани яна маъқулласа, лойиҳа Сенатга қайта муҳокама қилиш ва овоз бериш учун юборилади. Такроран рад қилинган қонун лойиҳаси шу сессия давомида яна кўриб чиқиш учун қўйилмайди.

Қонун лойиҳасига Сенат депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, Мажлисга жўнатилади. Агар Мажлис депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан таклиф қилинган ўзгартишлар ва қўшимчаларга розилик билдирса, қонун қабул қилинган ҳисобланади.

Парламент қабул қилган қонун ҳужжатларига республика Президенти имзо чекади ва бутун республика ҳудудида мажбурий кучга эга бўлади.

Қозоғистон Республикасининг Президенти қуйидаги ҳолларда парламентни тарқатиб юборishi мумкин:

— парламент ҳукуматга ишончсизлик вотуми билдирганида;

— парламент икки маротаба бош вазирни тайинлашга розилик бермаганида;

— парламент палаталари ёки парламент ва ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ўртасида баргараф этиб бўлмас зиддиятлар юзага келганида.

Қозоғистон Республикаси Конституцияси 63-моддасининг 2-қисмига биноан, парламент фавқулодда ҳолат ёки уруш ҳолати даврида, Президент ваколатларининг сўнгги олти ойи мобайнида, шунингдек олдинги тарқатиб юборишдан сўнг бир йил ичида тарқатилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Биз юқорида кўриб ўтган хорижий мамлакатлар парламентлари фаолиятидаги ижобий тажрибалар ана шулардан иборат. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиб бораётган, республикамизда фуқаролик жамияти ва демократик давлат асослари шакллантирилаётган ҳозирги кунда улардан фойдаланиш мумкин.

### **1.3. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси: ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва ваколатлари**

Ўзбек миллий тили хусусиятидан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис деб номланган парламентимиз ижтимоий ривожланишимизнинг ҳозирги босқичида сиёсий тизимда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ўз вақтида сифатли ва мукамал қонунлар билан таъминлади. Жамият сиёсий тизимини демократлаштириш, давлат ҳокимиятини ваколатлар тақсимланиши принципи асосида ташкил этиш, судлар мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш устунлигини таъминлаш каби тадбирлар Олий Мажлиснинг жўшқин фаолияти натижасида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди. Дастлаб халқимизнинг жаҳон миқёсида тан олинган умумдемократик манфаатларини ўзида мужассам этган ҳужжат — Конституция қабул қилинди. У инсонни улуғловчи, унинг манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи ва ҳимояловчи конституциялардан бири сифатида хорижий экспертлар томонидан юксак баҳоланди ва тан олинди.

<sup>1</sup> Қаранг: Конституции мира. Т. 1. — С.373.

Конституция деганда, кўз ўнгимизда инсоннинг яшаш манбаи, жамиятдаги ўрнини белгилаб берувчи ҳужжат гавдаланади. Ҳуқуқий давлат сари ташланадиган қадамлар конституциядан бошланади. Шунинг учун конституция ҳуқуқий давлатнинг, фуқаролик жамиятининг мазмуни ва моҳиятини очиб берди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «...бу Конституция мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатни бошқаришда инқирозга юз тутган ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимидан эркин иқтисодиётга ўтишни таъминлади, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислоҳотларни амалга оширишда ишончли қонунчилик негизи ва ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда»<sup>1</sup>. Конституция асосида ўзбек халқининг манфаатларини ифода этган 400 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Тараққиётнинг умумий асосларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда улар ижтимоий ҳаётда ўзининг тўлатуқис самарасини бермоқда.

Парламент институтининг асосий моҳияти қонун ижодкорлигида кўринар экан, Олий Мажлиснинг иккита чақириқ давомидаги фаолиятини юксак баҳолаш мумкин. Чуқур синовларга бой бу даврни ҳуқуқий таъминлашнинг ўзидаёқ тажрибасизлик натижасида аянчли хатолар келиб чиқиши мумкин эди. Аммо парламентимиз бу даврни ўзининг сермазмун фаолияти билан жадал босиб ўтди. Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш юзасидан замон олдимизга янгидан-янги вазифаларни кўяди.

Шу маънода, «бугун эзгу мақсадимиз — мамлакат тараққиёти ва фаровонликка эришишининг ягона йўли—бу фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислоҳотлар йўлидаги олға интилиш»<sup>2</sup>. Мамлакатимиз истиқболи ва сиёсий тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш жамиятни демократлаштиришнинг марказий вазифаларидан биридир. Бунда конституциявий нор-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. — Т., 2003. — 215-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда. — 216-б.



малар ва қоидалар, шунингдек фуқаролар ҳуқуқларини конституциявий ҳимоялаш механизми билан боғлиқ жамият ва ҳокимият муносабатларида тарихан юзага келган шакллар ва анъаналар мавжудлигига эътибор қаратмоқ лозим<sup>1</sup>.

Булар билан бир қаторда, парламент томонидан қонун яратишга ўзига хос ёндашишлар, қонунчилик актларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг ўз хусусий механизмлари бунёд этилдики, улар жамиятни қонунлар ёрдамида бошқаришнинг янги йўналишларини шакллантиришга қаратилгандир. Айнан қонун жамоатчилик ҳаёти ва ижтимоий муносабатларнинг асосий тартибга келтирувчиси ва бошқарувчисига айланди. Мамлакат парламентининг энг муҳим вазифаси мустақил давлатнинг устувор йўналишлари, унинг миллий манфаатлари ва мамлакатда чуқур демократик ўзгаришлар ясаш йўлидаги ҳозиржавоб қонунчилик таъминоти билан боғлиқ<sup>2</sup>.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. У икки палатадан иборат бўлиб, қуйи палата – Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 120 нафар депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

Икки палатали парламентга сайловлар амалдаги парламентга ўтказилган сайловлардан ўзининг мураккаблиги, демократиклиги, халқчиллиги ва легитимлиги билан фарқ қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунда белгиланганидек, энди депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари, фуқаролар, сиёсий партиялар эга бўлдилар. Бу халқнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиши ва амалга оширишидаги муҳим мезондир. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб, у сиёсий партияларга уюшиш орқали бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклларида фойдаланади. Натижада давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи органи халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда фаолият юритиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

<sup>1</sup> Қаранг: *Бобоев Қ., Қаҳҳоров А.* Демократик Конституциянинг ижтимоий-ҳуқуқий қирралари. – Т., 2000. – 7–8-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда. – 20-б.

Аммо ҳозирги кунда сиёсий партияларимиз жаҳон сиёсий демократик андозаларидан биров узоқ, яъни уларда реал воқеликни, қатъий вазифаларни кўзлаган ҳолда иш юритиш жараёни суст кечмоқда.

Шу боис фуқаролар ўтказилаётган сайловларда сиёсий партиянинг дастури ва мақсадини кўзлаб эмас, депутатликка номзод шахснинг манфаатини ифодалаб овоз берадилар. Чунки партиялар реал ижтимоий гуруҳнинг манфаатини ифода этмаган. Шунинг учун фуқаро партия борлигига ёки йўқлигига ҳам қизиқмайди. Унинг дастурлари билан танишмайди. Бунинг натижасида сайловларнинг демократиклигига, вужудга келадиган ҳокимиятнинг асосий муаллифи халқ эканлигига фуқароларда шубҳа уйғонади.

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати — беш йил. Ваколат муддати тугагач, у янги Қонунчилик палатаси иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунига қадар 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

Фикримизча, доимий фаолият кўрсатадиган қўйи палата — Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатаётган сиёсий партиялар малакали юристлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва бошқа мутахассисларнинг номзодини сайловга қўйсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси ҳисобланмиш ҳудудий вакиллик палатаси Сенат деб номланади. Сенаторлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — 6 кишидан сайланади.

Юқори палатанинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонун (5-модда) // Халқ сўзи. — 2002. — 27 дек.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 6-м.

алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади<sup>1</sup>.

Бугун миллий парламент тизимига киритилаётган янги институт – Сенатни шакллантириш, дарҳақиқат, мураккаб жараёни талаб этади. Сенатга сайловлар Қонунчилик палатасига бўладиган сайловлардан бирмунча фарқланади.

Таъкидлаш жоизки, парламентимиз тизимида Сенатнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципини янада мустаҳкамлайди. Ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари билан бир қаторда, бевосита парламентнинг ҳар икки палатаси ўртасида институционал мустақиллик вужудга келади. Бу Конституцияга киритилган тегишли янги қоидаларда инобатга олинди: Сенатнинг конституциявий модели шакллантирилди.

Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда ҳозир бўлган депутатларидан 50 фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади<sup>2</sup>.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги конституциявий қонун (2-модда) // Халқ сўзи. – 2002. – 28 дек.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун (янги таҳрир). (51–56-моддалар) // Халқ сўзи. – 2003. – 3 окт.

Ваколатларнинг тақсимланиши нуқтаи назаридан ҳам янгича конституциявий жараён амалга ошириладиган бўлди. Парламент ваколатларини конституциявий асосда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

*Биринчи гуруҳ* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тuzилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

10) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланади;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 78-модда).

*Иккинчи гуруҳ* Қонунчилик палатасининг қуйидаги мутлақ ваколатларини қамраб олади:

1) Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 79-модда).

*Учинчи гуруҳ* Олий Мажлис Сенатининг қуйидаги мутлақ ваколатларини ўзида мужассам этган:

1) Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раисларини ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 80-модда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан мансабдор шахсларни Сенат томонидан сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг умумий ва ҳар икки палатанинг алоҳида иш тартиблари мамлакатимизнинг Асосий қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низоми билан белгиланади.

Олий Мажлис иш фаолиятининг шаклини унинг мажлислари ташкил этади. Олий Мажлис фаолиятида ўтказиладиган мажлисларни шартли равишда бир қанча қисмларга бўлиш мумкин. Қуйида уларга батафсил тўхталамиз.

**1. Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари.** Олий Мажлиснинг Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси ўз фаолияти давомида қонун асосида қўшма мажлислар олиб боришади. Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикасининг Президенти қасамёд қилганида, Ўзбекистон Республикасининг Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганида, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганида очик ва ошкора ўтказилади.

Палаталарнинг келишувига мувофиқ, қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қиладилар.

Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари асосида палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади<sup>1</sup>.

**2. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси.** Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли унинг Қонунчилик палатаси сессиялари давомида ўтказиладиган мажлисларидир. Навбатдаги сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошланиб келгуси йил июнь ойининг охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади. Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Қонунчилик палатаси Спикери сайлангунига қадар унда раислик қилади.

Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раиси, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳужалик судининг раислари, Бош прокурор иштирок этишлари мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисига давлат органлари ва нодавлат ношароит ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин. Палата мажлислари очик ва ошкора ўтказилади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги конституциявий қонун (11-модда) // Халқ сўзи. — 2002. — 28 дек.



Зарурат туғилганида, Қонунчилик палатаси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Палата мажлисларини ташкил қилиш ҳамда ўтказиш тартиби палата Регламентида белгиланади<sup>1</sup>.

**3. Олий Мажлис Сенатининг мажлиси.** Сенат фаолиятининг ташкилий шакли — унинг мажлислари. Сенат мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади. Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади. Сенатнинг биринчи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Сенат Раиси сайлангунига қадар унда раислик қилади.

Сенатнинг навбатдан ташқари мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раисининг таклифига биноан ёки Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисми таклифига биноан чақирилиши мумкин. Фақат Сенат мажлисларида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари маъқулланади ҳамда Сенат ҳужжатлари қабул қилинади.

Сенат ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Қонунчилик палатасининг Спикери, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг раислари, Бош прокурор иштирок этишлари мумкин.

Сенат мажлисига давлат органлари ва нодавлат ноғижорат ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Сенат мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади. Зарурат бўлганида, Сенат ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Сенат мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонуни (10-модда) // Халқ сўзи. — 2002. — 27 дек.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги конституциявий қонун (10-модда) // Халқ сўзи. — 2002. — 28 дек.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламентида депутатларнинг фракциялари ва блоклари тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланган. Фракциялар ва депутатлар блокларини ташкил этиш фақат Қонунчилик палатаси тизимида амалга оширилади. Давлат ҳуқуқи фанида фракция ва депутатлар гуруҳи умумий номда депутатлар бирлашмалари деб аталади.

Қонунчилик палатасининг депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосларда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклидаги депутатлар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақли. Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли. Депутатлар бирлашмаларининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби «Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунда белгиланган.

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак. Қонунчилик палатасининг мажлисида фракция ва депутатлар гуруҳининг раҳбари ёки бошқа вакили тегишинча фракция ёки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида палатага ахборот беради. Бу ҳол Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Қонунчилик палатаси фракция ва депутатлар гуруҳи тузилгани тўғрисида қарор қабул қилади.

Фракция ва депутатлар гуруҳи бир қатор ваколатларга эга. Жумладан, у:

1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади;

2) Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;

3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала кўяди;

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади;

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади;

6) палатанинг Кенгаши, кўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади;

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

8) ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала кўяди;

9) фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фракция ва депутатлар гуруҳининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1) фракция ёки депутатлар гуруҳининг ўз ташаббуси билан;

2) Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганида;

3) фракция ёки депутатлар гуруҳига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганида;

4) тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тугатилган тақдирда<sup>1</sup>.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, икки палатали парламентлар тизимида парламентга умумий раислик институти деярли

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонун (23–26-моддалар) // Халқ сўзи. – 2002. – 27 дек.

қўлланилмайди. Умумий фаолиятни мувофиқлаштириб туриш мақсадида Келишув комиссияси фаолият олиб боради. Келишув комиссияси фақат Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги функцияларини тартибга солиш мақсадида тузилади.

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиш мумкин.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисини сайлашади. Келишув комиссияси, қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида, Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси қонуннинг Сенат эътироз билдирмаган айрим моддалари таҳририни ўзгартириш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришни Сенатнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун моддаларининг таҳрири тақозо этадиган бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли.

Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Келишув комиссиясини тузиш тартиби, унинг таркиби ва иши Регламентда белгиланади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши лозим ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади. Агар Сенат илгари рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда уни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, қонун рад этилган ҳисобланади ва у Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак<sup>1</sup>.

Юқорида баён этганимиздек, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига раҳбарликни Спикер амалга оширади. Спикер сайловдан кейинги биринчи мажлисда Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига сайланади. Қонунчилик пала-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисидаги конституциявий қонун (25–26–моддалар) // Халқ сўзи. – 2002. – 28 дек.

таси Спикерлигига номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатасининг Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партиёга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партиё фракцияси (бундан буён матнда фракция деб юритилади) ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас. Қонунчилик палатаси Спикери палата таркибидаги қўмиталарнинг таркибига сайланиши мумкин эмас. Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган қарорга биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Қонунчилик палатасининг Спикери ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

Қонунчилик палатасининг Спикери қуйидаги ваколатларга эга:

1) Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади;

4) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

6) Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўрта-сида вазифаларни тақсимлайди;

7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

8) Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;

10) Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

11) Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

12) Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

13) Қонунчилик палатаси девонининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

14) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонун ва Қонунчилик палатасининг Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қонунчилик палатасининг Спикери ўз ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли. Қонунчилик палатасида Спикер ўринбосарлари ҳам фаолият кўрсатадилар. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Қонунчилик палатасининг Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси кўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатасининг Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партиёга аъзоликни тўхтаиб турадилар ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмасининг таркибига кириши мумкин эмас<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонуни (13–15-моддалар) // Халқ сўзи. – 2002. – 27 дек.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига эса Сенат раиси раҳбарлик қилади. Сенат Раиси Сенат таркиб топганидан кейинги биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколоти муддатига сайланади. Сенат Раислигига номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенатнинг Регламентида белгиланади.

Сенат Раиси ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партия ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради. У Сенат қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас. Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторларнинг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин. У ўз ваколотига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

Сенат Раиси бир қанча ваколатларни амалга оширади. Хусусан, у:

1) Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат маъқуллаган қонунларни имзолаш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборади;

4) Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси юзасидан назоратни ташкил этади;

6) Сенат Раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

8) Сенат матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатларининг таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Сенат матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;

10) Сенат матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

11) Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

12) Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

13) Сенат девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, сенаторлар ва Сенат девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

14) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги конституциявий қонун ва Сенат Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сенат Раиси ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли.

Сенат тизимида раис ўринбосарлари ҳам фаолият кўрсатиб, улар Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади. Сенат Раисининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида белгиланади. Сенат Раисининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партиялар ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Сенат Раисининг ўринбосарлари палатада фаолият кўрсатувчи қўмиталар таркибига сайланиши мумкин эмас. Сенат Раисининг ўринбосарлари Раис топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Сенат Раиси йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради. Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади<sup>1</sup>.

Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасида ҳам уларнинг ишини фаол ташкил қилиш ва олиб бориш мақсадида кенгаш тузилади.

Қонунчилик палатасининг фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида, Қонунчилик палатасининг Кенгаши тузилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги конституциявий қонун (13–15-моддалар) // Халқ сўзи. — 2002. — 28 дек.



Қонунчилик палатасининг Кенгаши палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланади. Қонунчилик палатаси Кенгашининг таркибига Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раислари киради. Қонунчилик палатасининг Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади<sup>1</sup>.

Сенатнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, палата кўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгаши палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланади. Унинг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва кўмиталарнинг раислари киради. Сенат Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади<sup>2</sup>.

Парламентни такомиллаштириш борасидаги ислохотлардан кейин Олий Мажлиснинг кўмита ва комиссиялари ҳам тузилмавий жиҳатдан янгича демократик тус олди. Қонунчилик палатасида алоҳида, Сенат тизимида алоҳида кўмита ва комиссиялар фаолият кўрсатадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг кўмиталарини сайлаш тартиби қуйидагича амалга оширилади.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата қабул қиладиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда кўмиталар сайланади.

Кўмита раиси, унинг ўринбосари ва кўмита аъзоларининг лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансуб-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонуни (16-модда) // Халқ сўзи. – 2002. – 27 дек.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги конституциявий қонун (16-модда) // Халқ сўзи. – 2002. – 28 дек.

лигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Қўмита таркибига сайланмаган депутат унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли. Қонунчилик палатасининг қўмиталари Қонунчилик палатаси олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари қуйидаги ваколатларга эга:

1) ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

2) қонун лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлаш;

3) қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар бериш, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослангирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар бериш;

5) Қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлиш;

6) киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузиш, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этиш;

7) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакиллари улар киритган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитиш;

8) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

9) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш;

10) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотини эшитиш.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек Қонунчилик палатаси, унинг Спикери ва Кенгашининг топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади. Палата қўмиталарининг фаолият тартиби Қонунчилик палатасининг Регламентида белгиланиб, уларнинг мажлислари палата мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қўмиталарнинг мажлислари одатда очиқ ўтказилиб, зарурат бўлганида Қонунчилик палатасининг қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилинишлари мумкин. Қонунчилик палатасининг қўмиталари кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади. Қўмиталарнинг давлат органларига юборилаётган қарорларини ушбу давлат органлари кўриб чиқишлари, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача ҳолида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилишлари шарт.

Қўмиталардан ташқари, Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар ҳам тузиши мумкин.

Комиссиялар Қонунчилик палатаси мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тузилади. Айни пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади. Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади. Ко-

миссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби Қонунчилик палатасининг Регламентида белгиланади<sup>1</sup>.

Қонунчилик палатасидаги каби Сенатда ҳам қўмита ва комиссиялар ташкил этилади.

Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Сенат шаклланганидан кейин унинг ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Сенат қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Қўмига таркибига сайланмаган сенатор унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли. Сенат қўмитаси Сенат олдида масъул ва унга ҳисобдор бўлиб, қонун асосида ўз фаолияти давомида қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

1) Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан хулосалар бериш;

2) ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан ўз ташаббуси билан ва Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

3) қонунни мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг устида ишлашни давом эттириш ёхуд асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар бериш;

5) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш;

6) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузиш, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этиш;

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонун (17–23–моддалар) // Халқ сўзи. – 2002. – 27 дек.

7) Сенат қўмитасининг муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

8) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотини эшитиш.

Қўмиталар иш фаолиятини ўз режаларига, шунингдек Сенат, унинг Раиси ва Кенгашининг топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади. Қўмиталарнинг фаолият тартиби Сенатнинг Регламентида белгиланади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари Сенат мажлислари оралиғида заруратга қараб очиқ тарзда ўтказилиб, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Зарурат бўлганида Сенат қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин. Мажлисларга давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилинишлари мумкин.

Сенат қўмиталари кўриб чиқиляётган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади. Сенат қўмиталарининг давлат органларига юбориляётган қарорларини ушбу давлат органлари кўриб чиқишлари, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилишлари шарт.

Қўмиталардан ташқари, Сенат тизимида муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар ҳам фаолият кўрсатади. Комиссиялар Сенат мажлисида сенаторлар орасидан тузиляди. Айна пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади. Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади. Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

## II боб

# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ШАРОИТИДА ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ

### 2.1. Қонун ижодкорлигининг моҳияти ва мазмуни

Ўзбекистон Республикасида илк бор икки палатали парламентнинг таъсис этилиши билан унинг ҳудудида қонун ижодкорлиги янгича маъно ва мазмун касб этиши табиий. Шу боис қонун ижодкорлигининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва юридик талқинига алоҳида эътибор қаратиш ниҳоятда муҳим. Қонунларни ижод этиш давлатнинг ҳуқуқий нормалар яратишга қаратилган махсус фаолиятидир. Давлат мазкур фаолият орқали мамлакат аҳолисининг умумий иродасини қонун даражасида ифода этади, жамиятга сиёсий раҳбарликни амалга оширади. Айнан шу фаолият туфайли, ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, бир бугун ҳамда ички яхлитликка эга бўлган ҳуқуқий нормалар тизими, яъни қонунчилик системаси вужудга келтирилади.

Қонунни ижод этиш (яратиш) — ўта масъулиятли, серқирра ва мураккаб жараён. Маълумки, қонун кучига эга бўлган ҳар бир юридик қоида (норматив-ҳуқуқий ҳужжат) ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қудратли кучга айланади.

Давлат амри сифатида амал қилувчи барча қонунлар жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Башарти, қонун чиқарувчи идора қонунларни яратиш ишига тегишли юксак масъулият билан ёндашмаса, бунинг натижасида юзага келадиган қонунлар жамият тараққиёти манфаатларига салбий таъсир этиши ҳам мумкин.

Қонун чиқарувчи идоранинг зиммасидаги масъулият шундан иборатки, у ижтимоий ҳаёт талабларини, ҳал этилиши кутилаётган муаммолар ечимини ҳуқуқий ҳужжат мазмунига сингдириши, уларни қонун тилига муваффақиятли ўтказиши лозим бўлади. Қонун ижод этиш жараёнининг мураккаблиги шундаки, унда ҳар сафар ижтимоий муносабатларнинг мав-

жуд тизимига асосланиш зарур. Ижтимоий муносабатлар тизими қонунчилик жараёни учун белгиловчи асос, моддий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Демак, ҳаракат андозаси (схемаси) куйидагича: моддий омил, ундан ижтимоий онгга, ундан эса ҳуқуқий нормага (қонунга).

Ҳар қандай юридик қонун ўзининг моддий заминига, ижтимоий илдизларига эга. Фалсафий мушоҳада юритиб, гносеология нуқтаи назаридан келиб чиқиладиган бўлса, бу ўринда гап *ҳуқуқнинг, қонуннинг ижтимоий субстрати*, яъни *моҳият-асоси* хусусида бормоқда. Ҳуқуқ (қонун) ўз субстратининг айнан ўзи эмас. Қонуннинг вазифаси ижтимоий ҳаёт ҳодисасини (субстратни) меъёрланган ҳаёт соҳасига, яъни нормалар жабҳасига ўтказиш, ижтимоий муносабатларни норматив моделлаштиришдан иборат.

Қонун ижод этишнинг муваффақияти, бир томондан, ижтимоий ҳаёт ҳодисасини тўғри англашга, иккинчи томондан, уни қонун чиқариш фаолиятида тўғри акс эттиришга боғлиқ. Ҳуқуқ ижодкорлиги назарияси соҳасида қалам тебратган руминиялик олима Анита Нашиц бу борада шундай фикрлайди: «Қонун чиқариш фаолиятида фақат *иньикос эттириш элементи* билан *ижод этиш элементи* ўртасидаги нисбатни, лозим даражада белгиланганлик элементи билан объектив белгиланган чегара доирасидаги кўплаб қарорлар вариантларидан эркин танлаш элементи ўртасидаги нисбатни тўғри тушунишгина масалани оқилона ҳал этиш гаровидир. Фақат шундай тўғри тушуниш... қонун чиқарувчи органнинг инсонлар тақдирини ҳал қилувчи қудратли ва ҳеч нарса билан чекланмаган ҳокими мутлақ ҳам, ижтимоий воқелик юборадиган импульсларни оддийгина қайд этувчи автомат ҳам эмаслигини, балки инсонларнинг хулқ-атворини тартибга солиш воситаларидан бирини (қонунни.—*муал.*) масъулият билан яратувчи эркин ижодкор эканлигини англашга имкон беради»<sup>1</sup>.

Қонун ижодкорлигининг моҳиятини аниқлашга, аввало, соф юридик маънода ёндашиш, қолаверса, теран социологик ёндашиш беқиёс катта самара беради. Масаланинг юридик моҳияти тегишли фаолият натижасида яратилаётган қонун қайси

<sup>1</sup> *Нашиц А. Правотворчество: теория и законодательная техника.* — М., 1974. — 13-б.

**ҳукмрон** кучнинг манфаатини акс эттиради, унинг иродасини қандай ифода этади, деган саволларга жавоб бериш орқали очилади. Юридик моҳиятни чуқурлаштиришда қонун чиқарувчи идоранинг жамият сиёсий тизимида, давлат ҳоқимияти органлари орасида тугган мавқеи, нуфузи ҳам алоҳида аҳамиятга эга (масалан, монархия шаклидаги давлат билан республика шаклида бошқариладиган давлатда қонун ижодкорлиги ўз хусусиятларига эга; ҳатто парламентлик республикаси билан президентлик республикасидаги қонун ижодкорлиги идоралари ҳам ўзаро жиддий фарқланади). Баёнимизнинг кейинги қисмларида мазкур хусусият ва фарқларни хорижий давлатлар парламентлари тажрибаси мисолида янада аниқроқ изоҳлаб ўтамыз.

Қонун ижодкорлигининг том маънодаги юридик моҳияти жамиятда амал қилувчи *ҳуқуқнинг моҳияти ва ҳуқуқ ижодкорлигининг моҳияти* билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳўш, ҳуқуқнинг моҳияти нимада?

Ҳуқуқ ҳодисасининг замонавий талқини шуни кўрсатмоқдаки, унинг табиатидаги ҳал қилувчи таркибий қисм *нормалардир*. Ҳар бир алоҳида норма ҳали объектив ҳуқуқни ташкил этмайди. Норма воситадир. Аниқроқ айтганда, у ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик восита<sup>1</sup>. Объектив (позитив) ҳуқуқ давлат иродасини қонун даражасига кўтарувчи нормалар тизимидан иборат.

Ҳуқуқнинг моҳиятини биргина таъриф билан ифодалаш қийин. Ҳуқуқ жамиятдаги муносабатларни норматив тартибга солувчи турли тизимларнинг бир шакли, холос. Ҳуқуқ юридик нормаларнинг оддий тизими эмас. У жамият тараққиётининг бутун маърифий даври мобайнида қарор топган муносабатлар асосида шакллантирилган қоидалар мажмуи бўлиб, давлат ҳоқимияти томонидан ўрнатиладиган, инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда *эркинлик, адолат ва тенглик* мезонларини белгилаб берувчи норматив мажбурий воситадир.

Юқоридаги фикрни ривожлантириб айтиш мумкинки, ҳуқуқ айна вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий муносабатларни *тартибга солишга* мўлжалланган қудратли расмий восита, ҳам мавжуд муносабатларнинг бир мақсад, бир сиёсат, бир ҳуқуқий

<sup>1</sup> Қаранг: *Алексеев С. С.* Восхождение к праву: поиск и решения. — М., 2001. — 96—97-б.



мафкура замирида уйғунлаштирилишига асосланган *ижтимоий тартиботдир*.

**Ҳуқуқ** — давлат даражасида умумлаштирилган ироданинг норматив ифодаси. Шундай экан, ҳуқуқни жамиятдаги турли ижтимоий манфаатларни келиштириш, мувофиқлаштириш (айнан ана шу келиштириш, жамият учун ягона умумий иродани шакллантириш ҳамда расмийлаштириш қонун ижодкорлиги жараёнида рўёбга чиқарилади) воситаси деб эътироф этиш лозим бўлади.

Башарти, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳуқуқнинг маъноси, табиати унинг ижтимоий келишувга эришиш оқибати, мурасага асосланган ижтимоий тартиботнинг асоси эканлигида бўлса, унда ҳуқуқнинг моҳияти нимада акс этади: ҳуқуқий ғоялардами, нормалардами ёки ижтимоий муносабатлардами? Бу саволга ҳуқуқнинг учта йирик мактаби қуйидагича жавоб беради.

Жумладан, *ҳуқуқнинг норматив назарияси мактабининг* талқинига кўра, ҳуқуқ — нормалар йиғиндиси. Бу талқинга мувофиқ, ҳар қандай қонун ҳуқуқ ҳисобланади. Қонун давлат томонидан яратилади ва ҳар доим тўғри ҳамда ҳуқуқий деб тан олинади.

*Социологик назарияга* кўра, ҳуқуқ — энг аввало реал ҳаёт, айнан ижтимоий муносабатларнинг ўзи. Ҳуқуқий муносабатлар эса ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Ҳуқуқ ҳаётнинг ўзида шаклланади, вужудга келади; судьянинг фаолияти ҳуқуқ яратади (суд прецеденти). Бу назария давлат ҳукмронлиги (этатизми)ни сусайтиради, иқтисодиётга давлат аралашувини чеклайди, шунингдек имморализм, ҳокимиятлар тақсимланиши принципларига кенг йўл очиб, суднинг юксак ролини таъминлашга хизмат қилади.

*Маънавий ва ахлоқий қадриятлар устунлигини ҳимояловчи ҳуқуқий мактабнинг* фикрича, ҳуқуқ — олий идеал ғоянинг ифодаси. Масалан, ижтимоий шартнома ғояси, ижтимоий ҳамжиҳатлик ғояси, ижтимоий мураса (компромисс, консенсус), тенглик, адолат ғоялари ва ҳоказо. Ушбу ғоялар ҳуқуқий нормаларга, қонунларга ҳамда ижтимоий муносабатларга сингдирилиб ифодаланиши мумкин. Ана шу ғояларнинг акс эттирилиши ёки акс эттирилмаслиги нуқтаи назаридан, мазкур мактаб «**ҳуқуқ**» билан «**қонун**»ни фарқлайди. Ҳуқуқий ғоя қонун чиқарувчи орган учун асосий мезон ҳисобланади. Шу боис бу мактаб кучли демократик гуманистик асосга таянади, унда ижти-

мой плюрализм, ҳокимиятлар тақсимланиши принципларига қатъий риоя этилади.

Барча ҳуқуқий мактаблар учун умумий жиҳат – ҳуқуқни ижтимоий тартибот тизими, ижтимоий келишув ва мурса деб таърифлашдан иборат<sup>1</sup>.

Жамиятнинг жўшқин ва турфа ҳуқуқий ҳаётида ҳуқуқ ижодкорлиги марказий ўринлардан бирини эгаллайд. Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқ ҳаёти (яратилиши)нинг бошланғич босқичидир. Фанда бу хусусда турли фикрлар мавжуд. Бир тоифа муаллифларнинг фикрича, ҳуқуқ ижодкорлиги – халқ (синф) иродасини шакллантириш ва ҳуқуқий актларда мустақкамлаш, уларни ўзгартириш ва алмаштириш борасида даврий тарзда расмийлаштирилган фаолият тартиби<sup>2</sup>. Бошқа олимлар ҳуқуқ ижодкорлигини кенг талқин этадилар: у давлатнинг жамият мақсадларига эришишга йўналтирилган ва ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган фаолияти бўлиб, бунда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи аниқланади, шу эҳтиёжларга мос бўлган янги ҳуқуқ нормалари яратилади, амалдагилари ўзгартирилади ва бекор қилинади<sup>3</sup>.

**Ҳуқуқ ижодкорлиги** – жамият ва давлатнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини аниқлаш ва баҳолаш, ваколатли субъектларнинг ҳуқуқий актларни белгиланган тартибда шакллантириши ва қабул қилишини қамраб олувчи жараён<sup>4</sup>. Ушбу таърифда қуйидаги муҳим жиҳатларга урғу берилган: 1) ҳуқуқий тартибга солишни талаб этадиган ҳолат ёки жараённи англаш, ўрганиш ва таҳлил этиш; 2) у ёки бу ҳуқуқий актни қабул қилиш ваколатига эга бўлган органни (субъектни) аниқлаш; 3) қабул қилиниши мўлжалланаётган актнинг шаклини танлаш; 4) тегишли процедура доирасида ҳуқуқий актни тайёрлаш, қабул қилиш ёки ўзгартириш. Албатта, санаб ўтилган бу жиҳатлар ўзаро боғлиқ ва яхлит жараёндир.

Ўз моҳиятига кўра, ҳуқуқ ижодкорлиги давлат иродасини қонун даражасига кўтариш, уни барча учун умумий мажбурий юридик қоидалар тарзида ифода этишдан иборатдир. Ҳуқуқ

<sup>1</sup> Қаранг: *Лившиц Р.З.* Теория права. – М., 1994. – С.51–53.

<sup>2</sup> Қаранг: *Ковачев Д.А.* Механизм правотворчества в социалистическом государстве. – М., 1977.

<sup>3</sup> Қаранг: *Поленина С. В.* Законотворчество в Российской Федерации. – М., 1996.

<sup>4</sup> Қаранг: *Общая теория государства и права. Т. 2.* – М., 1998. – С.157.

ижодкорлигини давлатнинг тегишли ваколатга эга бўлган турли органлари амалга оширади. Давлат ҳокимият ва бошқарув (ижро этувчи) органларининг фаолияти орқали ҳуқуқий нормаларнинг асосий мажмуини яратади.

Олимлар «ҳуқуқни яратиш» ва «ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчаларини фарқлайдилар. Уларнинг фикрича, *ҳуқуқ яратиш* — давлат иродасини қонун даражасида шакллантириш жараёни; *ҳуқуқ ижодкорлиги* эса ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар (субъектлар)нинг норматив-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқиши ва қабул қилишидир<sup>1</sup>.

Қонун ижодкорлиги ҳуқуқ ижодкорлигининг энг муҳим, асосий шаклидир. Қонун ижодкорлик фаолияти — ваколатли давлат вакиллик органининг қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган иродавий фаолияти. Мазкур фаолият ижодий жараён бўлиб, бунда халқнинг иродаси аниқланади, шакллантирилади, белгиланган тартибда қонун даражасига кўтарилади, расмийлаштирилади, унга юридик шакл берилади. Академик Д.А. Керимовнинг таъкидлашича, қонун ижодкорлиги шунинг учун ҳам ижодий хусусият касб этадики, унда ташқи муҳитдаги ўзгаришлар оддийгина акс эттирилмайди, балки уни чуқур мушоҳада қилиб, норматив-ҳуқуқий қайта ташкил этишнинг мураккаб жараёни намоеън бўлади<sup>2</sup>.

Давлат қонунчилик фаолияти орқали сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва мафкуравий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратади. Қонун чиқариш ёки қонунчилик ҳар қандай давлатнинг ажралмас функцияси ва шундай бир фаолият йўналишики, унда давлатнинг олий вакиллик иродаси ижтимоий тажрибани умумлаштириш асосида жамиятга давлат раҳбарлигини амалга ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонунлар яратади, мавжуд қонунларни ўзгартиради ва эскирганларини бекор қилади.

«Қонун ижодкорлиги» ибораси илмий адабиётда турли маъноларда қўлланилади. Унинг Конституция ёки бирон қонунда

<sup>1</sup> Қаранг: *Пиголкин А.С.* Правотворчество // Проблемы общей теории права и государства. — М., 1999. — С.309.

<sup>2</sup> Қаранг: *Керимов Д.А.* Культура и техника законотворчества. — М., 1991. — С.22; *Унинг ўзи.* Проблемы общей теории права. — М., 2000. — С.15—16.

расмий таърифланмаганлиги амалий ҳуқуқ яратиш фаолиятида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни системалаштиришда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу сабабли мазкур тушунчани ойдинлаштириш зарурати юзага келади. Қуйида олимларнинг бу борадаги баъзи талқинларини келтирамиз.

В.К.Бабаев: «Қонун ижодкорлиги — давлат ҳокимияти ва бош-қаруви олий органлари норматив актларни яратиш борасида амалга оширадиган фаолият»<sup>1</sup>, — дейди. Бу, умуман олганда, тўғри гап. Лекин давлат ҳокимиятининг бошқарув органлари ҳам қонун ижодкорлиги билан шуғулланади, деб ҳисоблаш тўғри бўлмаса керак.

С.С.Алексеев мухтасар қилиб, қонун ижодкорлиги — қонунларни яратишга оид фаолият эканлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Ю.А.Тихомировнинг фикрича, «қонун ижодкорлиги — ҳуқуқ ижодкорлигининг бир тури бўлиб, у қонунларни тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилиш босқичлари ва ҳаракатларидан иборат қонунчилик жараёнидир»<sup>3</sup>. Бу ўринда қонун ижодкорлиги жараёнида кечадиган босқичларнинг мазмунига эътибор қаратилиб, қонунни ижод этувчи субъект ҳақида, унинг ваколати ҳақида, давлат иродасини шакллантириш ва уни юзага чиқариш хусусида ҳеч нарса дейилмаган.

Бошқа бир олимнинг нуқтаи назарига кўра, қонун ижодкорлиги қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширишдан иборат мутлақ ваколатга эга бўлган олий вакиллик органи ҳаракатларининг йиғиндиси<sup>4</sup>. С.В.Поленина қонун ижодкорлигини олий вакиллик органи ва ҳукуматнинг ҳуқуқий актлар тузиш жараёни сифатида баҳолайди<sup>5</sup>.

Қирғизистонлик олимлар С.С.Сооданбеков ва М.К.Укушев қонун чиқариш жараёнини республика парламенти палаталарининг қонунчилик ваколатларини амалга оширишга кўмаклашувчи усуллар ва хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, деб таъкидлайдилар<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Бабаев В.К. Правотворчество // Общая теория права. — Н.-Новгород, 1993. — С.313.

<sup>2</sup> Қаранг: Алексеев С.С. Государство и право. — М., 1994. — С.108.

<sup>3</sup> Тихомиров Ю.А. Правотворчество // Теория права. — М., 1998. — С.164.

<sup>4</sup> Қаранг: Ковачев Д.А. Механизм правотворчества в социалистическом государстве. — М., 1977. — С.60—61.

<sup>5</sup> Қаранг: Поленина С.В. Законотворчество в Российской Федерации. — М., 1996. — С.4—5.

<sup>6</sup> Қаранг: Сооданбеков С.С., Укушев М.К. Конституционное право Кыргызской Республики. — Бишкек, 2000. — С.331.

Келтирилган фикр-мулоҳазалар ва таърифларнинг ҳар бири қонун ижодкорлигининг у ёки бу қиррасини очиб беради. Улар орасида масаланинг моҳиятига бевосита яқинлари ҳам бор. Уларнинг баъзиларида қонун ижодкорлигининг расмий давлат фаолияти (функцияси) эканлигига эътибор қаратилса, бошқаларида давлат вакиллик органининг қонун чиқаришга ваколатли эканлигига урғу берилади, учинчи гуруҳ фикрларда қонун чиқариш жараёнининг босқичларига оид ҳаракатлар зикр этилади.

Қонун ижод этишнинг моҳияти шундаки, унда ҳокимиятнинг ваколатли вакиллик органи (референдумда — бевосита халқ) давлат (халқ, ҳукмрон гуруҳ) иродасини қонун даражасига кўтариб, унга сиёсий, юридик тус беради. Айни вақтда, унинг моҳияти, бутун сиёсий характериға қарамасдан, воқеликни, ижтимоий муносабатлар мазмунини назарий англашдан (ҳеч бўлмаганида, шундай билиш тақозосидан) иборат. «Қонунчилик функцияси, — деб таъкидлайди К.Маркс, — ироданинг амали эмас, балки унинг «назарий энергияси» бўлишидир. Бу ерда ирода ўзини қонун ўрниға ўтказмайди: унинг роли айнан ҳақиқий қонунни (объектив тараққиёт қонунини. — муал.) очиш ва ифода этишдан иборат. Қонун чиқарувчи қонунларни кашф этмайди, балки уларни шакллантиради, у фақат англаган ижобий қонунларда маънавий муносабатларнинг ички қонунларини ифода этади». Демак, ҳаётнинг, тараққиётнинг объектив қонуниятлари бирламчидир, қонун эса уларни юридик шакл сифатида қайд этади. **Қонун яратишнинг моҳияти** мана шундадир.

Давлат ҳокимияти юридик қонунларсиз ўз амалини тополмайди. Шу сабабли давлат ижобий қонунчилик юритадими ёки самараси кам қонунлар чиқарадами, бундан қатъи назар, мазкур фаолиятни албатта амалға оширади. Бу фаолият бўлмаса, ҳеч бир масала сиёсий даражаға кўтарила олмайди. Зеро, фуқаролик жамиятининг ҳамма эҳтиёжлари ҳам қонун тариқасида умумий эътирофға сазовор бўлиш учун муқаррар равишда давлат иродаси орқали ўтади. Бунинг сабаби шуки, фақат қонунларгина объектив зарур бўлган ҳуқуқнинг энг муҳим хусусиятларини имкон қадар кўпроқ ва замонавий даражада ифода-лаб, уни давлат ҳимоясига қўйиши мумкин.

Қонун ижодкорлиги ҳодисасининг социологик талқини хусусида шуни таъкидлаш жоизки, бунда қонун чиқарувчи органининг

ижтимоий ҳаёт билан нечоғлик боғланганлиги, ўз фаолиятида қонун яратишнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа илдизларини англаб фойдаланиш, жамият тараққиёти қонуниятларига қабул қилинажак қонунларнинг мазмунини мувофиқлаштириш механизмлари очиб берилиши лозим бўлади.

Юридик социология нуқтаи назаридан, қонун ижодкорлиги жараёнида қуйидаги йўналишларга ва вазифаларга эътибор қаратиш зарур:

— қонун ижодкорлигининг генезиси, яъни ижтимоий илдизларини ўрганиш;

— ҳуқуқий норма (қонун)нинг бошқа ижтимоий регуляторлар (ахлоқ қоидалари, урф-одат, жамоат бирлашмаларининг нормалари, диний, эстетик, маданий ва маънавий қоидалар) билан ўзаро алоқаси ва таъсири, амал қилиши ва «ҳамкорлиги» даражасини аниқлаш;

— ижтимоий ҳаётга қонун воситаси билан аралашувнинг меъёри ва чегараларини аниқлаш;

— қонун яратишнинг ижтимоий омилларини (қонунчилик жараёнининг барча босқичларига татбиқан) ўрганиш;

— қонун амал қилишининг ижтимоий механизмини тадқиқ этиш;

— қонундаги ҳуқуқий қонданнинг инсон феъл-атворига айланиши; норма билан феъл-атвор ўртасидаги боғлиқликнинг ижтимоий, руҳий ва маънавий жиҳатларини ўрганиш;

— қонуннинг ижтимоий самарадорлигини ўрганиш ва бошқалар.

Қонун йўли билан тартибга солиниши лозим бўлган муаммолар қонун тайёрлашдан олдинги контекстни бир неча босқичлар бўйича ўрганиб чиқишни тақозо этади. Улар камида тўрттадир:

1) муаммога сабаб бўлаётган вазиятни аниқлаштириш, яъни ижтимоий, сиёсий, психологик ёки бошқа номақбул омилларга барҳам бериш мақсадида ҳуқуқий аралашув эҳтиёжини ўрганиб чиқиш;

2) тартибга солинаётган муносабатлар ёки объектнинг ҳолатига ҳуқуқий таъсир кўрсатиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш шаклини (қонун, қонун асосида чиқарилган ҳужжат ва бошқа шу кабилар) танлаш;

3) норматив ҳужжатнинг ўзида тартибга солишнинг муайян принципини танлаш (масалан, ҳуқуқий рағбатлантириш ёки чеклаш, шунингдек жазо турини танлаш). Одатда, ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий воситалар туркумига вазифа юкловчи, тақиқловчи

ёки ваколат берувчи нормалар киритилади. Бироқ тажриба тартибга солинаётган объектнинг ҳолатидаги мувозанатга ташкилий-бошқарув ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи орқали эришиш мумкинлигини кўрсатди. Хўжаликларнинг иқтисодий мустақиллиги ошган шароитларда тақиқловчи ёки чекловчи чоралар тизимига асосланиш ярамайди. Асосийси, ҳаёт фаолиятининг моддий, маънавий ва бошқа ноҳуқуқий рағбатлантириш услубларига кенг йўл очиб беришдан иборат. Шу тариқа *рағбатлантирувчи* ва *тақдирловчи* ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти оширилади;

4) қонун йўли билан тартибга солиш ва унинг натижаларига баҳо беришда, қонунларни амалиётга жорий этишда норма ҳамда оқибатлар ўртасидаги «акс таъсир»ни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Қонун ижодкорлигининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатда амалга ошириладиган *ҳуқуқий сиёсатга* ва унинг таркибий қисми бўлган *ҳуқуқ ижодкорлиги сиёсатининг* мазмунига боғлиқ. Ушбу сиёсат ҳам, ўз навбатида, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг қатъий эҳтиёжларидан келиб чиқиши лозим<sup>1</sup>.

Ҳуқуқ ижодкорлиги сиёсатини шакллантиришда ҳам ижтимоий тараққиёт қонуниятларини пухта ўрганиш асосида ҳамда турли-туман ҳаётий омиллар таъсирини инобатга олган ҳолда иш тутиш талаб этилади.

Фанда у ёки бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучини, унинг характерини ёки хусусиятларини белгиловчи сабабни *омил* деб аташ қабул қилинган. Шу боис қонун чиқариш фаолиятини, шунингдек ҳуқуқ ижодкорлик сиёсатини социологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш учун *ижтимоий омилларга* таянадиган таҳлилни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Қонун ижодкорлигига ҳамда ҳуқуқ ижодкорлиги сиёсатига оид ижтимоий омилларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлашга, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга, қонунни қабул қилиш, ўзгартириш ёки бекор қилишга у ёки бу шаклда таъсир кўрсатувчи ижтимоий ҳаёт ҳодисалари сифатида таърифлаш мумкин<sup>2</sup>.

Қонун чиқарувчи орган ўз фаолиятида кўплаб ижтимоий омилларнинг таъсирига дуч келади. Шунини ҳам ёдда тутиш ло-

<sup>1</sup> Қаранг: *Поленина С.В.* Правотворческая политика // Российская правовая политика. – М., 2003. – С.182.

<sup>2</sup> Қаранг: Российская правовая политика / Под ред. проф. Н. И. Матузова и проф. А. В. Малько. – М., 2003. – С.182.

зимки, ижтимоий омиллар қонун ижодкорлиги жараёнининг турли босқичларида турли кўринишларда ҳар хил куч билан таъсир этиши мумкин. Баъзан ижтимоий омилларнинг биргаликдаги таъсири қонун чиқарувчининг «қонунолди контексти»ни ўрганиш асосида тартибга солинадиган объект тўғрисида дастлаб тўпланган маълумотлари ҳамда ҳосил қилинган таассуроти ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Ю.А.Тихомиров ҳуқуқ (қонун) ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омилларни уч гуруҳга, яъни ҳуқуқ билан тартибга солинадиган предметни белгиловчи омиллар, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти иштиракчиларининг қарашларини ифодаловчи омиллар ҳамда соф юридик мазмундаги омилларга ажратишни таклиф этади<sup>2</sup>.

Ижтимоий омилларни қонун ижодкорлигига таъсир кўрсатиш хусусиятига кўра таснифлаш, аввало, ҳуқуқий тизимдан ташқарида «ётувчи» омилларни ажратиш олишга имкон беради. Жамиятда рўй бераётган жараёнлар ва уларнинг қонуниятларини ўрганиш ҳуқуқий ҳаётда, қонунчиликда ўз вақтида тегишли ўзгартишлар қилиш зарурлигини англаш имконини беради. Бу ҳолда ижтимоий омилларнинг кўпчилиги ҳуқуқ ҳосил қилувчи ва яратувчи омиллар аҳамиятига эга бўлади. Зеро, айнан уларда бўлғусида қонун билан тартибга солинадиган объект (ижтимоий муносабатлар кўлами) намоён бўлади. Ушбу омилларнинг оқилона инobatга олиниши ижтимоий объектни тўғри баҳолаш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш предметини, унинг мақбул шакли ва методини танлаш гарови бўлади.

Ижтимоий омиллар ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлашга, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга, қонунчилик акти лойиҳасини муҳокама қилиш ҳамда қабул қилишга, уни ўзгартириш ва бекор қилишга, пировардида қонуннинг мазмунига у ёки бу шаклда таъсир кўрсатувчи ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидир. Ижтимоий омиллар иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий тараққиётнинг объектив қонуниятларини ўзида намоён қилади. Шу боис қонунчилик жараёнида ижтимоий омиллар қанчалик тўлиқ ҳисобга олинса, яратилажак қонунлар жами-

<sup>1</sup> *Одилқориев Ҳ.Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – 149-б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Общая теория государства и права. Т. 2.* / Отв. ред. М.Н.Марченко. – М., 1998. – С.158.



ят ривожининг объектив қонуниятларига шунчалик мос келади, ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлади.

Асосий омилларни икки гуруҳга, яъни қонунчилик фаолиятининг асосий объектив ва асосий субъектив ижтимоий омилларига бўлиш мумкин:

*Асосий объектив омилларга* қуйидагилар киради:

а) иқтисодий омиллар (мамлакат иқтисодиётини, хўжалик муносабатлари тизимини ва моддий ишлаб чиқариш талабларини акс эттиради);

б) экологик омиллар (мамлакат табиатини асраш, табиат бойликларини сақлаш ва бу ресурслардан оқилона фойдаланиш);

в) демографик омиллар (қонунчилик актларини яратишда аҳолининг ёши, кўпайиш тамойили, кўчиш ва жойлашиши, шаҳар ёки қишлоқ жойларида яшаши кабиларнинг ҳисобга олинishi);

г) жуғрофий омиллар (мамлакатнинг жуғрофий жойлашиши, рельефи каби хусусиятларнинг қонунчиликка таъсир этиши).

*Асосий субъектив омиллар* қуйидагилардан иборат:

а) сиёсий-ҳуқуқий омиллар (республика қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи сиёсий дастурлар ва юридик йўл-йўриқлар, сиёсий директивалар);

б) ғоявий-психологик омиллар (қонунчилик жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий психологияси ва ҳуқуқий мафкураси хусусиятларини акс эттиради);

в) ижтимоий-маданий омиллар (аҳолининг ва мансабдор шахсларнинг маданий савиясини ҳамда маълумот даражасини назарда тутади);

г) миллий омил (қонунларнинг мазмунида миллатлар ва элатларнинг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинishi, унга миллий истиқлол ғояларининг, миллий равнақ муаммоларининг сингдирилиши). Мазкур омил байналмилалчиликни ҳам назарда тутади. Чунки кўп миллатли давлат шароитида қонунчиликда турли миллатларнинг манфаати уйғунлаштирилишига ҳам эришиш лозим.

Шунингдек, *таъминловчи ижтимоий омиллар* жумласига ташкилий, илмий, информациян, режалаштирувчи (қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилишини режалаштириш, қонунчиликнинг ривожланишини режалаштириш ва унинг истиқболларини белгилаш) омиллари киради.

Таъминловчи омиллар қонун ёки бошқа норматив актни қабул қилиш йўли билан муаммоли вазиятни ҳал этишга кўмаклашувчи ҳаётий, объектив ҳамда субъектив омиллардир. Таъминловчи омиллар ҳуқуқ (қонун) ижодкорлиги процедурасини ва ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишнинг процессуал шакллари сифатида майдонга чиқади<sup>1</sup>.

Қонун ижодкорлиги фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар муайян механизм асосида амал қилади. Юқорида зикр этилган ижтимоий омиллар қонун чиқариш жараёнининг турли босқичларида турлича фаоллик билан таъсир кўрсатади.

Қонун чиқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳисобга олиш механизми парламент ва унинг кўмиталари (комиссиялари)нинг куйидаги ҳаракатларни амалга оширишини тақозо этади:

1) қонунчилик йўли билан тартибга солиш эҳтиёжи бор масалаларни ва шу муаммоли вазиятда ўзаро алоқадорликда бўлган омилларни аниқлаш;

2) ижтимоий омилларнинг ҳар бирини баҳолаш, яъни таъсир кучи ва таъсир этиш натижасини аниқлаш;

3) асосий таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида барча ўзаро алоқадор ижтимоий омилларни туркумлаш;

4) доимий таъсир этаётган энг кучли ижтимоий омилларда ифодаланаётган манфаатлар соҳибларини аниқлаш ва ҳ. к.

Ҳозирги даврда жамиятнинг жадал иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ривожланиши (бу жараён ислоҳотлар даврини бошидан кечираётган Ўзбекистонга ҳам хосдир) тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий таъсир доирасига олиш борасида янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Ушбу вазифаларнинг ижтимоий табиати ва серқирралиги қонун ижодкорлиги олдида турган муаммоларнинг куйидаги рўйхатидан ҳам кўриниб турибди:

— ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини белгиловчи турли ижтимоий омилларни чуқур тадқиқ этиш;

— турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллий тузилмалар ва, умуман, бутун жамиятнинг кўп қиррали манфаатларини аниқлаш ва мукамал ўрганиш;

— қонунчиликда фан, техника ва маданият ютуқларидан фойдаланиш;

<sup>1</sup> Қаранг: *Леванский В.А.* Моделирование в социально-правовых исследованиях. — М., 1986. — С.55–60.

– қонун яратиш жараёнида аҳоли турли қатламларининг оддий, амалий ва назарий онг шакллари уйғунлаштириш, уларни ўзаро мувофиқлаштириш;

– зарур ҳолларда ҳуқуқий тартибга солишнинг оқилона вариантини аниқлаш ва ҳуқуқий таъсирнинг самарали шаклини ишлаб чиқиш мақсадида махсус экспериментлар ўтказиш;

– лойиҳалаштирилаётган қонуннинг амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар, умуман, ҳуқуқий тизим, Конституция билан мувофиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш (аниқлаш);

– бўлажак қонуннинг концепцияси ва энг муҳим талабларини ишлаб чиқиш;

– лойиҳалаштирилаётган қонун қабул қилинишининг мақсадга мувофиқлиги хусусида ижтимоий фикрни аниқлаш;

– қонун қабул қилишнинг ташкилий шакллари ва тартибини такомиллаштириш<sup>1</sup>.

Қонун ижодкорлигининг моҳияти ва мазмуни хусусидаги таҳлилимиз тўлиқ ҳамда муфассал бўлиши учун мазкур фаолият замирида ётувчи асосий принципларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги фаолияти, бизнингча, жаҳон давлатлари тажрибасининг синовидан ўтган бир қатор **асосий принципларга** таянади. Уларга алоҳида тўхталамиз.

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият аввало ҳокимиятлар тақсимланиши принциpidан келиб чиқмоғи, Конституцияда белгилаб қўйилган ваколатлари доирасида мустақил, қатъият ва юксак масъулият билан фаолият юритмоғи лозим.

2. Парламент коллегиаллик (жамоа бўлиб муҳокама қилиш) принциpigа асосланмоғи керак. Халқимизда «маслаҳатли тўй тарқамас», деган нақл бор. Бизнинг қонун чиқарувчи идорамиз мана шу фикрга риоя қилиб, бамаслаҳат иш тутмоғи ва ҳар бир депутатнинг қонун яратишда фаол иштирокини таъминлаб, жамият иродасини давлат қарори даражасида шакллантирмоғи лозим.

3. Қонун чиқарувчи идора ўз фаолиятида халқ ҳокимиятчилиги, давлат суверенитети принципларига таяниши шарт.

4. Қонун ижод этишда ўтмиш авлодларимиз яратган ҳаётий ижобий тажрибага, бой маданий ва маънавий меросга, миллий

<sup>1</sup> Қаранг: Керимов Д.А. Проблемы общей теории права. – М., 2000. – С.17.

урф-одат ва анъаналарга ворислик, яъни тарихийлик принци-  
пига таяниш мақсадга мувофиқдир.

5. Қонун қабул қилишда ижтимоий адолат принципи ус-  
тунлик қилиши керак. Айнан одиллик қонун ҳал этаётган му-  
аммони ечишнинг, ижтимоий муносабатни тартибга солиш-  
нинг асосий мезони бўлиши керак.

6. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш  
принципи. У қонун ижодкорлигининг демократик асосда таш-  
кил этилганлигидан далолатдир. Албатта, дуч келган лойиҳани  
халқ муҳокамасига тақдим этавериш тўғри бўлмайди. Жамият-  
нинг умумий тақдирига дахлдор муҳим қонунларнинг лойи-  
ҳаларинигина умумхалқ муҳокамасига чиқариш мақсадга му-  
вофиқдир. Ўта муҳим, қисқа ва лўнда ишланган, жиддий му-  
ҳокамадан ўтказилган қонун лойиҳаларини умумхалқ овозига  
(референдумга) қўйиш ҳам мумкин.

7. Жорий қонунчилик ҳужжатларининг Конституцияга қатъ-  
ий мос бўлишига эришиш талаб этилади. Шу боис Консти-  
туциянинг, ундан сўнг эса қонунларнинг устунлиги принци-  
пини собитқадамлик билан ҳаётга жорий этиш зарур.

8. Қонун чиқарувчи идоранинг фаолиятида қонунийлик  
принципи муҳим ўрин тутати. Бу принцип қонун чиқарувчи  
орган учун ҳам, қонунлар ижросини таъминловчи давлат  
органлари, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва жамоат  
бирлашмалари учун ҳам бирдек тегишлидир.

9. Қонун чиқарувчи идора учун ҳам, ҳуқуқнинг бошқа со-  
ҳиблари, шунингдек барча юридик шахслар учун ҳам инсон  
(фуқаро) ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари-  
нинг устувор таъминланиши принципи бирдек мажбурийдир.

10. Мамлакатдаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни,  
айниқса фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеига тааллуқли масала-  
ларни фақат қонун шаклидаги норматив-ҳуқуқий акт билан  
мустаҳкамлаш принципини қўллаш; қонун чиқарувчи идора  
томонидан ҳуқуқий (қонунчилик йўли билан) тартибга со-  
лиш эҳтиёжи мавжудлигини оқилона ҳисобга олиш зарур.

11. Ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ равишда  
қонунчиликни мунтазам равишда янгилаб бориш принципи.  
Қонунларнинг самарали амал қилишини таъминлаш учун мут-  
тасил тарзда уни системалаштириб бориш, яъни инкорпора-  
ция қилиб ва кодекслаштириб бориш керак. Бу қонунчилик

ҳужжатлари тизимига батартиблик, уюшқоқлик, мутаносиблик ва динамик ҳаракатланиш сифатларини беради.

12. Қонунчилик фаолияти илмийлик принципига қатъий таянмоғи даркор. Қонунчилик жараёни замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига асосланиб амалга оширилиши зарур. Қонунларни шакллантириш ва баён этишда юридик техникани такомиллаштириб бориш ҳам катта аҳамиятга эга.

Уқорида саналганлардан ташқари, парламентнинг профессионал бўлиши, унинг сиёсий ва маданий савиясининг юксаклиги, демократик иш юритиш анъаналарига эга эканлиги, кўп партиявийлик (фракциячилик) асосида фаолият кўрсатиш тажрибасини ўзлаштирганлиги каби бир қатор омиллар ҳам ижобий қонунчилик фаолиятининг қарор топишига ўз таъсирини кўрсатади.

## 2.2. Қонун ижодкорлиги жараёнининг босқичлари

Демократик давлатда қонун ижодкорлиги давлат ҳокимияти шаклларида бири — қонун чиқариш ҳокимиятини рўёбга чиқариш воситасидир. Қонун ижодкорлиги жараёни ҳуқуқий тизимнинг энг фаол бўғинидир. Бу жараён натижасида давлат олий иродасининг ифодаси бўлмиш қонун юзага келади. Қонун давлат амалга оширадиган ўта масъулиятли махсус ижодий фаолиятнинг маҳсулидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб то ҳозиргача юридик адабиётда қонун ижодкорлиги жараёни анчагина кенг ёритилган. Бироқ мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида содир бўлаётган туб бурилиш, яъни **икки палатали парламентнинг** таъсис этилиши табиий равишда қонун ижодкорлиги жараёнининг мазмунини жиддий ўзгартириб юборади. Шу боис биз **икки палатали парламент шакллантирилган**, юридик воқеликка айланган бир паллада қонун ижодкорлигининг янги талқинига илк бор қўл урмоқдамиз.

Ўзбекистон халқи референдумда (2002 йил 27 январда) **икки палатали парламент** тузиш ғоясини қўллаб-қувватлагач, унинг ҳуқуқий заминини вужудга келтиришга йўналтирилган катта қонунчилик ишлари амалга оширилди. 2002 йил 12 декабрида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу эса ўз-ўзидан Конституцияга тегишли ўзгартишлар киритилишини тақозо этди. Шу тариқа 2003 йилнинг 24 апрелида иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Ушбу конституциявий ислохотни, ҳуқуқий янгиликларни, ҳеч шубҳасиз, тарихий деб баҳолаш мумкин. Чунки айнан мана шу конституциявий қадам туфайли мамлакатимизда том маънодаги **янгича парламентаризмга** асос солинди. Шу боис баёни-миз давомида қонун ижод этиш жараёнини икки палатали парламент таъсис этилганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз.

**Қонун ижодкорлиги жараёни** — давлат олий вакиллик органининг Конституцияда белгиланган тартибда янги қонунлар яратишга, амалдаги қонунларга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритишга қаратилган, шунингдек эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади.

Қонун ижодкорлиги жараёни, биринчидан, қонун лойиҳасининг парламентга киритилишидан то у қабул қилингунига қадар давлат органлари рўёбга чиқарадиган ваколатлар бўлса; иккинчидан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадиган турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи процессуал қоидаларнинг ифодаси (шакли)дир.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг муҳим хусусияти шундаки, унинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар ва уларни амалга ошириш тартиби конституцияда белгилаб қўйилади. Мамлакатдаги бутун ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан қонун ижодкорлиги муайян процессуал қоидалар доирасида амалга ошади. Қонун яратиш муносабатлари, шунингдек бу муносабатларда иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи моддий ҳуқуқ қоидалари тегишли процессуал нормалар орқали ҳаётга жорий этилади. Агар моддий ҳуқуқни татбиқ этишнинг алоҳида тартиби ўрнатилмаган бўлса, у юридик нуқтаи назардан яроқсиздир.

Анъанага кўра, қонун чиқариш жараёни унинг турли босқичларида иштирок этадиган органлар ўртасида ваколатларни тақ-

симлаш маъносида талқин этилади. Гарчанд қонунчилик фаолиятида турли субъектлар иштирок этсалар ҳам, ушбу жараён асосан парламентнинг қонун яратиш фаолияти бўлиб қолаверади.

Қонун ижодкорлиги жараёни, биринчидан, қонунни мазмунан тайёрлашни таъминловчи ўзаро алоқадор институтлар тизимини белгилашдан; иккинчидан, халқ иродасини, жамоатчилик фикрини ифодалашнинг қатъий демократик шаклларини мустақамлашдан; учинчидан, қонунни яратиш ва қабул қилиш жараёнида давлат ҳокимияти олий вакиллик органи фаолиятининг турли шакллари қўлланилишини акс эттиришдан иборатдир.

«Қонун ижодкорлиги, — деб изоҳ беради россиялик олим Ю.А.Тихомиров, — қонунларни тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилиш билан боғлиқ босқичлар ҳамда хатти-ҳаракатларни ифодаловчи қонунчилик жараёнидир»<sup>1</sup>. Қонун ижодкорлиги босқичларини мунтазам такомиллаштириб, сайқал топтириб бориш ҳуқуқшунослик илми ва ҳуқуқий тизим амалиётининг ҳаммиша диққат марказида турган масаладир. Чунки айнан шу жараён туфайли қонун яратилади. Қонуннинг жамият ҳаётидаги юксак нуфузи, қадр-қиммати табиий равишда уни яратиш билан бевосита боғлиқ жараённинг аҳамиятини беқиёс оширади.

Маълумки, қонун давлат аҳамиятига молик ижтимоий масалаларни тартибга солади. Фақат қонун воситасидагина тартибга солинадиган муносабатларга қуйидагилар киради:

- а) конституциявий мазмунга эга масалалар;
- б) олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларини ташкил этиш, шакллантириш ва фаолият юритиши тартиби;
- в) фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари, уларни таъминлаш ва муҳофаза этиш усуллари;
- г) давлат бюджетини тасдиқлаш ҳамда унга ўзгартишлар киритиш масалалари;
- д) ҳар хил турдаги солиқлар ёки улар бўйича имтиёзлар белгилаш;
- е) иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий қоидаларини белгилаш;
- ж) мамлакат мудофааси ва халқаро муносабатлар ўрнатиш масалалари;

<sup>1</sup> Тихомиров Ю.А. Правотворчество // Теория права. — М., 1998. — С.164.

и) оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш масалалари ва ҳ.к.

Конституцияда, парламентнинг мақомига оид қонун ҳужжатларида, парламент палаталарининг регламентларида қонунлар (шу жумладан давлат бюджети) лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш босқичлари (тартиби) муфассал белгиланади. Зикр этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «қонун чиқариш жараёни», «қонун чиқариш процедураси», «қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби» каби иборалар (уларнинг тушунчаси, таърифи) қатъий қарор топганлиги ифодаланади; қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар рўйхати берилади; парламентда қонун лойиҳасининг босқичлардан ўтиш тартиби (лойиҳанинг тақдим этилиши, тегишли асослантирувчи ҳужжатлар, уларнинг рўйхатдан ўтказилиши, лойиҳанинг тегишли қўмитада кўриб чиқилиши, эксперт хулосаларининг олиниши, жамоатчилик муҳокамаларининг ташкил этилиши, лойиҳанинг парламент сессиясида бир неча ўқишда кўриб чиқилиши, уни қабул қилиш ва маъқуллаш, имзолаш, матбуотда эълон қилиш ва расмий кучга киритиш) аниқ ва муфассал белгиланади.

Қонунчилик жараёни ҳақида тўлиқ ва батафсил тасаввур ҳосил қилиш учун унинг мазмунини ташкил этувчи босқичларни чуқур таҳлил этиш керак. Аксарият ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассисларнинг фикрига кўра, қонунчилик жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1) қонунчилик ташаббуси кўрсатиш; 2) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш; 3) қонунни қабул қилиш; 4) қонунни эълон қилиш.

Бироқ сўнгги вақтларда «қонунчилик жараёни» тушунчасини кенгайтириш зарур деган фикрга келинмоқда. Масалан, Н.Е. Андрианов қонунчилик жараёнининг биринчи босқичи сифатида қонун лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ бутун фаолиятни қабул қилишни тақлиф этди. Н.Г. Мишин ҳам шунга ўхшаш фикрни билдирди: «қонунчилик ташаббуси қонун лойиҳасини тайёрлашни ҳам, уни дастлабки муҳокама этишни ҳам қамраб олади». Л.И. Антонова эса бу икки олимнинг фикрига эътироз билдириб, бу ерда мантиқан қонун қабул қилишга тайёргарлик кўриш ишлари бевосита қонунчилик фаолияти билан бирлаштириб юборилмоқда, деган фикрни илгари суради.

В.М. Горшенев эса, аксинча, ҳуқуқий норма яратиш жараёнини ихчамлаштириш тарафдори. Унинг фикрича, бу жараён



қуйидагича бўлиши лозим: 1) норматив ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлаш (дастлабки босқич); 2) уни муҳокама этиш ва қабул қилиш (асосий босқич); 3) уни кучга киритиш (ҳал қилувчи босқич).

Бизнингча, норматив ҳужжатнинг кучга киришини қонунчилик жараёнининг босқичи деб ҳисоблаш унчалик тўғри фикр эмас. Чунки қонунни, ҳуқуқий актни яратиш ваколатли органнинг тегишли қарорни қабул қилиши билан якунланади.

Кенгроқ маънода, қонунчилик фаолиятини фақат қонун чиқарувчи орган доирасидаги ҳаракатлар билан чекалаб бўлмайди. Мазкур фаолият қамровига муайян турдаги ижтимоий муносабатларни қонун воситаси билан ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, қонунчилик ташаббуси субъектларининг, парламент қўмиталари ва комиссияларининг шу йўналишда олиб борадиган ишлари ҳам киради. Қонун чиқарувчи орган олдида турган вазифа анча мураккаб ва масъулиятлидир. У ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлагач, мазкур муносабатлар айнан қонун билан тартибга солиниши керакми ёки бошқа даражадаги ҳуқуқий акт билан тартибга солиш ҳам мумкинми, деган масалани ҳал этади. Сўнгра, амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиб, мавжуд норматив актларни тўлдириш, ўзгартириш лозимми ёки янги қонун қабул қилиш керакми, деган саволга ечим топади.

У ёки бу қонунни қабул қилиш зарурати ҳамда муайян ҳуқуқий қоида ўрнатишга доир халқ иродасининг йўналиши аниқлангач, қонун чиқарувчининг диққат-эътибори ижтимоий шаклланган қоидани ҳуқуқ «тилида» баён этишга, уни аниқ ифодалашга, қатъий расмийлаштиришга қаратилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан маълум бўлмоқдаки, гап қонун яратишнинг илдизлари, уни ҳаётни чуқур ўрганиб яратиш лозимлиги ҳақида бормоқда. Қонун тайёрлаш босқичи қонунчилик жараёни билан узвий боғлиқлиги туфайли, уни ушбу жараённинг таркибий қисми деб ҳисоблаш лозим. Қонун лойиҳасини тайёрлашдан аввал бажариладиган махсус фаолият ва ижтимоий шарт-шароитни ўрганиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар қонуннинг яратилишида алоҳида аҳамиятга эга.

Юқорида таъкидланганидек, қонун яратишнинг биринчи босқичида ваколатли субъект томонидан, яъни қонун лойиҳаси тайёрланиб, парламентга киритилгунига қадар амалга ошириладиган ишларни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1) муайян муносабатларни қонун воситаси билан тартибга солиш объектив зарурат эканлигини англаб етиш, шунга эҳтиёж борлигини аниқлаш;

2) ижтимоий муносабатларнинг муайян турини ҳуқуқий тартибга солиш зарурлигини тақозо этувчи омилларни аниқлаш; ҳуқуқий тартибга солишнинг турли кўринишлари қўлланилганида ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши истиқболларини белгилаш (бу масалага китобнинг III бобида муфассал тўхталамиз);

3) хатти-ҳаракатнинг намунавий (идеал) андозаларини шакллантириш, ўртага қўйилган мақсадга эришиш учун бу андозаларнинг қай даражада мақбуллигини аниқлаш;

4) вужудга келтирилган андозага мувофиқ келувчи реал хулқ-атворни рағбатлантирувчи ҳуқуқий воситаларни қўллаш.

Кўриб чиқиладиган жараённинг барча босқичларидаги фаолиятни давлатнинг ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек кенг доирадаги илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари ва жамоатчилик амалга оширади. Бунда ваколатли давлат органлари илмий маълумотлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда қарор қабул қиладилар. Юқорида кўрсатилган босқичларда давлат органлари, илмий муассасалар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

Қонун яратишдан аввал жамиятда шундай қонунга эҳтиёж борми, деган саволга жавоб бериш, мавжуд ижтимоий воқелик, ҳаёт ва муаммоли вазиятни атрофлича ўрганиш зарур.

Шундай қилиб, у ёки бу қонуннинг яратилишига бўлган эҳтиёжни ўрганиш *қонун чиқариш жараёнининг бошланғич нуқтасидир*<sup>1</sup>.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг қонунчиликда мустақамланган асосий босқичларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти мисолида кўриб чиқамиз. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. 2003 йил 24 апрелда Конституцияга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Олий

<sup>1</sup> Батафсил маълумот олиш учун қаранг: *Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — 79-б.*

Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат (76-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича қўп партиявийлик асосида сайланадиган 120 нафар депутатдан иборат. Олий Мажлиснинг Сенати эса ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзолари (сенаторлар)дан иборат (Конституциянинг 77-моддаси). Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — 6 кишидан сайланади. Олий Мажлис Сенатининг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Ҳар иккала палатанинг ваколат муддати — беш йил (Конституциянинг 76 ва 77-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунларнинг 2 ва 5-моддалари).

Қонун ижодкорлиги жараёнида қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни ҳар томонлама пухта муҳокама қилиш билан боғлиқ барча вазифалар масъулияти парламентнинг қуйи палатаси — Қонунчилик палатасининг зиммасига юклатилади. Икки палатали парламент, авваламбор, профессионал бўлишига ҳаракат қилинмоқда. Янги шаклдаги парламентда қонунчилик илмини яхши биладиган мутахассислар фаолият юритади, вакиллик ва қонун чиқарувчи идорамиз юқори малакали ҳамда ихтисослашган бўлиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримовнинг таъкидлашича, «биз ўсиб-улғайиб, бугун шу даражага етиб келдик. Энди малакали ҳуқуқшуносларимиз, иқтисодчиларимиз, сиёсатчиларимиз етарли. Қонун яратишда, аввало, ҳаётни яхши биладиган, сиёсатни чуқур тушунадиган ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва мутахассис вакиллар ишлаши даркор»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон қаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. — Т., 2000. — 483-б.

Эркин танлов, кўппартиявийлик асосида сайланган халқнинг мухтор вакиллари парламентда ижодий фаолият юритиб, дунё тажрибасини, қайси мамлакатда қандай қонунлар бор, уларнинг қандай афзал жиҳатлари мавжуд, бугунги замон нимани талаб қилмоқда, каби масалаларни ўрганиб, мамлакатимиз ҳаётига жорий этишлари мумкин бўлади. Икки палатали қонун чиқарувчи идорамиз олдида турган муҳим вазифалардан бири — жаҳон парламентаризми анъаналарини, демократик парламент тарзида ишлаш илмини ва парламент маданиятини пухта ўзлаштиришдан иборат<sup>1</sup>.

**Фикримизча, ҳуқуқшунос, сиёсатчи ва бошқа мутахассислар Қонун чиқарувчи палата доирасида жамланишлари мақсадга мувофиқ. Чунки айнан Қонунчилик палатаси доимий тарзда профессионаллик асосида қонун лойиҳалари устида иш олиб бориб, уларни қабул қилиш билан машғул бўлади.**

Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида мустақамланган қоидаларга мувофиқ, қонун ижодкорлиги жараёни қуйидаги тўрт босқичдан иборат тарзда амалга оширилади:

- 1) қонунчилик ташаббусини амалга ошириш;
- 2) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш;
- 3) қонунни қабул қилиш;
- 4) қонунни имзолаш ва эълон қилиш.

Ушбу босқичларга алоҳида-алоҳида тўхталиш жоиз.

**Биринчи босқич — қонунчилик ташаббусини амалга ошириш.** Қонунни яратиш жараёни, яъни қонун чиқарувчи орган доирасидаги бевосита фаолият қонунчилик ташаббуси кўрсатилишидан бошланади. Қонунчилик ташаббуси борасидаги ҳуқуқий муаммоларнинг мағзини англаб етиш учун унинг қуйидаги муҳим жиҳатларини пухта мушоҳада этиш талаб қилинади:

- 1) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг моҳияти;
- 2) қонунчилик ташаббуси амалга оширилиши натижасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни;
- 3) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари доираси ҳамда уларга хос хусусиятлар ва бошқалар.

Ҳуқуқшунослик фанида қонунчилик ташаббуси алоҳида мустақил ҳуқуқий институт сифатида талқин этилади. Илмий адабиётда «қонунчилик ташаббуси» ва «қонунчилик ташаббу-

<sup>1</sup> Батафсил маълумот олиш учун қаранг: *Таджикханов У., Одилқориев Ҳ., Саидов А.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., 2001. — 559-б.

си ҳуқуқи» деган иборалар ишлатилади. Ҳатто, баъзан улар айнан бир хил маънода қўлланилади. Айрим таърифларда «қонунчилик ташаббуси» муайян субъектнинг қонун лойиҳасини киритишга бўлган ҳуқуқи сифатида талқин этилса, бошқа изоҳларда эса қонун лойиҳасини киритиш факти, яъни мазкур ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси сифатида ифода этилади. Қонунчилик ташаббусини қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳасини киритувчи субъектнинг ҳуқуқи маъносида таърифлаш, фикримизча, тўғри эмас. Чунки бунда қонунчилик жараёнининг алоҳида босқичини англатувчи ҳаракат билан ваколатли органлар ва шахсларнинг қонунчилик ташаббуси кўрсатиш ҳуқуқи (реал имконияти) аралаштириб юборилмоқда.

*Қонунчилик ташаббуси* шундай бир ҳаракатлар йиғиндисидирки, бунинг натижасида қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун уни қабул қилади. Бошқача айтганда, бу қонун қабул қилиш билан боғлиқ таклифни киритиш фаолиятидир.

*Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи* деганда, Конституцияда белгиланган давлат органлари, ташкилотлар ва шахсларнинг қонун чиқарувчи органга қонунчиликка оид таклиф ёки қонун лойиҳасини тақдим этишдан иборат субъектив ҳуқуқи тушунилади.

Демак, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи муайян ҳаракатларни (фаолиятни) амалга оширишнинг реал, юридик имконияти бўлса, қонунчилик ташаббуси мазкур ҳуқуқни амалга ошириш асосида рўёбга чиқадиган ҳаракатларнинг ўзидир.

Мамлакатимиз Асосий қонунида қонун чиқариш жараёнининг алоҳида босқичи ҳисобланмиш қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ўзининг юридик ифодасини топган. Эътироф этиш лозимки, қонунчилик ташаббуси Олий Мажлисида эмас, балки фақат Қонунчилик палатасида рўёбга чиқарилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий

суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар. Бу ҳуқуқни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонуннинг 27-моддаси «Қонунчилик ташаббуси» деб номланиб, унда юқоридаги конституциявий норма қуйидаги қоида билан янада аниқлаштирилган: «Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек бюджет моддалари бўйича ўзгартишларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкин» (27-модданинг 2-қисми).

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг қонун лойиҳасини парламентга киритиши ва уни қўриб чиқиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган. Хусусан, мазкур Регламентнинг 12-моддасида қуйидаги қоидалар баён этилган:

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар киритадилар.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда қуйидагилар тақдим этилиши керак:

1) қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати;

2) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

3) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;

4) моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

5) давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинганга қадар қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқнинг субъекти лойиҳа матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Икки палатали парламент шароитида қонунчилик ташаббусининг мазмуни муайян тарзда ўзгаради. Яъни, 1995 йил 5 майда қабул қилинган Олий Мажлис (бир палатали парламент) Регламентининг 79-моддасида: «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистоннинг янги қонунлари лойиҳаларини, амалдаги қонунларини ўзгартириш тўғрисидаги лойиҳаларни, янги қонунларни қабул қилиш ёки амалдаги қонунларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида таклифларни (қонун чиқариш таклифлари) киритиш шаклида амалга оширилади»<sup>1</sup>, — дейилган эди. Таъкидлаш жоизки, бунда қонунчилик ташаббуси икки шаклда — ҳам тайёр лойиҳа шаклида, ҳам қонунчиликка оид таклиф шаклида амалга оширилар эди. Қонунчилик палатасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган регламентида белгиланган тартибга кўра, қонунчилик ташаббуси фақат *тайёр қонун лойиҳасини* мазкур палатага киритиш орқали амалга оширилади.

Фикримизча, қонунчилик ташаббусининг қонунчиликка оид таклифлар киритиш шаклида амалга оширилишини ҳам сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқнинг коллектив субъектлари томонидангина эмас (масалан, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди ва ҳ.к.), балки индивидуал шахс бўлган субъектлари (депутатлар, Президент) томонидан ҳам амалга оширилади. Амалий фаолиятда Президент ёки депутат парламент сессияси мажлисида қонунчиликка оид аниқ таклифни илгари суриши мумкин (бу ҳали лойиҳа эмас). Таклиф маъқул бўлса, тегишли қонун (ёки қонунларга киритиладиган ўзгартиш, қўшимчалар) лойиҳасини тайёрлаш Қонунчилик палатасининг муайян соҳавий қўмитасига топширилади. Лекин, фикримизча, қонун қабул қилишнинг том маънодаги ташаббускори унинг ғоясини биринчи бўлиб илгари сурган субъект ҳисобланиши лозим. Табиийки, қонунчиликка оид так-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1995. — №9. — 24-м.

лиф ҳам Қонунчилик палатасига киритилганида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан пухта асослангирилиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик таклифи билан мурожаат этиш ҳуқуқи ҳеч ким учун чекланмаган. Шундай таклиф киритилган тақдирда эса, қонун лойиҳалари қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган юқорида кўрсатилган идоралар ва шахслар орқали киритилиши мумкин.

Илмий адабиётда ва парламент фаолияти билан боғлиқ идоралар амалиётида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар учраб турибди. Масалан, баъзи йирик жамоат бирлашмаларига (жумладан, касаба уюшмалари республика идораси), сиёсий партияларга, Адлия вазирлигига шундай ҳуқуқ берилишини ёқловчи фикрлар бор. Ҳўш, бу таклифлар хусусида нима дейиш мумкин? Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар мавжуд. Уларнинг барчасига, шу жумладан, Касаба уюшмалари, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқаларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш бу борада парламент ишининг ниҳоятда мураккаблашувига олиб келиши мумкин. Адлия вазирлиги хусусида шуни айтиш лозимки, у ижроия ҳокимият тизимида кирди. Конституцияга мувофиқ, ижроия ҳокимият тизимининг юқори идоралари — Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Шу боис мазкур ҳуқуқнинг Адлия вазирлигига ҳам берилиши мантиқан тўғри бўлмайди. Қолаверса, барча вазирликлар ҳам мазкур ҳуқуққа даъвогарлик қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Омбудсмани ушбу ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги қонуннинг (1997 йил 24 апрель) 5-моддасида: «Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир»<sup>1</sup>, — дейилган. Солиштириб кўрилганида, Конституциянинг 83-моддасида Омбудсман қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъекти сифатида зикр этилмаганлиги кўзга ташланади. Шундан келиб чиқиб, Омбудсманнинг маз-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — №4-5. — 102-м.



кур ҳуқуққа эгаллиги тўғрисидаги қондани Конституцияга киритиш лозимлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилмоқда.

Фикримизча, Конституция билан ушбу қонун ўртасида зиддият йўқ. Конституциянинг 83-моддасида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг депутатлари қонунчилик ташаббусини рўёбга чиқара олишлари ёзиб қўйилган. Омбудсман парламентнинг депутати ҳисобланади. Демак, мантиқан Омбудсман ҳам Қонунчилик палатаси ҳузурида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдалана олади. Омбудсман тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида ҳам унинг парламент депутати эканлиги эътироф этилиб, сўнгра қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи борлиги қайд этилган. Шу сабабли Конституцияга қўшимча киритишга эҳтиёж йўқ.

Шундай қилиб, *қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи* Конституцияда белгиланган ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахсларнинг муайян қонун лойиҳасини ёхуд янги қонун қабул қилиш, амалдаги қонунни ўзгартириш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси эътиборига тақдим этишлари ва парламентнинг бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳақида тегишли қарор қабул қилишидир.

1997 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Унда қонун яратиш жараёнини янада демократлаштириш, қонун лойиҳаларини кенг омма орасида муҳокама қилиш зарурлиги, қонун яратишда молиявий-иқтисодий асосларни илова қилиш шарт эканлиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

**Иккинчи босқич** — қонун лойиҳасини муҳокама қилиш. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш қонун яратиш жараёнининг жуда муҳим босқичидир. Бу босқич қонун лойиҳаси қонун чиқарувчи органга тақдим этилгач ва у ҳақидаги масала сессия кун тартибига киргач бошланади. Қарор топган тажрибага кўра, қонун лойиҳаси икки хил тартибда муҳокама қилинади: аксарият қонунларнинг лойиҳалари, умумий қоидага биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисларида муҳокама этилади; мамлакат ҳаётининг ўта муҳим масалаларини тартибга солишга қаратилган қонун-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — №9. — 237-м.

ларнинг лойиҳалари эса кенг халқ муҳокамасига чиқарилади. Барча қонун лойиҳаларини халқ муҳокамасига қўйиш мажбурий қоида эмас. Умумхалқ муҳокамалари сўнгги йилларда қонунчилик тажрибамизда кенг қўлланилаётган демократик институтдир.

Қонун лойиҳаси аввал парламент муҳокамасига қўйилади-ми ёки умумхалқ муҳокамасига киритиладими деган саволга аниқ жавоб бериш мушкул. Чунки парламент баъзи лойиҳаларни аввал ўзи биринчи ўқишда муҳокама этиб, лозим топса, уни умумхалқ муҳокамасига чиқариш учун матбуотда эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Баъзан эса парламент лойиҳани умумхалқ муҳокамасига чиқариб, муҳокама яқунларини аниқлаганидан кейингина ўз муҳокамасидан ўтказиб қабул қилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам умумхалқ муҳокамасидан ўтган қонун лойиҳаси яна парламент муҳокамасидан ўтади. Акс ҳолда лойиҳа қонун сифатида қабул қилинмайди.

Умумхалқ муҳокамаси, аслида, қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бевосита кенгашув, маслаҳатлашувдир. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига киритиш халқ оммасининг тажрибасини умумлаштириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунда халқнинг манфаатларини, хоҳиш-иродасини тўлатуқис акс эттириш имконини беради.

Ўзбекистон Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади. Бу қоида муҳим қонун лойиҳаларига ҳам тааллуқли. Умумхалқ муҳокамасини амалга оширишнинг процессуал, ташкилий жиҳатлари «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Гап қонун лойиҳасини халқ муҳокамасига чиқариш тўғрисидаги қарорни ким, қайси орган қабул қилади, бу ҳақдаги таклифни киритишга кимлар ваколатли, деган масалалар хусусида бормоқда. Масалан, ушбу қонунга кўра, қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига чиқариш ҳақидаги таклифни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар киритиши мумкин. Лойиҳани бундай муҳокамага чиқариш тўғрисидаги қарорни эса республика парламенти қабул қилишга ҳақли.

Умумхалқ муҳокамалари ўтказишнинг процессуал жиҳатлари, яъни бу масала бўйича ташаббус кўрсатадиган субъектлар муҳокама тайинлаш хусусида қарор чиқарадиган мутасад-

ди орган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йилдаги Регламентида батафсил белгиланган эди. Бироқ, таасуфки, Олий Мажлис палаталарининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган Регламентларида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси масаласи эътибордан четда қолдирилибди.

Парламентнинг қонун лойиҳасини муҳокама қилиши қонунчилик жараёнининг расмий босқичи саналади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган новеллалар (янги қоидалар) қонун лойиҳасини муҳокама қилишни икки палатали парламент шароитига мослаштиришга хизмат қилди. Бу борада Асосий қонуннинг янги таҳрирдаги 87-моддасида қуйидаги қоида белгилаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан қўмиталарни сайлайди».

Ушбу норманинг мантиқий давоми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонунида мустаҳкамланди. Унда қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиби белгиланди: «Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилганидан кейин Қонунчилик палатаси Спикери уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белгилайди.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишга ҳақли. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул қўмита уни Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш ёки қонун лойиҳасини киритган органга (шахсга) қайтариш тўғрисида Қонунчилик палатасининг Кенгаши олдига масала қўяди» (28-модда).

Агар киритилган қонун лойиҳаси «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва Қонунчилик палата-

сининг Регламентига мувофиқ бўлмаса, Қонунчилик палатасининг Кенгаши қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Регламентининг 13-моддасида палата Спикери, Кенгаши ва масъул қўмитанинг ҳаракатлари юридик тарзда аниқ расмийлаштириб берилди. Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага (бундан буён матнда Масъул қўмита деб юритилади) топширади. Масъул қўмита қонун лойиҳасини кўриб чиқишга қабул қилиш мумкинлиги ёки уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш зарурлиги тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгашига белгиланган муддатда ҳулоса тақдим этади.

Қонунчилик палатасининг Кенгаши Масъул қўмитанинг ҳулосаси асосида қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки, белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. Аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун янгидан киритилиши мумкин. Агар тегишли масала бўйича қонун лойиҳаси палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, айти шу масала бўйича бошқа қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинганида Қонунчилик палатасининг Кенгаши қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш муддатини белгилайди. Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли ҳужжатлар билан Қонунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш Масъул қўмита томонидан амалга оширилади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қўмиталарида муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади. Агар Қонунчилик палатасининг Кенгаши бошқа муддат белгилаган бўлмаса, Масъул қўмита қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан икки ой ичида уни — Қонунчилик палатаси Кенгашининг қонун лойиҳасини бирин-

чи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорининг лойиҳасини, Масъул қўмитанинг мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этиш зарурлиги асосланган ҳолдаги хулосасини илова қилиб – Қонунчилик палатасининг Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Қонунчилик палатасининг Кенгаши Масъул қўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун лойиҳасининг асосий муҳокамаси Қонунчилик палатасининг мажлисларида амалга оширилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, *уч ўқишда* кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган деб топилади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. У асосли деб топган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда кўриб чиқиляётганида Масъул қўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан яхлитлигича овозга қўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, Масъул қўмитанинг таклифига биноан, қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонунни Қонунчилик палатаси палата депутатлари умумий сонининг кўпчилилик овози билан қабул қилади. Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан бирга қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган ҳужжатлар юборилади.

Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасида қабул қилинган қонун Сенатга юборилганидан сўнг амалга ошириладиган ҳаракатлар белгиланган. Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат рад этган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Башарти, Сенат қўйи палата қабул қилган қонунни маъқулламай, рад этса, парламент палаталари ўртасида келишув комиссияси тузилади. Сенат рад этган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенг асосда келишув комиссияси тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасида келишув комиссияси тузиш тўғрисидаги ташаббус Қонунчилик палатасининг Спикеридан, шунингдек фракциялар ва депутатлар гуруҳларидан чиқиши мумкин. Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва Сенат Раиси ўзаро

маслаҳатлашиб оладилар. Ушбу комиссиянинг Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида тасдиқланади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайдилар.

Комиссия, қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида, Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш хусусидаги таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади. Хулоса Қонунчилик палатаси ва Сенатдан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишлича Қонунчилик палатаси ва Сенатга топширилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда Қонунчилик палатаси қонунни қайта кўриб чиқиши керак бўлади. Қонунни қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун, палата маъқуллаган тузатишларни инобатга олган ҳолда, ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қонунни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилса, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади. Агар келишув комиссияси қонун борасида амалга оширган ишларнинг яқунларига кўра келишувга эришилмаса, қонун Сенат рад этган қонун сифатида қайта кўриб чиқилиши керак. Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг эътирозлари билан қайтарилган қонун Қонунчилик палатаси томонидан бир ойлик муддатда қайта кўриб чиқилиши керак.

Масъул қўмита Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқиш масаласи белгиланган тартибда Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилади.

Башарти, Қонунчилик палатаси Сенат рад этган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- қонунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;
- қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;
- қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Бордию қонун аввал қабул қилинган таҳрирда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонунининг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилганидан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг жорий қилиниши, қонун чиқариш жараёнига муайян хусусиятлар бахш этди. Гарчанд, қонунларни асосан Қонунчилик палатаси ишлаб чиқиб, қабул қилса-да, у кейин Сенат (юқори палата) томонидан кўриб чиқилади ва маъқулланади (ёки маъқулланмай, рад этилади). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламентининг 11 – 14-моддаларида ушбу масалалар ўз аксини топган.



Белгиланган тартибга кўра, Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган Масъул қўмитага топширилади. Масъул қўмитанинг хулосасида қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо акс эттирилади. Қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосада Масъул қўмитанинг қонунни рад этиш зарур деб ҳисоблашининг вазлари баён этилиши лозим. Масъул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади. Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг Масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Кўриб чиқилаётган қонун юзасидан унинг муҳокамаси тартибда сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади. Сенат маъқуллаган қонун имзоланган ва эълон қилиш учун Сенат қарори билан бирга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорида рад этиш вазлари кўрсатилиши керак. Унда айни вақтнинг ўзида қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифлар баён этилиши мумкин.

Сенатнинг қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади. Сенат рад этган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Сенатда келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин. Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Сенат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса

унинг Кенгаши томонидан тасдиқланади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар. Келишув комиссияси, қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида, Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади. Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишлича Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқиши керак. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун қайта кўриб чиқиш учун бевосита Қонунчилик палатасига юборилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган ва Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиқишда илгари қабул қилинган таҳрирда маъқуллаган қонун белгиланган тартибда Сенатга юборилади. Масъул қўмита ушбу қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Сенатда қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала белгиланган тартибда Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилади. Сенат қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан қайта кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун белгиланган тартибда Сенат қарори билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Президентига юборилади.

Сенатнинг қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади. Агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикасининг Президенти қайтарган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилганида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътирозларини ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу қонунни Сенат янгидан қабул қилинган қонун сифатида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

**Учинчи босқич — қонунни қабул қилиш.** Қонунчилик жараёнининг яна бир муҳим босқичи — қонун лойиҳасини тасдиқлаш, қонунни қабул қилиш босқичидир. Бу босқичнинг аҳамияти ва масъулияти шундаки, бунда қонун лойиҳасига расмий юридик куч бахш этилади, у қонунга айланади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари икки йўл билан қабул қилинади:

биринчиси — қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши ва Сенат томонидан маъқулланиши;

иккинчиси — қонунни умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилиш.

Қонун овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қонун лойиҳасига овоз бериш уч хил шаклда амалга оширилади:

- 1) моддама-модда;
- 2) бўлим ёки боб бўйича алоҳида-алоҳида;
- 3) лойиҳа тўлиғича овозга қўйилади.

Ҳар бир қонунни қабул қилиш чоғида овоз бериш тартиби Олий Мажлис палаталари томонидан алоҳида белгиланади. Қонунларни қабул қилишнинг, овоз беришнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва Олий

**Мажлис** палаталарининг амалдаги Регламентларида белгилаб берилган. Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилиги (ярмидан ортиқ) овоз билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонунни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овози талаб қилинади.

Жорий қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритувчи қонунлар эса Қонунчилик палатаси депутатларининг оддий кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Тажрибага кўра, қонун лойиҳаси кўриб чиқиладиган пайтда унга киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиш алоҳида овозга қўйилади. Мазкур қонунда комиссия ҳамда қўмиталар таклиф этган ва лойиҳани киритувчи субъект рози бўлган тузатишларга тааллуқли эмас. Бундай тузатишлар қонун лойиҳасининг дастлабки киритилган матнига қўшиб овозга қўйилаверади. Хулоса берган қўмитанинг айрим аъзоси (агар илгари алоҳида фикр баён этган бўлса) сессия вақтида таклиф киритса, депутат, сенаторлардан бирортаси бевосита мажлис давомида тузатиш киритса, булар лойиҳа бўйича умумий овоз беришдан аввал такдим этилиш навбатига қараб овозга қўйилади. Башарти, бундай таклифларнинг айримлари лойиҳа матнининг баъзи қисмларини чиқариб ташлашни талаб этадиган бўлса, бу қисм энг биринчи навбатда овозга қўйилади. Бордию, лойиҳанинг битта моддаси ёхуд битта қонунда юзасидан тушган бир неча таклифлардан биттаси қабул қилинса, бу тузатишга маъно жиҳатдан қарама-қарши бўлган бошқа таклифлар овозга қўйилмайди. Қонун лойиҳаси ялпи умумий овозга қўйилган тақдирда қабул қилинган тузатишларнинг ҳаммаси бирга овозга қўйилади.

Қонунчилик палатаси тўлиқ юридик кучга эга бўлган ҳужжат қабул қила олиши учун депутатларнинг муайян қисми мажлисда ҳозир бўлиши ва овоз беришда иштирок этиши талаб қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, қонунлар «Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овози билан» қабул қилинади. Бу ерда мана шу «кўпчилиги овоз» деган иборага аниқлик киритиш лозим. Зеро, парламентаризм тажрибасида бу борада аниқ мезонлар мавжуд. Жумла-

дан, «нисбий кўпчилик», «оддий кўпчилик», «мутлақ кўпчилик» ва «малакали кўпчилик» тушунчалари қўлланилади.

*Нисбий кўпчиликнинг* овоз бериши деганда, депутатларнинг бошқа таклифлар учун берилган овозлари сонига нисбатан олинган энг кўп овози тушунилиб, у қонунда белгиланган депутатлар сони квотасининг ярмидан ошмаслиги лозим.

*Оддий кўпчиликнинг* овоз бериши амалиётда энг кенг тарқалган шакл бўлиб, бунда парламент мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг (кворум мавжуд бўлган тақдирда) ярми ва яна битта овоз берилган ҳолати англашилади.

*Мутлақ кўпчиликнинг* овоз бериши деганда, депутатлар умумий рўйхатдаги сонининг тенг ярми ва яна битта депутатнинг овози тушунилади. Бир қатор чет давлатларнинг парламентида бу тоифадаги овозлар сони парламент мажлисининг ишчи органларини сайлаш учун, депутатни чақириб олиш ёки уни ҳибсга олиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун, раислик қилувчининг мажлисни олиб бориши бўйича мунозарани ҳал этиш учун ва бошқа ҳолларда талаб этилади.

Парламентда баъзи жиддий масалаларни ҳал этиш учун депутатлар ва сенаторлар *малакали кўпчилигининг* овози лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат (айнан шу миқдор малакали кўпчилик овозни ташкил этади) кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун билан киритилади (127-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида овоз бериш демократик тарзда амалга оширилади. Аввало, ҳар бир депутат ёки сенатор шахсан ўзи овоз бериш ҳуқуқига эга. Чунки овоз бериш депутатнинг ёки сенаторнинг ўз фикрини, у ёки бу масалага шахсий муносабатини билдириши, иродасини ифода этишидир. Парламент аъзоси овоз бериш учун бошқа ҳамкасбини вакил қилиши мумкин эмас.

Парламентнинг ҳар икки палатасида овоз бериш тартиби уларнинг Регламентларида белгилаб қўйилган. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига кўра, Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном бўлиши

**мумкин.** Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади. Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Қонунчилик палатасининг депутати ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

Худди шунга ўхшаш қоида Олий Мажлис Сенати Регламентининг 10-моддасида ҳам мустақкамланган. Унга асосан Ўзбекистон халқ депутатларининг камида бешдан бир қисми талабига мувофиқ сессияда электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёхуд депутатлар (сенаторлар)нинг номлари ёзилган бюллетенларни топшириш йўли билан номма-ном овоз бериш ўтказилади. Бюллетенларда «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган сўзлар бўлади. Депутат ёки сенатор бюллетендаги ана шу сўзлардан бирини қолдириб, қолганларини ўчириши керак. Овозларни ҳисоблаб чиқиш пайтида юқорида кўрсатилган сўзларнинг биттадан ортиғи қолдирилган ёки ҳар учала сўз ўчириб ташланган, ё бўлмаса кўзда тутилмаган қарор варианты ёзиб қўйилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Қонунлар умумхалқ овоз бериши (референдум) орқали ҳам қабул қилинади. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунда «референдум» тушунчаси қуйидагича таърифланади: «Ўзбекистон Республикаси референдуми — давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир (1-модда).

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

**Тўртинчи босқич** — қонунни имзолаш ва эълон қилиш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган янги қўшимча ва ўзгартишлар мазмунига кўра, қонун ижодкорлигининг якуний босқичи ўзига хос процессуал қоидалар билан Асосий қонуннинг 84-моддасида баён этилган. Унга кўра, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кунидан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига ўн кун ичида юборилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан қонун 30 кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати рад этган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати рад этган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзолаш ва эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати рад этган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганида қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган

таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 14 кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак бўлади.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши уларни қўллашнинг мажбурий шартидир.

Конституция 93-моддасининг 17-бандида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади. Ўзбекистон қонунлари имзоланганидан кейин узоғи билан бир ҳафта ичида расман эълон қилинади. Агар ҳужжатнинг ўзида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, расмий эълон қилинганидан сўнг ўн кун ўтгач, бутун Ўзбекистон ҳудудида бир вақтнинг ўзида кучга киради.

Қонунларнинг тўлиқ матни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси», «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида чоп этилади. Мазкур нашрлар қонуннинг биринчи расман эълон қилиниши ҳисобланади. Матбуотда эълон қилинган қонун (агар уни кучга киритиш тўғрисидаги қарорда бошқача муддат назарда тутилмаган бўлса) шу вақтдан бошлаб юридик кучга эга бўлади, яъни ўзининг амалий «ҳаётини» бошлайди.

### **2.3. Хорижий мамлакатлар парламентлари қонунчилик фаолиятининг хусусиятлари**

Дунё давлатлари ҳамжамияти муштарак халқаро тизим сифатида майдонга чиқади. Ушбу умумбашарий тизимнинг алоҳида мустақил бўғини бўлган давлатлар барча соҳалар бўйича ҳамкорликда, ўзаро узвий алоқадорликда ва боғлиқ ҳолда ривожланидилар. Ҳар бир алоҳида олинган давлат бошқа давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий, қонунчилик ва давлат қурилиши боразидаги илғор, ижобий тажрибасидан фойдаланиши мумкин.

Сиёсий-ҳуқуқий тизимларни демократик тарзда қайта тузаётган, парламент ислохотлари орқали икки палатали қонун чиқарувчи органни шакллантириш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун хорижий мамлакатларнинг парламентаризм тажрибасини ўрганиш ниҳоятда катта аҳамият касб этиши табиий.



Парламентаризм тарихий ривожланишининг сўнги икки юз йили давомида бениҳоя бой ва мазмунли тажриба тўпланди. Бу борадаги ранг-баранглик қанчалик беқиёс бўлмасин, сайёра-мизда мавжуд парламентлар фаолиятини таққослаш, қиёслаш ёрдамида ушбу давлат ҳуқуқий ҳодисанинг барча муҳим жиҳатлари, умумий томонлари ва хусусиятларини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Илғор давлатларда қарор топган қонун чиқариш амалиёти, уларда шаклланган тартиб-таомилларни қиёслаш орқали парламентаризмнинг туб моҳияти, анъаналари ҳамда умумий қонуниятларини англаб етиш мумкин. Айни вақтда шуни эътироф этиш жоизки, турли парламентлар тажрибасини қиёслашга асосланган қатор нодир асарлар нашр этилган<sup>1</sup>.

Биз мавжуд адабиётлар таҳлили асосида демократияси раванқ топган бир қатор мамлакатлар парламенти, айниқса уларнинг қонун ижодкорлиги жараёнининг мазмунига, белги-хусусиятларига эътибор қаратиш ниятидамиз.

Таҳлилимизни **Австралия Иттифоқидан** бошласак. Мазкур федератив давлат Австралия қитъасида, Тасмания оролида ҳамда унинг ён-атрофидаги оролларда жойлашган. Австралия Буюк Британия бошқарадиган ҳамдўстликка киради. У олгита штатдан ҳамда Шимолий ва Пойтахт Австралия ҳудудларидан таркиб топган.

Австралияда қонун чиқарувчи ҳокимият умумхалқ овози билан сайланадиган икки палатали парламентга тегишли. Юқори палата — Сенатда 76 нафар аъзо бор (ҳар бир штатдан 12 нафар ва ҳудуддан 2 нафардан сайланади). Сенаторлар олти йил муддатга (ҳудудларнинг вакили бўлган сенаторлар уч йилга) сайланадилар. Вакиллар палатаси (Қуйи палата) 148 нафар аъзодан иборат. Қуйи палата депутатлари ҳам умумий овоз бериш асосида уч йил муддатга сайланадилар.

Қонун чиқариш жараёни қуйидагича кечади. Одатда қонун лойиҳаси парламент кенгаши томонидан вазир ёки парламент аъзосининг топшириғига биноан тайёрланади. Сўнгра лойиҳа ташаббус соҳибига тўлдириш ва тузатиш учун тақдим этилади. Лойиҳа тайёр бўлгач, парламент палаталарига кўриб чиқиш учун киритилади. Ҳар бир палата қонун лойиҳасини бир неча ўқишда

<sup>1</sup> Қаранг: *Амиллер М.* Парламенты: сравнительное изучение структуры и деятельности представительных учреждений 55 стран мира. — М., 1967; *Парламенты мира.* — М., 1991; *Правовые системы стран мира / Отв. ред. А.Я.Сухарев.* — М., 2001; ва бошқ.

кўриб чиқади. Биринчи ўқишда депутатлар лойиҳа матни билан танишадилар; иккинчи ўқишда унинг маъноси ва мақсадлари депутатларга тушунтирилади. Сўнгра лойиҳа муҳокама қилинади ва қайта ишлаш учун комиссияларга юборилади. Учинчи ўқиш натижасида лойиҳа иккала палата томонидан маъқулланиши лозим. Ҳеч бир палата лойиҳага иккинчи палата томонидан маъқулланмаган ўзгартиш ва қўшимчаларни кирита олмайди. Ба-шарти, палаталар ягона тўхтама кела олмасалар, умумий қарорни ишлаб чиқиш учун ўз вакиллари билан белгилайдилар. Қонун лойиҳаси иккала палата томонидан маъқуллангач, тасдиқлаш (имзолаш) учун генерал-губернаторга юборилади.

Австралиянинг қонунчилик ва ҳуқуқий тизими инглиз умумий ҳуқуқи таъсирида шаклланган. Ҳуқуқнинг асосий манбаини Конституция, судлар томонидан ифодаланган умумий ҳуқуқ ва қонунчилик актлари ташкил этади<sup>1</sup>.

**Австрия Республикаси.** У — Европа марказида жойлашган демократик режимдаги парламентар республика. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали Федерал Мажлис томонидан амалга оширилади. Бош Палата — Миллий Кенгаш (Националрат) пропорционал (мутаносиб) вакиллик асосида тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Мазкур Палатада 183 нафар аъзо бўлиб, тўрт йил муддатга сайланади. Ҳар йили унинг навбатдаги сессияси ўтказилади. Иккинчи Палата — Федерал Кенгаш (Бундесрат) бўлиб, унинг таркибида 63 нафар аъзо бор. Ушбу Палата ўлкалар (яъни, федерация субъектлари)нинг вакиллари билан иборат таркибда шакллантирилади. Палаталарнинг биргаликдаги мажлиси Бундесферзаммлунг деб аталади.

Австрия Республикасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Миллий Кенгаш ва Федерал ҳукумат аъзоларига тегишли. Бундан ташқари, 100000 сайловчи йўллаган ҳар қандай таклифни Миллий Кенгаш кўриб чиқиши шарт. Бундай таклиф халқ ташаббуси деб номланади.

Дастлаб қонун лойиҳасини Миллий Кенгаш кўриб чиқади, кейин у Федерал Кенгашга юборилади. Федерал Кенгаш лойиҳани ё маъқуллайди, ё ўзининг асосланган раддияси билан қайтаради. Эътирозлар саккиз ҳафталик муддат ичида Миллий Кенгашга топширилади. Агар Миллий Кенгаш эътирозни

<sup>1</sup> Қаранг: Правовые системы стран мира / Отв. ред. проф. А. Я. Сухарев. — М., 2001. — С. 1—2.

олгач, яна ўз таркибининг  $1/2$  қисми иштирокида қонун лойиҳаси учун овоз берса, у қабул қилинган ҳисобланади. Шунингдек, Федерал Кенгаш Миллий Кенгашнинг регламентига оид, тарқатилишига оид ва молиявий мазмундаги қарорларига нисбатан эътироз билдира олмайди.

Барча федерал қонунлар Президент имзоси билан тасдиқланади. Конституцияга мувофиқ, қонунлар референдум йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин. Агар референдумда аҳолининг аксарият кўпчилиги лойиҳа учун овоз берса, қонун қабул қилинган ҳисобланади<sup>1</sup>.

**Буюк Британия (Англия)**да қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламентга тегишли. 1911 йилдаги Парламент тўғрисидаги қонунга кўра, қонун чиқарувчи идора беш йил муддатга сайланади. Жамоалар палатаси (қуйи палата) умумий ва тўғридан-тўғри мажоритар сайлов тизими асосида сайланади. Унинг таркибида 650 нафар депутат мавжуд. Лордлар палатаси сайланмайди. Унга аъзо бўлиш ҳуқуқига мерос асосида ёки қиролчи томонидан тайинлаш асосида эга бўлинади. Ҳозирда маъмур палатада 1200 дан зиёд аъзо (пер ва лорд-судьялар) бор.

Англия парламентининг муҳим вазифалари қаторида қонун қабул қилиш ва ҳукумат фаолиятини назорат қилиш функциялари бор. Депутатлар алоҳида ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиш ҳамда ҳал қилиш учун турли қўмиталар тузадилар.

Парламент ҳузурида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига парламент аъзолари, ҳукумат аъзолари эгадирлар (чунки вазир биронта палатанинг депутати бўлиши лозим). Ҳукумат муҳокамага киритадиган қонун лойиҳалари устун аҳамиятга эга. Ҳукумат аъзоси бўлмаган депутатлар ҳафтада бир марта (ҳар жума куни) қонун лойиҳаси тақдим этишга ҳақлидирлар.

Қонун лойиҳалари Жамоалар палатасига ҳам, Лордлар палатасига ҳам киритилиши мумкин. Лекин у аввал Жамоалар палатасида, сўнгра Лордлар палатасида муҳокама қилинади.

Қонун лойиҳаси уч марта муҳокамадан ўтади. Биринчи ўқишда қонуннинг номи ва биллнинг мақсади, шунингдек иккинчи муҳокама ўтказиладиган вақт эълон қилинади. Иккинчи ўқишда қонун лойиҳаси тўлиқ кўриб чиқилиб, қўми-

<sup>1</sup> Ўша жойда. — 8—9-б.

талардан бирига моддама-модда муҳокама этиш учун йўлла-  
нади. Сўнгра қўмитанинг маърузаси тингланади, биллнинг  
моддаларига тузатиш ва тўлдиришлар таклиф этилади. Учинчи  
ўқишда қонун лойиҳаси қайта муҳокама қилиниб, овозга қўйи-  
лади. Жамоалар палатасида маъқулланган қонун лойиҳаси Лор-  
длар палатасига юборилади<sup>1</sup>.

Англия парламенти ҳукумат фаолиятини қуйидаги шакл-  
ларда назорат қилади:

депутатлар ҳукумат аъзоларига саволлар билан мурожаат  
этадилар, вазирлар уларга палаталар мажлисида оғзаки жавоб  
берадилар ва парламент ҳисоботларида нашр этилиши учун ёзма  
жавоблар тайёрлайдилар;

ҳар бир сессия бошланиши олдидан депутатлар қиролича-  
нинг нутқи юзасидан муҳокама олиб борадилар. Қироличанинг  
нутқида ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари баён эти-  
лади. Шу сабабли депутатлар нутқни муҳокама қилиш орқали  
ҳукуматнинг фаолиятини назорат қиладилар.

Шу ўринда қиёслаш учун қуйидаги лавҳани келтирамиз.  
Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам парламент-  
нинг ҳукумат фаолиятини назорат қилиши ҳақидаги қоида бел-  
гиланган. Хусусан, Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг  
тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини  
қабул қилади ва унинг ижросини назорат этади (78-модда-  
нинг 8-банди), ҳукуматнинг таклифи асосида солиқлар, маж-  
бурий тўловлар ва бошқа молиявий умуммажбурий меъёрлар-  
ни тасдиқлайди. Республика бюджетининг ижросини муҳока-  
ма этиш орқали депутатлар ҳукумат фаолиятига баҳо беради-  
лар ҳамда парламент назоратини амалга оширадилар<sup>2</sup>.

Одатда Англияда ҳукумат парламент сайловларидан сўнг  
ташкил этилади. Жамоалар палатасида кўпчилик ўрин олган  
пешқадам партия раҳбари Бош вазир лавозимига тайинланади.  
Унинг маслаҳати билан қиролича бошқа ҳукумат аъзоларини  
тайинлайди. Ҳукумат парламентнинг қуйи палатаси олдида ҳисо-  
бот беради. Мабодо Жамоалар палатаси ҳукуматга ишончсиз-  
лик билдирса, у истеъфога кетишга мажбур бўлади.

<sup>1</sup> Қаранг: Конституции мира. Т. 1. – Т., 1997. – С. 340–352.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003. Шунингдек, қаранг:  
*Адилкариев Х.Т.* Новая Конституция – великий символ суверенитета Узбекистана.  
– Т., 1993. – С.10; *Таджикханов У.* Закон. Человек. Государство. – Т., 1997. – С. 135–136.

**Германия** — давлат бошқаруви шаклига кўра парламентар республика. 1949 йилдаги Асосий қонунга биноан, Федерал Президент — давлат бошлиғи; қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент — Бундестаг ва Бундесрат томонидан амалга оширилади. Парламент 496 нафар депутатдан иборат таркибда тўрт йил муддатга сайланади. Бундесрат таркибида 41 киши бўлиб, улар ўлкалар ҳукуматларининг аъзолари ҳисобланадилар.

Ҳар бир ўлка, аҳолисининг сонига қараб, Бундесратда 3 тадан 5 тагача овозга эга бўлади. Палаталар доимий қўмиталар тузиб, депутатлар гуруҳларига раҳбарлик қилувчи вакиллари-ни сайлайдилар.

Асосий қонунга кўра, Германия парламентининг қонун қабул қилиш тартиби қуйидагича. Қонун лойиҳаси Бундестаг томонидан қабул қилинади ва дарҳол Бундесратга юборилади. Агар Бундесрат уни маъқулламаса, у икки ҳафта мобайнида Келиштирув қўмитаси чақиришни талаб этиши мумкин. Бу қўмилада иккала палатадан вакиллар иштирок этадилар. Башарти, Келиштирув қўмитаси қонун лойиҳасига бирорта ўзгартиш киритса, лойиҳани Бундестаг такроран муҳокама қилади. Бундестаг қабул қилган қонун лойиҳасини иккинчи марта Бундесрат бир ҳафта давомида рад этиши мумкин. Бу ҳолда қонун лойиҳаси учинчи марта Бундестагга юборилади. Энди, агар Бундестаг депутатларининг кўпчилиги қонун лойиҳасини ёқлаб овоз берса, қонун қабул қилинган ҳисобланади.

Бундестаг ҳукуматни назорат қилиш ваколатига эга. Назорат интерpellяция, оғзаки савол-жавоб, тергов комиссиясининг фаолияти ва ҳукуматдан истеъфога чиқишни талаб қилиш шаклларида амалга оширилади.

Ҳукумат таркибига Канцлер — ҳукумат бошлиғи, вице-канцлер, вазирлар ва «портфелсиз вазирлар» киради. Бундестаг Президент тавсиясига кўра, канцлерни сайлайди (агар канцлерликка номзод Бундестагда етарли кўпчилик овозини олмаса, Президент уни тарқатиб юбориши мумкин). Президент Канцлер тавсияси асосида вазирларни тайинлайди ва вазифасидан озод этади. Ижроия ҳокимият қонунчилик борасида ҳам катта ваколатларга эга. У қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланади. Бунда ҳукумат киритган қонун лойиҳалари депутатлар киритган қонун лойиҳаларига қараганда устун аҳамиятга эга бўлади. Агар ҳукуматнинг қонун лойиҳасини Бундестаг рад

этса, Президент ҳукуматнинг тавсияси ва Бундесратнинг розилиги билан мазкур қонун лойиҳасига нисбатан «қонунчилик зарурати» мақомини эълон қилади ва бунда қонун Бундесрат маъқуллови билангина кучга киради.

Ҳукумат аъзолари фақат Канцлер олдида ҳисобдордирлар. Давлат механизмида Канцлернинг ўрни ниҳоятда катта. У давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилайди. Агар Канцлер истеъфога кетса, бутун ҳукумат ҳам истеъфога чиқади. Шу сабабли Бундестаг бутун ҳукуматга ёки унинг айрим аъзосига эмас, балки Канцлерга ишончсизлик билдириши мумкин<sup>1</sup>.

**Америка Қўшма Штатлари** ҳам парламентаризм анъаналари чуқур илдиз отган мамлакатдир. Давлат бошқаруви шаклига кўра АҚШ президентлик республикасидир. Америка Конституциясининг асосчилари ҳокимиятнинг бўлиниши принципи замирида демократик парламентчилик, кучли ва нуфузли президент ҳамда одил суд тизими вужудга келтирилди. Қонун чиқарувчи ҳокимият АҚШ Конгрессига тегишли.

Конгресс давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи бўлиб, икки палатадан – Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат. Вакиллар палатаси таркибига 435 нафар аъзо киради, у мажоритар нисбий кўпчилик сайлов тизими асосида тўғридан-тўғри сайлов йўли билан ташкил топади. Бутун мамлакат манфаатларини ифода этувчи депутатлар икки йил муддатга сайланадилар. Сенат штатлар манфаатларини акс эттирувчи палата бўлиб, 6 йилга сайланади, бироқ унинг 1/3 қисми ҳар икки йилда янгиланиб туради. Сенат таркибида 100 нафар аъзо – ҳар бир штатдан иккитадан вакил бор.

Вакиллар палатасида депутатлар орасидан сайланадиган спикер раислик қилади. Сенатда эса АҚШнинг вице-президенти Раис саналади, у парламентда кўпчилик мандатга эга бўлган партиянинг вакилидир.

Конгресс бир йилда бир марта навбатдаги сессияга тўпланади. Унинг фавқулодда сессиялари Президент томонидан чақирилиши мумкин. Палаталар, қоида тариқасида, ўз мажлисларини алоҳида-алоҳида ўтказадилар. Иш фаолиятида палаталар турли қўмиталар тузадилар. Уларда қонун ижодкорлиги ишининг асосий қисми амалга ошади.

<sup>1</sup> Қаранг: Конституции мира. – Т. 1. – Т., 1997. – С. 41.

Конгресснинг ваколатлари Конституцияда белгилаб қўйилган. АҚШ Конституцияси 8-бўлимнинг, 1-моддасига мувофиқ, Конгресс турли божлар, солиқлар, йиғимлар белгилаши мумкин, АҚШнинг биргаликдаги мудофааси ва фаровонлиги хусусида ғамхўрлик қилади. Бундан ташқари, ҳар бир палата ўзига берилган ваколатларни бажаради. Масалан, Вакиллик палатаси импичмент, яъни федерал фуқаровий мансабдор шахсларга нисбатан айблов қўзғатиш ҳуқуқига, Сенат эса импичмент тартибида айбдорлик масаласини ҳал этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Сенат Президент тайинлаган олий мансабдор шахсларни тасдиқлайди, улар тузган халқаро шартномаларни маъқуллайди. Бироқ асосий фаолият ҳисобланган қонун ижодкорлиги масаласида ҳар икки палата тенг ваколатларга эга.

Қонунчиликка оид ғоялар манбаи чекланмайди, қонун лойиҳалари турли жойларда туғилиши мумкин. Табиийки, бу борадаги биринчи манба Конгресс аъзоларидир. Лойиҳалар ёки бўлажак қонуннинг ғояси сайлов кампанияси жараёнида ҳам вужудга келиши мумкин. Конгрессмен ўзининг парламентдаги фаолияти ёки сайловчилари (электорат) билан учрашувларда у ёки бу қонунни ўзгартириш (тўлдириш), янгисини қабул қилиш тўғрисида хулосага келиши мумкин. Баъзи ҳолларда фуқароларнинг турли уюшмалари, гуруҳлари — адвокатлар уюшмаси, юристлар ёки касбдошлар иттифоқи, савдо ёки тadbиркорлик палаталари ўзларининг петиция бериш ҳуқуқидан фойдаланиб, Конгрессдаги ўз вакилларига қонунчиликка оид таклифларини юборишлари мумкин. Таклифларни олган конгрессмен уларни шу ҳолда ёки ўзи таҳрир қилиб (маслаҳатчилар ёрдамида лойиҳа тайёрлаб) Вакиллар палатаси ёки Сенатга тақдим этиши мумкин.

Ҳукумат ёки давлатнинг бошқа ижроия органи ҳам қонун ижодкорлигининг сермахсул манбаидир. Зарурат туғилган ҳолларда Президент, ҳукумат аъзоси, мустақил бошқарув маҳкамасининг раҳбари қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифини ёзма равишда Вакиллар палатасининг Спикерига ва Сенат раисига юбориши мумкин. Келиб тушган таклифлар палаталарнинг доимий қўмиталарига йўлланади. Доимий қўмита раиси таклифни дарҳол муҳокамага киритади. АҚШ Конституциясида парламент палаталарига таклифлар албатта қонун лойиҳаси шаклида киритилсин, деган талаб йўқ. Демак,

қонунчилик таклифи асослантилган хат тарзида ҳам қабул қилинади. Лойиҳа тузиш билан боғлиқ ишлар доимий қўмиталарда амалга оширилади.

Бир қатор вазирликлар, департаментлар ва мустақил муассасалар ўз штатларида махсус тайёргарлик ўтган қонунчилик масалалари бўйича маслаҳатчиларга эгадирлар. Лозим бўлган тақдирда ушбу мутахассислар Конгрессга юбориладиган қонун лойиҳаларини тайёрлаб берадилар.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш мураккаб (машаққатли) санъат ҳисобланади. У махсус билим, тажриба ва маҳорат талаб этади. Баъзан қонун лойиҳаси шакллантирилиши, «туғилиши» учун Президент ёки ҳукумат томонидан ташкил этилган профессионал комиссия ёки қўмитанинг узоқ муддатли таҳлилий-тадқиқот меҳнати зарур бўлади. Масалан, АҚШнинг «Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуни» ва «Ҳарбий адлиянинг ягона кодекси» ана шундай чуқур тадқиқотларнинг ҳосиласи бўлган<sup>1</sup>.

Конгрессга қонунчиликка оид таклиф киритилгач, унинг фаолияти қуйидаги тўрт шаклдан бири тарзида рўй беради: қонун лойиҳасини тайёрлаш, палаталарнинг биргаликдаги резолюцияси, мувозий резолюция ёки оддий резолюция чиқарилади. Конгресснинг 100-чақириқ мажлислари (1987—1988 йиллар) давомида жами 8515 та қонун лойиҳаси ва 1073 та биргаликдаги резолюция киритилган. Шулардан Вакиллар палатаси томонидан 5585 та қонун лойиҳаси ва 678 та қўшма резолюция тайёрланди<sup>2</sup>.

Тасаввуримиз аниқроқ бўлиши учун Вакиллар палатасида қонун лойиҳаларининг босқичлардан ўтиш тартибига эътибор қаратамиз. Доимий ёки муваққат, умумий ёки махсус, оммавий ёки хусусий мазмундаги кўпчилик қонунлар дастлаб қонун лойиҳаси тайёрлаш орқали туғилади. Лойиҳаларни тайёрлаш ва парламентга киритиш Конституция асосида амалга оширилади. АҚШ Конституцияси 1-моддасининг 7-бўлимида таъкидланишича, солиқ соҳасидаги барча қонун лойиҳаларини Вакиллар палатаси киритади. Сенат эса уларга ўз тузатишларини киритади ёки лойиҳани қўллаб-қувватлаши мумкин. Умумий хусусиятга эга бўлган молиявий қонун лойиҳалари ҳам Вакиллар палатаси орқали киритилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Эдвард Ф., Уиллетт М.Л. Как создаются американские законы. Вашингтон, 1992. — С. 12.

<sup>2</sup> Ўша жойда. — 13-б.



Вакиллар палатасига киритилган ҳар бир қонун лойиҳасига ҳарфий ифода берилади, масалан: «Н. Р.» ундан сўнг рўйхатга олиниш рақами қўйилади. «Н. Р.» ҳарфлари Вакиллар палатаси иборасининг инглизча бош ҳарфларидир. Сенатга киритилган қонун лойиҳаларига «S» ифодаси ва тегишли тартиб рақами берилади.

Биргаликдаги резолюциялар Вакиллар палатасида ёки Сенатда чиқарилади, аммо уларнинг бирга ўтадиган мажлисла-рида эмас. Амалда қонун лойиҳаси билан биргаликдаги резо-люция ўртасида деярли катта фарқ йўқ. Ҳар иккала шаклдаги ҳужжатга ҳам бир хилдаги процедура ва муҳокама этиш талаб-лари қўлланилади. Бироқ Конституцияга тузатиш киритиш биргаликдаги резолюция шаклида амалга ошади. Бунда ҳар бир палата аъзоларининг учдан икки қисмининг овозини олган бир-галикдаги резолюция қабул қилинади ва АҚШнинг Бош архи-вариусига штатларга ратификация қилиш учун юборилади. Бун-дай резолюция тасдиқлаш учун Президентга юборилмайди.

Аналогия бўйича резолюциялар ҳар иккала палата вакола-тига тегишли масалалар бўйича қабул қилинади. Одатда бундай резолюциялар қонунчилик хусусиятига эга бўлмай, бирон бир факт, принцип ва фикрни таъкидлаш учун қўлланилади. Улар-га қайси палатага киритилишига қараб «Н.Соп.Рес.» (Вакил-лар палатаси), «S.Соп.Рес.» (Сенат) ифодалари ва рақамли номер берилади. Мувозий резолюциялар тасдиқлангач, Вакил-лар палатасининг клерки ва Сенатнинг котиби томонидан имзоланиб, АҚШнинг Бош архивариусига юборилади. Қонун лойиҳаларидан фарқли ўлароқ, аналогия бўйича резолюциялар имзолаш учун Президентга тақдим этилмайди.

Оддий резолюция фақат Конгресснинг битта палатасига те-гишли масала бўйича чиқарилади. Вакиллар палатаси иш фао-лиятига тегишли резолюция «Н.Рес.» ифодаси ва номер олади, Сенат резолюцияси эса «S.Рес.» ифодаси ва рўйхатга олиш ра-қамини олади. Тасдиқланган оддий резолюцияни клерк ёки ко-тиб имзолайди ва у «Конгресс ахборотномаси»да чоп этилади.

Конгресснинг қонунчилик фаолияти уч босқичда ўтади. Қонун лойиҳасини биринчи ўқиш уни палатага тақдим этиш ва у топшириладиган қўмитани аниқлашдан иборат бўлади. Қонун лойиҳасининг тақдири амалда қўмиталарда ҳал бўлади: у рад этилиши ёки жиддий ўзгартирилиши мумкин. Вакиллик

палатасининг ҳар бир аъзоси, шунингдек комиссар-резидент ва делегатлар палата мажлиси давомида исталган пайтда қонун лойиҳасини киритишлари мумкин. Бунинг учун мазкур субъектлар ўз таклифларини клерк курсиси ёнига ўрнатилган қутига ташлашлари kifоя. Қонун лойиҳасини киритиш ёки баёнот бериш учун ҳеч қандай расмий рухсат олиниши шарт эмас. Қонун лойиҳасининг матни машинка учун мўлжалланган оқ қоғозга ёзилиб, клеркнинг офиси орқали барчага тарқатилади. Қонун лойиҳаси бланкида лойиҳа муаллифининг номи кўрсатилади.

Сенаторлар қонун лойиҳасини мажлис залида тик туриб ўқиб тақдим этишлари ёки раислик қилувчи курсиси ёнидаги клерклардан бирига бериш орқали парламент муҳокамасига киритишлари мумкин. Лойиҳалар тегишли ҳарфий ифода ва рақамли номерлар олгач, тегишли қўмиталарга топширилади.

Қонун лойиҳаларининг қўмиталарда кўриб чиқилиши Конгрессдаги қонун ижодкорлигининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Зеро айнан қўмиталарда қонун лойиҳаси мукамал муҳокама этилади. Бу жараёнда жамоатчиликдан тушадиган таклифлар ҳам ўрганиб чиқилиб, диққатга сазоворлари инобатга олиниши мумкин. Ҳозирги пайтда Вакиллар палатасида 22 та доимий қўмита, Сенатда эса 16 та доимий қўмита ва бир неча мажус комиссия фаолият кўрсатади. Ҳар бир қўмитада ҳар икки етакчи сиёсий партия — («Демократлар» ва «Республикачилар»)нинг вакиллари бўлиши лозим. Доимий қўмиталар қонун лойиҳаси устида ишлаш тартиби ва мажлислар ўтказиш кунини белгилаб оладилар. Мажлислар камида бир ойда бир марта ўтказилиши лозим. Доимий қўмиталар Вакиллар палатаси муайян қонун лойиҳасини муҳокама этаётган вақтда ўз мажлисларини чақира олмайдилар. Бу қоида Пул маблағлари қўмитасига, Бюджет қўмитасига, Регламент бўйича қўмитага, Мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор нормалари қўмитасига, палатанинг Ишлар бошқармасига тааллуқли эмас.

Қўмита (кичик қўмита)да қонун лойиҳаси омма учун очиқ-ошкора муҳокама этилади (давлат сири билан боғлиқ масалалар бўйича қонун лойиҳалари бундан мустасно). Муҳокама тугагач, қўмита аъзолари лойиҳа бўйича овоз берадилар. Лойиҳа ижобий баҳолангач, қўмита аъзоларидан бири лойиҳа ҳақида палата мажлисида маъруза қилади. Маърузада қўмитанинг

лойиҳа бўйича хулоса ва тавсиялари, баёноتلари, смета ҳисоб-китоблари, қисқача таклифлари ёритиб берилиши лозим.

Иккинчи ўқиш биллнинг палаталарда муҳокама этилиши-ни англатади, бунда депутатлар лойиҳага ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари мумкин. Ниҳоят, учинчи ўқишда қонун лойиҳаси юзасидан овоз бериш ўтказилади. Агар биллни палаталардан бири рад этса, ҳар икки палата вакилларидан «келиштирув қўмитаси» тузилади. У умумий фикрни ишлаб чиқиши лозим бўлади. Биллни иккала палата маъқуллагач, қонун тасдиқлаш учун Президентга юборилади.

Вакиллар палатаси энг кўп овоз олган уч номзоддан Президентни сайлайди. Ҳеч ким икки муддат (саккиз йил)дан ортиқ президентлик қила олмайди.

Президент Конгресс юборган ҳар бир қонун лойиҳасини 10 кун мобайнида имзолаши ёки ўз эътирозлари билан Конгрессга қайтариши мумкин. Конгресс иккинчи марта муҳокама этиб, ҳар бир палатада  $2/3$  қисм аъзоларнинг овози билан қонунни маъқуллаб, Президент ветосини бартараф этиши мумкин.

Парламент Президентга нисбатан импичмент (сайлов орқали вазифасидан истеъфога чиқариш) қўллаш ҳуқуқига эга.

Президент Сенатнинг маслаҳати ва розилиги билан ҳукумат таркибига кирувчи вазирларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Ҳукумат аъзолари Конгресс олдида ҳисоб бермайдилар<sup>1</sup>.

Парламентаризмнинг навбатдаги намунаси **Финляндия** парламенти дир. Парламентнинг сайланиши, ишлаш ва фаолият қоидалари учта қонунчилик акти— «Финляндиянинг бошқарув шакли», «Эдускунд ҳақидаги акт» ва «Парламентга сайловлар ҳақидаги қонун» билан тартибга солинади.

Финляндия парламенти барча масалалар бўйича қонун қабул қилиш ваколатига эга. У молиявий масалада устуворликка ва ҳукуматни назорат қилиш ҳуқуқига эга. Конституцияга мувофиқ, парламент депутатлари ва президент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Парламент қабул қилган қонунларни уч ой ичида Президент тасдиқлаши шарт, шундан кейингина улар кучга киради. Агар шу муддат ўтунича Президент қонунга муносабат билдирмаса, бу тасдиқлашдан бош тортиш, деб ҳисобланади. Бундай қонунни парламентнинг янги таркиби мутлақ кўпчилик овози билан ўзгаришсиз қабул қилса, у кучга киради.

<sup>1</sup> Қаранг: *Решетников Ф.М.* Правовые системы стран мира. — М., 1993. — С.167—168.

Ҳукумат қонун лойиҳаларини парламент сессиясининг исталган вақтида парламентга киритиши мумкин, депутатлар эса ўз лойиҳаларини фақат сессия бошланишида кирита оладилар. Қонун ижодкорлигида уч хил таклиф мавжуд: қонунлар қабул қилиш тўғрисидаги таклиф, парламент петициялари ва молиявий таклифлар. Қонунчилик ташаббуси тайёр қонун лойиҳасини киритиш шаклида амалга оширилади. Қонун лойиҳасининг комиссияга юборилиши муносабати билан парламентда мунозара (муҳокама) бўлиб ўтади. Унда депутатлар комиссияга ўз таклифларини берадилар<sup>1</sup>.

Комиссия йўлланган қонун лойиҳасини синчиклаб ўрганиб чиқади, экспертларнинг мулоҳазаларини тўплайди. Экспертлар фикри тинглангач, комиссияда умумий мунозара бошланади. Шундан сўнг лойиҳа бандма-банд, моддама-модда кўриб чиқилади. Комиссия иши якунида хулоса тайёрланади. Камчилик бўлиб қолган депутатлар хулосага ўзларининг алоҳида фикрларини илова қиладилар.

Финляндия парламенти ҳукуматнинг фаолиятини қуйидаги шаклларда назорат қилади. Ҳар йили ҳукумат парламентга ҳисобот тақдим этади, шунингдек давлат молиясини бошқариш ва унинг аҳволи ҳақида маъруза топширади. Парламент ҳукуматнинг функциялари юзасидан текширув ўтказиши, ҳукуматга ишончсизлик билдириб, унинг истеъфога чиқишини талаб қилиши мумкин. Агар ҳукумат 20 нафардан ортиқ депутат берган интерпелляцияга қониқарли жавоб бера олмаса, истеъфога чиқади.

Финляндияда омбудсманлар институти амал қилади. Улар давлат аппарати аъзолари хатти-ҳаракатининг қонунийлигини назорат қилиш ваколатини олган депутатлардир. Омбудсманлар тегишли муассасаларни текширадилар ва лозим бўлса, суистеъмолликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатадилар. Парламент юқори лавозимли шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга расмий рухсатлар беради. Бундай ишларни махсус давлат суди кўриб чиқади<sup>2</sup>.

Парламент ва парламентаризм анъаналари бир асрдан ортиқ ривожланиб келаётган мамлакатлардан яна бири **Франция**дир. Бу давлатда қонун чиқарувчи орган парламент бўлиб, у икки

<sup>1</sup> Қаранг: Парламент Финляндии. – Хельсинки, 1985. – С.7–9.

<sup>2</sup> Қаранг: *Решетников Ф. М.* Правовые системы стран мира. – М., 1993. – С.189.

палата — *Миллий мажлис ва Сенатдан иборат*. Миллий мажлис таркибида 577 нафар депутат бўлиб, у беш йил муддатга сайланади. Сенат таркибига Франциянинг денгизорти департаментлари ва хорижда яшовчи французларнинг вакиллари киради. Сенат 304 кишидан иборат бўлиб, тўққиз йилга сайланади. Ҳар уч йилда унинг учдан бир қисми янгиланади. Парламент бир йилда икки марта ўзининг навбатдаги сессиясига тўпланади. Ҳар бир палата олтитадан доимий комиссия тузади.

Франция Конституциясининг 34-моддасида парламент қонун қабул қилиши мумкин бўлган масалалар доираси мустақамланган. Булар қуйидагилардан иборат:

— фуқаролик ҳуқуқлари ва фуқароларга берилган оммавий эркинликлардан фойдаланиш кафолатлари; миллий муҳофаф манфаати; фуқароларга ва уларнинг мулкига юкланадиган мажбуриятлар;

— фуқаролик, шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати ва лаёқати, оилавий муносабатлар, мерос ва ҳадя масалалари;

— жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, шунингдек уларни содир этганларга қўланадиган жазоларни белгилаш; жиноий судлов; амнистия; янги суд кўрсатмалари тузиш ва судьялар мақоми масалалари; ставкалар ва солиқларни тақсимлаш ва турли солиқларни қоплаш шартлари; пул чиқариш тартиби.

Қонунлар Парламент палаталарига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар тартиби, жамоат муассасаларининг тоифасини белгилаш, давлат хизматидаги ва ҳарбий хизматдаги фуқароларга бериладиган асосий кафолатлар, корхоналарни национализация қилиш ва хусусийлаштириш каби масалалар бўйича ҳам қабул қилинади<sup>1</sup>.

Ушбу модда кўламига кирмаган масалалар бўйича ҳукумат қонунчилик ҳужжатлари чиқаради. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Бош вазир ва Парламент аъзоларига тегишли (Конституциянинг 39-моддаси).

Қонун лойиҳаларини биринчи палатада муҳокама этиш ҳукумат киритган матн асосида бўлади. Сўнг лойиҳа шу матнда иккинчи палатага берилади. Қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи ҳукумат ёки палатанинг талабига кўра махсус тузиладиган комиссияга берилади. Бундай талаб бўлмаган тақдирда лойиҳа (таклиф) доимий комиссиялардан бирига берилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Конституции буржуазных государств. — М., 1982. — С. 97—98.

Парламент аъзолари ва ҳукумат қонун лойиҳасига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга. Агар лойиҳа икки ўқишдан сўнг ҳар икки палата томонидан қабул қилинмаса, Бош вазир аралаш паритет комиссия мажлисини чақариши мумкин. Келишилган матн ҳар икки палата тасдиғига киритилади. Қонун лойиҳасига бирорта ўзгартиш ҳукумат розилигисиз киритилмайди (Франция Конституциясининг 45-моддаси)<sup>1</sup>.

Парламент ҳукумат фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга. Конституциянинг 49-моддасига биноан, парламент танбеҳ резолюцияси қабул қилиб, ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкин. Қонун чиқарувчи палаталар, текширувлар ўтказиш мақсадида, комиссиялар тузиши ҳамда тегишли фактлар юзасидан ўз хулосаларини чиқариши мумкин.

Парламент палаталари қонунни қабул қилгач, уни имзолаш учун Франция Президентига юборади. Айни вақтда палаталар қабул қилган қонун Конституциявий кенгашга ҳам юборилиши мумкин. Агар қонун ёки унинг айрим қондаси Конституцияга зид деб топилса, парламент низоли моддани бартараф этиши шарт. Президент 15 кун ичида қонунни имзолаб, эълон қилиши керак. Бордию у рози бўлмаса, шу муддат ичида вето қўйиб, қонунни қайта муҳокама қилиш учун парламентга қайтариши мумкин.

Франция Президенти Бош вазир ва Парламент палаталарининг раислари билан маслаҳатлашувлар ўтказгач, Миллий мажлисни тарқатиб юбориши мумкин<sup>2</sup>.

Биз парламентаризм тажрибасини ўрганар эканмиз, парламентар ва президентлик республикалари билан бирга, конституциявий монархия — Норвегия мисолига тўхталмоқчимиз.

**Норвегияда** қонун чиқарувчи ҳокимият парламент — Стортинга тегишли. Конституцияга мувофиқ, парламент қонунлар қабул қилиш, бож ва солиқлар белгилаш, қироллик ҳисобидан қарз бериш масалаларини ҳал этади<sup>3</sup>.

Норвегия парламенти бир қатор назорат ваколатларига эга: молиявий харажатларни назорат қилади; баённомалар ва ҳукумат ҳисоботларини текширади, қиролнинг чет давлатлар билан тузган халқаро шартномалари ҳақида маълумотлар талаб этади.

<sup>1</sup> Ўша жойда. — С. 100 б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Крутоголов М.А.* Парламент Франции: организация и правовые аспекты деятельности. — М., 1988. — С. 198–199, 224–230.

<sup>3</sup> *Грендал К.К.* Прошлое и настоящее норвежского парламента. — “Международная жизнь”, 1997. — №5. — 15-б.

Депутатлар ва ҳукумат аъзоларига тақдим этиладиган барча қонун лойиҳалари дастлаб Оделстингда кўриб чиқилади. Агар лойиҳа Оделстингда маъқулланса, шундан сўнг Лагтингга юборилади. Лагтинг ё қонун лойиҳасини маъқуллайди, ё ўз тузатишлари билан Оделстингга қайтаради. Башарти, қонун лойиҳаси икки марта Оделстингдан ўтиб, икки марта Лагтингда рад этилса, у Стортингнинг ялпи мажлисида депутатларнинг 2/3 қисми овози билангина маъқулланиши мумкин.

Қабул қилинган қонун имзолаш учун қиролга юборилади. Конституцияга тузатишлар ҳақидаги таклиф парламентнинг янги сайловдан кейинги биринчи, иккинчи ва учинчи сессияларигагина киритилиши мумкин. Бу таклифларни муҳокамага қабул қилиш ёки қилмаслик масаласини Стортинг кўпчилик овоз билан ҳал этади. Масала ижобий ҳал этилса, тузатишлар палаталар қўшма мажлисида кўрилади ва депутатлар 2/3 қисмининг ёқлаб берган овози билан қабул қилинади. Бунда қонун қиролнинг тасдиғисиз кучга киради.

Норвегия ҳукумати — Қирол бошчилигидаги Давлат Кенгашидир. Ҳукумат таркибига бош вазир (парламентда кўпчилик мандат олган партиянинг раҳбари) ҳамда қирол тайинлайдиган камида еттига вазир киради. Ҳукумат жуда кенг ваколатларга эга. Бу ваколатлар қонунчилик соҳасига ҳам тегишли. Ҳукумат қонун лойиҳаларининг асосий кўпчилигини тайёрлаб, уларни қонунчилик ташаббуси шаклида парламентга киритади.

Парламент таркибида Назорат қўмитаси ва доимий тартибда ишлайдиган Конституциявий қўмита мавжуд. Бу қўмиталар давлат маъмуриятининг фаолияти юзасидан қонунчилик назорати олиб бориш мақсадида мустақил текширувлар ўтказиши мумкин. Бу ҳақда вазирлар аввалдан огоҳлантириладилар ва текширув якунлари парламентда ошкора ўқиб эшиттирилади. Назорат қўмитаси ва конституциявий қўмита инсон ҳуқуқлари ва сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан текширувлар уюштириб турадилар. Бу тадбирлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта эътиборга (баъзан шов-шувга) сабаб бўлади.

Канада федератив конституциявий монархия давлати бўлиб, Буюк Британия бошчилик қиладиган ҳамдўстликка киради. Ижро ҳокимияти ва давлат бошлиғи Англия қироличаси ҳисобланади. Унинг вакили Генерал-губернатор ҳисобланади. Генерал-губер-

натор қонун лойиҳаларини тасдиқлайди, қуйи палата мажлиси-  
ни чақиради, уни муддатидан илгари тарқатиб юбориши мум-  
кин, бош вазирни ва юқори мансабдор шахсларни тайинлайди.

Қонун чиқариш ҳокимияти Генерал-губернатор ва парла-  
мент тимсолида қироличага тегишли. Канада парламенти икки  
палатадан — Жамоалар палатаси ва Сенатдан иборат. Улар бево-  
сита умумий овоз бериш орқали беш йил муддатга сайланади.  
Парламентда жами 282 нафар депутат фаолият кўрсатади, улар-  
дан 104 нафари — Сенат аъзоси. Сенаторларни Генерал-губер-  
натор умрбод муддатга тайинлайди. Сенаторлар ўз вилоятларин-  
нинг манфаатини ифода этадилар.

Парламент бир йилда камида бир марта сессияга тўпланади.  
Сессиялар октябрь-ноябрда бошланиб, то июль-августгача да-  
вом этади (шундан кейин таътилга чиқади). Унинг асосий ва-  
коллати — қонун чиқариш. Қонун лойиҳаларини парламентга  
алоҳида депутатлар ва ҳукумат (молия соҳасига оид қонун лой-  
иҳаларини фақат ҳукумат) киритади. Қонун лойиҳаси уч мар-  
та ўқиш орқали қабул қилинади. Биринчи ўқишда биллнинг,  
яъни ҳуқуқий ҳужжатнинг номи эълон қилинади. Иккинчи  
ўқишда лойиҳа муҳокама қилинади. Кейин у парламент қўми-  
таларидан бирига юборилади ва депутатлар уни муфассал таҳ-  
лил этадилар. Учинчи ўқишда лойиҳа овозга қўйилади. Палата  
аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берса, қонун қабул қилин-  
ган ҳисобланади. Битта палата қабул қилган қонун иккинчи  
палатага ўтказилади. Ҳар икки палата қабул қилган қонун им-  
золаш учун Генерал-губернаторга юборилади.

Эътиборга молик давлатлардан яна бири — **Япония**. У унитар  
давлат бўлиб, 47 префектурага бўлинган. Бошқарув шакли бўйи-  
ча — конституциявий монархия. Император давлат ва миллат  
бирлигининг тимсолидир.

Давлат ҳокимиятининг олий органи икки палатали парла-  
мент (Коккай) ҳисобланади. Вакиллар палатаси — Сюшин тар-  
кибига тўрт йил муддатга сайланадиган 511 нафар аъзо киради.  
Маслаҳатчилар палатаси — Ваншин таркибига 252 нафар аъзо  
сайланади. Маслаҳатчилар палатасининг ваколат муддати 6 йил  
бўлиб, ҳар уч йилда унинг таркиби ярмига алмашади. Ҳар икки  
палата депутатлари умумий сайлов ҳуқуқи асосида сайланади-  
лар. Парламент сессиялари бир йилда бир марта чақирилади.  
Унинг қонун ижодкорлиги фаолиятида доимий ва муваққат



қўмиталар муҳим ўрин тутади. Ҳар бир палата қонун лойиҳаларини муҳокама этишга киришишдан аввал уни тегишли қўмигага кўриб чиқиш учун йўллайди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига палата аъзолари ва ҳукумат эгадир. Депутатлар бу ҳуқуқдан фойдаланиши учун лойиҳа қўйи палатанинг 20 нафар ва юқори палатанинг 10 нафар депутати томонидан қўллаб-қувватланиши лозим. Қонунни қабул қилиш парламентнинг мутлақ ваколатига киради.

Япония Конституциясига кўра, қонун икки усулда қабул қилинади. Биринчиси — қонун лойиҳасини иккала палатанинг маъқуллаши. Иккинчиси — маслаҳатчилар палатаси рад этган лойиҳани Вакиллар палатасининг 2/3 қисм аъзолари ҳозир бўлганида такроран қабул қилиши. Бюджет тўғрисидаги қонунни қабул қилишда, халқаро шартномаларни ратификация қилишда Вакиллар палатаси ҳал қилувчи мавқега эга.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб, муайян ҳулосаларга келиш мумкин.

1. Парламент туб моҳиятига кўра демократик, яъни аксарият ҳолларда сайлаб қўйиладиган органдир. Унинг асосий ваколат-вазифаси — қонун қабул қилиш. Баъзи мамлакатларда, айниқса конституциявий монархия ёки монархия давлатларида, парламентнинг юқори палатаси тайинлаш ёки мерос асосида шакллантирилади. Унитар давлатларда юқори палата умуммиллий, умумдавлат манфаатларини ёқлаб тузилса, федератив давлатларда ё умуммиллий орган, ё федерация субъектларининг органи сифатида ташкил этилади. Баъзи федератив давлатларда қўйи палата федерация субъектларининг вакиллигини ифода этади.

2. Парламентнинг қонунчилик фаолиятида ҳукумат фаол қатнашади. У парламент депутатлари билан бир қаторда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланади. Юқорида кўриб ўтилган мамлакатлар мисолида фикр юритиладиган бўлса, баъзи парламентларнинг қонунчилик фаолиятида (масалан, Финляндия) қонун лойиҳаларини ҳукумат тайёрлаб беради, аммо унинг тақдирини парламент ҳал этади. Бошқа мамлакатларда ҳукумат нисбатан устун ваколатларга эга. Хусусан, Франция парламенти ҳукуматнинг розилигисиз қонун лойиҳасига биронта ҳам тузатиш кирита олмайди.

3. Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш процедураси турли парламентларда турличадир. АҚШ Конгрессида қонун лойиҳа-

си уч марта ўқиш орқали ўтади. Норвегия Стортингининг палаталари эса қонун лойиҳасини икки марта муҳокама этади. Германия парламентида ҳам қонун лойиҳаси уч мартагача муҳокама этилади.

Қонун лойиҳасининг неча марта ўқиб қабул қилиниши масаласида ҳам ҳар бир парламентнинг ўз хусусияти бор. Масалан, Англия парламенти биринчи ўқишда қонуннинг номи ва биллнинг мақсадини муҳокама қилади, иккинчи ва учинчи ўқишда эса қонун лойиҳасини тўлиқ муҳокама қилиб, унга киритиладиган ўзгартишларни таҳлил этади. Германия Конституциясида ҳам бир қонун лойиҳаси уч марта муҳокама қилиниши шарт, деган қатъий қоида йўқ. Лойиҳани бир ўқишда Бундестаг қабул қилиб, кейин Бундесрат маъқулласа, қонун қабул қилинган ҳисобланади.

4. Қонун юзасидан овоз бериш тартиби ҳам ҳар хил мамлакатларда тарихан турлича шаклланган. Баъзи парламентлар оддий кўпчилик овоз билан, бошқалари мутлақ ёки малакали кўпчилик, яъни депутатлар тўлиқ таркибининг 2/3 қисми овози билан қабул қиладилар.

5. Қонунни имзолаш ва эълон қилишда умумий ўхшашликлар ҳам, фарқлар ҳам мавжуд. Деярли барча президентлар қонунни имзолайдилар ва бунда улар вето ҳуқуқидан фойдаланадилар. Парламентнинг президент ветосини енгиб ўтиши масаласи ҳам турлича ҳал этилган. Аксарият ҳолларда парламентлар 2/3 қисм овоз билан қонун лойиҳасини қайта тасдиқлаганида вето барта раф этилади ва президент қонунга имзо чекади.

6. Деярли барча парламентлар тажрибасида ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, ҳукуматга ишончсизлик билдириш ваколоти бор. Ҳукуматнинг фаолияти турли шаклларда назорат қилинади: ҳукумат ёки вазирларнинг ҳисоботини тинглаш; маъмурий давлат идораларининг фаолиятини текшириш; ҳукуматга маълумотнома сўраб мурожаат этиш.

Парламентар республика ва монархия мамлакатларида ижроия ҳокимият ҳисоботидан қониқиш ҳосил қилинмаган тақдирда ҳукуматга ишончсизлик билдириш ва уни истеъфога чиқариш масаласи кўйилади.

Шундай қилиб, ҳозирги замон парламентлари тажрибасини ўрганиш, қиёслаш асосида парламентаризм ҳақида тўлақонли таълимот яратиш, уни бойитиш ва такомиллаштириш,

парламентлар учун умумий бўлган жиҳатлар ва уларнинг хусусиятларини англаб етиш, ижобий тажрибадан баҳраманд бўлиш мумкин. Турли мамлакатлардаги ибратли демократик иш намуналари, парламентаризм институтлари тажрибаси икки палатали парламент тизимига эндигина ўтган Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлиши шубҳасиздир.

#### 2.4. Қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси

Қонунлари эзгуликка, эл-юрт фаровонлигига, ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган жамият чинакам демократик ва одил жамиятдир. Оқилона қонунчилик тизимини вужудга келтириш — ўз иродасини ҳурматловчи ҳар қандай давлатнинг олий мақсади. Демократик тарзда уюштирилган жамиятда қонун (қонунчилик) адолат ва соғлом тафаккур ифодаси бўлмоғи лозим. Давлат ўзининг қонун ижодкорлиги фаолияти орқали иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ва мафкуравий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратади. Мазкур функциянинг оқилона бажарилиши жамият миқёсида сиёсий раҳбарликни таъминлашга ва ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишга хизмат қилади.

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда кенг кўламли қонун ижодкорлиги амалга оширилди ва унинг натижаси ўлароқ эркин фуқаролик жамияти ҳамда бозор иқтисодиёти талабларига мос демократик қонунчилик тизими яратилди. Суверен давлатчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичидаёқ Президент Ислом Каримов тегишли ҳуқуқий замин, қонунчилик ҳужжатлари мажмуини яратишга алоҳида эътибор қаратиб, шундай деган эди: «**Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина** ўзини оқламаган эски тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, **маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин.** Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоқ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — 192-б.

Ҳозирда амал қилаётган қонунчилик тизимимиз қандай шакллангани қуйидаги мухтасар сарҳисобда яққол намоён бўлиши мумкин:

*биринчидан*, қонунчилик биномизнинг тамал тошини, қонун ижодкорлиги фаолиятимизнинг улкан маҳсулини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил этди. Конституция юксак сиёсий нуфуз ва олий юридик мақомга эга ҳужжат сифатида қонунчилигимиз тизимида марказий ўрин эгаллади. Зеро, у нафақат мамлакат қонунчилик эҳромининг чўққисида туради, балки бутун қонунчилик мажмуининг умуртқаси, ўзак-асоси ҳисобланади. Конституция янги барпо этилаётган жамият қонунчилигини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг яхлит, ягона ва мукамал ишланган стратегияси сифатида намоён бўлади;

*иккинчидан*, мамлакатда бозор иқтисодиёти муносабатларини жорий этишга, янги иқтисодий тузум инфратузилмасини шакллантиришга йўналтирилган қонунлар қабул қилинди. Улар жумласида мулкчилик муносабатларига оид, тадбиркорлик, эркин ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестициялар ва уларнинг кафолатлари тўғрисидаги, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, биржалар ва биржа фаолияти, хўжалик ширкатлари, қимматли қоғозлар бозори, монополистик фаолиятни чеклаш, суғурталаш, ижара, сертификация қилиш, санация, лизинг, синиш (банкротлик) тўғрисидаги ва бошқа қонунларни, айниқса Фуқаролик кодекси ва Меҳнат кодексини кўрсатиш мумкин;

*учинчидан*, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, давлат бошқарувини тартибга солиш, маъмурий ислохотларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти идораларининг таркибий тузилиши ҳамда фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қонунлар яратилди. Мазкур қонунлар қаторида Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига, сайловларга, фуқароликка, Конституциявий суд ва бошқа судларга, Прокуратурага оид ва бошқа қонунлар қабул қилинганлигини таъкидлаш лозим;

*тўртинчидан*, молия, кредит ва янги солиқ тизимини шакллантиришга мўлжалланган қуйидаги қонунлар қабул қилинди: Солиқ кодекси, Божхона кодекси, давлат бюджетига, банклар ва банк фаолиятига, пул тизимига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан уларни рўйхатга

олганлик учун ундириладиган йиғимлар ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартибига доир қонунлар ва бошқалар;

*бешинчидан*, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, жамият ҳаётининг ижтимоий масалаларини тартибга солувчи, шунингдек маданий-маънавий тарбия соҳасига тегишли қонунлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Улар қаторида парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га, аҳолининг иш билан бандлигига, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларига, ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга, фуқароларнинг давлат пенсия таъминотига, таълимга, соғлиқни сақлашга, виждон эркинлиги ва диний ташкилотларга оид қонунларни мисол қилиб келтириш мумкин;

*олтинчидан*, соғлом экологик муҳит ва мусаффо табиий шарт-шароитни таъминлашга хизмат қилувчи қонунлар мажмуи яратилди. Масалан, табиатни муҳофаза этишга, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларга, сув ва сувдан фойдаланишга, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини муҳофаза этишга, ер ости бойликларига оид қонунлар, Ер кодекси ва ҳ.к.;

*еттинчидан*, мамлакатда мўътадил ҳуқуқий тартиботни ва мустаҳкам қонунийлик муҳитини таъминлашга доир қонунлар қабул қилинди. Улар жумласига қуйидагилар киради: «Транспорт воситаларини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қонунлар, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекс, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят-ижроия кодекси, Хўжалик процессуал кодекс ва ш.к.

Шундай қилиб, ислоҳотларнинг дастлабки босқичида биз ҳуқуқий асосларни яратишда ўзимизга хос ёндашувларни, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни яратдик<sup>1</sup>.

Жамият бетўхтов ривожланиб, олға ва юксакликка интилиб бораверади. Сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда жиддий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, халқимиз референдумда (2002 йил 27 январь) ўз иродасини баён этиб, мамлакатда икки палатали парламент тузиш ғояси учун овоз берди. Шубҳасиз, ушбу қарор республикамиз тараққиётида ижтимо-

<sup>1</sup> Уша жойда. — 194-б.

ий-сиёсий турмушнинг барча соҳаларини демократлаштиришни жадаллаштириш билан боғлиқ *янги босқич* бошланганидан да-лолат беради. Тез орада 2002 йил 4 апрелда бўлиб ўтган иккин-чи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Рефе-рендум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун ва «Референдум яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонун-чилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, XXI аср бошида Ўзбе-кистон қонунчилигини ривожлантиришнинг устувор йўналиш-лари қуйидагича белгиланди:

1) икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асосларини шакл-лантириш;

2) давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов ўтка-зишга оид сайлов қонунчилигини янгилаш ва такомиллаштириш;

3) президентлик институтининг конституциявий норма-ларини ривожлантириш;

4) ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

5) суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

6) сиёсий партиялар тўғрисида қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш, халқаро шартномалар ва қонун лойиҳаларини умум-халқ муҳокамасига қўйиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Ўзбекистонда парламентаризмнинг тараққий этишида бе-қиёс аҳамиятга эга бўлган юқоридаги конституциявий қонун-ни таърифлаб, Президент И. А. Каримов: у «референдум нати-жаларини қонунчилик тилида ифодалаб-муҳрлаб беради ва Асо-сий қонунимиз бўлмиш Конституциямизга тегишли ўзгарти-ришлар киритишга асос бўлади»<sup>1</sup>, — деди. Ушбу башорат қонун ижодкорлиги амалиётида ўз тасдиғини топди. 2002 йил 12 де-кабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонун-чилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т., 2002. — 319-б.

Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар, 2003 йил 24 апрелида эса Конституциянинг давлат ҳоқимияти органларига оид XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонун қабул қилинди. Бунда парламентнинг икки палатали тузилишга ўтиши муносабати билан Олий Мажлис палаталарининг ҳамда Президентнинг ваколатлари қайта тақсимланди, ҳукумат фаолиятига ва сайлов тизимида доир конституциявий нормалар такомиллаштирилди<sup>1</sup>.

Демократик институтлар босқичма-босқич қарор топиб бораётгани ва либераллаштириш сиёсати амалга оширилаётгани боис қонунчилигимизнинг мазмуни ва руҳи тобора инсонпарварлашиб бормоқда, у ўзида миллий хусусиятларни, халқнинг одил судлов ва адолат тўғрисидаги тасаввурларини ифода этмоқда. Қонунлар халқнинг бой тарихи, миллий-маданий ва маънавий қадриятларига тобора қатъий асосланмоқда.

Қонунчилигимиз янги мафкура – миллий истиқлол мафкурасига ва пок миллий-ахлоқий қондаларга таянмоқда. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатда ҳуқуқий давлатчилик барпо этилаётган, кўппартиявийликка асосланган икки палатали парламентга хос демократия қарор топиб бораётган шароитда қонун чиқариш фаолияти ҳам, қонунчилигимиз ҳам демократик йўналишда бойиб, ривожланиб ва такомиллашиб бораверади.

Фикримизча, қонунчилигимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қуйидагилар ташкил этиши керак:

биринчидан, эътиборни ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига, иқтисодиётнинг устувор жабҳаларига тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни яратишга қаратиш;

иккинчидан, сиёсий соҳа, хўжалик соҳаси ва ижтимоий-маданий соҳанинг ўта муҳим ва долзарб масалалари бўйича қонунлар қабул қилиш, уларни мунтазам янгилаб, такомиллаштириб бориш;

учинчидан, давлат идораларининг ҳуқуқий мақоми, сиёсий тизими бошқа жиҳатларини демократия ва ҳуқуқий давлатчилик принциплари асосида такомиллаштиришга қаратилган қонунлар чиқариш;

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. – 2003. – 25 апр.

тўртинчидан, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларга қатъий риоя этиш, уларни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар яратиш ва шу орқали жамиятда мустақкам қонунийлик муҳитини, чинакам демократик ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини Конституция асосида такомиллаштириб бориш, туб **ҳуқуқий ислохотларнинг ягона миллий концепциясини** яратиш кун тартибидаги долзарб масаладир. Унда мамлакат ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва устувор йўналишлари ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу ислохотнинг асосий мазмунини, биринчидан, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ҳуқуқий (қонунчилик) базасини вужудга келтириш ҳамда такомиллаштириш; иккинчидан, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш; учинчидан, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 13 мартдаги фармойиши қонунчилик соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган муҳим тарихий ҳужжатдир. Мазкур фармойишга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузилди. Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

— давлат ва жамият қурилишини, суд-ҳуқуқ тизимини демократик янгилаш соҳасидаги ҳуқуқий майдонни шакллантириш жараёнини танқидий таҳлил этиш;

— барча соҳалар бўйича қонун ижодкорлиги ишларининг самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаш;

— ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш соҳасидаги камчиликларни аниқлаш; давлат ва жамият қурилишининг аниқ муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида такрорийлик, мувозийлик (параллелик)ни истистно этувчи *тизимлилик* ва изчилликни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;



— мамлакат қонунчилигида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари устунлигини ҳамда инсон ҳуқуқларининг бирламчилигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, давлат ва жамиятни бошқаришда бевосита ҳамда самарали иштирок этишини таъминлайдиган қонунлар чиқариш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган қонун билан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва ҳ.к.

Фармойишда алоҳида эътибор қаратилган муҳим масалалардан бири ислоҳотлар ҳуқуқий базасини такомиллаштиришнинг системали олиб борилишини таъминлаш; ижтимоий тараққиёт, давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришга оид қонун ижодкорлиги ишларининг **концептуал асосларини**, устувор йўналишларини белгилашдан иборатдир<sup>1</sup>.

Албатта, ҳуқуқий тизимни ислоҳ этишнинг, қонунчиликни юқори савияга кўтаришнинг пухта ўйланган концепцияси, комплекс миллий дастури бўлиши ниҳоятда муҳим. Зеро, концепция ҳуқуқий ислоҳотларнинг, қонун ижодкорлиги ишларининг ҳозирги босқичдаги стратегик йўналишларини, ривожланиш тамойилларини, асосий мезон ва принципларини белгилаб олишга кўмаклашади. Маълумки, *концепция* — бизни қизиқтираётган воқеа, ҳодиса ҳамда жараённинг талқинига оид нуқтаи назарлар, тушуниш ҳамда қарашларнинг илмий тизими, бу борадаги фаолиятни ташкил этишнинг етакчи ғоясидир. Концепция қонунчилигимизнинг стратегияси, табиати ва мазмуни қандай бўлиши лозим, деган саволга жавоб беради. Шундан келиб чиққан ҳолда қонун ижодкорлиги ва қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси миллий қонунчиликнинг моҳиятини, ижтимоий вазифасини, аҳамиятини, принциплари ва ривожланиш йўллари муштарак тарзда акс эттирувчи қуйидаги таянч ҳодисаларни қамраб олади:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида»ги фармойиши // Халқ сўзи. — 2004. — 19 март.

1) аввало, қонун ижодкорлигининг *назарий-методологик* асосларини ишлаб чиқиш;

2) иқтисодий, сиёсий, маданий, миллий, маънавий ҳаёт соҳаларини пухта ўрганиш, социологик тадқиқ этиш асосида қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган *ижтимоий муносабатлар кўламини* аниқлаш;

3) ҳуқуқий (қонун билан) тартибга солишнинг *асосий йўналишларини* аниқлаб олиш;

4) қонун ижодкорлигига таъсир этувчи ҳамда уни фаоллаштиришга кўмаклашувчи *ижтимоий омилларни* аниқлаш;

5) мазкур соҳага доир *яқин ва истиқболдаги мақсадларни* аниқ белгилаш, уларга эришиш йўллари ва воситаларини белгилаш;

6) қонун ижодкорлиги таянадиган *асосий принципларни* аниқлаб олиш ва уларга қатъий риоя қилиш;

7) қонунчиликнинг ривожланиш тамойил (йўналиш)ларини таҳлил этиш асосида қонун ижодкорлиги ишларининг *истиқболини белгилашни* йўлга қўйиш;

8) қонун ижодкорлигининг *жадал (интенсив)* ҳамда *фаол жараён* сифатида амалга ошишига эришиш; бу борадаги ислохотларнинг *ижтимоий ва илмий заминга* қатъий таянишини таъминлаш;

9) қонун ижодкорлиги жараёнини муттасил *демократлаштириш* чора ва йўллари белгилаш;

10) қонун ижодкорлигини *методик жиҳатдан таъминлаш*, уни *ахборотлаштириш* базасини ва *қонунчилик техникасини такомиллаштириш*, *янги қонунчилик технологияларини жорий этиш* имкониятларини излаш ва амалга ошириш.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни ва қонун ижодкорлиги ишларини такомиллаштириш концепцияси ички тузилишига кўра икки қисмдан – умумий ва махсус қисмлардан – иборат бўлгани маъқул. Биринчи қисмда умумий қоидалар, қонунчиликни ривожлантиришнинг конституциявий асослари, мақсад ва вазифалари, асосий принциплари, устун йўналишлари, қонунчилигимиздаги ҳозирги аҳволнинг тавсифи ва таҳлили баён этилади. Концепцияда акс этадиган *асосий мақсад* мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишига кафолат берувчи қонунчилик тизимини ҳамда қонун ижодкорлигининг демократик, оқилона ме-

ханизмини вужудга келтиришдан иборат. Бу мақсад йўлида қуйидаги *асосий вазифаларни* уддалаш лозим бўлади:

– ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда шахс (инсон) ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жамият манфаатларини, давлат суверенитетини, миллий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш;

– қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принцип ва қоидаларига мувофиқлаштириш;

– қонунчиликнинг ички изчиллиги ва системалилигини таъминлаш, кодекслаштириш ишларини юксак савияга кўтариш;

– қонунчиликнинг жўшқин ривожлантирилиши билан унинг барқарорлиги ўртасида оқилона нисбатни таъминлаш.

Қонун ижодкорлиги фаолияти ва қонунчиликни такомиллаштириш қуйидаги *асосий принципларга* таянмоғи лозим:

1) инсонпарварлик, халқчиллик ва демократия ғояларига садоқат;

2) ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;

3) Конституциянинг устунлиги ва қонунийликка қатъий риоя этилиши;

4) давлат суверенитети ва ҳокимият ваколатларининг оқилона тақсимланиши;

5) инсон, жамият ва давлат манфаатларининг уйғунлаштирилганлиги;

6) тарихийлик, ижобий тажриба ва анъаналарга ворислик;

7) ижтимоий эҳтиёжларнинг аниқ англаб этилиши ва қонунларда айнан акс эттирилиши;

8) қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши;

9) қонунчиликнинг батартиблиги, ички мутаносиблиги ва барқарорлиги;

10) ошкоралик ва ахборотнинг очиқлиги;

11) илмийлик ва амалиёт билан узвий боғлиқлик ва ҳ.к.

Концепциянинг махсус қисмида, чамаси, қонунчиликнинг соҳавий ҳамда махсус масалаларини ифода этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда Конституциядан, Ўзбекистоннинг халқаро ҳужжатларда акс эттирилган мажбуриятларидан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидан ва Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мажмуини яратиш мақ-

садларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликнинг ҳар бир соҳаси, комплекс тармоқлари, институтларига тааллуқли махсус принциплар ва ҳуқуқий тартибга солиш усулларини инобатга олиб, уларни такомиллаштиришнинг йўналишлари ва вазифалари аниқлаштирилади. Қонунчиликнинг ҳар бир соҳасида ўзак сифатида майдонга чиқувчи (базавий) устувор қонун ҳужжати (бу асосан кодекс) бўлиши муҳимлигини назарда тутиш лозим. Маълумки, кодекс қонунчилик соҳасининг ички тартибини, мантқиқий мутаносиблигини, турли норматив ҳужжатлар ўртасида системали алоқалар барқарор бўлишини таъминлайди.

**Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилиши тўғрисидаги қонунчилик.** Бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш учун давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақомига оид (статут) қонунларнинг Конституцияга қатъий мослигини таҳлил этиш, уларда ҳокимият тақсимланиши ва давлат суверенитети принциплари аниқ ифодаланишига эришиш ниҳоятда муҳим. Шу ўринда Қонун чиқариш жараёни кодекси, Сайлов қонунчилиги кодекси кабиларни яратиш хусусида ўйлаб кўриш мумкин. Шунингдек, референдум, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси, фуқаролик тўғрисидаги, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштиришнинг концептуал масалаларини назарда тутиш лозим. Маъмурий ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

**Фуқаролик ва хўжаликка оид қонунчилик.** Фуқаролик, Оила ва Хўжалик процессуал кодексларида назарда тутилган қонун ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида тадбиркорликни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари ва кафолатларининг самарали тизимини вужудга келтириш, шартномавий фаолиятни кафолатловчи ва рағбатлантирувчи қонунчиликни ривожлантириш, суғурта, аудиторлик, реклама, лизинг, биржа, ипотека, хорижий инвестициялар, қимматли қоғозлар, монополияга қарши курашиш тўғрисидаги ва бошқа қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонунчиликни ривожлантириш зарур.

Деҳқон, фермер хўжалиги, умуман аграр ва ер муносабатлари соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, бу борадаги ишлаб чиқариш, матлубот, таъминловчи, хизмат кўрсатувчи, боғдорчилик, полизчилик, чорвачилик, кредит ва бошқа муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилаш катта аҳамиятга эга.

**Солиқ ва молия-кредит соҳасидаги қонунчилик.** Бюджет қонунчилигини такомиллаштириш, Солиқ қонунчилигини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш, Банк фаолияти соҳасидаги қонунчиликни ягона кодексга жамлаш ва Суғурта кодексини яратишнинг назарий-методологик масалаларини муҳокамага қўйиш муҳим вазифадир. Молиялаштириш ва кредит муносабатларининг қонунчилик асосларни янада ривожлантириш зарур.

**Таълим ва ижтимоий соҳадаги қонунчилик.** Замонавий таълим тизимини шакллантириш ва мавжуд ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилишнинг мукамал ҳуқуқий базасини яратиш, таълимга оид қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни унификациялаш ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қоида ва принципларини ҳаётга тўлиқ жорий этишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш лозим.

Меҳнат кодекси ва пенсия таъминоти, пенсия суғуртаси борасидаги қонунчиликни ижтимоий адолат ғоялари асосида янада демократлаштириш, Фуқароларга аниқ (адресли) ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини қарор топтириш, ижтимоий соҳадаги қонунчиликнинг ягона комплекс тармоқ тарзида системали ривожланишига эришиш керак.

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтикага оид қонунчиликни халқаро стандартлар даражасига етказиш ва кодекслаштириш, туризм, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги қонунчиликни давр руҳи ва талабларига мувофиқлаштириш лозим.

**Атроф муҳитни муҳофазалаш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик.** Фуқаролар соф табиий шароитларда яшашдан иборат конституциявий ҳуқуқларга эга бўлишлари билан бирга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза этиш бўйича бир қатор халқаро шартномаларнинг иштирокчисидир. Ҳозирги вазифа—биринчи

босқичда қабул қилинган табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилигимизни халқаро мезонларга мос тарзда такомиллаштиришни давом эттириш. Мазкур йўналишдаги қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади:

— жамиятнинг экология соҳасидаги ахборот билан мунтазам таъминлаш тизимини яратиш;

— жамоатчилик асосидаги экологик экспертизага ҳуқуқий кафолат яратиш;

— экология борасида аудитни ташкил этиш;

— экологик суғурталашни йўлга қўйиш;

— экологик таълим ва маданиятнинг шакллантириш.

Табиий бойликлардан оқилона фойдаланган тадбиркорларни солиққа тортишда рағбатлантирувчи нормаларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

**Маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашга доир қонунчилик.** Маъмурий қонунчилик мазмунини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида қонун ижодкорлиги ишларини давом эттириш зарур. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркибларини қисқартиришга йўналтирилган илмий-таҳлилий тадқиқотларни мунтазам олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунда юридик шахслар ва яқка тадбиркорларнинг молиявий-хўжалик соҳасидаги жавобгарлигини оқилона белгилашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Маъмурий-процессуал кодексни яратишнинг концептуал, ташкилий ва амалий масалаларини тезроқ ҳал этиш лозим.

**Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тааллуқли қонунчилик.** «Прокуратура тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда (2001 йил) қабул қилинган бўлса-да, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар чуқурлашиб боргани сайин прокуратура идораларининг функцияларини аниқлаштириш ва янада такомиллаштириш масалалари долзарб бўлиб қолаверади; уларнинг фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолиятининг аҳамияти ортиб боради. Суд жараёнида прокурорнинг ҳимоя билан тенглигини таъминлаш ва бунинг тегишли кафолатларини белгилаш лозим.

Ички ишлар идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, хусусан, «Оператив қидирув фаолияти тўғри-

сида», «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида», «Фуқароларнинг жамоат ва ҳуқуқий тартиботни ҳимоялашда иштирок этиши тўғрисида», «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида» ва бошқа тегишли қонунлар лойиҳасини тайёрлаш зарур.

**Миллий хавфсизлик ва мамлакат мудофаасини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳам долзарб вазифадир.** Адвокатура, нотариат тўғрисидаги қонунчилик инсон ҳуқуқлари, уларнинг номулкий ва мулкый манфаатлари муҳофазаси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши лозим.

**Суднинг тузилиши ва судьяларнинг мақомига доир қонунчилик.** Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари борасидаги ҳар бир ижобий қадам, чоратадбир қонунчилигимизда ўзининг мукамал ифодасини топиши шарт. Бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий актларни системалаштириш ва кодекслаштириш мақсадга мувофиқ. Мазкур йўналишда судья кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, судьяларни вазифасидан чақириб олишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш бу борадаги устувор вазифалардан бўлиб қолади. Судларни ихтисослаштиришни давом эттириш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириб боришни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

**Жиноят ҳамда жазони ижро этишга оид қонунчилик.** Жиноят учун жазо тайинлаш сиёсати соҳасида бошланган инсонпарварлик ва либераллаштириш ишларини давом эттириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг жиноятлар сирасидан чиқарилишини (декриминализация қилинишини) илмий жиҳатдан асослаб бериш, жазонинг адолатли ва қилмишга айнан мос бўлишига эришиш зарур.

Жиноий жазони ижро этиш тизимидаги муассасаларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, гуманистик ва демократик чора-тадбирларни амалга оширишнинг қонунчилик базасини яратиш ва такомиллаштириб бориш лозим. Шунингдек, мазкур муассасаларда меҳнат қилувчи шахсларнинг функцияси ва ҳуқуқий мақомига доир қонунчиликни янада такомиллаштириш фойдалидир.

**Процессуал қонунчилик.** Бу соҳада қуйидаги вазифаларни назарда тутиш мумкин:

– жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мақоми ва фаолиятининг процессуал жиҳатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– Маъмурий процессуал кодекс лойиҳасини тайёрлаш ишларини жадаллаштириш;

– Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларда биринчи инстанция судларининг қарорлари хусусида бериладиган шикоятларни кўриш механизмини ва апелляция тартибида иш кўришни такомиллаштирувчи янги қоидаларни қонунчиликка киритиш; бунда томонларнинг тортишуви ва тенглиги принципини қатъий таъминловчи ҳуқуқий нормаларни яратиш;

– Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларидаги ўхшаш процессуал муносабатларни тартибга солувчи нормаларни бирхиллаштириш (унификация қилиш);

– низо ва келишмовчиликларни суд муҳокамасигача барта-раф этишга кўмаклашадиган келиштирув таомил-тартибларини ишлаб чиқиш;

– Жиноят-процессуал кодекс қоидаларини демократлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш.

Шундай қилиб, концепцияга киритилиб ишлаб чиқиладиган, янгиланадиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар умумҳуқуқий классификаторга мувофиқлаштирилса, пировард натижада Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мажмуини яратишга салмоқли асос бўлиши шубҳасиз.

## **2.5. Қонунчилик жараёни кодекси: зарурати, тузилиши ва мазмуни**

Мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш вазифаси кун тартибига қатъий қўйилиши билан қонун чиқариш жараёнининг илмий талқини ва амалий жиҳатлари алоҳида эътиборга молик мавзуга айланди. Шубҳасиз, икки палатали парламентнинг қарор топиши давлатчилигимиз тараққиётида мутлақо янги босқичдир. Эътироф этиш жоизки, бугунга келиб янги демократик парламентнинг ижтимоий-сиёсий, норматив-ҳуқуқий асослари яратилди.



Табийки, икки палатали парламент шароитида қонун чиқариш механизми мутлақо янгича мазмун касб этади. Давлатнинг қонун чиқаришдек мураккаб фаолиятини амалга оширишга палаталарнинг ҳар бири ўзлари ифода этаётган умумхалқ ва минтақалар манфаатлари орқали белгиланувчи юксак масъулият билан ёндашадилар. Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасида муайян ихтисослашув, ўзаро мулоқот, мутаносиблик, ижодий ҳамкорлик ва эркин ижобий рақобат шаклланади. Депутатлар ва сенаторлар фаолиятида замонавий парламентаризмнинг демократик институтлари, анъаналари ва таомил-тартиблари амал қилиши учун зарур шароит яратилди.

Қонун чиқариш жараёнида қонун лойиҳасини тайёрлаш, ҳар томонлама пухта муҳокамадан ўтказиш ва қабул қилиш билан боғлиқ вазифаларнинг асосий масъулияти қуйи палата — Қонунчилик палатаси зиммасига юклатилади. Мазкур палата доимий асосда профессионал тарзда иш олиб боради. Унда қонунчилик илми, айниқса юридик техникадан яхши бохабар бўлган ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва бошқа мутахассислар жамланишлари назарда тутилди. Сенатнинг асосий вазифаси қуйи палата қабул қилган қонунларни синчиклаб кўриб чиқиб, уларни маъқуллаш ёки янада мукаммаллаштириш учун қуйи палатага қайтаришдан иборат.

Қонун чиқариш жараёнидаги муносабатлар, юқорида келтирилган қонунлардан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида»ги, «Қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

Юқорида баён этилган фикрлардан ушбу соҳада бир-бирини такрорловчи қонунларнинг кўпайиб кетганлиги, хилма-хиллиги, бир маъноли ҳуқуқий нормаларнинг бир неча норматив ҳужжатларда такрорланаётганлиги кўриниб турибди. Қонунчилигимизда бу борада вужудга келган мувозийлик (параллелизм) маънодош қонунчилик ҳужжатларининг ўринсиз «плюрализм»ини бартараф этиш учун тегишли қонунларни кодекслаштириш асосида тартибга солиш зарур.

Қонунчиликнинг имкон қадар самарали бўлиши уч жиҳатнинг муштараклигини талаб этади: *қонунларнинг батартибли-*

ги (ягона система ҳосил қилиши); *ички зиддиятларсиз бўлиши; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ортиқча такрорланишларнинг олди олиниши*<sup>1</sup>.

Қонунларнинг батартиблигини таъминлашда *кодекслаштириш* алоҳида ўрин тутади. Маълумки, *кодекс* — муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги қоидаларни ифодаловчи, жамловчи қонундир. Кодекс унга киритилган ҳуқуқий нормаларнинг мантиқий узвийлиги ҳамда мутаносиблиги, ҳуқуқ тармоғи ва қонунчилик соҳасига монанд жойлаштирилганлиги билан оддий қонунлардан устун туради. Кодекс яратиш жараёнида ҳуқуқ (қонунчилик) тармоғидаги барча норматив ҳужжатлар ва қоидалар текширилиб, янгитдан ислоҳ қилинади. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар, турли даражалардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинади, қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади<sup>2</sup>.

Қонунларни системалаштиришнинг асосий шакли (воситаси), ҳуқуқ (қонунчилик) тармоғининг ўзаги, бош манбаи ҳисобланмиш *кодекс* нафақат тегишли конституциявий принципларнинг ҳаётга жорий этилишига йўл очади, балки соҳага оид *ҳуқуқий сиёсатни*, қонунчиликни ривожлантириш йўналишларини белгилаб ҳам беради<sup>3</sup>.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, икки палатали парламент шароитида қонун ижод этиш функциясини оқилона ва самарали амалга ошириш, шунингдек мавжуд турли қонунчилик ҳужжатларини мантиқан изчил мажмуа ҳолига келтириш учун *Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик жараёни кодексини* тайёрлаш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Икки палатали парламентга ҳамда маҳаллий халқ депутатлари кенгашларига сайловларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида, *Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги кодексини* яратиш устида ҳам ўйлаб кўриш мумкин. Бу сайлов муносабатларининг барқарор ҳуқуқий асосга эга бўлишини таъминлайди. Қолаверса, демократик нуфузи

<sup>1</sup> Қаранг: Системность законодательства как фактор повышения его качества // Государство и право. — 2002. — №8. — С. 5.

<sup>2</sup> Багафсилроқ маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х.Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — 268-б.

<sup>3</sup> Қаранг: *Российская правовая политика / Под. ред. проф. Н. И. Матузова и проф. А. В. Малько.* — М., 2003. — С. 197; *Поленина С. В., Сильченко Н. В.* Научные основы типологии нормативно-правовых актов. — М., 1987. — С. 94–95.

билан обрў қозонган бир нечта Европа давлатларида сайлов соҳасини тартибга солувчи шундай кодекслар (масалан, Франция Сайлов кодекси) кўп йиллардан бери амал қилиб келаётганлиги эътиборга моликдир.

Биз шартли равишда «Қонунчилик жараёни кодекси» деб атаётган ҳужжат эса тараққиётимизнинг янги босқичида қонун чиқариш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган асосий, яхлит ва ягона ҳужжат сифатида намоён бўлади. Таклиф этилаётган кодекс икки палатали парламент қонун чиқариш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустақкамлайди, қонун лойиҳасини тайёрлашдан тортиб то уни қабул қилиш, имзолаш ва эълон қилгунга қадар барча босқичларни мукамал тартибга солади.

Мазкур кодексни яратишдан *асосий мақсад* — Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқариш механизмида, давлат ҳокимияти олий органларининг қонун лойиҳалари устида ишлаш фаолиятида юксак қонунчилик технологиясини<sup>1</sup> жорий этишдан иборат. Қолаверса, ягона кодекс воситасида қонун чиқариш жараёнининг барча босқичлари, уларда иштирок этувчи субъектларнинг фаолияти, турли-туман муносабатлари мустақкамланади ва тартибга солинади. Шунингдек, самарали кодекслаштириш қонун устуңлигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида муайян аҳамият касб этиб, мамлакатнинг миллий ҳуқуқий тизимини барқарорлаштиради, қонунларнинг узоқ муддат амал қилишини кафолатлайди.

Роман-герман ҳуқуқ тизимининг вужудга келиш ўчоқларидан бири бўлган қадимги Римда илк кодекслаштирилган ҳужжатлар чиқарилган. Жумладан, 346—395 йиллар давомида император Феодосий буйруғи билан кодекс тузилган. Империянинг шарқий қисмида 534 йилда Юстиниан кодекси эълон қилиниши билан Феодосий кодекси ўз кучини йўқотган<sup>2</sup>. Де-

<sup>1</sup> «Қонунчилик технологияси» ҳуқуқ ижодкорлигида қонунчилик техникаси билан бир қаторда илғор демократик тажрибани жорий этишни англатади. Янги қонунчилик технологиялари қонуннинг сифатини оширишга қаратилган усул ва воситаларнинг йиқиндиси бўлиши билан бирга, муайян ижтимоий мақсадга эришишни ҳам назарда тутаяди. Яъни қонунчилик технологияларини жорий этиш орқали қар бир қонунда у ёки бу ижтимоий аҳамиятга эга нормаларни оқилона вариантда мустақкамлашга эришиш таъминланади.

<sup>2</sup> Қаранг: *Контев А. В.* Кодификация Феодосия // Древнее право. — 1996. — №1. — С.247—261.

мократик давлатчилик ҳақидаги таълимотлар тарихига разм солсак, буюк француз давлат арбоби Наполеон мамлакатни бошқариш жараёнида қонунчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Император Наполеоннинг шахсан ўзи қонунчиликни тартибга солиш ва кодекслаштириш ишларига раҳбарлик қилган. У мукамал кодекслар яратишга давлат аҳамиятига молик иш деб қараган. 1804 йилда қабул қилинган Франция фуқаролик кодексининг асосий ташаббускори ва ижодкор раҳнамоси айнан Бонапарт Наполеон бўлгани учун ҳам у ҳозиргача ифтихор билан «Наполеон кодекси» деб юритилади.

Кодекслаштирилган қонунлар ижтимоий муносабатларни нафақат тартибга солади, балки уларни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Ҳуқуқ тизимининг барча тармоқлари ва соҳаларида кодекс бошқарувчи ва уйғунлаштирувчи негиз бўлиб, шу тармоққа оид қолган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кодексга ҳамоҳанг бўлиши лозим. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар мажмуи қайта кўриқдан ўтказилади, қоидалар умумлаштирилиб, ихчам ҳолга келтирилади, улар ўртасидаги қарама-қаршилик ва номувофиқликлар бартараф этилади, эскирган нормалар чиқариб ташланади ва шу тариқа мантиқий уйғунлик ҳамда батартибликка эришилади. Шундай экан, қабул қилишга эҳтиёж сезилаётган «Қонунчилик жараёни кодекси» икки палатали парламент фаолияти учун самарали ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, дейиш мумкин. Мазкур кодекс парламент ҳамда уни шакллантирувчи халқ ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиради.

Ушбу кодекснинг тайёрланиши ва қабул қилиниши, бир томондан, ҳокимият вакиллик органининг қонун ижод этиш соҳасидаги фаолиятини, иккинчи томондан, қонунчиликни эркинлаштириш борасида муҳим қадам бўлади, десак муболаға бўлмайди. Олий Мажлиснинг ҳуқуқий мақоми ва қонун ижод этиш фаолиятига оид бир тоифадаги қонунларнинг жамланиши ва кодекслаштирилиши нафақат парламентнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлайди ҳамда нуфузини оширади, балки фуқароларнинг мазкур соҳадаги қонунчилик билан танишиш ва ундан фойдаланиш имкониятини яратади.

Қонунчилик жараёни кодекси ягона комплекс ҳужжат тарзида қонун ижод этишга дахлдор барча масалаларнинг ҳуқуқий

талқини, ечими ва тартибларини муфассал белгилайди. Бу соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ўртасидаги номутаносибликлар ва такрорланишларни бартараф этишга кўмаклашади. Афсуски, ҳозирги кунда амал қилаётган қонунчилик ҳужжатлари мазмунида бир-бирини такрорловчи нормалар ва қоидалар мавжуд.

Масалан, Сенат ва Қонунчилик палатасининг *биргаликдаги ваколатлари* бир йўла учта қонунчилик ҳужжатида, яъни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 8-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 8-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги конституциявий қонун нормаларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, бунга ўхшаш такрорланишлар Сенат ва Қонунчилик палатасининг *қўшма мажлисларини* тартибга солишга қаратилган қоидалар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги (11-модда) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги (11-модда) конституциявий қонунларда айнан бир хил ифодаланганлигида намоён бўлади. Қолаверса, *келишув комиссиялари* тўғрисидаги моддаларнинг такрорланиш ҳолатини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги (25-модда) конституциявий қонунда ҳам, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги (30-модда) конституциявий қонунда ҳам кўришимиз мумкин.

Бу ҳолат қонунлардан фойдаланаётган шахснинг ёки уни амалга ошираётган мутасадди органларнинг ҳаракатларини чеклаши ёки қийинлаштириши мумкин. Бир қонундаги қоида билан танишган мансабдор шахс ёки фуқаро ижтимоий муносабатларнинг ушбу турига оид бошқа қонун йўқ деб ҳисоблайди. Натижада ушбу ижтимоий муносабатга тегишли қонунларга риоя этиш даражаси сустрлашиб, кам самарали бўлиб қолади.

Кодексни тайёрлаш давомида унинг мазмунига ҳозир қарор топган институтлардан ташқари, қонунчилик механизмида ҳали ўз ифодасини топмаган қонун ижодкорлиги жараёнининг янги институтлари ҳамда нормаларини сингдириш, яъни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар ҳузурида қонун лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашувчи илмий-экс-

перт комиссияларини тузиш масаласига эътибор қаратиш лозим. Кодекс лойиҳасини тайёрлашда, шунингдек *унинг қуйидаги концептуал моделини ва асосий йўналишларини* таклиф этиш ўринли деб ўйлаймиз:

- қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш тартиби;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонун чиқариш фаолиятидаги иштироки ва ваколатлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун чиқариш фаолиятидаги иштироки;
- Президент рад этган қонунларни кўриб чиқиш ва келишув процедуралари;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни кўриб чиқиш;
- қабул қилинган конституциявий ва оддий қонунларнинг матбуотда эълон қилиниши ва кучга кириши билан боғлиқ масалалар ва ҳоказо.

**Қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш тартибини** кодекснинг *биринчи бўлими* сифатида расмийлаштириш тўғри бўлар эди. Мазкур бўлимда «қонун лойиҳалари таклифи билан чиқиш», «қонун лойиҳаларини икки-уч ўқишда кўриб чиқиш», «давлат бюджетини қабул қилиш билан боғлиқ қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари» каби боблар мустаҳкамланиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонунчилик фаолиятидаги иштироки** таклиф этилаётган кодекснинг *иккинчи бўлими* сифатида расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу бўлимда алоҳида боблар сифатида қуйидаги масалаларнинг мустаҳкамланиши ўринли бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларни Олий Мажлис Сенатида кўриб чиқиш тартиби;
- Олий Мажлис Сенатида қонунларни кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари;
- Сенатнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириши.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокига оид қондаларни учинчи бўлим**

сифатида мустаҳкамлаш мумкин. Мазкур бўлим қуйидаги умумий масалаларни (бобларни) қамраб олиши лозим:

– Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси қабул қилиб, Сенат маъқуллаган конституциявий ва оддий қонунларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўриб чиқиши;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиши;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунларни Сенатда кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиши;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириши.

**«Рад этилган қонунларни кўриб чиқиш тартиби ва келишув жараёнлари»** кодекснинг *тўртинчи бўлими* сифатида мустаҳкамланиб, бобларга тақсимланган қуйидаги қоидаларни қамраб олса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– Сенат рад этган қонунларнинг Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиши;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолашни рад этган қонунларнинг Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиши;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти рад этган қонунларнинг Сенатда қайта кўриб чиқилиши.

**«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир таклифларни кўриб чиқиш»** масалалари *бешинчи бўлим* сифатида қуйидаги бобларни ўз ичига олади:

– Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби ва бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шакли;

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларини қайта кўриб чиқиш тартиби<sup>1</sup>.

Қонунчилик кодексининг *олтинчи бўлими* шартли равишда, **«Қабул қилинган конституциявий ва оддий қонунларнинг матбуотда эълон қилиниши ҳақида кучга кириши»** деб номланса маъқул бўлади. Бизнингча, ушбу бўлимда «Конституциявий ва оддий қонунларнинг матбуотда эълон қилиниши ва кучга кириши тартиби», «Якуний қоидалар» каби боблар бўлиши керак.

<sup>1</sup> Таклиф этилаётган Ўзбекистон Республикаси қонунчилик жараёни кодексининг мазкур бобига ўзгартишлар ва қўшимчалар фақат конституциявий қонун қабул қилиш орқали киритилади.

Шу ўринда икки палатали парламент шароитида қонунларнинг сифатини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳузурида алоҳида *ҳуқуқий бошқарма* ташкил этиш фойдали бўлади деб ўйлаймиз. Бундай бошқарма Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, конституциявий қонунларига, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига, қолаверса, таклиф этилаётган қонунчилик кодексига мослигини аниқлаш мақсадида *ҳуқуқий экспертизалар* ўтказди. Шунингдек, ушбу бошқармада қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш, бекор қилиш, ўзгартириш, унга қўшимчалар киритиш ёки тегишли қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан боғлиқ равишда қабул қилиниши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатларининг рўйхатини ўрганиш ҳамда ўтказилган экспертиза натижалари бўйича хулоса ёхуд эътирозлар бўлмаган ҳолларда қонун лойиҳасини маъқуллаш, қонун лойиҳалари (матни)нинг қонунчилик техникаси талабларига жавоб беришини таъминлаш каби масалалар кўриб чиқилади.

«Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш» деб номланган бобда қуйидаги қоидалар мустаҳкамланиши лозим:

– биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаси устида ишлаш тартиби;

– ўзгартишлар бўйича қарор қабул қилиш тартиби;

– ҳуқуқий бошқарманинг хулосаси;

– қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишнинг яқунлари бўйича қарор қабул қилиш;

– қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинмаслигининг оқибатлари.

«Қонун лойиҳаларини учинчи ўқишда кўриб чиқиш» бобида қуйидаги қоидалар мустаҳкамланиши лозим:

– қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисига киритиш ва унинг тартиби;

– қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқиш яқунлари бўйича қарор қабул қилиш;

– қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинмаслигининг оқибатлари.

«Давлат бюджетини қабул қилиш билан боғлиқ қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари» бобида белгила- ниши назарда тутилаётган қоидалар:



— бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини киритиш тартиби ва муддати;

— бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларга юбориш;

— бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасининг ёпиқ бўлимлари бўйича ишчи гуруҳ тузиш;

— бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш тартиби ва унинг бошқа қонунлар билан алоқадорлиги;

— бюджет тўғрисидаги қонунни биринчи ўқишда кўриб чиқиш ва унинг натижалари;

— биринчи ўқишда рад этилган бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини қайта ишлаш муддати;

— бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишнинг мазмуни;

— бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқиш;

— қонунчилик палатасининг қўмиталари берган ўзгартишларни кўриб чиқиш тартиби;

— бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасига берилган ўзгартишларни кўриб чиқиш тартиби;

— бюджет тўғрисидаги қонунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида кўриб чиқиш тартиби.

Кодекснинг навбатдаги **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қонунчилик фаолиятидаги иштироки»** деб номланган бўлимининг **«Сенатнинг Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунни кўриб чиқиши»** бобида қуйидаги қоидаларни белгилаб қўйиш ўринли бўлади:

— Қонунни Сенатга киритиш тартиби;

— Сенатда қонунни кўриб чиқиш тартиби;

— масъул қўмитани тайинлаш;

— қонунни кўриб чиқиш муддатининг ўтиб кетиши оқибатлари;

— келишув комиссияси;

— қонунни Сенатда қайта кўриб чиқиш тартиби;

— Сенат қарорини қабул қилиш тартиби;

— қонунни Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳамда Қонунчилик палатасига юбориш.

**«Конституциявий қонунни Сенатда кўриб чиқиш хусусиятлари»** мазкур бўлимнинг навбатдаги боби сифатида қайд этилиб, унда қуйидаги нормалар қамраб олиниши мумкин:

- конституциявий қонунларни Сенатда кўриб чиқиш тартиби;
- Сенат масъул қўмитасининг қарори ва конституциявий қонунни кўриб чиқиш тартиби;
- конституциявий қонунни Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш;
- Сенат берган таклифларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси қабул қилган конституциявий қонун лойиҳасини Сенатда такроран кўриб чиқиш тартиби;
- келишув комиссиясини ташкил этиш.

Қонунчилик жараёни кодексидаги «*Сенатнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириши*» деб номланган навбатдаги боб қонунчилик таклифлари, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, йўлланма материалларни тайёрлаш, Сенат қўмиталарида қонун лойиҳасини дастлабки кўриб чиқиш каби масалаларни қамраб олади.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик фаолиятидаги иштироки» бўлимининг дастлабки боби «*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунчилик палатаси қабул қилган ва Сенат маъқуллаган конституциявий ва оддий қонунларни кўриб чиқиши*»га бағишланиши лозим. Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси Президентига қонунларни юбориш тартиби, конституциявий қонунни имзолаш ва эълон қилиш ёки қайтариш, Президент рад этган қонунни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига қайтариш тартиби каби масалалар ифодаланиши керак.

«*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқишда иштирок этиши*» бобида қуйидаги қоидалар мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ:

- биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари бўйича хулоса тайёрлаш;
- биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаларига тузатишлар киритиш;
- Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти вакилининг иштироки ва ваколатлари.

Қонунчилик жараёни кодексининг навбатдаги, яъни «*Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунларни Сенатда кўриб*

**чиқиш жараёнида иштирок этиши»** бобида «Сенатга келиб тушган қонунлар бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш», «Сенатда қонунларни кўриб чиқиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти вакилининг ваколатлари» каби қоидалар қамраб олинади.

Навбатдаги боб *«Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириши»* деб номланиб, унинг мазмунида қуйидаги қоидалар қамраб олинishi мумкин:

- қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг амалга оширилиши;
- қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- таклифларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш;
- қонун лойиҳалари бўйича таклифларни тақдим этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун лойиҳасини киритиши;
- қонун лойиҳалари бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

**«Рад этилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишув жараёnlари»** бўлимининг дастлабки *«Сенат рад этган қонунларни қайта кўриб чиқиш тартиби»* бобида қуйидаги фасллар бўлгани маъқул:

- масъул қўмитанинг қонун лойиҳаларини кўриб чиқиши;
- келишув комиссиясини тузиш тўғрисида қарор;
- келишув комиссиясининг иш тартиби;
- келишув комиссиясининг қарорини расмийлаштириш;
- Олий Мажлис палаталарининг келишув комиссияси таклифларини кўриб чиқиши;
- Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига қонун лойиҳасини такроран кўриб чиқиш масаласини киритиш;
- Қонунчилик палатасида қонун лойиҳасини такроран кўриб чиқиш тартиби;
- қабул қилинган қонунни Сенатга юбориш.

*«Ўзбекистон Республикасининг Президенти имзолашни рад этган қонунларнинг Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиши»* мазкур бўлимнинг кейинги боби сифатида мустаҳкамланиб, у ўз ичига қуйидаги каби қоидаларни қамраб олади:

- масъул қўмитанинг ҳулосаси;
- Қонунчилик палатасида қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш тартиби;

– қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш яқунлари бўйича овоз бериш тартиби;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифларини инобатга олган ҳолда қонунни қабул қилиш;

– такроран қабул қилинган қонунни Сенатга юбориш.

Кейинги боб «*Ўзбекистон Республикаси Президенти рад этган қонунларнинг Сенатда қайта кўриб чиқиши*» деб номланиб, унинг таркибида:

– қайта қабул қилинган қонунни Сенатга тақдим этиш тартиби;

– қайта қабул қилинган қонунни Сенатда кўриб чиқиш муддати;

– янги таҳрирда қабул қилинган қонунни кўриб чиқиш;

– қонунни кўриб чиқиш учун тайёрлашга масъул бўлган қўмита (қўмиталар)нинг хулосаси;

– қайта қабул қилинган қонунни кўриб чиқиш тартиби;

– қайта қабул қилинган қонун бўйича Сенатнинг қарори;

– қайта қабул қилинган қонун бўйича овоз бериш;

– Сенатнинг қарорини Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳамда Қонунчилик палатасига юбориш;

– қайта қабул қилинган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши ва эълон қилиниши каби нормалар акс эттирилиши лозим.

Қонунчилик жараёни кодексининг «*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш*» бўлимида қуйидаги қоидаларни ифодалаш мумкин.:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шакли;

– Конституцияга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифга талаблар;

– Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишни тавсия қилиш;

– Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини дастлабки кўриб чиқиш;

– Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Сенатда кўриб чиқиш;

– Конституцияга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилиш;

– Президентнинг Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонунни имзолаши ва эълон қилиш;

– Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонуннинг кучга кириши ва ҳ.к.

**«Қабул қилинган конституциявий ва оддий қонунларнинг матбуотда эълон қилиниши ва кучга кириши»** кодекснинг якунловчи бўлими бўлади. Мазкур бўлим мазмунида дастлабки боб тарзида **«Конституциявий ва оддий қонунларнинг матбуотда эълон қилиниши ва кучга кириши»** тартиби акс эттирилиб, у ўзида қуйидаги каби қоидаларни акс эттириши лозим:

– конституциявий ва оддий қонунга қайд рақамини бериш;

– конституциявий ва оддий қонуннинг расмий матнини оммавий ахборот воситаларининг таҳририятларига жўнатиш;

– конституциявий ва оддий қонуннинг асл нусхаси матнини сақлаш;

– қабул қилинган конституциявий ва оддий қонуннинг кучга кириши.

Ушбу бўлимнинг сўнги боби **«Яқуний қоидалар»** деб номланиб, қуйидаги масалаларни қамраб олади:

– Қонунчилик жараёни кодекси ва унинг айрим қоидаларини кучга киритиш муддатлари (ушбу кодекс расмий эълон қилинган кундан ёки уни кучга киритиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатдан бошлаб кучга киради);

– Қонунчилик жараёни кодекси кучга кирганидан кейин қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш тартиби (ушбу кодекс кучга киргунига қадар Қонунчилик палатасига киритилган, жумладан биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш, шунингдек Қонунчилик палатаси қабул қилган конституциявий ва оддий қонунларни Сенатда кўриб чиқиш ушбу кодекс кучга кирган кундан бошлаб, мазкур кодексга мувофиқ амалга оширилади);

– илгари қабул қилинган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Қонунчилик жараёни кодексига мувофиқлаштириш (Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда қонунчилик ташаббуси

ҳуқуқининг бошқа субъектларига қонун чиқариш жараёнини амалга ошириш масалалари бўйича ўз норматив ҳужжатларини ушбу кодекс билан мувофиқлаштиришни таклиф этиш) ва ҳ.к.

Таҳлилимизга хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, жамиятимиздаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган мавжуд қонунларни кодекслаштириш салмоғининг ортиши қонун ижодкорлиги савияси ва самарасини оширишга, қонунларнинг сифатини янада яхшилашга, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонун устуворлигини қатъий таъминлашга, давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини демократлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

### III боб

## ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИНИНГ САМАРАСИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

### 3.1. Ҳуқуқий сиёсат, юридик башоратлаш ва қонунчилик фаолияти

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини, жумладан ҳуқуқ соҳасини ҳам қамраб олди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сўнгги йилларда чиқарган қарорлари давлат ўз мақсадлари, вазифалари, принциплари ва объектларига эга бўлган пухта ҳуқуқий сиёсатни ишлаб чиққани ва амалга ошираётганидан далолат беради.

Авалло, илғор ҳуқуқий сиёсатнинг ўзи нима?

«Ҳуқуқий сиёсат» атамаси илмий муомаладан мустаҳкам ўрин эгаллаган бўлса-да, турли муаллифлар уни ҳар хил талқин қиладилар. Бир қатор муаллифлар ҳуқуқий сиёсатни «ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш вазифаларини ҳал қилиш жараёнида ҳуқуқни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадларини кўзлайдиган махсус сиёсий таъсир воситалари мажмуи»<sup>1</sup>, деб тушунсалар, иккинчи гуруҳ муаллифлар уни ҳуқуқ амал қилувчи соҳада ва ҳуқуқ орқали амалга ошириладиган ғоялар, чора-тадбирлар, вазифалар, дастурлар ва кўрсатмалар мажмуи, деб таърифлайдилар<sup>2</sup>, яна бир гуруҳ муаллифлар эса ҳуқуқий сиёсат — ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратиш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш сингари мақсадларга эришишнинг юридик воситаларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илмий асосланган,

<sup>1</sup> Правовая система социализма: понятие, структура, социальные связи. Кн. 1 / Под ред. А. М. Васильева. — М., 1986. — С. 140–141.

<sup>2</sup> Қаранг: Матузов Н. И. Актуальные проблемы российской правовой политики // Государство и право. — 2001. — №10. — С. 6.

изчил ва тизимли фаолият<sup>1</sup> деб ҳисоблайдилар. 3. Исломов бу атамага шундай таъриф беради: «Хуқуқий сиёсат хуқуқни амалга ошириш соҳасида хуқуқий воситалар ёрдамида амалга татбиқ этиладиган ғоялар, тадбирлар, вазифалар, дастурлар ва ишловлар мажмуидир»<sup>2</sup>. Қонунчилик фаолияти таҳлилидан келиб чиқиб қонунчилик сиёсатини таърифласак, уни сиёсий ҳокимиятнинг қонун ҳужжатларида ўз аксини топган (ёки ифодаланган) умумий мақсадлари, асосий принциплари ва талаблари мажмуи деб ифодалаш мумкин<sup>3</sup>.

Кўриб чиқилаётган тушунчанинг мураккаблиги унинг таркибий қисмлари — «хуқуқ» ва «сиёсат»нинг кўп маънолилиги билан боғлиқ. Бинобарин, «хуқуқий сиёсат» тушунчасига нисбатан ёндашувлар ҳам ҳар хил бўлади: а) воситалар (воситалар тизими) орқали ёндашув, б) кенг ёндашув («хуқуқий макон» тушунчаси билан қамраб олинувчи муносабатлар, алоқалар ва манфаатлар соҳаси), в) дастлабки икки ёндашувни бирлаштирувчи универсал ёндашув<sup>4</sup>.

Кўриб турганимиздек, «хуқуқий сиёсат» атамаси ўз шакли ва мазмунига эга бўлган анча мураккаб ва кўп маъноли ижтимоий ҳодисани тавсифлайди. Мазкур атама «хуқуқий тартибга солиш механизми», «хуқуқий таъсир кўрсатиш», «давлат бошқаруви», «юридик амалиёт» сингари тушунчалар билан узвий боғлиқ. Бу тушунчалар ўртасида умумий жиҳатлар анчагина, уларнинг барчаси ўхшаш, турдош ҳодисалардир. Айни пайтда бу тушунчаларнинг ҳар бири юридик воқеликнинг маълум қатламини, давлат ва хуқуқ муносабатларининг ўзига хос шаклини ифодалайди.

Фикримизча, хуқуқий сиёсат принципларига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) қонунийлик; б) илмийлик; в) ошкоралик; г) системалилик; д) изчиллик.

<sup>1</sup> Қаранг: Малько А. В., Шундиқов К. В. Правовая политика современной России: цели и средства // Государство и право. — 2001. — №7. — С. 15.

<sup>2</sup> Исломов З. Хуқуқий сиёсат ва юридик фан // Давлат ва хуқуқ. — 2003. — №3. — 74-б.

<sup>3</sup> «Қонунчилик сиёсати» атамаси «хуқуқий сиёсат» тушунчасининг ҳаддан ташқари тор талқин қилинишига олиб келади деб жуда тўғри қайд этилган. Қаранг: Коробова А. П. О многозначности понятия «правовая политика» // Правоведение. — 1999. — №4. — С. 64.

<sup>4</sup> Ўша жойда. — 62-б.



Шундай қилиб, «ҳуқуқий сиёсат» бир қанча хусусиятларга эга бўлган мустақил юридик категориядир. Мазкур хусусиятларга батафсилроқ тўхталамиз.

1. *Давлатнинг расмий фаолияти билан боғлиқлик.* Ҳуқуқий сиёсатни давлатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳуқуқий сиёсатни давлат амалга оширади. У ҳокимият хусусиятига эга бўлади ва давлат фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Ҳуқуқий сиёсат замирида ҳамisha давлат манфаатлари ётади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий сиёсат давлат фаолиятининг маълум шаклидир. Давлат тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар орқали ҳуқуқий сиёсатнинг асосий субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Парламент – Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси – юқорида зикр этилган давлат органлари тизимида етакчи ўрин эгаллайди.

2. *Ҳуқуқий сиёсатнинг комплекс табиати.* Ҳуқуқий сиёсат юридик хусусиятга эга бўлган чора-тадбирлар мажмуигина эмас, балки умумийлик ва мустақиллик хусусиятларига ҳам эга бўлган яхлит ҳодисадир. Изчиллик ва системалилик ҳар қандай давлатнинг оқилона ҳуқуқий сиёсатида ажралмас қисм бўлиши лозим. Ҳуқуқий сиёсатнинг мақсад ва вазифалари, стратегия. Ҳва тактикаси унинг боғловчи элементларидир. Сиёсат *стратегияси* ҳуқуқ тизимини истиқболда оқилона ривожлантириш мўлжалларини белгиловчи ғоялар, концепциялар ва мақсадларни, *тактикаси* эса – ҳуқуқий ривожланишнинг яқин келажакка мўлжалланган муайян кўрсаткичлари ва моделларини ўз ичига олади. Юридик башоратлаш ҳамда унинг кримнологик башорат қилиш, қонун ижодкорлигини башорат қилиш, жиноят-ҳуқуқий башорат қилиш каби барча турлари ҳуқуқий сиёсатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. *Ижтимоий ҳаётда* ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш воситалари мажмуини ташкил этувчи *ҳуқуқий воситалар тизимининг мавжудлиги.* Ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш воситаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) дастурий-мақсадли ҳужжатлар (концепциялар, миллий дастурлар, доктриналар); б) ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, фармонлар ва б.); в) ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ ҳужжатлар (амалга киритиш ҳужжатлари ва б.); г) юридик амалиётда қўлланиладиган чора-тадбирлар, кўрсатмалар ва ҳуқуқий қоидалар; д) суд қарорлари; е) юриспруденцияда ишлаб чиқилган ижтимоий муносабатларга

**ҳуқуқий таъсир** кўрсатиш усуллари ва методлари (санкциялар, рағбатлантиришлар, имтиёзлар, ҳуқуқий режимлар ва б.).

4. *Ҳуқуқ билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, ҳодисалар ва институтлар мажмуи ҳуқуқий сиёсат объектининг* ўзига хос жиҳатини намоён этади. Уларнинг асосийларига ҳуқуқ тизими, ҳуқуқ ижодкорлиги, юридик амалиёт ҳамда ҳуқуқий ҳаётнинг бошқа таркибий қисмлари киради. Ҳуқуқ ҳуқуқий сиёсатни, шунингдек бошқа ҳар қандай давлат сиёсатини амалга оширишнинг объектигина эмас, балки воситаси бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкинлигини унутмаслик керак. Ҳуқуқ, аниқроғи, унинг нормалари ва принциплари кўпинча иқтисодий сиёсат, кадрлар сиёсати, техник сиёсат ва ҳарбий сиёсатни ҳамда сиёсатнинг бошқа турларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда, давлат сиёсатининг бошқа турларини амалга оширишда ҳуқуқдан фойдаланиш мустақил юридик ҳодисалардан бири сифатида ҳуқуқий сиёсатнинг мавжудлигини ҳам инкор этмайди.

5. *Илмий ва амалий асосланганлик.* Ҳуқуқий сиёсат доктринал негизга эга бўлиши шарт. Юридик фан ҳуқуқий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми, ҳуқуқнинг тараққий этишини белгиловчи ғоялар, концепциялар ва мақсадлар мажмуидир. У юридик амалиётни такомиллаштириш ва унинг муаммоларини ҳал қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади. Юридик амалиёт, ўз навбатида, сиёсатга акс таъсир кўрсатади, унинг олдига янги вазифалар қўяди. Ҳуқуқ амалиёти ягона мақсад ҳисобланмайди, у юридик амалиётга таянади, унинг эҳтиёжлари ва талабларини эътиборга олади. Аслида, ҳуқуқий сиёсат илмий ва амалий асосланмаган давлат фаолиятига айлангудек бўлса, ўзининг асл мазмунини йўқотади.

6. *Ички тузилишга эгаллик.* Бошқа ҳар қандай мураккаб ҳодиса сингари, ҳуқуқий сиёсат ҳам бир қанча ўзаро боғлиқ элементлардан иборат тизимни ташкил этади. Ҳуқуқий сиёсатни қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш, жиноят-ҳуқуқий, жиноят-ижроия сингари таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири ҳуқуқий сиёсатнинг ўз мақсадлари, вазифалари, предмети ва объектига эга бўлган муайян тармоғи, тури, йўналишини ташкил этади.

7. *Ҳуқуқий сиёсатни амалга оширувчи субъектларнинг ўзига хос доираси.* Мазкур субъектлар мажмуи давлатнинг юридик

амалиёт соҳасидаги стратегиясининг асосий мўлжалларини белгиловчи ҳамда уни амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар тизимини ташкил этади.

Ҳуқуқий сиёсат ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган фаолият бўлганлиги боис унинг субъектлари қаторига ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни бажарувчи органлар ва мансабдор шахсларни кириштириш мумкин. Бу ўринда умумий ваколатларга эга бўлган субъектлар (давлат бошлиғи, парламент, ҳукумат)ни ҳам, махсус субъектлар (суд органлари, адлия органлари, ички ишлар органлари кабилар)ни ҳам ажратиш мумкин. Кўрсатилган органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳар бири аниқ белгиланган вазифаларни бажаради, уларнинг барчаси биргаликда давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини амалга оширади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий сиёсатни давлатнинг ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш борасидаги расмий фаолияти, ҳуқуқ соҳасида давлат томонидан эътироф этилган ва амалга ошириладиган ғоялар, қадриятлар, кўрсатмалар, мақсадлар, вазифалар ва амалий чора-тадбирларнинг илмий асосланган тизими деб таърифлаш мумкин.

Ҳуқуқий сиёсат, бошқа ҳар қандай сиёсат сингари, келажакка йўналтирилади. Унинг замирида ҳуқуқнинг оқилона ривожланишини белгилайдиган маълум мақсадлар, вазифалар ва концептуал ғоялар, унинг мўлжаллари ва натижалари ётади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий сиёсат башоратлаш элементларини ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқий сиёсатнинг моҳияти ва мазмунини таҳлил қилиш куйидаги хулосага олиб келади: жамият ва давлат ҳуқуқий ривожланишининг муайян йўли қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини башорат қилмасдан, уларга баҳо бермасдан ҳуқуқий сиёсатни тасаввур қилиб бўлмайди.

Илмий адабиётда юридик башорат қилишнинг моҳияти ва мазмуни тўғрисидаги масалага бир хил ёндашув мавжуд эмас. Жумладан, О. А. Гаврилов юридик башорат қилишга «ҳуқуқнинг умумий назарияси ҳамда тармоқ юридик фанларининг муҳим қоидалари, шунингдек ижтимоий прогностика қоидалари негизида махсус ташкил этилган илмий жамоалар томонидан сурункали ва узлуксиз амалга оширилувчи давлат ҳуқуқий жараёнла-

рининг бўлгуси ҳолатини, уларнинг суръатини ва муайян амалга ошириш муддатларини тадқиқ этиш»<sup>1</sup>, деб таъриф беради.

В. К. Агамиров юридик башорат қилишни «яқин тарихий давр доирасида жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари»<sup>2</sup> сифатида тушунади. З. С. Зарипов криминологик башорат муаммосини тадқиқ этар экан, «башорат қилиш — башорат объектининг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш негизида унинг бўлгуси ҳолатини илмий башорат қилиш, ўрганилаётган ҳодисанинг истиқболдаги сон ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида илмий асосланган ахборотни мунтазам олиб туриш жараёни»<sup>3</sup>, деган хулосага келади.

Юқорида келтирилган таърифларга қўшилган ҳолда, фақат илмий жамоалар эмас, балки ҳар қандай органлар ва шахслар юридик башоратлаш субъектлари бўлиши мумкинлигини қайд этиб ўтмоқчимиз. У оддий ёки илмий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Олимлар ва мутахассислар амалга оширадиган башоратлаш натижалари нисбатан аниқ ва асосланган бўлади.

Маълумки, башорат қилиш — ҳар қандай фаннинг, шу жумладан ҳуқуқ фанининг ҳам муҳим вазифаларидан бири. Шу боис илмий негизга асосланган юридик башорат қилиш икки баравар кўпроқ илмий хусусиятга эга бўлади, илмий таҳлил усули ҳисобланади. Прогностикага келажак ҳақидаги илмий билимлар тизими деб баҳо берар эканмиз, биз юридик башорат қилиш ҳуқуқий ҳодисалар ва институтларнинг бўлажак ҳолати ва ривожланишини билиш усуллари тизимидир, деб қайд этишимиз мумкин. Мазкур ёндашувга таянган ҳолда, юридик башоратнинг тузилмасида унинг криминология, жиноят ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллашга оид турларини ажратишимиз мумкин.

Кўриб турганимиздек, ҳуқуқий сиёсат билан юридик башорат қилишнинг умумий жиҳатлари бисёр, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Нафсиламрини айтганда, ҳуқуқий сиёсат билан юридик башорат қилишнинг объекти битта бўлиб, ҳуқуқ соҳасида юзага келаётган ижтимоий муносабатлар тизи-

<sup>1</sup> Гаврилов О. А. Стратегия правотворчества и социальное прогнозирование. — М., 1993. — С. 7.

<sup>2</sup> Агамиров К. В. Прогнозирование в теории и социологии права. — М., 1987. — С. 8.

<sup>3</sup> Зарипов З. С. Основы криминологического прогнозирования и планирования в борьбе с преступностью. — Т., 1995. — С. 4.

ми, ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган барча ҳодисалар мажмуи ёки, мухтасар қилиб айтганда, «ҳуқуқий ҳаётдир». Айнан «юридик оқибатларга олиб келадиган юридик омиллар йиғиндисига», «ижобий ва салбий таркибий қисмлардан иборат барча юридик ҳодисалар мажмуи»га давлат ва унинг таркибий қисмлари фаол ва изчил ҳуқуқий таъсир кўрсатади<sup>1</sup>. Мана шу ҳодисалар юридик башорат қилишнинг объектини ҳам ташкил этади, чунки бизни қизиқтирувчи ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳияти ҳақидаги маълум билимга асосланмасдан ҳуқуқий ҳодисаларнинг ривожланишини башорат қилиш мумкин эмас<sup>2</sup>.

«Башорат — билиш фаолияти билан амалий фаолият ўртасидаги муҳим боғловчи бўғин»<sup>3</sup>, — деб қайд этади К. Ж. Туленова. Дарҳақиқат, ҳуқуқий сиёсат юридик амалиётга таъсир кўрсатиш жараёнида башоратлашга таянади. Аммо шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, ҳуқуқий сиёсат ва юридик башоратлаш объектлари тўлиқ мос келмайди, чунки уларнинг хусусияти ўз мақсадлари, вазифалари ва усуллари билан боғлиқ.

Ҳўш, бу икки ҳуқуқий категориянинг ўзаро нисбати қандай, уларнинг ўзаро алоқаси ва таъсири нималарда намоён бўлади, улар қандай натижаларга олиб келади? Бу саволларга жавоб топиш қонунчилик фаолиятини такомиллаштиришга, қонунларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга, ҳуқуқий сиёсатнинг оқилоналиги ва изчиллигини таъминлашга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, ҳуқуқий сиёсат билан юридик башоратлашнинг ўзаро нисбати қуйидаги омиллар билан белгиланади:

1) иккала ҳуқуқий ҳодиса ҳам ҳуқуқ тизимининг, аниқроғи ҳуқуқнинг амал қилиш механизмидаги функционал таркибий қисмларга киради. Улар ўзининг жўшқинлиги, ижтимоий муносабатларга фаол таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Ҳуқуқий сиёсат ҳам, юридик башоратлаш ҳам ҳуқуқий амалиётни фаол тизим, ҳуқуқ мақсадларини рўёбга чиқариш механизми сифатида тавсифловчи ва белгиловчи жўшқин

<sup>1</sup> Қаранг: *Малько А. В.* Категория «правовая жизнь»: проблемы становления / Государство и право. — 2001. — №5. — С. 5–6.

<sup>2</sup> Қаранг: *Кранивенский С. Э.* Социальная философия. — М., 1998. — С. 396.

<sup>3</sup> *Туленова К. Ж.* Научное предвидение как философская проблема и её методологическое значение для социальной практики в условиях независимого Узбекистана. — Т., 2001. — С. 16.

ҳодисалардир. Улар, энг аввало, юридик аҳамиятга эга ҳолатлар ва чора-тадбирларда намоён бўлади;

2) юридик прогноз ҳуқуқий сиёсат учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий сиёсат стратегияси ва тактикасининг замирида башоратлаш натижалари ётади. Агар башоратлаш жамиятни ҳуқуқий ривожлантириш йўлларини аниқласа, ҳуқуқий сиёсат уни оқилона ривожлантириш йўлларини белгилайди; шу боис бу иккала ҳодиса бир даражада туради ва бир-бирини давом эттиради;

3) иккала ҳодиса ҳам умумий (ёки ўхшаш) воситалар ва усуллардан фойдаланади. «Дастур», «моделлаштириш», «экстраполяция», «мақсадлар иерархияси», «эксперт баҳолаш» сингари тушунчалар ҳуқуқий сиёсатда ҳам, башоратлаш жараёнида ҳам амал қилади;

4) иккала фаолият турини ҳам илмий асослаш, уларнинг изчиллигини таъминлаш зарур. Асл ҳуқуқий сиёсат ҳам, башорат қилиш ҳам жамият ва давлатни оқилона ривожлантириш йўллари ҳақидаги илмий билимлар ҳамда уни изчил амалга ошириш чора-тадбирлари тизимидир. Мазкур тизим сиёсий-ҳуқуқий қарорларни таҳлилдан ўтказиш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги изчил, мантиқан боғланган ҳаракатлар ва чора-тадбирлар занжиридан иборат. Ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида башорат қилиш усуллари муайян тарзда қўлланилади, юридик башоратлаш ишлаб чиқилади.

Ҳуқуқий сиёсат ва юридик башоратлашнинг юқорида зикр этилган жиҳатлари, бир томондан, уларнинг узвийлиги, ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига ўтишидан, иккинчи томондан эса, юридик амалиётда улар маълум даражада мустақил эканлигидан далолат беради.

Бундан қуйидаги муҳим хулоса келиб чиқади: пухта ўйланган, оқилона, мувозий ҳуқуқий сиёсат ҳаминша илмий асосланган изчил юридик башоратга асосланади. Бошқача айтганда, давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг йўллари тўғрисидаги илмий асосланган фаразгина қўйилган мақсадга эришиш борасидаги амалий чора-тадбирлар самарали тизимининг гарови бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий сиёсатни тавсифлар эканмиз, унинг қуйидаги ўзига хос муаммоларини қайд этишимиз мумкин:

– етарли даражада изчил ва яхлит эмаслиги. Мамлакатни ҳуқуқий ривожлантиришнинг ҳуқуқ соҳасидаги давлат стратегиясининг мўлжалларини белгилайдиган, давлат миқёсидаги фаолиятнинг узоқ муддатли тизими учун ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қила оладиган ягона, яхлит концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш долзарб масаладир;

– бутун давлат миқёсида ҳуқуқий сиёсатга раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириш билан махсус шуғулланадиган мувофиқлаштириш идораси бўлиши лозим. Олий Мажлиснинг тегишли кўмитаси<sup>1</sup>, Адлия вазирлиги, барча давлат органлари ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширадиган чора-тадбирларни мувофиқлаштиришга йўналтирилган комплекс иш олиб бориш зарур;

– ҳуқуқий сиёсатнинг қонунчилик, жиноят, суд-ҳуқуқ, жиноят-ижроия ва бошқа йўналишлари (турлари)ни амалга оширишда ҳатто ҳуқуқий сиёсатнинг маълум йўналишида (суд-ҳуқуқ ислоҳоти, жиноят-ҳуқуқ сиёсатини эркинлаштириш ва ҳ.к.) ўзаро мувофиқлик ва изчиллик етишмайди;

Юридик башоратлаш масаласида унинг қуйидаги муаммоларини қайд этиш мумкин:

– юридик башоратлашнинг илмийлик ёки асослилик даражасининг пастлиги ёки ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишда унинг таъсири камлиги<sup>2</sup>;

– юридик башоратлаш соҳасидаги билим ва кўникмалар даражасининг пастлиги, башоратловчилар, экспертлар ва бошқа мутахассисларда касбий малаканинг етишмаслиги;

<sup>1</sup> Кўмита фаолиятигина эмас, балки унинг номи – «қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси» – ҳам шундан далолат беради. Фикримизча, уни «ҳуқуқий сиёсат ва қонунчилик кўмитаси» деб номлаш тўғрироқ бўлади.

<sup>2</sup> Ҳаттоки, қонун ҳужжатларига (1995–2004 йилларда) киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг катта қисми маълум даражада қонун лойиҳалари қабул қилингунига қадар улар бўйича башоратлаш ишлари яхши амалга оширилмаганидан далолат беради. Тўғри, бу ерда бошқа омиллар (жамиyatдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар; ислоҳотларнинг амалга оширилиши; ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг нормаларини жорий этиш; қонун мақсадларига эришиш ва б.)нинг таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди, лекин юқорида зикр этилган омилнинг таъсири яққол кўзга ташланади. Масалан, Конституция матнига депутатлар сонининг киритилиши ва сўнг ундан чиқариб ташланиши, Конституциявий суд, прокуратура, судлар, инвестициялар, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунларнинг янги тақрирда қабул қилиниши қонун лойиҳалари бўйича башоратлаш ишлари етарли эмаслигидан далолат беради.

– башорат қилиш фаолиятининг ахборот (статистик маълумотлар, башоратлаш объектининг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги материаллар, маълумотларга компьютерда ишлов бериш ва б.) билан етарли даражада таъминланмаганлиги;

– қонун лойиҳаларини ва бошқа ҳуқуқий қарорларни ишлаб чиқувчиларда волонтаристик интилишлар, илмий тавсияларга риоя этмаслик, уларни ўз қарашлари ва хоҳиш-истағи билан алмаштиришга уринишларнинг намоён бўлиши;

– юридик башоратлаш (айниқса, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги прогноз) жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий негизи, ҳуқуқий ҳодисаларга (криминологик ҳодисалардан ташқари) башорат тарзида баҳо бериш усуллари ва методларининг пухта ишлаб чиқилмаганлиги.

Ўтказилган таҳлил ҳуқуқий сиёсат ва юридик башорат қилишни такомиллаштириш, уларнинг асосланганлиги ва самарадорлигини ошириш юзасидан баъзи бир таклифлар ва тавсияларни таърифлаш имконини беради.

1. Фикримизча, мамлакат парламенти ҳуқуқий сиёсатга доир концепцияни, сўнгра унинг негизида ҳуқуқий сиёсатни ишлаб чиқиш ва жамиятда уни амалга оширишга қаратилган миллий дастурни қабул қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур ҳужжатлар давлатнинг ҳуқуқ соҳасида жуда пухта ишлаб чиқилган доктринаси, стратегияси ва тактикасига асосланиши лозим. Уларда ҳуқуқий сиёсатнинг мақсади, вазифалари, босқичлари ва йўналишлари асосланишини, масъул органлар ва мансабдор шахслар кўрсатилишини назарда тутиш зарур. Мазкур ҳужжатлар оқилона, изчил, узоқ истиқболга (камида 10–15 йилга) мўлжалланган ҳуқуқий сиёсатни белгилаш имконини берган бўлур эди.

2. Президент ҳузурида бутун мамлакат миқёсида ягона ҳуқуқий сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган идоралараро орган тузиб, шартли равишда уни *ҳуқуқий сиёсат кенгаши* деб номлаш мумкин. Мазкур орган давлат ҳокимиятининг барча бўғинларидаги органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши, уларни тартибга солиши ва вазифаларнинг такрорланишига чек қўйиши керак.

3. Чет эл тажрибасидан келиб чиқиб, ҳуқуқий сиёсат ва юридик башоратлаш муаммоларини тадқиқ этиш билан шуғулланадиган илмий тадқиқот, эксперт ва консалтинг муассасалари



(фондлар, марказлар, лабораториялар каби нодавлат ташкилотлари)нинг кенг тармоғини шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратиш лозим.

4. Ҳуқуқий сиёсат соҳасида қарорлар қабул қилувчи ва уларнинг лойиҳаларини тайёрловчи барча субъектларни қарорларни илмий асосланган, башоратлаш замирида пухта ишлаб чиқилган ҳолда қабул қилиш имконини берувчи тўлиқ ахборот билан таъминлаш зарур.

5. Ҳуқуқ соҳасидаги барча муҳим қарорлар (айниқса, қонунчилик қарорлари)ни башоратлаш жиҳатдан ишлаб чиқиш асосида қабул қилишни назарда тутадиган қондани амалга кириштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қонун лойиҳаларига асослантириш маълумотномасигина эмас, балки башоратлаш хулосаси ҳам илова қилиниши, унда қонун лойиҳаларини қабул қилишнинг ижобий ва салбий оқибатлари, моддий ва бошқа харажатлар назарда тутилиши лозим.

6. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга давлат органлари ва мансабдор шахсларда ва ҳуқуқий сиёсатнинг бошқа субъектларида юридик башоратлаш усуллари ва методларини қўллаш кўникмаларини шакллантириш лозим. Юридик башоратларни ишлаб чиқиш, текшириш ва улардан фойдаланишнинг қонун ижодкорлиги жараёнига мослаштирилган усуллари шакллантириш зарур.

Вазирлар Маҳкамаси ёки Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган *ҳуқуқий сиёсат ва қонунчилик илмий-тадқиқот институти* ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Олий Мажлис қошида фаолият кўрсатаётган Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг вазифаси парламентнинг қонунчилик фаолияти эҳтиёжларига хизмат кўрсатишдан иборат. Айти пайтда, ижро этувчи органларнинг ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш фаолияти махсус тадқиқот ва таҳлил доирасидан четда қолмоқда.

Шундай қилиб, ижтимоий ислохотларни амалга ошириш шароитида давлат ҳуқуқий сиёсатининг муваффақияти узвийлик, изчиллик, системалилик, илмийлик, пухта ишлаб чиқилган юридик башоратларга асосланганлик сингари хусусиятлар билан боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш тенденцияларини чуқур

ва пухта таҳлил қилиш ҳамда инобатга олишга асосланган сие-  
сатгина кўзланган мақсад ва натижаларга олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқ — мураккаб, жўшқин, муттасил ривожланувчи ти-  
зим. У асосан фаол қонун ижодкорлиги фаолияти орқали туб-  
дан ислоҳ қилинади. Қонунчилик фаолияти, яъни қонунлар  
қабул қилиш билан давлатнинг махсус органи — парламент  
шуғулланади. Лекин қонунчилик фаолияти кўпинча, Олий  
Мажлисдан ташқари, бир қанча давлат органлари ва инсти-  
тутлари ҳам амалга оширадиган серқирра ва мураккаб фаоли-  
ятнинг бир қисминигина ташкил этади.

Қонун ижодкорлиги фаолияти, юқорида таъкидлаганимиз-  
дек, қонун ҳужжатига бўлган эҳтиёжни аниқлаш, унинг лойи-  
ҳасини ишлаб чиқиш, муҳокамадан ўтказиш, қабул қилиш, эълон  
қилиш ва кучга киритишни қамраб олувчи жараёндир. Мазкур  
тушунча «қонунчилик фаолияти» тушунчасидан кенгроқ.

Охириги ўн йилликда қонунчиликнинг ривожланишини таҳ-  
лил қилиш аксарият қонунлар (масалан, «Виждон эркинлиги  
ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги, «Конституциявий суд тўғри-  
сида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғри-  
сида»ги ва бошқа қонунларга бир неча марта ўзгартиш ва қўшим-  
чалар киритилганини, баъзан улар бутунлай қайта ишлаб чи-  
қилганини кўрсатди. Амалдаги қонунларни маромига етказиш  
ва ўзгартириш заруратини келтириб чиқарган бир неча сабаб-  
ларни қайд этиш мумкин. Аммо қонун лойиҳаларининг парла-  
мент қабул қилгунига қадар башоратлаш нуқтаи назаридан пухта  
ишлаб чиқилмаганлиги бунинг асосий сабабларидан биридир.

Ҳозирда ҳуқуқ фанида юридик башоратлаш деб номлана-  
диган алоҳида йўналиш юзага келди. Мазкур йўналиш доира-  
сида юридик башоратлашнинг криминологик, жинсий-  
ҳуқуқий, тезкор қидирув ва бошқа турлари шаклланган<sup>1</sup>. Қонун  
ижодкорлиги амалиётини таҳлил қилиш қонун ижодкорлиги-  
ни башоратлашни ҳам юридик башоратлашнинг мустақил тури  
сифатида ажратишга асос бўлади.

Қонун ижодкорлигини башоратлаш қонун ижодкорлиги жараё-  
нида юридик амалиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган қонунни

<sup>1</sup> Қаранг: *Агамиров К. В.* Прогнозирование в теории и социологии права. — М., 1987; *Клейменов М. П.* Уголовно-правовое прогнозирование. — Томск, 1991; *Зарипов З. С.* Основы криминологического прогнозирования и планирования в борьбе с преступностью. — Т., 1995; и др.

ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадида қонунчиликнинг аҳволи ва ривожланиш истиқболларини тадқиқ этиш демакдир.

Юридик адабиётда қонун ижодкорлигини башоратлашнинг муҳимлиги ва зарурлиги таъкидланган<sup>1</sup>. Шунингдек, Э. Х. Халилов қонун лойиҳаси уни амалда қўллашнинг кутилаётган оқибатларидан келиб чиқиб тайёрланиши, ҳар томонлама асосланган бўлиши лозимлигини қайд этади<sup>2</sup>. О. А. Гаврилов, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида башоратлашнинг зарурлигини асослар экан, «парламент томонидан прогноз қилиш»ни қайд этади<sup>3</sup>. А. Саидов ва У. Таджиханов қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида қонунчиликни башорат қилишнинг муҳимлигини қайд этадилар<sup>4</sup>.

Парламентаризмнинг ривожланиши объектив тарзда қонунчилик фаолиятида унинг муҳим таркибий қисми — қонун ижодкорлигини башорат қилишнинг ажралишига олиб келди.

Қонун ижодкорлигини башорат қилиш қонун ҳужжатини қабул қилишнинг салбий оқибатларини мумкин қадар камайтиришни, унинг ноҳўя таъсирини бартараф этиш йўллари ва усулларини топишни назарда тутати. Қонун ижодкорлигини башорат қилишнинг асосий вазифаси қонунчиликнинг ривожланиш тенденцияларини очиб бериш, унинг оқилона ривожланиш йўналишини аниқлашдан иборат.

Бинобарин, башорат қилиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир. Айни пайтда, башорат қилиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг методи (яъни амалга ошириш воситалари ва усулларининг тўплами) ҳамдир. Ўзўзидан аёнки, ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш чоғида амалга ошириладиган моделлаштириш, экспертиза, сўров ҳамда қонунчилик социологиясининг<sup>5</sup> бошқа усуллари қонун лойиҳасига башоратлаш тарзида баҳо беришга кўмаклашади. Башо-

<sup>1</sup> Қаранг: *Одилқориев Х.Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — 155–167-б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Халилов Э.Х.* Высший законодательный орган Республики Узбекистан: от формального представительства до реального парламентаризма. — Т., 2001. — С. 189.

<sup>3</sup> Қаранг: *Гаврилов А. А.* Стратегия правотворчества и социальное прогнозирование. — М., 1993. — С. 5.

<sup>4</sup> Қаранг: *Саидов А., Таджиханов У.* Ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — С. 190.

<sup>5</sup> Қаранг: *Одилқориев Х.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — 147–148-б.

ратлаш воситасида қонун ижодкорлиги субъекти ҳуқуқ ижодкорлигининг бош мақсадига – илмий асосланган ва самарали ҳуқуқ нормасининг қабул қилинишига эришади.

Ижтимоий муносабатлар, бутун ижтимоий соҳа каби, жўшқин ривожланиш ва ўзгариш хусусиятига эга бўлгани боис, қонун ижодкорлиги фаолиятининг вазифаси фақат юридик амалиётнинг кундалик эҳтиёжларига хизмат кўрсатишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Қонун ижодкорлиги фаолияти истиқболга йўналтирилиши, ижтимоий-ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришларни эътиборга олиши, ҳуқуқий тартибга солиш воситалари яқин келажакда оқилона амал қилишини таъминлаши лозим. Демак, башорат қилиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг мажбурий шартигина эмас, балки принципларидан биридир.

Шундай қилиб, қонун ижодкорлиги фаолиятини башоратлаш нуқтаи назаридан таъминлаш унинг илмий асосланганлиги ва самарадорлигининг муҳим омили ҳисобланади. Башоратлашга қонун ижодкорлиги фаолиятининг методи, функцияси ва принципи деб қараш мумкин.

Қонун ҳужжатини қабул қилиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг мақсади ва натижасидир. Бинобарин, мақсадни белгилаш қонун ижодкорлигида муҳим ўрин тутди. Мақсадни белгилаш, режалаштириш, дастурлаштириш ва лойиҳалаштириш, башорат қилишдан фарқли ўлароқ, бошқарув категориясига киради. Айни пайтда, мақсад (қонун)нинг ўзи уни қабул қилишга эҳтиёжни аниқлаш (шунинг ўзиёқ мазкур эҳтиёжни маълум даражада башоратлашни назарда тутди) ва уни қабул қилиш зарурлигини тушуниб етиш негизида юзага келади. Агар мақсад оқилона бўлса, унга эришиш учун жуда кўп омилларни эътиборга олиш лозим, чунки уларга башоратлаш нуқтаи назаридан баҳо бериш қонун ижодкорлигини башорат қилишнинг моҳиятини ташкил этади.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини башоратлаш ҳолатининг таҳлили уни амалга оширишнинг сифати ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар мавжудлигини кўрсатади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) *ҳуқуқий омиллар* (масалан, норматив ҳужжат лойиҳасини башоратлаш жиҳатидан асослаш зарурлиги тўғрисида қонун йўли билан мустаҳкамланган қонуннинг йўқлиги);

2) *ташкилий омиллар* (масалан, қонун ижодкорлигини башорат қилиш муаммолари билан шуғулланувчи муассасаларнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги);

3) *илмий-амалий омиллар* (масалан, қонун ижодкорлигини башорат қилишнинг илмий жиҳатдан яхши таъминланмаганлиги).

Фикримизча, қуйидаги чора-тадбирлар юқорида зикр этилган камчиликларни бартараф этишга маълум даражада ёрдам бериши мумкин:

– «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида»ги қонунда қонун ҳужжати лойиҳасини мажбурий тартибда башоратлаш жиҳатидан асослаш механизмининг мустақамланиши; лойиҳаларга мустақил эксперт гуруҳларининг баҳо бериши;

– юридик башорат қилишдан аввал қонун лойиҳасини қабул қилишнинг иқтисодий, экологик, сиёсий, психологик ва бошқа ижтимоий муҳим оқибатларига баҳо бериш;

– тегишли шарт-шароит бўлган тақдирда, ҳужжатни қабул қилиш оқибатларини ҳуқуқий эксперимент ўтказиш орқали текшириш;

– юридик башорат қилиш давлат (парламент, Президент, ҳукумат, Адлия вазирлиги кабилар ҳузурида) ва нодавлат (турли фондлар, сиёсий партиялар, хусусий банклар, фирмалар қошида) марказларини ташкил этиш;

– юридик назария ва амалиёт муаммоларини башоратлаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқишга илмий тадқиқотларни йўналтириш, истиқболда амалиёт эҳтиёжларига мувофиқ натижалар бериши мумкин бўлган устун йўналишларни белгилаш.

### **3.2. Парламент маданияти ва қонунчилик техникаси**

Парламентнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузи ва аҳамияти қонунчилик фаолияти маданиятининг даражаси, парламент аъзоларининг профессионализми ва касбий маҳорати, парламент зиммасига юклатилган функциялар ва вазифаларнинг аниқ ва сифатли бажарилиши билан боғлиқ. Парламент маданияти, авваламбор, парламентаризм маданиятидир. Бу – сифатли ва самарали қонунларни оқилона тарзда ишлаб чиқиш усуллари, кўникмалари ҳамда бу соҳадаги билимлар, қадриятлар мажмуи. Бу – бағрикенгликка, юксак ма-

лакага асосланган, юридик амалиётнинг ва бутун ижтимоий ҳаётнинг амалдаги эҳтиёжларига жавоб берадиган оқилона ҳуқуқий қарорларни ишлаб чиқиш имконини берувчи ахлоқий-ҳуқуқий қадриятлар тизими.

**Парламент маданияти** — умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланган юксак ҳуқуқий маданиятга асосланувчи қонунчилик фаолияти маданияти.

Парламент маданияти, серқирра ижтимоий-ҳуқуқий воқелик сифатида, қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

а) *қонунчилик идораси абзоларининг* умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини ташкил этувчи *умумий маданияти*, ҳар томонлама ривожланган инсон табиати ва кўникмаларининг маълум даражасига асосланган илғор турмуш тарзи;

б) *сиёсий маданият*, яъни жамиятнинг турли-туман манфаатлари, муайян ижтимоий гуруҳ ёки партияларнинг қарашлари ва сиёсий ингилишлари депутатларнинг фаолиятида эътиборга олинишини таъминловчи ғоялар, қадриятлар ва нормалар тизими;

в) *қонун чиқарувчи ҳокимият абзоларининг ҳуқуқий маданияти*, яъни ҳуқуққа оид қарашлар, қадриятлар, ғоялар, билимлар, ҳис-туйғу ва кечинмалар тизими. Классик ҳуқуқ назариясида қайд этилганидек, ҳуқуқий маданият ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий амалиёт ва бошқа бир қанча таркибий қисмларни ўз ичига олади;

г) *ташкилий институционал маданият*, яъни бошқарув қарорларини (айни ҳолда ҳуқуқий қарорларни) ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини самарали ва оқилона ташкил этиш қоидалари ва принципларининг мажмуи. Бу самарали бюрократия (сўзнинг ижобий маъносидан) демак;

д) *парламент муносабатлари маданияти*, яъни юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларга асосланган мунозара олиб бориш, ўзаро тил топа билиш қобилияти, фикрлар ва қарашлар курашидаги мураса.

Бу ўринда мустақилликнинг дастлабки йилларида депутатларнинг ҳуқуқий маданияти бироз ўзгача бўлгани, уларга юридик ва бошқа махсус билимлар етишмаганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Вақт ўтиши билан депутатларнинг билим даражаси ўсиб, ҳуқуқ ижодкорлиги борасидаги малакалари ортиб борди. Ҳозирги вақтда профессионал парламент аъзоси, унинг ҳуқуқий маданияти қандай бўлиши лозимлигини тушуниш фурсати етди.

Парламент маданиятининг даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, чамаси, қуйидагилардан иборат:

1) *тарихий тажриба ва парламент анъаналари*. Ўзбекистон Олий Кенгашининг вориси ҳисобланган Олий Мажлис ўтиш даври ривожланишининг барча мураккаб босқичларидан ўтди. Маълумки, шўро давлатининг қонунчилик органи партия органлари хоҳиш-иродасининг ижрочиси эди. Айти пайтда, реал парламентнинг шакллангани, унинг ислоҳ қилиниши маълум тажриба тўпланганидан, ўз анъаналари юзага келганидан далолат берди<sup>1</sup>;

2) *қонунчилик органининг таркиби*. Профессинал парламент аъзоларини шакллантиришга имкон берувчи парламент сайловининг объективлиги ва ошкоралиги, уларнинг сифат даражаси, маълумоти, сиёсий ва ҳуқуқий иш тажрибаси, ёш-жинс таркиби депутатлар корпусининг парламент маданиятига жиддий таъсир кўрсатади;

3) *қонунчилик жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш*. Парламент аъзолари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг сифати ва даражаси парламент нормал фаолият кўрсатиши, унинг аъзолари қонунчилик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Парламент фаолиятининг ҳуқуқий негизидаги камчиликлар ва зиддиятлар парламентнинг професинал, ижобий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

4) *парламент инфратузилмасининг ривожланиш даражаси*. Парламент фаолиятини ташкилий, молиявий ва ахборот билан таъминлаш даражаси, шунингдек ёрдамчи тузилмалар (Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, кутубхона, эксперт гуруҳлари, девон, матбуот хизмати кабилар)нинг мавжудлиги Олий Мажлиснинг, шу жумладан Олий Мажлис депутатларининг маданиятига жиддий таъсир кўрсатади;

5) *партиялар фракцияларининг сиёсий кураши ҳамда Олий Мажлиснинг қўйи палатасида уларнинг жойлашиши*. Парламентда, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилишда партиялар фракцияларининг фаоллиги парламент маданиятининг даражасига ижобий таъсир кўрсатади ёки шундай таъсир кўрсатиши лозим;

<sup>1</sup> Қаранг: Халилов Э. Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан: от формального представительства до реального парламентаризма. – Т., 2001. – С.17.

б) парламент аъзоларининг юридик техника қондаларини қўллаш соҳасида билим ва кўникмаларга эгаллиги. Парламент аъзосининг қонун ҳужжати матнини хатосиз туза олиши, қонунлар тили ва услубининг мураккаб масалаларини яхши тушуниши депутатнинг парламент маданияти юқорилигидан далолат беради.

**Юридик техника** парламентаризм маданиятининг муҳим кўрсаткичи бўлгани учун бу тушунчани муфассалроқ кўриб чиқамиз. Юридик техника — «норматив ҳужжатлар аниқ, тушунарли ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида уларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва тизимга солиш қондалари, воситалари ва усуллари мажмуи»<sup>1</sup>. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг матни юридик техника объекти бўлиб, мукамал ва самарали ҳужжат яратиш унинг мақсадидир.

Ўз вақтида Ш. Монтескье қонун чиқарувчи амал қилиши лозим бўлган бир нечта қондани таърифлаб берган эди:

— қонун услуби содда ва аниқ, дабдаба ва жимжимадорликдан холи бўлиши лозим;

— тушунчалар аниқ бўлиши, ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этиши лозим;

— қонунларда реал ва долзарб масалаларни кўтариш, рамзийлик ва мавҳумликлардан қочиш зарур;

— қонунлар матни мантиқ бўйича машқлар бўлмаслиги, ақлий салоҳияти ўртача бўлган одамларга мумкин қадар тушунарли бўлиши лозим;

— қонунни кўп сонли истиснолар, чеклашлар ва эслатмалар билан қалаштириб ташлаш ярамайди;

— қонунлар пухта ўйланган, асосланган ва амалиёт учун зарур бўлиши лозим.

Мазкур принциплар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг синовдан ўтган усулларисиз илғор парламентаризмни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Қонунчилик техникасининг усуллари ва методлари кўп ва ранг-барангдир. Унинг асосий вазифаси тушунарли ҳамда юридик амалиётда фойдаланиш учун қулай қонун ҳужжатларининг сифатли, лўнда ва ихчам баён этилган нормаларини ишлаб чиқиш учун энг яхши шарт-шароит ва имкониятлар яратишдан иборат. Бундан келиб чиқиб, норматив ҳужжатлар лойи-

<sup>1</sup> Теория государства и права / Под ред. В. М. Корельского и В. Д. Перевалова. — М., 1998. — С. 313.



ҳаларининг тартиби ва шаклига қўйилиши лозим бўлган қуйидаги асосий ва энг умумий талабларни белгилаш мумкин:

1) норматив ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлиги, ҳуқуқий муносабатлар моделини тузишда, шунингдек юридик нормаларни таърифлашда камчилик ва нуқсонларнинг йўқлиги;

2) норматив кўрсатмаларнинг аниқлиги, нормаларни ҳаддан ташқари умумий, мавҳум таърифлашга, чалкаш кўрсатмаларга йўл қўймаслик;

3) мантиқий жиҳатдан қатъий ва изчил баён этиш, ҳуқуқий ҳужжатнинг норматив кўрсатмалари ўртасида узвий алоқани таъминлаш;

4) норматив ҳужжатда ҳам, бутун ҳуқуқ тизимида ҳам зиддиятларга йўл қўймаслик;

5) норматив материални иложи борича қисқа ва ихчам баён этиш (лекин қисқаликка интилиш ҳуқуқий кўрсатманинг барча асосий қоидаларини тўлиқ баён этиш зарурати билан зид келмаслиги керак);

6) норматив ва нонорматив кўрсатмаларни, муваққат ва доимий нормаларни аниқ ажратиш;

7) норматив ҳужжатлар тилининг содда, аниқ ва лўндалиги, осон эсда қолиши. Қонун аниқ ва лўнда бўлган тақдирдагина қоида реал мазмун касб этади. Қонунни билмасликни баҳона қилиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, фуқаролар учун тушунарли бўлмаган, фақат юристларгина тушуниб, тўғри талқин қила оладиган қонунларга бўйсунитиш фуқаролардан талаб қилиш беҳуда. Тушуниш учун мутахассислар ёрдами талаб этиладиган қонун самарасиздир;

8) норматив ҳужжат ягона мазмун билан боғланган, битта тартибга солиш предметиға эға бўлиши лозим. Бир-бириға бевосита боғланмайдиган икки ёки ундан ортиқ мустақил масалалар бўйича қонун қабул қилиш мақсадға мувофиқ эмас. Қонун ҳуқуқнинг муайян тармоғи ёки бошқа институт билан боғлиқ муносабатларни тартибға солиши, ҳуқуқий тартибға солишнинг маълум предметиға қамраб олиши лозим;

9) норматив материални яхшироқ шарҳлаш, ундан фойдаланиш, уни ҳисобға олиш ва системалаштиришни енгиллаштириш мақсадида айни бир масала юзасидан бир неча ҳужжат қабул қилинишиға йўл қўймаслик керак. Ягона комплекс қонунда (қоида тариқасида, кодексда) ҳуқуқнинг маълум тармоғи, му-

ҳим ҳуқуқий институтнинг барча масалалари тўлиқ тартибга солинишига, унда ҳуқуқий тартибга солишнинг муайян соҳаси доирасида ҳар қандай саволга жавоб мавжуд бўлишига эришган маъқул<sup>1</sup>. Ушбу масала юзасидан барча қўшимчаларни, қонунчиликни мураккаблаштириб янги мустақил ҳужжатлар қабул қилмаган ҳолда асосий ҳужжатнинг матнига киритиш лозим;

10) ҳуқуқ ижодкорлигининг техник усулларида бир хилда ва изчил фойдаланиш. Агар норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва расмийлаштиришда маълум техник қоида қўлланилган бўлса, уни қолган барча шунга ўхшаш ҳолатларда ҳам қўллаш зарур.

Юқорида зикр этилган барча талабларни қатъий ва изчил бажариш юридик маданият нуқтаи назаридан мукамал, сифатли ва самарали қонун қабул қилишга кўмаклашади. Талаблардан бирини бажармаслик ёки бирининг ҳисобига бошқасига ҳаддан ташқари берилиш (масалан, матннинг мазмунига зиён етказиш ҳисобига ихчамликка интилиш) ҳужжатнинг техник жиҳатдан номукамаллигидан, қонун ижодкорлари малакасининг пастлигидан далолат беради.

Норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини тузиш ишини

лиги органи маълум даврга мўлжалланган режа тузса, унда қайси масалалар юзасидан асосий қонун ҳужжатлари қабул қилиш лозимлиги, уларнинг ҳар бири қайси муддатларда тайёр бўлиши кераклиги, муайян ҳужжатни ўз вақтида тайёрлаш учун қайси қўмита (мансабдор шахс) бевосита жавоб беришини кўрсатса, мақсадга мувофиқ бўлади. Фикримизча, жорий (масалан, бир йилга мўлжалланган) ва истиқболли (тўрт-беш йилга мўлжалланган) режалаштиришни амалга ошириш зарур. Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш қонун ҳужжатларини пухта ўйланган асосда, эҳтиёжга қараб қабул қилиш, қонун ҳужжатларини тартибга солиш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароит яратади.

2000 йилда парламентнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятининг дастури Олий Мажлис қарори билан тасдиқланди.

<sup>1</sup> Ўз вақтида бир нечта қонун ҳужжатлари ўрнига ягона Солиқ кодекси қабул қилинган эди. Бу ўзининг самарадорлигини кўрсатди. Мулкчиликнинг мақоми, уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларини комплекс тартибга солувчи мулкчилик тўғрисида ягона қонун ҳужжати қабул қилинса, ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

Дастурда ишлаб чиқилиши лозим бўлган қонун ҳужжатларининг рўйхати белгиланди, шунингдек, қонун лойиҳаларини қўмиталарга юбориш ва Кенгашга тақдим этиш муддатлари кўрсатилди, дастлабки лойиҳани ишлаб чиқиши лозим бўлган органлар санаб ўтилди.

Шу билан бирга, муайян қонун лойиҳаси устида амалга ошириладиган ишларни режалаштириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Қонун лойиҳасининг матнини тайёрлашдан олдин қонун нимани тартибга солиши, қачон ва қандай шартларда амал қилиши, кимга мўлжалланганлиги, нима учун қабул қилинаётганлиги аниқлаб олинishi лозим<sup>1</sup>.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, илмий тадқиқот муассасалари, ҳуқуқшунос олимлар ва фуқароларнинг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан берган барча таклифлари пухта ўрганиб чиқилиши ва тўлиқ эътиборга олиншини ташкил этиш зарур. Бу қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштиришда, янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда катта ёрдам беради. Афсуски, бундай изчил ҳисобга олиш ҳанузгача етарли йўлга қўйилмаган. Қонун ижодкорлиги фаолиятининг субъектлари бундай таклифлардан жуда кам хабардор бўладилар ва шу боис улардан деярли фойдаланмайдилар. Тегишли соҳа қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар умумлаштирилган махсус маълумотлар банки ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу материаллар мумкин қадар кўпроқ ахборотни, шу жумладан зарур статистик ва бошқа маълумотларни акс эттириши лозим.

Қонун лойиҳалаш ишларининг материалларига ишлов беришга мўлжалланган махсус компьютер дастурлари қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва расмийлаштиришда муҳим ёрдам кўрсатиши табиий. Улардан норматив ҳужжатлардаги камчиликлар, такрорлар, ноаниқликлар ва зиддиятларни топиш, техник усуллардан фойдаланишнинг изчиллигини, атамаларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, кўп маъноли ва узил-кесил таърифланмаган атамалар ва ифодаларни, стилистик ва имловий хатоларни топишда фойдаланиш лозим.

Ҳуқуқий материални баён этиш усули қонунчилик техникасида катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқий нормани шундай таъриф-

<sup>1</sup> Қаранг: *Krabbe V. C. Legislative Drafting. – L., 1993. – P. 11–12.*

лаш лозимки, уни икки хил талқин этиш мумкин бўлмасин, хужжат матнида таърифланган кўрсатманинг маъноси ва талабини тушуниш осон бўлсин.

Норматив хужжатнинг ҳар бир моддаси тугалланган маъно ифодалаш лозим. Асосий гоё одатда норманинг бошида берилади, кейинги жумлаларда у изчил ривожлантирилади ва чуқурлаштирилади. Модда (ёки алоҳида хатбоши)ни албатта бир жумладан иборат қилиб тузишга интилмаслик керак. Баъзан бу ҳаракат таърифни мураккаблаштириб ва чалкаштириб юборди, бир қанча эргаш ва боғланган қўшма гаплар, сифатдош ва равишдошларнинг ҳамда жуда кўп тиниш белгиларининг қўлланилишига олиб келади. Бир нечта мустақил ҳуқуқий кўрсатмани бир жумлада таърифлаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Қонуннинг ҳар бир моддасида фақат битта қоида, уни тавсифловчи барча белгилар билан бирга ифодаланса, ўринли бўлади.

Бир-бирига тўғридан-тўғри ва бевосита алоқадор бўлмаган, мазмунига зиён етказмасдан турли моддаларда таърифлаш мумкин бўлган ҳуқуқий нормалар бир моддада ифодаланишига йўл қўймаслик лозим. Моддалар матни ҳаддан зиёд катта бўлмаслиги керак, чунки бу уларни амалда қўллаш ва талқин қилишни қийинлаштиради. Нормалар бир-бири билан узвий боғланган бўлиши, бир-бирини тўлдириши ва фақат биргаликда тўлиқ маъно касб этиши лозим. Қонун мумкин қадар содда ва қисқа бўлиши керак. Аммо бу хусусиятлар моддалар сонининг ташқи белгиси билан эмас, балки унинг ички мазмуни билан боғлиқ. Қонуннинг аниқ ва лўндалигига қарама-қарши ўлароқ, моддалар сонини қисқартириш мумкин эмас.

Моддаларни шундай таърифлаш керакки, улардан турли кўрсатмалар мавжудлигини аниқлаш мумкин бўлсин. Бунинг учун моддани узлуксиз матн шаклида жойлаштириш ярамайди. Алоҳида қўллаш мумкин бўлган ҳар бир нормани модданинг мустақил бандига жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Моддаларга изоҳлар уларнинг алоҳида таркибий қисмидир. Қонун хужжатларида хусусияти ва мазмунига кўра ҳар хил изоҳлар қўлланилади. Изоҳлар муайян атама ёки бутун модданинг маъносини тушунтиради ёки унга аниқлик киритади, модда кўрсатмасининг амал қилиш шартларини белгилайди, бошқа моддалар ёки норматив хужжатларга ҳавола этади, у ёки бу

масалани қайси орган ҳал қилиши лозимлигини, у кимнинг ваколатига киришини кўрсатади.

Изоҳлардан фойдаланиш қонун матни катталашиб кетишига олиб келмаслиги, норматив ҳужжатларнинг тузилишини бузмаслиги, ҳуқуқ нормаларини қўллашни қийинлаштирмаслиги керак. Бир моддага бир нечта изоҳ бериш мақсадга мувофиқ эмас. Шу билан бирга, айрим муаллифларнинг норматив ҳужжатларда изоҳлар умуман бўлмаслиги керак, деган фикрига ҳам қўшилиб бўлмайди. Авваламбор, тор ёки техник хусусиятга эга бўлган, мустақил моддада баён этиш учун етарлича муҳим ҳисобланмаган атамаларнинг таърифларини изоҳ тариқасида жойлаштириш ўринли бўлади. Моддани тушунтириш талаб этилган ҳолларда изоҳлардан фойдаланиш мумкин. Жадваллар ва диаграммаларга (улар иловаларда жойлаштирилади) маълум умумий масала доирасидан ташқаридаги муайян шарҳлар ва изоҳлар бериш зарур бўлган ҳолларда ҳам изоҳлардан фойдаланиш мумкин.

Нормаларни тушунишни енгиллаштирувчи, уларнинг бошқа кўрсатмалар билан алоқасини кўрсатувчи ҳаволалар қонун ҳужжатларида муҳим ўрин тутаяди. Ҳаволалар норматив ҳужжатнинг ихчамлигини таъминлайди, матнни узайтирувчи кераксиз такрорлашларга чек қўяди. Шу тариқа ҳужжатда норматив материални баён этишда оқилона мухтасарликка эришилади. Ҳаволалар ҳуқуқ нормаларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини аниқроқ қайд этиш имконини беради. Айни норматив ҳужжатнинг бошқа моддаларига ҳаволалар қилинган ҳолларда норматив ҳужжатларни ҳаволалар билан қабул қилиш амалиёти асосан ўзини оқлайди. Бошқа норматив ҳужжатларнинг моддаларига ҳаволалар қилиш ҳуқуқий нормаларни тушунишни анча қийинлаштиради.

Бундан ташқари, ҳужжатнинг ҳавола берилган моддаси бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Бундай ҳолларда норма маълум умумий масалани тартибга солиб, бошқа ҳужжатда таърифланган нормалар мажмуига ишора қилган тақдирда, шунингдек ҳужжат маълум масаланинг моҳиятига тўхталмасдан, мазкур масала тўлиқ ечилган алоҳида ҳужжатга ёки уларнинг мажмуига ҳавола этганда ҳаволалар бериш ўринли бўлади. Юридик кучи юқори ёки тенг бўлган ҳужжатларга ҳаволалар қилиш лозим. Юридик кучи кам

бўлган норматив ҳужжатлар ёки уларнинг моддаларига ҳаволалар қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Лекин «амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ», «қонун ҳужжатларининг нормаларига биноан» сингари умумий ҳаволаларсиз иш битмайди, чунки бундан аниқроқ ҳаволани келтириш мумкин эмас. Аммо уларни жуда зарур ҳоллардагина қўллаш лозим, чунки бундай ҳаволалар етарли даражада аниқ бўлмай, улар таърифланган ҳужжатлардан фойдаланиш қийинлашади. Мумкин бўлган жойларда ҳаволаларда муайян ҳужжатларни ва уларнинг алоҳида қисмларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Қоида тариқасида, муайян тармоқнинг энг муҳим умумий қоидалари белгиланадиган кодексларда умумий ҳаволали моддаларни ифодалаш ўринли бўлади. Маълум масала «...қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тартибга солинади», деган мазмундаги ҳаволалар ўзини оқлайди. Аммо бундай тартибга солиш бутун норматив ҳужжат ёки унинг аксарият нормалари билан қамраб олиниши керак бўлади. Агар мазкур тартиб бир-иккита моддада таърифланган бўлса, ҳаволасиз иш кўриш ва ҳавола этиш лозим бўлган қоидаларни тўлиқ ифодалаш мумкин. Бундай ҳолларда ижрочи эски ҳужжатларни топиб, уларни ўрганиши керак бўлмайди. Норматив ҳужжатга ҳавола айтилганда ундан муайян истиснолар, қўшимчалар ва ўзгартишлар билан келган ҳолларда ҳаволалардан воз кечиш айтилганда муҳимдир.

Бланкет нормаларни, яъни маълум нормалар ва қоидаларга ишорию этиш зарурлигини умумий шаклда кўрсатадиган ва уларни бузганлик учун жавобгарлик белгилайдиган, лекин мазкур норма ва қоидаларнинг мазмунини очиб бермайдиган нормаларни ҳам мумкин қадар аниқроқ таърифлаш лозим. Агар имкон бўлса, тегишли модда қайси норматив ҳужжатларни назарда тутаётгани ва улар қаерда эълон қилинганини аниқ кўрсатган маъқул.

Ҳаволада бир неча модда ёки норматив ҳужжат келтирилган бўлса, улар одатда мантиқий кетма-кетликда, бунинг иложи бўлмаса — моддаларнинг ҳужжатда жойлашиш тартибига қараб ва норматив ҳужжатларнинг қабул қилинган санаси (хронологияси) тартибида жойлаштирилади. Агар ўша ҳужжатнинг моддасига ҳавола қилинаётган бўлса, манба кўрсатилмайди, тегишли модданинг тартиб рақамигина келтирилади.

Бордию бошқа ҳужжатга ҳавола қилинаётган бўлса, уни мумкин қадар аниқ кўрсатиш лозим.

Норматив материални лўнда баён этиш, норматив ҳужжатнинг ихчамлигини таъминлаш талаблари айни шу норматив ҳужжатда, шунингдек бошқа ҳужжатларда таърифланган алоҳида жумлалар ва норматив кўрсатмаларни асоссиз такрорлаш ҳолатларини мумкин қадар қисқартиришни тақозо этади. Масалан, муайян норманинг мавжудлиги ва унга риоя этиш зарурлиги тўғрисида эслатиш учун эски норматив ҳужжатларнинг нормаларини янги ҳужжатларда такрорлаш ўринли эмас.

Ҳуқуқ нормаси – бажарилиши шарт бўлган қоида. Модомики, бу норма қабул қилинган экан, унга қатъий риоя этишни талаб қилиш керак. Бордию, муайян норматив қонидани такрорлаш зарур бўлса, аксарият ҳолларда буни ҳавола ёрдамида қилган маъқул. Маълум норматив қонидани умумлаштирувчи таърифлар ва тушунчалар ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, айрим норматив ҳужжатларда маълум нарсалар санаб ўтилади ва кейинги моддаларда улар бир неча марта такрорланади. Ортиқча тафсилотларга йўл қўймаслик учун бундай ҳолда биринчи бор санаб ўтилганидан кейин қавс ичида муайян бир таъриф бериш ва кейинги ўринларда мазкур таърифни келтириш керак.

Юридик кучига кўра пастроқ даражадаги ҳужжатларда олий юридик кучга эга бўлган нормаларни ифодалаш тартибини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Олий юридик кучга эга ҳужжатларнинг нормаларини тайёрланаётган ҳужжатнинг мустақил қисмлари ёки иловалари тарзида киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар бундай нормалар лойиҳага киритилган бўлса, улар ҳужжатнинг ички тузилишига уйғун қўшилиши ва норматив материални баён этиш мантиғи талаб этган жойдан ўрин олиши лозим. Бу қоида норматив ҳужжат тузилишининг мукамаллигини таъминлайди ва ундан фойдаланишни енгиллаштиради.

Бу ўринда қуйидаги ҳолатга алоҳида тўхталиб ўтишни истардик. Баъзан Вазирлар Маҳкамаси парламент ёки Президент қабул қилган ҳужжатнинг мазмунини органлар ва мансабдор шахсларга ўз қарорида унинг асосий қондаларини акс эттириш орқали етказди (ёки буни вазир ёхуд идора раҳбари ўз буйруғи билан амалга оширади). Норматив қондаларни бу тариқа оддийгина кўчириш унчалик тўғри эмас деб ўйлаймиз. Бу ҳол қонун

ҳужжатларининг сонини кўпайтиради, ортиқча куч ва маблағ сарфланишига олиб келади, маълум қийинчиликлар туғдиради.

Норматив ҳужжатларда муайян рўйхатларни баён этишда уларни шундай таърифлаш керакки, ижрочиларда рўйхатнинг таркибий қисмлари бирга ёки ҳар бири алоҳида қўлланилиши, норма барча шартлар биргаликда мавжуд бўлган ҳолларда ёки ҳар бир шарт алоҳида мавжуд бўлган ҳолларда амал қилиши масаласида ҳеч қандай шубҳа туғилмасин. Рўйхатлар иложи бор ва мақсадга мувофиқ бўлган жойларда кенгайтириб талқин қилиш имконини бермайдиган даражада тўлиқ ва мукамал бўлиши ҳам муҳимдир.

«Ва ҳ.к.», «ва ш.к.», «шунингдек бошқалар...» сингари жумлалар билан тугайдиган гапларни тузишда ҳам жуда эҳтиёт бўлиш керак, чунки улар қонданинг эркин кенгайтириб юборилишига ва муайян англашилмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис мазкур рўйхатнинг умумий чегарасини мумкин қадар аниқ белгилаш лозим. Ноаниқликларга йўл қўймаслик учун рўйхатнинг таркибий қисмларини (шахслар, органлар, шартлар, объектларни, маъмурий-ҳудудий birlikларни) тўлиқ санаб ўтиш ҳамда «қолганлар», «бошқалар» сингари сўзларни қўлламаслик керак.

Рўйхатларни вергуллар билан ажратган ҳолда узлуксиз матн шаклида бериш, ҳар бир таркибий қисмни мустақил хатбошидан келтириш ёки уларнинг ҳар бирини маълум рақам билан белгилаш мумкин. Биринчи усул, албатта, материални анча зичлаштиради, моддани сиртдан қараганда енгиллаштиради. Лекин норматив ҳужжатда кўтарилган энг муҳим масалалар бўйича санаб ўтишларни алоҳида хатбошида берган ва тегишли тарзда рақамлаган маъқул. Бу уларнинг аҳамияти ва салмоғини оширади, улар янада аниқроқ маъно касб этади. Моддаларни рақамлашда рўйхатнинг таркибий қисмларини сонлардан кўра ҳарфлар билан белгилаган маъқулроқ.

Ҳуқуқнинг ривожланиш тарихи шундан далолат берадики, ҳуқуқ ижодкорлиги техникасини такомиллаштириш кўрсатмаларнинг умумийлигини ошириш ва чалкашлигини камайтириш ҳисобига амалга оширилган. Рим ҳуқуқининг қисқа, лўнда ва аниқ таърифланган нормалари ҳозирги юристлар учун баркамоллик намунаси бўлиб қолаётир. Мазкур нормалар Қадим-



ги Римнинг ҳуқуқий ва қонунчилик маданияти нақадар юксак даражада бўлганидан далолат беради<sup>1</sup>.

Ҳуқуқ тизими қанчалик мукамал, унинг қонунчилик техникаси қанчалик юқори даражада бўлса, мазкур тизимнинг нормалари шунчалик мавҳум, унда чалкаш кўрсатмалар шунчалик кам бўлади. Узуқ-юлуқ, чалкаш, хил аломатлари билан эмас, балки тур аломатлари билан фарқланувчи қоидалар, амалда ҳуқуқий маданият даражасининг пастлигидан далолат беради. Қонун ижодкорлигининг мазкур техник усули муайян ҳаётий ҳодисаларни ҳуқуқий тартибга солиш доирасидан четда қолдиради, чунки тартибга солинадиган муносабатларнинг бутун мажмуини чалкаш таърифлар билан тўлиқ қамраб олиш қийин. Айрим ҳолларда, агар муайян муносабат жуда кенг тарқалган бўлса, умумий қоидадан муайян истиснони белгилаш лозим бўлса ёки бундан ҳам умумийроқ қоида етарли даражада аниқ ва лўнда бўлмаса, ушбу таърифларни норматив ҳужжатларга киритиш ўринли бўлади.

Ўхшаш жиҳатларга эга ва битта умумлаштирувчи таърифда тавсифлаш мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар мажмуини қамраб олиш учун анча кенг ҳуқуқий кўрсатмаларни таърифлаш норматив материал ҳажмини қисқартиради, таърифларнинг янада тўлиқ ва сермаъно бўлишига эришиш имкони беради, ҳуқуқий тартибга солишда камчиликлар юзага келиши эҳтимолини камайтиради. Айни пайтда, мавҳумлик даражаси чексиз бўлмаслиги керак. Ҳаддан ташқари умумлаштириш ва мавҳумлаштириш таърифларнинг ноаниқлиги ва жумаллигига олиб келиши, ҳар хил, баъзан тесқари талқин қилиш, мазкур нормаларни қўлловчи шахслар ва органлар ваколатини кенгайтириш, бинобарин қонунни бузиш учун замин яратади. Ҳуқуқ нормаларини баён этишда оқилона меъёрни сақлаш, ҳаддан ташқари мавҳумлаштиришга ҳам, ортиқча муфассаллаштиришга ҳам берилиб кетмаслик лозим.

Қисқартмаларни қўллашдаги ҳар хиллилик ҳам норматив ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашнинг техник даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ нормаларини баён этишда қўлланилган ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тушунарсиз бўлган ва кенг тарқалмаган қисқартмалар фақат англашилмовчилик-

<sup>1</sup> Қаранг: *Уразаев Ш. З. Римское право.* — Т., 1999. — С. 8—9.

лар ва нотўғри талқинларга олиб келиши мумкин. Умум эътироф этган, муомаладан мустаҳкам ўрин олган ва барчага тушунарли бўлган қисқартмалар (масалан, ва ҳ.к., ва б.)га келсак, улардан воз кечиш нотўғри бўлар эди. Зотан, улар норматив материални баён этишни қисқартиради, уни ихчамлаштиришга кўмаклашади. Қисқартмаларни қўллашда маълум тартиб ва бир хиллик ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Норматив ҳужжатларнинг сарлавҳалари ҳаддан ташқари узун бўлса, бошқа ҳужжатларда уларга ҳавола қилишда сарлавҳаларини қисқартириб берган маъқул. Бунда сарлавҳалар қисқартмаларини қўллашнинг бир хил тартибини ўрнатиш, яъни айтилган бир ҳужжатга нисбатан бир хил қисқартмалар (масалан, ЖПК, ЖК, ФК) қўлланилиши керак.

Бир қатор ҳолларда норматив ҳужжатларда кичик сарлавҳаларда, қисқартмаларни таърифлашда, мақоланинг расмий манбаини кўрсатишда, хорижий сўзларни таржима қилишда, баъзан тушунчаларни таърифлашда, изоҳлар беришда, бошқа моддаларга ва норматив ҳужжатларга ҳаволалар қилишда ҳамда айрим бошқа ҳолларда қавслардан фойдаланиш талаб этилади.

Норматив ҳужжатларда рақамларни ёзишда бир хилликни таъминлаш катта аҳамиятга эга. Улар, қоида тариқасида, сўз билан ёзилади. Саналар, моддаларнинг рақамлари, графиклар, тарифлар ва бошқа кўрсаткичлардаги рақамлар бундан мустасно.

Шундай қилиб, таърифларни ва ҳуқуқ ижодкорлигининг бошқа техник воситаларини бир хилда қўллаш, мукамал ва маромига етган юридик конструкциялардан фойдаланиш қонун чиқарувчи ҳокимият аъзоларининг фикрини аниқ, тўғри ва мантиқан изчил баён этиш учун алоҳида аҳамиятга эга. Ҳуқуқий кўрсатмаларни таърифлашда ҳар хиллик ва ноизчиллик ҳуқуқ нормаларини тушунишга, норматив ҳужжатнинг аниқ ва лўндалигига салбий таъсир кўрсатади.

Юридик техника муаммоларини кўриб чиқиш уларни комплекс тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш ишларини янада жадаллаштириш фурсати етганини кўрсатмоқда. Қонун ижодкорлиги, жумладан қонунчилик техникаси олимларнинг, айтилган, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг махсус тадқиқот объектига айланиши лозим. Қонунчилик техникаси муаммоларини тадқиқ этиш ва уларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш қонун ҳужжатларини такомил-

лаштиришга, уни тартибга келтириш ва изчил тизимга солишга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

### 3.3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тили ва услуби

Тил одамлар ўртасида алоқа қилиш, бир-бирини тушуниш, инсон фаолиятининг барча соҳаларида биргаликда ишлашнинг муҳим воситасидир. Норматив ҳужжатлар тили муайян хусусиятлар ва қонуниятларга эга бўлиб, улар мустақил илмий тадқиқотлар мавзуини ташкил этади<sup>1</sup>. Қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва талқин этиш амалиёти учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммо бўйича асосли ва чуқур тадқиқотлар ўтказиш зарур. Бундан ташқари, асосий юридик атамаларни бир хилда тушуниш ва қўллаш учун уларнинг умумий рўйхатини тузиш фурсати етди. Бу юридик атамаларнинг ривожланиш йўллари тўғрисида маълум хулосалар чиқариш, юридик амалиётда атамаларни қўллаш муаммоларини, ҳуқуқий атамаларни такомиллаштириш, стандартлаштириш ва бирхиллаштириш йўлларини тадқиқ этиш имконини беради.

Норматив ҳужжат грамматик қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда соф адабий тилда ёзилиши лозим. Келгусида англашилмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун умумий қабул қилинган адабий шакллардан четлашишга йўл қўйилмайди. Тил муттасил ривожланиб боровчи ҳодиса бўлгани боис, сўзларнинг маъноси ўзгариши мумкин. Шу боис сўзлар ва атамаларни норматив ҳужжат қабул қилинган пайтдаги маъносида қўллашни назарда тутадиган қоидага қатъий риоя этиш лозим. Маҳаллий шевага мансуб сўзлар ва жумлаларни ёки эскирган сўзларни қўллаш мумкин эмас. Чунки норматив ҳужжат ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ҳокимиятнинг инсон хулқ-атворига таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади. У, бадиий асардан фарқли ўлароқ, одамларнинг ҳис-туйғулари ва тасаввурига эмас, балки иродаси ва ақл-идрокига мурожаат этади. Норматив ҳужжатда ифодаланган ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ субъектлари амал қилиши шарт бўлган маълум хулқ-атвор қоидаларини белгилайди ва айни пайтда мазкур қоидалар бузилган тақдирда

<sup>1</sup> Қаранг: *Кўчимов Ш. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик техникаси.* – Т., 1997.

таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини назарда тутати. Бу ҳолатлар ҳуқуқ тилининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради.

Матни мумкин қадар аниқ, лўнда ва тўлиқ баён этишга катта эътибор бериш мана шундай жиҳатлардан биридир. Норматив ҳужжатда жумлалар ва ибораларни сунъий тарзда жуда қисқа ифодалаш амалиётда ноаниқликлар ва англашилмовчиликларга сабаб бўлади, тушунтиришлар, қўшимчалар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради. Содда ва тушунарли баён этишга интилиш норматив қоидалар мазмунининг аниқлиги ва тўлиқлигига путур етказмаслиги, жўнликка ва, бинобарин, таърифларнинг мужмаллигига олиб келмаслиги лозим. Айрим норматив ҳужжатлар жуда мураккаб муносабатларни тартибга солади ва бу тегишли нормаларни баён этиш услубида ўз аксини топади. Норматив ҳужжатлар тилини ҳуда-беҳудага мураккаблаштирмаслик керак. Аммо айни вақтда у оммабоп рисо-лани ҳам эслатмаслиги керак. Ҳужжатда моддалар миқдорини сунъий тарзда камайтириш мумкин эмас, чунки бу ҳолда моддалар матни асоссиз равишда узунлашиб ва катталлашиб кетади.

Ҳуқуқшуносликда ишлаб чиқилган ва одатдаги нутқда учрамайдиган махсус атамалар норматив ҳужжатларда кенг қўлланилади, умумий муомалада кенг тарқалган аксарият атамалар нисбатан тор ва махсус мазмун касб этади. Ҳуқуқий кўрсатмаларнинг аниқлигини ошириш учун бир хил атама ва ибораларни инкор этмаслик, балки уларни кенг қўллаш ўринлидир. Айни бир тушунчани ифодалаш учун синонимлардан фойдаланишда ҳам жуда эҳтиёт бўлиш керак. Зеро, синоним сўзларнинг ҳар бири ўз маъносига эга. Улардан нотўғри фойдаланиш норматив матнда ноаниқликлар келтириб чиқариши мумкин. Боз устига, аксарият синонимлар норматив ҳужжатларда ўзига хос маъно касб этади.

Айрим юристлар онгида ҳанузгача сақланиб қолган «оддий фуқаролар мутахассисларнинг ёрдамисиз қонунларнинг мазмунини тушуна олмайдилар», деган зарарли қарашни сиқиб чиқариш керак. Қонун матни қандай тузилганига кўп нарса боғлиқ. Қонун талаблари ҳаммага тушунарли ва аниқ бўлиши керак. Агар қонун ижтимоий муносабатларнинг тор ва махсус соҳасини тартибга солса ҳамда ходимларнинг алоҳида тоифасига мўлжалланган бўлса, унда махсус ва техник атамалар ҳамда ибораларни қўллаш ўринли бўлади. Бордию қонун кенг аҳолига мўлжалланган бўлса, уни нисбатан содда ва тушунарли тилда

баён этиш лозим. Бундай ҳужжатларда мураккаб ва махсус атамалар ҳамда ибораларни, махсус сўз ва жумлаларни тушунтирмасдан кенг қўллаш мумкин эмас.

Таърифларнинг ноаниқлиги, тушунчалар ва атамаларни бир хилда қўллаганлик норматив ҳужжатни нотўғри тушуниш ва қўллашга, унинг асл маъносидан чекинишга олиб келади.

Норматив ҳужжатда ноўрин ёки нотўғри қўлланган атама ёки ибора, нотўғри тузилган ёки тушунарсиз жумла, имловий ва тиниш белгиларига оид хатолар жиддий оқибатларга: кўп сонли сўровлар ва баҳсларга, қўшимча тушунтиришлар талаб этилишига, энг муҳими – норматив ҳужжатлар маъносининг бузилишига ва уларни қўллашда хатолар бўлишига олиб келади. Норматив матн қанчалик аниқ ва тушунарли баён этилган бўлса, ҳуқуқ нормаларини қўллашда шунчалик кам қийинчиликлар келтириб чиқаради, қонуннинг мақсади ҳаётга шунчалик тўғри ва изчил татбиқ этилади.

Норматив ҳужжатлар матнини баён этиш тилининг хусусиятлари махсус юридик тил мавжуд деган хулоса чиқариш имконини беради. Махсус атамалар сонининг кўплиги махсус билимлар ёки талқин қилишни тақозо этади. Ҳуқуқий ҳужжатлар матнини баён этиш хусусиятлари ҳуқуқий ҳужжатларнинг махсус тили мавжудлигидан далолат беради.

Юридик тил – расмий ўзбек адабий тилининг алоҳида тури. У ҳуқуқий кўрсатмаларни баён этишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ. Норматив ҳужжат тилининг содда, тушунарли, жонли ва сермазмунлиги қонунни амалга оширишнинг самарали воситасидир. Юридик таърифлар эслаб қолиш учун осон, тушунарли ва ифодали бўлиши, одамлар онгига чуқур кириб бориши, уларнинг юридик маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга кўмаклашиши катта аҳамиятга эга.

Баъзан норматив ҳужжатларда, суд қарорларида, ўқув адабиёти ва монографияларда учраб турадиган «ҳуқуқий жаргон»-ни қўллашдан эҳтиёт бўлиш керак.

Сўнгги йилларда қабул қилинган норматив ҳужжатлар тили анча яхшиланди. Лекин, шунга қарамай, айрим ҳужжатларда тил ва услуб нуқтаи назаридан камчиликлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Имловий хатолар, грамматик шаклларни нотўғри қўллаш ҳоллари, ғализ жумлалар ва иборалар, ортиқча ҳамда кераксиз сўз ва атамалар норматив ҳужжатларда ҳозир ҳам учраб турибди.

Норматив матнда иложи борича содда гапларни қўллаш лозим. Ҳар қандай норматив ҳужжат лойиҳасини расман тасдиқлашдан аввал умумий адабий таҳрирдан ўтказиш зарур. Ҳуқуқ нормаларини тузишда ўхшаш таърифлар ва жумлаларни, «намунавий конструкциялар» ва «схемалар»ни бир хилда изчил баён этиш муҳим. Турли ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган ўхшаш кўрсатмаларни бир хил шаклда баён этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонун тили муаммоларини муҳокама қилувчи комиссия тузилган. Комиссия таркибига депутатлар орасидан энг малакали юристлар, тилшунослар ва журналистлар киритилган. Комиссия қонун ҳужжатлари тилидаги камчиликларни ўрганadi, уларнинг юз бериш сабабларини аниқлайди ва уларни бартараф этиш йўллари белгилайди.

Норматив ҳужжатлар матнининг ихчам ва аниқ баён этилиши, уларнинг тушунарлилиги қонунчиликда қўлланилаётган атамаларга, уларнинг аниқлиги ва бир хиллигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Норматив ҳужжатда қўлланган ҳар қандай сўз ҳам атама ҳисобланавермайди. Фикримизча, атама бу аниқ чегара билан ажратилган маълум тушунчани ифодаловчи сўз ёки бир неча сўздан иборат иборадир. Атамаларни нотўғри, ноўрин қўллаш норматив ҳужжатни тушунарсиз ва зиддиятли қилиб қўйиши мумкин.

Ҳуқуқий ҳужжатларда атамаларнинг бир қанча турлари қўлланади. Уларнинг биринчиси – *умумий қўлланиладиган атамалар*. Улар умумий фойдаланиладиган тилдан олинади, ўзининг умумий эътироф этилган маъносида қўлланилади ва ҳеч қандай махсус маънога эга бўлмайди. Мазкур атамаларни фақат уларнинг маъноси барчага тушунарли бўлган, ҳеч қандай эътироз туғдирмайдиган жойда қўллаш мумкин. Иккинчи туркум, яъни *махсус юридик атамалар* ҳуқуқшуносликда ишлаб чиқилади ёки қонун чиқарувчи томонидан яратилади (масалан, «даъвогар», «судланганлик», «суриштирув» ва ҳ.к.). Умумий қўлланиладиган атамалардан махсус юридик атамаларнинг устунлиги шундаки, улар зарур тушунчани аниқ ифодалайди. Мазкур атамани норматив ҳужжатда биринчи марта қўллашда ҳаддан ташқари кенг, бинобарин, нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик учун айни ҳолда мазкур атама аниқ ва тор маънода қўлланилаётганини муайян тарзда эслатиб ўтиш лозим.

Баъзи ҳужжатларда кўпинча учинчи туркумни ташкил этувчи, яъни техника, фан ва санъатнинг турли соҳаларидан ўзлаш-

тирилган техник атамалар қўлланилади. Ҳуқуқ нормалари жамият ҳаётининг турли тармоқларини қамраб олади. Ҳар бир соҳада ҳуқуқ нормаларини қўллаш ўз хусусиятларига эга. Шу боис норматив ҳужжатларни махсус техник атамаларсиз тузиш баъзан жуда қийин кечади. Махсус техник атамалар норматив кўрсатмаларни янада қисқа, аниқ ва лўнда қилиб баён этишга ёрдам беради. Бу эса уларнинг яхшироқ тушунилиши ва тўғрироқ қўлланилишига кўмаклашади. Тўғри, техник атамалардан фойдаланиш норматив ҳужжатларни тушунишни қийинлаштиради, лекин юридик атамаларнинг аниқ, ихчам ва тўлиқ бўлишига фақат мана шу атамалар ёрдамида эришиш мумкин.

Махсус атамаларни заруратга қараб, ўта эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим; норматив ҳужжатларни уларга тўлдириб юбормаслик керак. Юридик ҳужжатларда атамаларни қўллашга қўйиладиган талабларни қўйидагича таърифлаш мумкин:

1) атама ифодаланаётган тушунчанинг мазмунини аниқ ва тушунарли акс эттириши лозим; мужмал, кўп маъноли, эскирган ва тушунарсиз атамаларни қўллаш мумкин эмас;

2) кенг қўлланиладиган, умум эътироф этган ва синовдан ўтган атамалардан фойдаланиш керак;

3) қўлланилаётган ҳуқуқий атамаларнинг барқарорлигини сақлаб қолиш зарур. Умуман олганда, эски, муомаладан мустаҳкам ўрин олган ва муваффақиятли қўлланилаётган атамалардан воз кечиш, асоссиз равишда янги атамаларни муомалага киритиш зарарли. Айни бир ҳуқуқий тушунчани ифодалаш учун янги атамалар киритиш, атамаларнинг мазмунини ўзгартириш ноаниқликлар ва англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Бу соҳада турғунликка йўл қўйиш, ҳуқуқий атамаларнинг барқарорлиги деб муваффақиятсиз атамаларни сақлаб қолиш ҳам ярамайди (масалан, «ижара» атамаси ўрнига маълум вақт «пудрат» атамаси қўлланиб келинди). Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги янги тамойилларни акс эттирувчи, ҳуқуқий ҳужжатларда илгари қўлланмаган янги атамаларни ишлаб чиқишни аввало юридик амалиёт талаб қилиши керак, шундан кейингина ҳуқуқ фани уларни қабул қилиши лозим;

4) атамаларни қўллашда бир хилликни сақлаб қолиш зарур. Айни бир тушунчани ифодалашда норматив ҳужжат матнида фақат битта атамани қўллаш лозим. Норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда ҳам мана шу талабга риоя

қилиш керак. Бир тушунча барча қонун ҳужжатларида айна бир атама билан ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, битта атама ҳар хил, ўзаро мос келмайдиган тушунчаларни ҳам ифодаламаслиги керак.

Юридик атамаларни яхши билиш, ҳуқуқий кўрсатмаларни баён этиш қоидаларини тўғри қўллаш, юридик техникани чуқур эгаллаш норматив ҳужжатларни тузувчиларга юқорида зикр этилган камчиликларга йўл қўймаслик имконини беради.

Аҳоли юридик атамаларни янада аниқроқ тушуниши учун уларнинг имкон қадар аниқ ва қисқа таърифини бериш зарур. Албатта, барча атамалар ҳам таърифлашга муҳтож эмас: агар атама бир маъноли ва ижрочилар учун тушунарли бўлса, унга таъриф беришнинг ҳожати йўқ. Бордию аниқ таърифнинг йўқлиги атаманинг маъносини тушунишда ноаниқликлар, англашилмовчиликлар ва бунинг оқибатида қонунбузарликлар келтириб чиқариши мумкин бўлса, бундай атамага норматив ҳужжатда таъриф бериб ўтиш зарур. Авваламбор, бу гап махсус юридик ва техник атамаларга тааллуқли. Ҳар хил талқин этиш мумкин бўлган, қўшимча тушунтиришсиз етарли даражада аниқ ва тушунарли бўлмаган атама таърифлашни тақозо этади. Янги атама киритилган ҳолларда ҳам унга албатта таъриф бериш зарур. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига иловада атамалар таърифларининг киритилиши жуда ўринли бўлган.

Норматив ҳужжат матнида техник атамаларга таъриф беришнинг кераги йўқ, деган қарашни тўғри деб бўлмайди. Агар техник атама тор, махсус соҳада амал қиладиган ҳужжатда қўлланилган бўлса, унга таъриф бермаслик мумкин. Бордию техник атама қўлланган матн кенг фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, уни таърифсиз қолдириш тўғри бўлмайди.

Аксарият ҳолларда маълум бир атамага тўлиқ норматив таъриф бериш мумкин эмас, чунки уни қўллаш ҳар бир муайян ҳолатда ҳуқуқий ҳужжатдан фойдаланилиш даражасига боғлиқ. Лекин, шунга қарамай, мазкур атамаларга мумкин қадар аниқ ва лўнда таъриф бериш кераклигини унутмаслик керак. Уларнинг мазмунини умумий намунавий тавсифлашдан янада фолроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Норматив ҳужжатларда таърифларни жойлаштириш усуллари ҳар хил. Таърифлар изоҳ тарзида, атама биринчи марта



қўлланидан кейин қавс ичида ёки қавсиз, тире орқали, «яъни» боғловчиси ёрдамида, модданинг мустақил қисми (хатбошиси) ёки ҳатто алоҳида модда шаклида берилиши мумкин. Бунда қонун чиқарувчининг фикрини очиб бериш учун атама қай даражада муҳимлигига, материалнинг жойлашишига, мазкур атама ҳужжатда қанчалик кўп қўлланилганига қараб иш тутиш лозим. Бу ишда қонун чиқарувчини маълум тор доирага сунъий тарзда боғлаш тўғри бўлмайди.

Шу ўринда айрим умумий фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз. Агар таъриф муҳим ва бир нечта моддага тааллуқли бўлса, уни ҳужжатнинг бошида, «Ушбу ҳужжатда қўлланилган атамалар» деб номланган алоҳида моддада таърифлаган маъқул. Қонунчилигимиз норматив ҳужжатда қўлланилган энг муҳим атамаларни бир моддада бериш тажрибасига эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 7-моддаси шундай тузилган. Мазкур моддада кодексда энг кўп қўлланиладиган ўн олтита атамага таъриф бериб ўтилган. Таърифларни бундай расмийлаштириш ҳужжатлардан фойдаланиш учун жуда қулай. Боз устига, бу ҳуқуқ ижодкорлигининг юридик маданиятини ҳам оширади. Ҳажман катта ва мазмунан муҳим норматив ҳужжатларни тузишда мазкур усулдан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Куйидаги қоидага ҳамиша амал қилиш керак: агар атаманинг таърифи белгиланган тартибда ўзгартирилган бўлса, у худди шу тушунчани ифодаловчи бошқа ҳужжатларда ҳам янгича тушунилиши лозим. Яхши танланмаган, унча тушунарли бўлмаган, ўзбекча сўзлар билан алмаштирса бўладиган атама ва ибораларни норматив ҳужжатларда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Айни пайтда, хорижий атамаларни қўллашдан бутунлай воз кечиш ҳам тўғри бўлмайди. Агар муайян хорижий атама юридик тилимиздан ва ҳуқуқий тартибга солиш амалиётидан мустақкам ўрин олган бўлса, ундан воз кечиш тўғри эмас. Жумладан, «норма», «конституция», «кодекс», «терроризм», «апелляция», «реклама», «протест» сингари хорижий атамалар ўзбек тилидан мустақкам ўрин олган ва қонун ҳужжатларида кенг қўлланилмоқда. Хорижий атамаларни, улар қонун чиқарувчининг она тилида қандай маъно касб этган бўлса, ана шу маънода қўллаш лозим. Норматив ҳужжат матнида хорижий сўз ва ибораларни ўринсиз қўллаш ҳам мақсад-

га мувофиқ эмас. Бу қонун ҳужжатларини мураккаблаштиради ва тушунишни қийинлаштиради.

### 3.4. Қонунчилик ҳужжатларини системалаштириш

Икки палатали парламент самарали ишлаган шароитда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳажмининг кескин кўпайиши табиий. Бундай вазиятда қабул қилинган юзлаб қонун ҳужжатлари ичида келиб чиқаётган зиддиятлар, номутаносибликлар ва коллизияларни бартараф этиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ички мунтазамлигини барқарор таъминлаш мақсадида уларни мантиқий системалаштириш катта аҳамият касб этади.

*Қонунчилик ҳужжатларини системалаштириш* ҳуқуқий тизим амал қилишининг, мунтазам ривожланиб боришининг ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тартибга солиш, мантиқий умумлаштириш шаклидир<sup>1</sup>. Қонунчилик ҳужжатларини системалаштириш – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида Конституция ва қонун устунлиги, ҳокимиятлар тақсимланишининг ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш механизмини таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилувчи мавжуд қонунчилик ҳужжатларини *кодекс* шаклида тартибга солинган ҳужжатлар билан алмаштириб бориш, қонунлар мажмуини яратиш, мамлакат ҳуқуқий классификаторини такомиллаштириш, қолаверса, қонунчилик ресурсларидан фойдаланиш тизимини замонавий глобал электрон ахборот тармоғи имкониятлари билан таъминлашга қаратилган яхлит, узлуксиз илмий-назарий ҳамда амалий фаолиятдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни системалаштириш давлат механизми ва ҳуқуқий тизим жўшқин маромда ишлашининг зарурий шартидир. Мазкур фаолиятни оқилона йўлга қўйишнинг назарий ва методологик асослари ҳамда мукамал механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ишга давлат ҳокимияти органлари, муассасаларини, ҳуқуқшунос олимларни фаол жалб этиш зарур.

<sup>1</sup> Қаранг: Проблемы общей теории права и государства / Под. общ. ред. проф. В. С. Нерсесянца. – М., 1999. – С. 347; Теория права / Под. ред. проф. М. Н. Марченко. – М., 1998. – С. 197–198.

Қонун ҳужжатларини муваффақиятли системалаштириш учун қуйидаги муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш лозим:

— қонун ҳужжатлари ва уларнинг тузилиши;

— ҳуқуқ системаси ва қонунчилик системасининг ўзаро муносабати;

— тармоқларга оид қонун ҳужжатларининг аҳволи ва ривожланиши;

— қонун ҳужжатларини системалаштиришнинг тарихий ривожланиш босқичлари;

— қонун ҳужжатларини системалаштириш: тушунчаси, турлари ва мақсади;

— ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қонунларни кодекслаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари;

— қонунларни кодекслаштиришнинг мазмун-моҳияти ва конституциявий асослари;

— қонун ҳужжатларини системалаштиришда юридик техниканинг аҳамияти;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мажмуини яратиш муаммолари ва ҳ.к.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун, фикримизча, **«Ўзбекистонда қонун ҳужжатларини системалаштиришнинг умумий концепциясини»** ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур концепциянинг дастлабки қисми қонун ҳужжатларини системалаштиришнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини, унинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини ифодалаши назарда тутилади.

Қонун ҳужжатларини системалаштиришнинг реал вазифаларини белгилаш учун, биринчи навбатда, *ҳуқуқ системаси* ва *қонунчилик системаси* ўртасидаги муносабатни чуқур тадқиқ этиш зарур. Кўп йиллар давомида МДХ давлатлари ва мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан бу масалада муайян тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг кўпчилиги қонунчилик амалиётида ўзининг муносиб тасдиғини топган, баъзилари эса қонунчиликда баҳс-мунозаралилигича қолиб келмоқда. Объектив *ҳуқуқ системасининг элементини* ҳуқуқ нормаси, *қонунчилик системасининг элементини* эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг (қонуннинг) нормаси ташкил қилади. Қонунчиликни системалаштиришни аниқ ташкил этишда, шунингдек ҳуқуқ институти ва қонунчилик

институти, ҳуқуқ тармоғи ва қонунчилик тармоғи ўртасидаги нисбатни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир.

*Ҳуқуқ системаси ва қонунчилик системаси ривожланишининг тенденцияларини* тадқиқ этиш нафақат назарий, балки амалий муносабатлар учун ҳам долзарб ҳисобланади. Бундай масалаларнинг илмий ечими, авваламбор, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рўйхатга олиш ва системалаштириш, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мажмуини яратиш учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Қонун ҳужжатларини системалаштириш амалдаги ҳуқуқ системасига қанчалик мувофиқ келса, ундан қутилаётган натижалар шунчалик юқори бўлади.

Ҳуқуқ системаси ва қонунчилик системаси ўртасидаги муносабатни тадқиқ этиш давомида «қонунчиликнинг системалилиги», «қонунчиликни системалаштириш», «қонун ҳужжатларининг систематикаси» каби тушунчалар ўртасидаги алоқадорлик ва фарқли жиҳатларнинг аниқланиши долзарб муаммолардан биридир.

Қонунчиликни системалаштириш, биринчи навбатда, инсон ва фуқароларнинг қонунлардан унумли фойдаланишига имкон беради. Шу жиҳатдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни системалаштиришни мамлакат Конституциясидан келиб чиқиб ташкил этишни ҳам ўйлаб кўриш лозим. Масалан, фуқарода банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилишига оид муаммо келиб чиқди, дейлик. Фуқаро эса банк ва молия ҳуқуқи соҳаси бўйича етарли малакага эга эмас. У ўзининг ҳуқуқий саводхонлиги имкониятидан келиб чиқиб, ҳуқуқларининг бузилишига оид тегишли ҳуқуқий нормани қидириб топа олмаслиги мумкин. Шу боис, фикримизча, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини тартибга солишга қаратилган нормалар гуруҳини қонунчилик системасида алоҳида бўлим сифатида ажратиш лозим. Чунки фуқаронинг ўзи излаган қонунни тез ва осон топишига эришиш қонун ҳужжатларини системалаштиришнинг энг асосий мақсадидир.

Шунингдек, қонунчилик ҳужжатларини системалаштириш борасида юридик фан олдида турган муаммолардан яна бири **Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мажмуини тайёрлашдир.** У ўз мазмунида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муфассал баёнини ифода этади. Ушбу ҳуқуқий мажмуа, авва-

ламбор, юридик қонуннинг барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқий актларни инвентаризация қилиш ва тартибга солиш учун ниҳоятда муҳимдир. Қонунлар мажмуининг ҳар бир томи варақлари осон алмаштириладиган, қаттиқ муқовали, темир қисқичли йиғмажилдлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

Йиғмажилдлар кўринишидаги Қонунлар мажмуи саҳифаларини алмаштириш мумкинлиги қонунларга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни осонгина жилдга киритиш имконини беради; фуқароларнинг янги қабул қилинаётган қонунлардан, уларга қўшилаётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришига шароит яратади; қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳамда давлат идоралари ва уларда фаолият кўрсатувчи ходимларнинг ҳуқуқий ҳужжатлардан унумли фойдаланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Айтайлик, ҳозирги кунда республикамизда қонун ҳужжатларини аҳоли орасида тарғиб этиш бўйича чиқарилаётган «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», парламент таъсис этган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси», Вазирлар Маҳкамаси таъсис этган «ҳукумат қарорлари тўплами» каби мажмуавий ҳужжатлар китоб шаклида бўлиб, варақларини алмаштиришнинг имкони йўқ. Башарти бирор бир ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш киритилгудек бўлса, мазкур янгиликни киритган ҳолда илгари чиқарилган китобни қайта нашр этишга тўғри келади. Бу эса, биринчидан, қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Иккинчидан, фуқаролар ўша китобни муайян ўзгариш туфайли қайта сотиб олишларини тақозо этади. Қонунлар мажмуидаги варақларни алмаштириш имконияти мавжудлигининг эътиборли жиҳати яна шундаки, ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ифодаланган ҳар бир саҳифа Қонунлар мажмуи ададига мос равишда кўпайтирилади. Ҳамда почта орқали республикамиз бўйича обуна бўлган тегишли давлат идоралари ва фуқароларга рамзий ҳақ эвазига тарқатилади.

Давлат аҳамиятига эга ушбу мажмуани яратиш ҳуқуқшунослик фани зиммасига улкан масъулият юкловчи мураккаб жараён бўлиб, ўз ичига Қонунлар мажмуини тайёрлаш ва нашр этишнинг барча назарий ва методологик масалаларини қамраб олади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги норматив ҳужжатлари хўжалигини тартибга келтириш, қолаверса, қонунийликни

мустаҳкамлашни мукамал Қонунлар мажмуисиз тасаввур этиш мушкул, албатта. Турли давлат органлари фаолиятининг маҳсули бўлмиш қонунлар ва норматив ҳужжатларни ўзида жамлаган бундай мажмуанинг яратилиши, авваламбор, уларни тўғри талқин этишга имкон беради, шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш жараёнида анчагина қулайликлар туғдиради. Қонунлар мажмуини яратиш орқали қонунлар сараланиб, ҳужжатлар ўртасидаги ўзаро номувофиқликлар бартараф этилади. Шунингдек, қонунчиликни системалаштиришнинг мустақил шакли бўлган кодекслаштиришни оқилона амалга ошириш қатор афзалликлар беради.

Қонунлар мажмуини яратиш жараёнида *қонун ҳужжатларининг сифатига* алоҳида эътибор қаратилиб, амалдаги ҳамда янги қабул қилинажак ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган широрсифат (декларатив) қоидаларни бартараф этиш лозим. Пухта *илмий ҳуқуқий экспертиза* орқали уларнинг ўрнига аниқ санкция ва амалга ошириш механизмларига эга нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ. Қонунлар мажмуини тайёрлашни оқилона йўлга қўйиш мақсадида, Адлия вазирлиги ҳузурида амалиёт ходимлари ҳамда ҳуқуқшунос олимлардан иборат **Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мажмуини нашрга тайёрлаш бўйича муваққат комиссия** тузилиши лозим. Мазкур комиссия, биринчи навбатда, Қонунлар мажмуининг концепциясини, ички тузилишини, мазмун-мундарижасини ҳамда унга киритиладиган қонунлар ва бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар қўламини (рўйхатини) аниқлаб бериши керак бўлади.

Фикримизча, биринчи навбатда, Қонунлар мажмуининг мазмунига Конституция, конституциявий қонунлар, қонунлар, Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси ўз ваколати доирасида чиқарадиган норматив кучга эга қарорларни Қонунлар мажмуига киритиш баҳсли масаладир. С. В. Поленина ва Н. П. Колдаева: «...парламент палаталари чиқарадиган қарорлар асосан ташкилий хусусиятга эга бўлгани учун уларни Қонунлар мажмуига киритиш шарт эмас»<sup>1</sup>, —деб тўғри таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, парламент палаталари чиқаради-

<sup>1</sup> Поленина С., Колдаева Н. Свод законов РФ как форма систематизации нормативных актов // Правоведение. — 1996. — №12. — С. 13–14.

ган «Биринчи ўқишдаги қонун лойиҳасини маъқуллаш ва уни қайта ишлаш учун қўмиталарга, келишув комиссияларига юбориш тўғрисида», «Қонун лойиҳаларини рад этиш тўғрисида» каби қарорлар ички норматив ҳужжатлар ҳисобланади.

Шунингдек, Қонунлар мажмуига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш масаласи ҳам амалий жиҳатдан мураккаб ва мунозаралидир. Идоравий норматив ҳужжатлар жуда кўп бўлганлиги сабабли, Қонунлар мажмуига фақат *идоралараро хусусиятга эга норматив ҳужжатларни* (масалан, Марказий банк ҳужжатлари, Молия вазирлигининг ҳужжатлари ва ҳ.к.) киритиш ўринли деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон парламенти томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар, шунингдек миллий қонунчиликка имплементация қилинган *халқаро шартномалар* Қонунлар мажмуига киритилса, мантиқан тўғри бўлади. Халқаро шартномаларни Қонунлар мажмуига киритишда уларни турларига (давлатлараро, ҳукуматлараро, МДХ давлатлари ўртасидаги, вазирликлараро, маҳаллий маъмурий-ҳудудий бирликлараро, кўп томонлама, икки томонлама ва ҳ.к.) қараб киритишга эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорларини Қонунлар мажмуига киритиш ҳам муҳим масала. Мазкур мажмуанинг тўлиқлиги, муқамаллиги, мажмуавийлигини сақлаш учун унинг таркибига *Конституциявий суднинг қонунларни шарҳлаш бўйича ва ўз ваколатлари доирасида чиқарадиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини* киритиш тўғри бўлади деб ўйлаймиз.

Юқорида биз Қонунлар мажмуини тайёрлашнинг баъзи назарий масалаларини кўриб чиқдик. Булардан ташқари, Қонунлар мажмуини тайёрлашнинг юридик фанда тадқиқ этилишга муҳтож бўлган қуйидаги методологик муаммолари ҳам мавжуд:

– ҳуқуқий ислоҳотларнинг мақсади ва умумий вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Қонунлар мажмуига киритиш бўйича таклифларни хусусиятларига кўра танлаш;

– қонун ҳужжатларини системалаштиришнинг бош принципи – мажмуага киритилган қонун ҳужжатларининг ички ўзаро мувофиқлиги ва зиддиятсизлиги принципини амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий тизимнинг умумий қонуниятларига мослигини таъминлаш учун тегишли чоралар кўриш;

— мажмуанинг умумий тузилиши ҳамда расмий тасдиқланган умумҳуқуқий классификаторни ўзаро мослаштириш бўйича фаолият қирраларини илмий таҳлил этиш;

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқнинг умумий принципларига мослигини аниқлаш учун *экспертизалар* ташкил этиш, ўтказиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги умумҳуқуқий классификаторни яратиш ва уни такомиллаштириб бориш қонун ҳужжатларини системалаштириш соҳасидаги долзарб муаммолардан биридир. Турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги Қонунлар мажмуини тайёрлаш фаолиятини мураккаблаштиради. Шунинг учун қонун ҳужжатларини системалаштириш давомида, авваламбор, умумҳуқуқий классификаторни тасдиқлаб, сўнгра Қонунлар мажмуини яратиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий шартларидан бири ижтимоий тузилмалар ва давлат тузилмаларини ҳамда ҳар бир фуқарони ҳуқуқий ахборот билан таъминловчи *ягона ҳуқуқий майдонни* шакллантиришдир.

Шунингдек, ягона ҳуқуқий ахборот майдони мамлакатда чиқарилаётган норматив ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқлиги, зиддиятсизлигини таъминлаш йўлидаги муҳим омил вазифасини ўтайди. Таснифлаш ягона ҳуқуқий ахборот майдонини шакллантиришнинг элементи ҳисобланади. Қонун ҳужжатларини системалаштирилган тарзда ифода этувчи *таснифлаш системаси* турли автоматлаштирилган тизимларда ишлатилиши мумкин. Таснифлаш системасини ташкил этувчи алоҳида асослар бўйича *классификаторлар интеграцияси* ахборот алмашинуви жараёнини такомиллаштириш ва соддалаштиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Қонун ҳужжатларини системалаштиришнинг демократик ҳуқуқий тизимларда йўлга қўйилган энг фаол шакли **кодекслаштиришдир**<sup>1</sup>. Кодекслаштириш муҳим жараён сифатида тармоқ, институт ва соҳавий қонунларнинг *манتيқий, тизимли ва лўнда тартиботини* ифода этувчи кодекс шаклидаги бир гуруҳ қонунларни қабул қилиш мақсадини ифода этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг кўплаб соҳаларини самарали ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида ўнлаб кодекслар

<sup>1</sup> Каранг: Кодификация и законодательная техника. — М., 1962. — С. 28.



қабул қилинди. Аммо бу кўрсаткичлар ҳуқуқ тизимида кодекслаштириш ўзининг ниҳоясига етди дегани эмас. Кодекслаштириш ҳуқуқий давлат барпо этиш талабларига мос равишда ривожланидиган узлуксиз фаолиятдир.

Кодекснинг асосий ижодкори парламент ҳисобланади. Икки палатали парламент шароитида кодекслаштиришни амалга ошириш янада долзарб аҳамият касб этади. Парламент кодекслаштириш ишларига муайян тартибда тегишли мутахассисларни, олимларни жалб этиши зарур. Қолаверса, парламент навбатдаги чақириқда шу йўналишдаги ўз фаолиятини мустақамлаш йўлида **Қонунларни кодекслаштириш дастурини** қабул қилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу дастурда келгусида қабул қилинишига эҳтиёж сезилаётган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик, Маъмурий-процессуал, Ҳарбий, Соғлиқни сақлаш, Сайлов қонунчилиги, Қонун чиқариш жараёни, Таълим, Экологик, Инвестиция** каби кодексларини тайёрлаш юзасидан қонунчилик ташаббуси субъектларига *аниқ вазифалар* белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шундай қилиб, қонун ҳужжатларини системалаштиришни такомиллаштириш йўлида юридик фаннинг аҳамиятини ошириш мақсадида олий юридик ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларида шу мавзунинг муайян қирраларини ёритишга қаратилган *республика илмий-назарий конференциялари, давра суҳбатлари, илмий семинарларни* ташкил қилиш ва ўтказиш ижобий самара бериши шубҳасиз. Шунингдек, парламент ҳузурда (қўмиталар, депутатлар, Адлия вазирлигининг мутасадди ходимлари ва бошқа мутахассислар учун) қонунчиликни системалаштириш ва қонунчилик техникаси масалаларига бағишланган мунтазам ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилиши ҳам фойдали бўлади.

## **МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР** (Хулоса ўрнида)

### **ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИГА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР**

Ушбу Методик тавсияларнинг мақсади — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги жараёни субъектларига қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ва қонунларни қабул қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини самарали амалга оширишда ёрдам бериш. Методик тавсияларда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни расмийлаштириш ишини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар баён этилади.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари қуйидаги мақсадларда тайёрланади:

— қонунларни ва қонунчилик органларининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари тўғрисидаги тегишли конституциявий қонунлар ва палаталарнинг регламентлари қоидалари доирасида ривожлантириш ва аниқлаштириш;

— қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнининг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинишини таъминлаш;

— парламент аъзоларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда ёрдам бериш;

— давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари депутатлик корпуси аъзоларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқ ижодкорлиги маданиятини юксалтириш.

2. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қоида тариқасида, режа асосида амалга оширилади.

Қонунчилик фаолиятининг жорий дастурлари 1–2 йил муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқилади.

Зарур ҳолларда қонунчилик фаолиятининг истиқболли дастурлари 4–5 йил муддатга ишлаб чиқилади.

Қонунчилик фаолиятининг дастурлари қонун чиқарувчи ҳокимият олий органининг Қонунчилик фаолияти концепциясидан келиб чиқиб тузилади. Мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқишда уларда тегишли дастурларни қонун йўли билан таъминлаш тўғрисидаги бўлимлар ажратилади.

Қонунчилик фаолиятининг дастурлари зарур ҳолларда дастурдан ташқари қонун лойиҳаларини тайёрлаш мумкинлигини истисно этмайди.

3. Қонун лойиҳаларини тайёрлашда айна бир масала бўйича амалда бўлган ҳужжатларнинг кўплигига барҳам бериш, ҳужжатларда мавжуд тафовут ва зиддиятларни бартараф этиш лозим.

4. Қонун лойиҳалари Конституцияда ва Регламентда белгиланган тартибга мувофиқ қонунчилик органининг мутлақ тасарруфидаги масалалар бўйича тайёрланади.

5. Қонунлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ қабул қилинади ва унга зид бўлмаслиги керак.

Қорақалпоғистон Республикасининг қонуни Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини айнан такрорламаслиги лозим.

6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни бўлмаган ёки унда биргаликдаги ваколатларга кирадиган масалалар тўлиқ тартибга солинмаган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси мазкур масалаларни ўзи тартибга солиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари бўлмаган ҳолларда ўз қонунларини қабул қилишни тезлаштириш тавсия этилмайди. Агар бундай қонун қабул қилинган бўлса, у янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқлаштирилиши лозим.

7. Қонунчилик ташаббуси субъектларига парламент ваколати доирасидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солишга, амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд камчиликларни бартараф этишга бўлган объектив эҳтиёждан келиб чиқиб, мазкур масалаларни тартибга солишга кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади.

8. Қонун лойиҳалари унинг зарурлиги, мақсад ва вазифалари, уни қабул қилишнинг мумкин бўлган оқибатлари, зарур ташкилий, молиявий, кадрларга оид ва бошқа масалалар бўйича асослантирилган хулосага эга бўлиши лозим.

## **II. ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ШАКЛИНИ ТАНЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

9. Қонун лойиҳаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида ваколатларнинг тақсимланишига қараб тайёрланади. Қонун лойиҳасини тайёрлашда, бир томондан, ижро этувчи ҳокимият органларининг тасарруфидаги предметлар ҳисобига қонунчилик ваколатларини сунъий тарзда кенгайтиришга, иккинчи томондан эса — бошқарув органлари қонун йўли билан тартибга солиш талаб этиладиган масалалар бўйича ҳужжатлар қабул қилишларига йўл қўймаслик лозим.

Қуйидагиларни фақат қонун билан ўрнатиш мақсадга мувофиқдир:

— давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш принциплари, мазкур органларни шакллантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби;

— инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни муҳофаза этиш ва таъминлаш усуллари;

— Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий қоидаларини ҳамда давлат бюджети;

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ қонун шаклида тартибга солиниши лозим бўлса, қонун билан бошқа масалалар ҳам ҳал қилиниши мумкин.

10. Қонун лойиҳасини тайёрлашда қонун ҳужжатининг тартибга солиш предмети ва ҳажмини мувофиқ тарзда акс эттирадиган қонун ҳужжатининг шаклини тўғри танлаш муҳимдир.

Қонун шаклида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин:

**Конституция** — ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий принципларини мустақкамловчи асосий таъсис этувчи қонун;

**қонун** — қонунчилик органи ўз ваколати доирасида ёки бутун давлат миқёсида барқарор тартибга солишни тақозо этувчи давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича ре-

ферендум ўтказиш орқали қабул қилинадиган норматив ҳуқуқий ҳужжат;

**кодекс** — ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳасини комплекс тартибга солувчи нормаларнинг ҳаммаси ёки асосий қисми ифодаланган қонун.

Агар мавзу жиҳатидан ўхшаш кодекс мавжуд бўлса, кодекс шаклида қонун қабул қилиш тавсия этилмайди. Кодекс мавжуд бўлган тақдирда ном жиҳатидан ўхшаш кодекслар эмас, ижтимоий муносабатларнинг муайян турини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи аниқлаштирадиган қонунлар қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Регламентлар, низомилар ва бошқа норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик органи томонидан қабул қилинган қарорлар билан тасдиқланиши мумкин.

**Регламент** — Ўзбекистон Республикаси қонунчилик органининг тегишли палатаси фаолият тартибини белгиловчи норматив ҳуқуқий ҳужжат.

**Низом** — давлат органлари, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми (ҳуқуқ ва мажбуриятлари)ни, уларни ташкил этишни ҳамда уларнинг фаолиятини муфассал тартибга солувчи, шунингдек уларнинг бошқа органлар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг асосларини белгиловчи норматив ҳуқуқий ҳужжат.

12. Қонун лойиҳаси устида иш бошлашдан аввал қонунни қабул қилиш заруратига ҳар томонлама баҳо бериш муҳим. Бунинг учун:

— муайян муносабатларни қонун даражасида тартибга солишга эҳтиёж чиндан ҳам мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш, қонуности ҳужжатларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлган жойда қонун лойиҳалари ишлаб чиқишига йўл қўймаслик;

— жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларини, статистик маълумотлар ва бошқа зарур материалларни ўрганиб чиқиш;

— мўлжалланаётган ҳуқуқий тартибга солишнинг моҳиятини ҳамда янги қонун қабул қилишдан кўзланаётган мақсадни аниқ белгилаб олиш;

— лойиҳа мавзусига доир Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини (агар улар мавжуд бўлса) ёки мазмунан яқин бўлган муҳим масалаларни ўрганиш; амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти билан танишиш;

– олимлар ва мутахассисларнинг таклифларни таҳлил қилиш;  
– бўлғуси қонуннинг амал қилиши олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, экологик, демографик ва бошқа оқибатларни аниқлаш;

– бўлғуси қонуннинг қоидаларини амалга ошириш учун зарур моддий, молиявий ва бошқа харажатларни аниқлаш, шунингдек кутилаётган натижалар нуқтаи назаридан мазкур сарф-харажатларнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериш лозим.

13. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) қонун лойиҳаси шаклида (агар бирон-бир алоҳида масаланинг янги ечимини топиш талаб этилса ёки айтиб берилган масала бўйича бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлса);

2) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар шаклида;

3) илгари қабул қилинган қонун ҳужжатлари нормаларининг мазмунини такомиллаштирувчи Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларининг янги таҳрири (янги матни) шаклида.

14. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунини ижро этиш тартибини белгилаш, унинг айрим қоидаларига аниқлик киритиш зарур деб топилса, қонун лойиҳасида ёки уни амалга киритиш тўғрисидаги ҳужжатда ижро этувчи ҳокимият органларига тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тўғрисида топшириқ берилади.

### **III. ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

15. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ахборот (статистик маълумотлар, оммавий ахборот воситаларининг материаллари, кўриб чиқиладиган масала бўйича хорижий давлатларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар ва ш.к.) тўплаш, иқтисодий ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга ошириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, ечим вариантларига баҳо бериш ва энг яхши ечимни танлаб олиш, ҳуқуқий эксперимент (агар у ўтказилган бўлса) негизида ташкил этилади.

16. Қонун лойиҳалари қонунчилик органи палаталарининг доимий қўмиталари (комиссиялари) томонидан, шунингдек қонун-

чилик органи топшириғига биноан ёки ўз ташаббусига кўра бошқа органлар, ташкилотлар ва шахслар томонидан тайёрланади.

17. Энг муҳим қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун ишчи гуруҳлари тузиш мақсадга мувофиқ.

Ишчи гуруҳлари таркибига, қонунчилик органи депутатларидан ташқари, тегишли қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари киритилиши мумкин.

18. Қонун лойиҳаларини тайёрлашга илмий муассасаларнинг вакиллари, экспертлар ва мутахассислар (бепул ёки шартнома асосида) жалб қилинадилар.

19. Тайёрланган ҳамда қонунчилик органининг муҳокама-сига тақдим этилган қонун лойиҳаларини қонунчилик органи палаталарининг доимий қўмиталари (комиссиялари) дастлабки тарзда кўриб чиқади. Зарур ҳолларда тайёрланган лойиҳа халқ муҳокамасига қўйиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

20. Муҳокама натижаларига кўра қонунчилик органининг доимий қўмиталари, шунингдек лойиҳани тайёрлаётган бошқа органлар, ташкилотлар ва шахслар келиб тушган таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳисобга олиниши ва умумлаштирилишини, шунингдек уларга мувофиқ лойиҳанинг маромига етказилишини ташкил этадилар.

21. Ҳажми ва муҳимлик даражаси катта бўлган қонун лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбариятининг қарорига биноан мустақил ҳуқуқий ва бошқа махсус экспертизалардан ўтказилиши лозим.

22. Тайёрланган қонун лойиҳалари манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишилади.

23. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини тасдиқлаш, солиқларни жорий этиш ёки бекор қилиш, уларни тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги қонунларнинг тайёрланган лойиҳалари, шунингдек республика бюджети ҳисобидан қопланадиган харажатлар назарда тутилган бошқа қонун ҳужжатлари хулоса бериш учун Вазирлар Маҳкамасига (агар мазкур лойиҳаларни у тақдим этган бўлмаса) юборилиши шарт.

24. Қонун лойиҳаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдимнома билан киритилади. Унда:

- ушбу қонунни қабул қилиш эҳтиёжи асосланади;
- уни ким ишлаб чиққани кўрсатилади;
- қонуннинг мақсади, вазифалари ва мазмунига қисқача тавсиф берилади;
- лойиҳа келишиб олинган органлар ва ташкилотларнинг рўйхати келтирилади.

Зарур ҳолда лойиҳага молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар (масалан, агар киритилган лойиҳани амалга ошириш қўшимча моддий ва бошқа харажатларни талаб этса), шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда – ҳукуматнинг ижобий хулосаси илова қилинади.

25. Қонунни амалга киритиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси билан бирга қонун қабул қилиниши муносабати билан бекор қилиниши ёки ўзгартиш киритилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ҳужжатларининг рўйхати ҳам тақдим этилади.

#### **IV. ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

26. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қуйидаги расмий реквизитларга эга бўлиши лозим:

- а) ҳужжат шаклининг номи: «конституция», «конституциявий қонун», «қонун», «кодекс» ва ҳ.к.;
- б) тайёрланаётган қонуннинг тартибга солиш предметини қисқа шаклда ифода этувчи ном;
- в) қонун қабул қилинган сана ва жой;
- г) қонунларни имзолаш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг имзоси.

27. Қонуннинг норматив қоидалари сарлавҳага ва бутун лойиҳа учун ягона рақамлаш тартибига эга бўлган моддалар шаклида баён этилади.

Нисбатан йирик қонунлар, норматив материалининг ҳажми ва хусусиятига қараб, бўлимлар ва бобларга, шунингдек иловаларга эга бўлиши мумкин.

28. Лойиҳанинг бўлимлари, боблари ва алоҳида моддалари лойиҳа мавзуининг мантиқий ривожланишини, нисбатан умумий қоидалардан жузъийроқ қоидаларга ўтилишини таъминловчи кетма-кетликда жойлаштирилади.



29. Норматив ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишнинг мақсади ва сабабларини тушунтириш зарур бўлган ҳолларда унга кириш қисми — муқаддима киритилади. Муқаддимада норматив кўрсатмалар ифодаланмайди.

30. Қонун содда, тушунарли тилда баён этилиши лозим. Образи қиёслашларга, муболағаларга йўл қўйилмайди. Атамалар лойиҳада умумий қабул қилинган терминологияга биноан, фақат бир маънода қўлланилиши лозим.

31. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида тушунча ва атамаларнинг амалдаги қонунларда ва расмий юридик амалиётда қўлланиладиган тушунча ва атамалар билан бир хиллиги таъминланиши лозим.

## **ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИГА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР**

Қонун ижодкорлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг иштирок этиши амалиёт манфаатлари ва эҳтиёжларини қонун ҳужжатларида акс эттиришга кўмаклашади, айти пайтда уни такомиллаштириш ва ривожлантиришга, шунингдек қабул қилинган қонунчилик қарорларини ижро этиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур тавсияларнинг мақсади Қонунчилик палатаси депутатлари қонун ижодкорлиги субъектлари сифатида самарали иштирок этишининг тартиб-таомилларини белгилаш ҳамда уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминлашдан иборат.

1. Қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этишнинг асосий турлари қуйидагилардир:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига берган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш;

– Олий Мажлиснинг қонунчилик ишлари режаларини тайёрлашда қуйи палата депутатларининг иштирок этиши;

– қонун лойиҳаларини тегишли органлар ва шахслар билан келишиш.

Тартибга солиниши лозим бўлган масалалар қонунчилик ташаббуси бошқа субъектларининг ҳуқуқий тартибга солиш доирасидан четда бўлган ва улар ҳаётнинг асосий соҳаларида бутун Ўзбекистон Республикаси доирасида амалга оширилаётган ислохотларга тааллуқли бўлган ҳолларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Депутатларнинг ўзига берилган ҳуқуқдан ноқилона фойдаланиши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган қонунчилик ташаббусларининг инфляциясига йўл қўймаслик муҳимдир. Бунга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан ҳуқуқий ахборот алмашиш орқали эришилади. Мазкур

ҳуқуқий ахборот шу жумладан Олий Мажлис муҳокамасига айнан қандай қонунчилик ташаббуси, қайси субъектдан, қачон киритилгани ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

2. Қонун ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонунчилик ташаббусини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг икки ва ундан ортиқ субъекти биргаликда амалга ошириши фойдалидир. Биргаликдаги қонунчилик ташаббуси қонунчилик ташаббуси барча субъектларининг ўзаро келишувига биноан амалга оширилади. Мазкур субъектлар қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган қонун лойиҳаси, қонунчилик таклифига нисбатан бир хил ҳуқуқларга эга бўладилар. Улар қонун лойиҳаси, қонунчилик таклифи қонунчилик органида муҳокамадан ўтишига қараб, уларнинг устида ишлашда тенг шартларда иштирок этишлари мумкин. Лекин биргаликдаги қонунчилик ташаббусини қонунчилик органида унинг субъектларидан бирининг иштирокида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда мазкур субъект қолган субъектларнинг номидан ва уларнинг топшириғига биноан иш кўради ҳамда ушбу жараёнда уларнинг манфаатларини тўлиқ ифода этади. Акс ҳолда қонунчилик органи айни бир қоидага бир неча марта қайтиб, уни турли субъектлар билан муҳокама қилиб, ўз вақтини нооқилона сарфлашга мажбур бўлади.

Бир қанча субъектлар бир-биридан мустақил тарзда ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий предметига эга бўлган қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритган тақдирда, биргаликдаги қонунчилик ташаббусини қўллаш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қўйилиши мумкин. Бундай қарорни қабул қилиш қонунчилик органини муқобил лойиҳаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ узундан-узоқ ва мураккаб процедурадан озод этади.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш қонунчилик ташаббусининг бир субъекти киритган қонунчилик ташаббусини бошқа субъект томонидан қўллаб-қувватлаш шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу тегишли қарор қабул қилиш орқали расмийлаштирилади. Қарорда қўллаб-қувватланган қонун лойиҳаси, қонунчилик таклифи юзасидан муайян таклифлар ифодаланиши ҳам мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи фақат қонун лойи-

ҳасини киритиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Қонунчилик ташаббусини қонунчилик таклифи (яъни қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар) шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Бу қонун ижодкорлиги субъектлари қонун лойиҳасини тайёрлашда юридик кадрларнинг етишмаслиги, қонун ижодкорлиги соҳасида тажрибасизлик ва бошқа сабаблар туфайли дуч келадиган қийинчиликларнинг олдини олиш имконини беради.

4. Олий Мажлисга киритиладиган қонун лойиҳалари ва қонунчилик таклифларини тайёрлаш тартибини палаталарнинг регламентларида белгилаб қўйиш қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан янада самаралироқ фойдаланишини таъминлайди.

Мазкур тартибнинг қоидаларида қуйидагиларни назарда тутиш мумкин:

— қонун лойиҳаси, қонунчилик таклифини тайёрлаш зарурлиги тўғрисидаги масалани кўтаришга ҳақли бўлган субъектлар рўйхати;

— ижрочиларга ишора;

— тайёрланган қонун лойиҳаси, қонунчилик таклифини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва уни манфаатдор шахслар ва органларга кўриб чиқиш учун юбориш;

— келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиш ва умумлаштиришни ҳамда уларга мувофиқ ҳолда лойиҳа ва қонунчилик таклифининг маромига етказилишини ташкил этиш;

— қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифини Олий Мажлисга киритиш тўғрисидаги қарорни, шунингдек уни қонун чиқарувчи органда кўриб чиқишда иштирок этиш учун ўз расмий вакилини тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартиб-таомили.

Қонун лойиҳалари, қонунчилик таклифларини тайёрлаш учун жамоат бирлашмалари, илмий муассасаларнинг вакиллари, экспертларни жалб қилган ҳолда махсус ишчи гуруҳлари тузиш зарурлигини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қонунларни амалга ошириш амалиёти тўғрисидаги; қонун йўли билан тартибга солишни такомиллаштириш эҳтиёжларини тўлиқроқ аниқлаш учун бутун мамлакат миқёсида юзага келувчи иқтисодий, иж-

тимойй соҳадаги муаммоли вазиятлар тўғрисидаги; чет давлатларнинг қонун ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш лозим. Жамоатчилик фикрини аниқлашга, давлат органлари, ташкилотлар ва шахслардан келган таклифларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Бундай қонун лойиҳалари, қонунчилик таклифларини тайёрлашни мувофиқлаштириши лозим бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари билан парламент қўмиталарининг ўзаро ҳамкорлик тартиб-қоидаларини ўрнатиш тавсия этилади. Жумладан, қонун лойиҳалари, қонунчилик таклифлари ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишишга қандай тартибда, кимнинг ташаббусига кўра юборилишини; ижро этувчи орган қонун лойиҳаси, қонунчилик таклифи юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдириши, улар кўриб чиқилганлиги тўғрисида хабарнома олиш лозим бўлган муддатни белгилаш лозим. Келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида мувофиқлаштирувчи комиссия тузилиши мумкин.

5. Тайёрланган қонунчилик ташаббусини Олий Мажлисга тақдим этиш шартларига риоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Қонунчилик таклифи тайёр қонун лойиҳасидан фарқ қилишини эътиборга олиб, расмийлаштириш юзасидан унга қонун лойиҳасига қараганда бошқа талаблар қўйиш ўринли бўлади.

Бунинг учун:

- таклифнинг асосий мазмунини аниқ баён этиш;
- уни қисқача асослаш;
- бўлғуси ёки ўзгартирилаётган қонуннинг номини кўрсатиш кифоя қилади деб ўйлаймиз.

6. Олий Мажлисга киритилган қонунчиликка оид ташаббуслар унинг қўмиталари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш учун тақдим этилган қонун лойиҳаларини қўмиталарда маромига етказиш алоҳида диққатга сазовор. Бундан мақсад уларга зарур ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш ва бошқа камчиликларни бартараф этишдан иборат. Бу ҳаракатларни қонун лойиҳаси ташаббускорининг розилигисиз ва унинг иштирокисиз амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис қонунчилик ташаббуси билан чиққан тегишли депутатлар гуруҳининг вакили қонун лойиҳасини маромига етказётган қўмита мажлисига унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этиш учун таклиф қилиниши лозим.

Шунингдек, мазкур вакилларга қўйидаги имкониятларни берувчи қондани амалга киритиш ҳам муҳим:

а) киритилган қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилиш;

б) уни кўриб чиқишнинг барча босқичларида исталган пайтда сўз олиш;

в) қонун лойиҳасини қўмиталарда, палаталарнинг мажлисларида муҳокама қилишнинг барча шаклларида, улар ташкил этувчи дастлабки муҳокамаларда, экспериментларда, экспертизаларда иштирок этиш. Мазкур норманинг мавжудлиги қонунчилик ташаббуси субъекти киритган қонун лойиҳасини қонунчилик органида кўриб чиқишнинг барча босқичларида ушбу лойиҳани муҳокама қилишда юқорида зикр этилган субъект ташаббускор сифатида иштирок этиш ҳуқуқини сақлаб қолишига ёрдам беради.

Қонунчилик ташаббуси билан чиққан депутатлар гуруҳига нисбатан қонунчилик таклифини дастлабки тарзда кўриб чиқаётган қўмиталар ишида мазкур гуруҳ вакилларининг иштирок этишини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Бунда улар қонун лойиҳасининг мўлжалланаётган ишлаб чиқувчиси ҳақида фикр билдириши, зарур тушунтиришлар бериши мумкин.

Агар қонунчилик таклифи муайян қонун лойиҳасида ўз аксини топган бўлса, Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи уни ишлаб чиқиш ғояси кимга тегишли эканлиги ҳақида жараён иштирокчиларига маълумот бериши лозим.

7. Қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлашни режалаштиришда депутатларнинг иштирок этиши қонун ижодкорлигида уларнинг қонунчилик ташаббуси субъекти сифатидаги ролини оширишга хизмат қилади. Бу уларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва Олий Мажлиснинг Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари дастурида акс эттириш ҳисобига мазкур дастурнинг мазмунини бойитишга қўмаклашади, бундан ташқари бошқа депутатларга қонун ижодкорлиги жараёнига унинг илк босқичларида қўшилиш, шу тариқа умумдавлат қонунчилик стратегиясини, бундай иштирок этиш билан эса умумдавлат қонунчилик стратегиясини белгилашда иштирок этиш имонини беради.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари дастури қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари—депутатлар ўз қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш тартибида киритган

қонун қабул қилиш (ёки амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш) тўғрисидаги таклифларидан тузиладиган махсус бўлимга эга бўлиши муҳим.

Дастур лойиҳасига доир таклифлар уни тузиш вазифаси юклатилган органга юборилади. Таклифларда режалаштирилаётган қонун лойиҳалари, уларнинг тартибга солиш предмети ва уларни тайёрлаш учун масъул органлар кўрсатилиши лозим. Таклифларни тузиш чоғида Қонун лойиҳалаш ишлари дастурининг умумий тартибига риоя қилиш, шунингдек таклифларни бошқа давлат дастурлари билан боғлаш мақсадга мувофиқдир.

Муайян қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисга тақдим этиш муддатини белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу муддатни Дастур мўлжалланган умумий муддат доирасида белгилаш, бунда бўлғуси қонуннинг ҳажмини, уни тайёрлашнинг мураккаблик даражасини ва шу кабиларни эътиборга олиш лозим.

Қонун лойиҳаларининг рўйхати тугал деб ҳисобланмаслиги, дастурнинг тасдиқланиши эса — қонун лойиҳаларини дастурдан ташқарида, жорий қонун ижодкорлиги тартибида парламент муҳокамасига киритишга монелик қилмаслиги лозим.

## **ҚОНУНЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МАНФААТДОР ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН КЕЛИШИШ**

8. Қонунларнинг лойиҳаларини келишиш ўзаро мақбул қонунчилик қарорлари қабул қилинишига имкон беради.

Вазирлар Маҳкамаси, мамлакат олий суд органлари ваколатлари доирасига кирувчи қонун лойиҳалари келишилиши шарт. Бошқа қонун лойиҳаларига нисбатан табақалаштирилган ёндашув амал қилиши лозим. Бундай қонун лойиҳаларини юборишга асос бўлиб уларнинг ўзига хос ижтимоий аҳамияти, уларни қабул қилишдан қонунчилик ташаббуси субъектларининг бевосита манфаатдорлиги хизмат қилиши мумкин.

9. Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳалари палата раиси ёки унинг ўринбосари томонидан мазкур лойиҳалар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун ихтисослашган қўмиталарга юборилади.

10. Лойиҳаларга тайёрланган хулосаларни фақат алоҳида қўмиталар доирасида эмас, балки Қонунчилик палатасининг йиғилишларида ҳам муҳокама қилиш тавсия этилади. Қоида тариқасида, палата парламентнинг лойиҳага муносабатини қўмига қараганда тўлиқроқ ифода этишга қодир. Айни пайтда қонун лойиҳасини кўриб чиқишда иштирок этиш учун расмий вакилни тайинлаш масаласини ҳам ҳал этиш лозим.

Хулосада қуйидагилар ифодаланиши мумкин:

- қонун лойиҳасига тузатиш киритмасдан унга розилик;
- қонун лойиҳасига тузатишлар;
- умуман қонун лойиҳасига ёки унинг муайян қоидаларига қарши эътирозлар.

Агар қонунни қабул қилиш:

- фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекласа ёки камситса;
- жамиятдаги ижтимоий ёки сиёсий вазиятни беқарорлаштира;
- амалга ошириш учун республика бюджетидан назарда тутилмаган маблағлар сарфланиши тақозо этса ёки уни қўллашга тўсқинлик қиладиган бошқа қийинчиликларни туғдирса, унга қарши эътирозлар билдирилади.

Қонунчилик ташаббуси субъекти қонун лойиҳасига рози бўлиб, унинг айрим қоидалари билан тегишли юридик амалиёт ўртасида мавжуд тафовутларни кўрсатиши, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаши ҳам мумкин.

11. Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан хулоса тайёрлаш муддатини назарда тутиш зарур деб ўйлаймиз. Уни қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидан олинган санадан то Сенатга жўнатилган санагача бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда, камида икки ой қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир (шошилинич, кечиктириб бўлмайдиган қонун лойиҳалари бундан мустасно).

Мазкур нисбатан узоқ муддат қонун лойиҳаси билан шунчаки танишиб чиқмасдан, балки уни муфассал таҳлил қилиш, мутахассислар билан муҳокама қилиш ва асослантирилган хулоса тайёрлаш имконини беради.

Агар белгиланган муддат мобайнида лойиҳа юзасидан фикр билдирилмаса, бу лойиҳага розилик деб баҳоланиши лозим ва



бундан кейин лойиҳа устида ишни давом эттиришга монелик қила олмайди.

12. Қонун лойиҳаси бўйича ўз муддатида берилган тузатишлар ва эътирозларни кўриб чиқиш шарт. Уларни кўриб чиқиладиган вақт тўғрисида қонунчилик ташаббуси субъектларига хабар берилиши лозим. Хабарномани шундай мўлжал билан юбориш керакки, тегишли субъект вакили келиб тушган тузатишлар ва эътирозларни муҳокама қилишда иштирок этиш ва ўз қарашларини ҳимоя қилиш учун реал имкониятга эга бўлсин.

Палата мажлисида қонун лойиҳасини муҳокама қилишда вакилларнинг сўзга чиқиши иштирок этишнинг фаол шаклидир. Муҳокамада бир вакилнинг иштироки билан кифояланиш мақсадга мувофиқдир.

Қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушган тузатишлар ва эътирозлар мажбурий хусусиятга эга бўлмай, палата уларни рад этиши мумкин. Бу ҳолда ўзаро маслаҳатлашиш ва муҳокама қилиш орқали масалани ҳал қилишнинг ўзаро келишилган оқилона йўллари топиш имконини берувчи қўшимча келишиш тартиб-таомиллари амал қилиши лозим.

# И Л О В А Л А Р

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ (кўчирмалар)

### БЕШИНЧИ БЎЛИМ

#### ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

#### XVIII БОБ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

**76-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан— Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати—беш йил.

**77-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолияти-

нинг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**78-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;  
10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тuzилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

**79-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш кирази.

**80-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дип-

ломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) Ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

**81-модда.** Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тегишинча янги чақириқ Қонунчилик палатаси ва Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар

умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенат мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

**82-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**83-модда.** Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекис-

тон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

**84-модда.** Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.



Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

**85-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпрогининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери:

1) Қонунчилик палатасининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга таш-

килотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

7) Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери фармойишлар чиқаради.

**86-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўз таркибидан Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Сенат Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпрогининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси:

1) Сенат мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;  
2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

- 7) Сенат қарорларини имзолайди;
- 8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси фармойишлар чиқаради.

**87-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан қўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузади.

**88-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларига ва Сенати аъзоларига уларнинг депутатлик ёки сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси ёки Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

**89-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

**93-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади ва лавозимидан озод қилади;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий ҳўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва ҳўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16) республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади;

17) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

18) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади;

19) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки

унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради;

21) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

22) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади;

24) Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

25) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

**95-модда.** Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

**97-модда.** Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

## XX БОБ

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

**98-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон

Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ушбу Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

## XXII БОБ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СУД ҲОКИМИЯТИ

**112-модда.** Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралashiшга йўл қўйилмайди ва бундай аралashiш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Судьялар сенатор, давлат ҳоқимияти вакиллик органларининг депутаты бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

## XXIII БОБ

### САЙЛОВ ТИЗИМИ

**117-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳоқимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш



ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутаты бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

## **ОЛТИНЧИ БЎЛИМ**

### **КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ**

**127-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

2002 йил 12 декабрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ТЎҒРИСИДА

### I. Умумий қондалар

#### 1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) мақомини белгилаш, Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишга ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Қонунчилик палатаси

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир.

Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

#### 3-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Қонунчилик палатаси фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

#### **4-модда. Қонунчилик палатасига сайлов**

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **5-модда. Қонунчилик палатасининг ваколат муддати**

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати — беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Қонунчилик палатаси янги чақириқ Қонунчилик палатаси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

#### **6-модда. Қонунчилик палатаси депутати**

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутати даҳлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Қонунчилик палатасининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутатига унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатининг мақоми қонун билан белгиланади.

#### **7-модда. Қонунчилик палатаси ҳужжатлари**

Қонунчилик палатаси ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек, палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёнотлар ва мурожаатлар билан чиқиши мумкин, улар палатанинг қарори билан расмийлаштирилади.

Қонунчилик палатаси қарорлари, ушбу қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, депутатлар умумий сонининг кўпчилилик овози билан қабул қилинади.

## **II. Қонунчилик палатасининг ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шакллари.**

### **8-модда. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари**

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларини ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож валюта ва кредит ишларни қонун йўли билан тартибга солиш;

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тuzилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларни ўзгартириш;

10) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганида ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

## **9-модда. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари**

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш киради.

## **10-модда. Қонунчилик палатаси мажлиси**

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли унинг Қонунчилик палатаси сессиялари даврида ўтказиладиган мажлисларидир.

Навбатдаги сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июль ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чиқарилади.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси очади ва Қонунчилик палатаси Спикери сайлагунга қадар унда раислик қилади.

Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раиси, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди раислари, Бош прокурор иштирок этишлари мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларининг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг,

телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлислари очик ва ошкора ўтказилади.

Зарурат бўлганда, Қонунчилик палатаси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

### **11-модда. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшимча мажлислари**

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Палаталарнинг қўшма мажлиси очик ва ошкора ўтказилади.

Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқа қоида белгиланмаган бўлса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади.

Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари юзасидан палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

### **12-модда. Парламент сўрови**

Қонунчилик палатаси ва Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини бекор қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палата-

си Регламентида белгиланган муддатларда Қонунчилик палатаси мажлисларида берадилар.

### **III. Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари**

#### **13-модда. Қонунчилик палатаси Спикери**

Сайловдан кейинги биринчи мажлисда Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига Қонунчилик палатаси Спикери сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерлигига номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партия фракцияси (бундан буён матнда фракция деб юритилади) ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чиқариб олиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

#### **14-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ваколатлари**

Қонунчилик палатаси Спикери:

1) Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади;

4) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;



- 5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;
  - 6) Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари устида вазифаларни тақсимлайди;
  - 7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
  - 8) Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;
  - 9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимдан озод қилади;
  - 10) Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
  - 11) Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;
  - 12) Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;
  - 13) Қонунчилик палатаси девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;
  - 14) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва Қонунчилик палатаси Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.
- Қонунчилик палатаси Спикери ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли.

### **15-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари**

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатаси ваколати муддатига сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партиёга аъзоликни тўхта-тиб туради ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига кириши мумкин эмас.

### **16-модда. Қонунчилик палатаси Кенгаши**

Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши палата мажлислари оралигида заруратга қараб тўпланади.

Қонунчилик палатаси Кенгашининг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари киради.

Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

### **17-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарини сайлаш**

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосарлари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Қўмита раиси, унинг ўринбосарлари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмита таркибига сайланмаган депутат унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Қонунчилик палатаси қўмиталари Қонунчилик палатаси олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

## **18-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ваколатлари**

Қонунчилик палатаси қўмиталари:

1) ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

2) қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

3) қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасининг Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

5) Қонунчилик палатасининг топшириғига кўра ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

6) киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

7) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакиллари-нинг улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитади;

8) киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

9) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади.

10) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотларини эшитади.

### **19-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ишени ташкил этиш**

Қонунчилик палатаси қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек, Қонунчилик палатаси, унинг Спикери ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг фаолияти тартиби қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

### **20-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари**

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари палата мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари, агар улар қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Зарурат бўлганида Қонунчилик палатаси қўмиталари ёниқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат тижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларининг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

## **21-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг қарорлари**

Қонунчилик палатаси қўмиталари кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат органларига юбориладиган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача ҳолат белгиланмаган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечирмай хабар қилиниши керак.

## **22-модда. Қонунчилик палатаси комиссиялари**

Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссиялар Қонунчилик палатаси мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тузилади. Айтилган пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг вазифалари белгиланади.

Комиссия ўз фаолияти зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилади. Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

## **IV. Депутатлар бирлашмалари**

### **23-модда. Депутатлар бирлашмалари тўғрисида**

Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиш мумкин.

Фракциялар сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатаси ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақли.

Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли.

Депутатлар бирлашмаларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

#### **24-модда. Фракциялар ва депутатлар гуруҳларини тузиш тартиби**

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак.

Қонунчилик палатасининг мажлисида фракция ва депутатлар гуруҳининг раҳбари ёки бошқа вакили тегишлича фракция ёки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида палатага ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Қонунчилик палатаси фракция ва депутатлар гуруҳи тузилгани тўғрисида қарор қабул қилади.

#### **25-модда. Фракциялар ва депутатлар гуруҳининг ваколатлари**

Фракциялар ва депутатлар гуруҳи:

1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади.

2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланилади;

3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала кўяди;

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларга уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган ташунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади;

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикри-ни Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади;

6) палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши-да иштирок этади;

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

8) ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юза-сидан эшитиш тўғрисида масала қўяди;

9) фракция, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **26-модда. Фракция ва депутатлар гуруҳининг фаолиятини тугатиш**

Фракция ва депутатлар гуруҳининг фаолияти қуйидаги ҳол-ларда тугатилади:

1) фракция ёки депутатлар гуруҳининг ўз ташаббуси билан;

2) Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда;

3) фракция ёки депутатлар гуруҳига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳол-лардан ташқари, тегишли сиёсий партиянинг фаолияти туга-тилган тақдирда ҳам фракция тарқатиб юборилади.

## **V. Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш. Келишув тартиб-қоидалари**

### **27-модда. Қонунчилик ташаббуси**

Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимияти-нинг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбе-кистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбе-кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Рес-

публикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек, бюджет моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкин.

### **28-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиши**

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилганидан кейин Қонунчилик палатаси Спикери уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белгилайди.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишга ҳақли.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул қўмита уни Қонунчилик палатаси Мажлисининг кун тартибига киритиш ёки қонун лойиҳасини киритган органга (шахсга) қайтариш тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгаши олдида масала қўяди.

Агар киритилган қонун лойиҳаси «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ бўлмаса, Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

### **29-модда. Қонуннинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши**

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқади.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.



**Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, конституциявий қонуни қабул қилиш ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.**

Овоз бериш очиқ ёки яширин бўлиши мумкин.

Овоз беришнинг шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан Қонунчилик палатаси мажлисида ҳозир бўлган депутатларнинг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Сенатга юборилади.

Сенат қонунни маъқуллаш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

### **30-модда. Келишув комиссияси**

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиш мумкин.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатада кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисини сайлайди.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси қонуннинг Сенат эътироз билдирмаган айрим моддалари таҳририни ўзгартириш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришни Сенатнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун моддаларининг таҳрири тақозо этадиган бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли.

Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Келишув комиссиясини тузиш тартиби, комиссиянинг таркиби ва иши Регламентда белгиланади.

### **31-модда. Келишув комиссиясининг таклифларини кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси келишув комиссиясининг хулосаси тақдим этилган кундан эътиборан ўн кун ичида унинг таклифларини кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши керак.

Қонунчилик палатаси келишув комиссиясининг таклифлари юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Бундай ҳолларда қонун одатдаги тартибда қабул қилинади ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Агар Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси уни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилмаса ва Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорига рози эмаслигини билдирса, қонун аввалги қабул қилинган таҳририда овозга қўйилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни янада маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

### **32-модда. Қонунни имзолаш ва уни эълон қилиш**

Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

### **33-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонуннинг Қонунчилик палатасида кўриб чиқилиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- 1) қонунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;
- 2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;
- 3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳрирда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

## **VI. Яқунловчи қонда**

### **34-модда. Қонунчилик палатасини тарқатиб юбориш**

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида қуйидаги ҳолларда тарқатиб юборилиши мумкин:

Қонунчилик палатаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёки у бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда.

Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Қонунчилик палатаси фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

### **35-модда. Қонунчилик палатаси Регламенти**

Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва мансабдор шахслари, шунингдек, депутатлар бирлашмалари фаолиятининг тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

### **36-модда. Қонунчилик палатаси девони**

Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Қонунчилик палатаси девони амалга оширади.

Қонунчилик палатаси девони тузилмаси, штатлари, ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек, уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади.

Қонунчилик палатаси девони ходимларнинг меҳнатга оид муносабатлар Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига боғлиқ бўлмайди. Қонунчилик палатаси девони юридик шахс ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси девонининг ташкил этилиш ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланадиган Низомда белгиланади.

### **37-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятини молиялаш тириш**

Қонунчилик палатаси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **38-модда. Қонунчилик палатасининг матбуот органлари**

Қонунчилик палатаси ўз матбуот органларига эга бўлади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

2002 йил 12 декабрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ ТЎҒРИСИДА

### I. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) мақомини белгилаш, Сенат фаолиятини ташкил этиш ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Сенат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир.

Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат иши ялпи мажлисларга (бундан буён матнда мажлислар деб юритилади) ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади.

Сенатда ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди.

### **3-модда. Сенат фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Сенат фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

### **4-модда. Сенат таркибини шакллантириш**

Сенатни шакллантириш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### **5-модда. Сенатнинг ваколат муддати**

Сенатнинг ваколат муддати – беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Сенат янги чақриқ Сенати иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

### **6-модда. Сенат аъзоси**

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Сенат аъзоси ва Қонунчилик палатаси депутати бўлиши мумкин эмас.

Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Сенатнинг розилигисиз, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса, Сенат Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Сенат аъзосига унинг сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Сенат аъзосининг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Сенат аъзолари Сенатда доимий асосда ишлашлари мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторларнинг сони сенаторлар умумий сонининг тўртдан биригача бўлган миқдорда белгиланади. Улар сенаторлик ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Сенат аъзосининг мақоми қонун билан белгиланади.

## **7-модда. Сенат ҳужжатлари**

Сенат ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек, палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Сенат умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёноتلар ва мурожаатлар билан чиқиши мумкин, улар палатанинг қарори билан расмийлаштирилади.

Сенат қарорлари, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

## **II. Сенат ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шакллари**

### **8-модда. Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари**

Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредити ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;  
9) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

10) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.



Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

## **9-модда. Сенатнинг мутлақ ваколатлари**

Сенатнинг мутлақ ваколатлари жумласига:

- 1) Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судини сайлаш;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимдан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимдан озод этиш;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимдан озод этиш;
- 10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;
- 11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан мансабдор шахсларни Сенат томонидан сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни лавозимдан озод этиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

## **10-модда. Сенат мажлиси**

Сенат фаолиятининг ташкилий шакли унинг мажлисидир.

Сенат мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Сенатнинг биринчи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Сенат раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Сенатнинг навбатдан ташқари мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат раиси таклифига биноан ёки Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисми таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Фақат Сенат мажлисларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари маъқулланади ҳамда Сенат ҳужжатлари қабул қилинади.

Сенат ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди раислари, Бош прокурор иштирок этишлари мумкин.

Сенат мажлисига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мута-

**хассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.**

Сенат мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади. Зарурат бўлганда, Сенат ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Сенат мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

### **11-модда. Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари**

Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига мувофиқ қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Палаталарнинг қўшма мажлиси очиқ ва ошкора ўтказилади.

Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади.

Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари асосида палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

### **12-модда. Парламент сўрови**

Сенат ва Сенат аъзоси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Сенат Регламентида белгиланган муддатларда Сенат мажлисларида берадилар.

### **III. Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари. Сенат кенгаши, кўмиталари ва комиссиялари**

#### **13-модда. Сенат Раиси**

Сенат Раиси Сенат таркиб топганидан кейинги биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади. Сенат Раислигига номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Сенат Раиси ўз вазифасини бажариш даврида партия ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Сенат Раиси Сенат кўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Сенат раиси яширин овоз бериш орқали сенаторларнинг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Сенат Раиси ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Фармойишлар чиқаради.

#### **14-модда. Сенат Раисининг ваколатлари**

Сенат Раиси:

1) Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат маъқулланган қонунларни имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади;

4) Сенат кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

6) Сенат Раиси ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

8) Сенат матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Сенат матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимдан озод қилади;

10) Сенат матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

11) Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

12) Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

13) Сенат девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, сенаторлар ва Сенат девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

14) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва Сенат Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сенат Раиси ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли.

## **15-модда. Сенат Раисининг ўринбосарлари**

Сенат Раисининг ўринбосарлари Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколоти муддатига сайланади. Сенат Раисининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Сенат Раисининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партиялар ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Сенат раисининг ўринбосарлари Сенат кўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Сенат раисининг ўринбосарлари Сенат раисининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Сенат раиси йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

### **16-модда. Сенат Кенгаши**

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари иштини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида — Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгаши палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланади.

Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва қўмиталарининг раислари киради.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

### **17-модда. Сенат қўмиталарини сайлаш**

Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Сенат шаклланигандан кейин унинг ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Сенат қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмита таркибига сайланмаган сенатор унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Сенат қўмиталари Сенат олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

### **18-модда. Сенат қўмиталарининг ваколатлари**

Сенат қўмиталари:

1) Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан хулосалар беради;

2) ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан ўз ташаббуси билан ва Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

3) қонунни мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг ус-тида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳа-си юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

5) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хуло-саларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

6) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг, ил-мий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

7) киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунинг-дек Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгар-тиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

8) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари-нинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ҳужжатла-ри ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларни эшитади.

### **19-модда. Сенат қўмиталарининг ишини ташкил этиш**

Сенат қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек, Се-нат, унинг Раиси ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияла-рига мувофиқ ташкил этади.

Сенат қўмиталарининг фаолияти тартиби Сенат Регламен-тида белгиланади.

### **20-модда. Сенат қўмиталарининг мажлислари**

Сенат қўмиталарининг мажлислари Сенат мажлислари ора-лигида заруратга қараб ўтказилади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзо-ларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Зару-рат бўлганида Сенат қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғри-сида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат ноtijорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

## **21-модда. Сенат қўмиталарининг қарорлари**

Сенат қўмиталари кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Сенат қўмиталарининг давлат органларига юбораётган қарорлари улар томонидан кўриб чиқирилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

## **22-модда. Сенат комиссиялари**

Сенат муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссиялар Сенат мажлисида сенаторлар орасидан тузилади. Айни пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади.

Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади.

Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

## **IV. Қонунни кўриб чиқиш. Келишув тартиб-қоидалари**

### **23-модда. Қонуннинг Сенат қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқирилиши**

Қонун Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат Раиси уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белгилайди.

Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул қўмита қонун юзасидан хулоса қабул қилади.



## **24-модда. Қонуннинг Сенат мажлисида кўриб чиқилиши**

Сенат масъул қўмитанинг хулосасини олганидан кейин қонунни муҳокама қилади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Овоз бериш очиқ ёки яширин бўлиши мумкин.

Овоз беришнинг шакли ва усули тўғрисидаги қарор Сенат томонидан Сенат мажлисида ҳозир бўлган сенаторларнинг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

## **25-модда. Келишув комиссияси**

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисини сайлайди.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссияси қонуннинг Сенат эътироз билдирмаган айрим моддалари таҳририни ўзгартириш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришни Сенатнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун моддаларининг таҳрири тақозо этадиган бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли. Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Келишув комиссиясини тузиш тартиби, комиссиянинг тартиби ва иши Регламентда белгиланади.

## **26-модда. Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилган қонуннинг Сенат томонидан маъқулланиши**

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда, қонун Қонунчилик палатасида одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши лозим ва у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Агар Сенат илгари рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда уни келишув комиссиясининг таҳририда маъқуллама-са, қонун рад этилган ҳисобланади ва у Қонунчилик палата-сига қайтарилиши керак.

## **27-модда. Қонунни имзолаш ва уни эълон қилиш**

Сенат маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилини-ши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эъти-розлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қай-таришга ҳақли.

## **28-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонуннинг Сенатда қайта кўриб чиқилиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарил-ган ва Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш учун Се-натга қайтадан киритилган қонунни Сенат кўриб чиқиб, уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳрирда Сенат аъзо-лари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Ўзбекистон Республика-си Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

## **V. Яқунловчи қоидалар**

### **29-модда. Сенатни тарқатиб юбориш**

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида қуйидаги ҳолларда тарқатиб юборилиши мумкин:

Сенат таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёки у бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

Сенат билан Қонунчилик палатаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда.

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда уч ой мобайнида унинг янги таркиби шакллантирилади.

Сенат фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

### **30-модда. Сенат Регламенти**

Сенат, унинг органлари ва мансабдор шахслари фаолиятининг тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

### **31-модда. Сенат девони**

Сенат, унинг органлари ва сенаторлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Сенат девони амалга оширади.

Сенат девони тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек, уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар Сенат Раиси томонидан тасдиқланади.

Сенат девони ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари Сенатнинг ваколати муддатига боғлиқ бўлмайди.

Сенат девони юридик шахс ҳисобланади.

Сенат девонининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби Сенат Раиси томонидан тасдиқланадиган Низомда белгиланади.

### **32-модда. Сенат фаолиятини молиялаштириш**

Сенат фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **33-модда. Сенат матбуот органлари**

Сенат ўз матбуот органларига эга бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**  
**2003 йил 29 август**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING РЕГЛАМЕНТИ**  
**ТЎҒРИСИДА**

**I. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг**  
**Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш-**  
**нинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунларга, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос бўладиган ушбу Қонунга мувофиқ ташкил этилади.

Қонунчилик палатасининг янги сайланган таркиби ушбу Қонунга белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар кiritиши мумкин бўлиб, улар тузатишлар шаклида расмийлаштирилади.

**2-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш-**  
**нинг асосий принциплари**

Қонунчилик палатасининг фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошқораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланади.

**3-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий**  
**шакли**

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли унинг Қонунчилик палатаси сессиялари даврида, қоида тариқасида, ҳафтасига уч марта ўтказиладиган мажлисларидир.

Қонунчилик палатасининг мажлислари, агар уларнинг ишида палата депутатлари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни қабул қилишда, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ўтказилади. Мазкур мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Қонунчилик палатаси Спикери сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Қонунчилик палатаси биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун мажлиснинг муваққат котибияти ва саноқ комиссияси сайланади.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади, шу жумладан, қоида тариқасида:

электрон тизимдан фойдаланиш устидан муваққат назорат гуруҳи сайланади;

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланади;

сиёсий партиялар фракциялари (бундан буён матнда фракциялар деб юритилади) ва депутатлар гуруҳлари рўйхатга олинади;

Қонунчилик палатасининг қўмиталари тузилади.

Қонунчилик палатасининг навбатдан ташқари мажлислари унинг сессиялари оралиғида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери таклифига ёки Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг мажлислари очиқ, ошқора ўтказилади ва оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилади. Қонунчилик палатасининг қарорига биноан ёпиқ мажлислар ўтказилиши ҳам мумкин.

Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади), қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида мажлис ўтказилади.

Қонунда белгиланган ҳолларда палаталарнинг қўшма мажлислари ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қонунчилик палатаси Спикерининг, Сенат Раисининг таклифига ёки тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ёхуд сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

#### **4-модда. Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш**

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини сайлашдан бошланади.

Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи билан ўн беш кишидан иборат Оқсоқоллар кенгаши тузилади, мазкур кенгаш ваколатлари Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайлангач тугайди.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси киритади.

Оқсоқоллар кенгаши таркибига: Марказий сайлов комиссиясининг Раиси; депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган, ёши энг улуғ депутатлар; номзодлари Қонунчилик палатасига сайланган сиёсий партиялар депутатларининг вакиллари; Қонунчилик палатасига сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатларнинг вакиллари киритилади.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Оқсоқоллар кенгаши Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодларни, қоида тариқасида, энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайланган ҳисобланади.

Оқсоқоллар кенгаши томонидан Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари лавозимига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш Қонунчилик палатаси Спикерини сайлаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони Оқсоқоллар кенгашининг тавсияси бўйича Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

### **5-модда. Қонунчилик Спикерини ва унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш**

Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларининг муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмидан иборат Қонунчилик палатаси депутатлари гуруҳининг таклифига биноан палата томонидан кўриб чиқилади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Қонунчилик палатаси Спикери томонидан ҳам киритилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикерини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди.



## **6-модда. Қонунчилик палатаси Кенгаши**

Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади.

Қонунчилик палатаси Кенгашининг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари киради.

Қонунчилик палатаси Кенгашига Қонунчилик палатаси Спикери раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

## **7-модда. Қонунчилик палатасининг қўмиталарини тузиш**

Қонунчилик палатаси томонидан унинг депутатлари орасидан палатанинг ваколатлари муддатига раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар тузилади.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатасида регламент; бюджет, банк ва молия масалалари; иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; меҳнат ва ижтимоий масалалар; муҳофаа ва хавфсизлик масалалари; халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари тузилиши шарт. Қонунчилик палатасида бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, ўнтадан ошмаслиги керак.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарори билан белгиланади. Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимларига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифларни депутатлар бирлашмаларининг раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда киритадилар.

Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари палата мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Қонунчилик палатаси қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Қонунчилик палатаси қарорлар қабул қилади.

### **8-модда. Қонунчилик палатасининг комиссияларини тузиш**

Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссия Қонунчилик палатаси мажлисида Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосарларидан иборат таркибда тузилади.

Комиссия тузилгани тўғрисида Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади.

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтганидан кейин ёки Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари ўз фаолиятини тугатади.

### **9-модда. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари**

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партиа манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиалардан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақлидир.

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партиа фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли.

**Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб турадилар ва фракция ёки депутатлар гуруҳи таркибига киришлари мумкин эмас.**

**Фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш учун:**

**фракция ёки депутатлар гуруҳнинг таъсис йиғилишини ўтказиш;**

**фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш тўғрисида таъсис баённомасини қабул қилиш;**

**фракция ёки депутатлар гуруҳининг раҳбарини сайлаш зарур бўлади.**

**Фракция ёки депутатлар гуруҳининг раҳбари фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш тўғрисидаги таъсис баённомасини Қонунчилик палатасига тақдим этади ва тегишинча фракция ёки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида Қонунчилик палатасига ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.**

**Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилади.**

**Депутатлар бирлашмалари фаолиятининг ташкилий шакли уларнинг мажлисларидир.**

**Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бориш, Қонунчилик палатаси мажлисига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари нуқтаи назарини келишиб олиш мақсадида депутатлар бирлашмалари раҳбарларининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.**

**Депутатлар бирлашмалари ўзлари қабул қилган қарорлар, шунингдек депутатлар бирлашмалари раҳбарларининг қўшма мажлисларида қабул қилинган қарорлар ҳақида Қонунчилик палатаси Спикерига ва унинг Кенгашига ахборот берадилар.**

**Фракция ва депутатлар гуруҳи фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:**

**фракция ёки депутатлар гуруҳининг ўз ташаббусига биноан; Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугаганда;**

**фракция ёки депутатлар гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда;**

**тегишли сиёсий партия фаолияти тугаганда (тугатилганда).**

Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугашидан олдин фракциялар ёки депутатлар гуруҳлари фаолиятининг тугатилиши Қонунчилик палатасининг қарори билан расмийлаштирилади.

## **II. Қонунчилик палатаси мажлисида масалаларни кўриб чиқиш тартиби**

### **10-модда. Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби**

Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган кўмиталари, маърузачилар (қўшимча маърузачилар), шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тузилади.

Қонунчилик палатасининг депутатлари Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида олдиндан хабардор қилинади.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади.

### **11-модда. Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш шакллари ва усуллари**

Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунчилик палатасининг депутати ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

### **III. Қонунларни ҳамда Қонунчилик палатаси қарорларини кўриб чиқиш тартиби**

#### **12-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритиш**

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритишда қуйидагилар тақдим этилиши керак:

1) қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати;

2) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

3) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларнинг рўйхати;

4) моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

5) давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъекти лойиҳа матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини чиқариб олиш ҳуқуқига эга.

### **13-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиш**

Қонунчилик палатасига келиб тушган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага (бундан буён матнда масъул қўмита деб юритилади) топширади. Масъул қўмита қонун лойиҳасини кўриб чиқишга қабул қилиниши мумкинлиги ёки уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш зарурлиги тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгашига белгиланган муддатда хулоса тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмитанинг хулосаси асосида қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки у белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. Аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун янгидан киритилиши мумкин.

Агар тегишли масала бўйича қонун лойиҳаси палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, айти шу масала бўйича бошқа қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилинмайди.

Қонун лойиҳаси кўриб чиқиши учун қабул қилинганда Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш муддатини белгилайди.

Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли материаллар билан Қонунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади.

### **14-модда. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш**

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш масъул қўмита томонидан амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қўмиталарида муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади.

**Агар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, масъул қўмита қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан икки ой ичида уни:**

Қонунчилик палатаси Кенгашининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорининг лойиҳасини;

масъул қўмитанинг мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этиш зарурлиги асосланган ҳолдаги хулосасини илова қилиб, Қонунчилик палатаси Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиши учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

### **15-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чиқилиши керак. Қонунчилик палатаси депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари Қонунчилик палатаси томонидан рад этилган ҳисобланади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. Масъул қўмита томонидан асосли деб топилган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида масъул қўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгиллаган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан тўлалиғича овозга қўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, масъул қўмитанинг таклифига биноан қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Қонун 18-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан биргаликда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган материаллар юборилади.

## **16-модда. Келишув комиссияси**

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасида келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Қонунчилик палатаси Спикеридан, шунингдек фракциялар ва депутатлар гуруҳларидан чиқиши мумкин.



Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Қонунчилик палатасидан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хулоса Қонунчилик палатаси ва Сенатдан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Қонунчилик палатаси ва Сенатга топширилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қонунни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилса, у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Агар келишув комиссиясининг қонун бўйича ишлари якунларига кўра келишувга эришилмаса, қонун Сенат томонидан рад этилган қонун сифатида қайта кўриб чиқилиши керак.

## **17-модда. Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби**

Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонун Қонунчилик палатаси томонидан бир ойлик муддатда қайта кўриб чиқилиши керак.

Масъул қўмита Сенат томонидан рад этилган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун юзасидан хулоса беради.

Масъул қўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш масаласи белгиланган тартибда Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилади.

Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси томонидан куйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

қонунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;  
қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;

қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

## **18-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонуннинг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, конституциявий қонуннинг, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар кири-

тиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини қабул қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инobatга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилмаса, уни кўриб чиқиш камида бир йилдан кейин қайта бошланиши мумкин.

### **19-модда. Қонунчилик палатаси қарорларини қабул қилиш тартиби**

Қонунчилик палатаси қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қарор лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қарорининг лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул кўмита ва муддат белгилайди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул кўмита вакилининг ахборотини эшитиб, қарор лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади ва маърузачини белгилайди.

Қонунчилик палатаси мажлисида масъул кўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатаси қарори қабул қилинади.

Агар овоз бериш яқунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур миқдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган ҳисобланади.

Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатларига киритилган масала юзасидан қабул қилинган қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Сенатга юборилади.

## **IV. Давлат бюджетини қабул қилиш**

### **20-модда. Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш**

Навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Қонунчилик палатасига киритилади.

Давлат бюджети лойиҳаси масъул кўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджети лойиҳасига доир материаллар Қонунчилик палатаси депутатларига олдиндан, мазкур лойиҳа Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилгунга қадар юборилади.

Давлат бюджети лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети лойиҳаси бўйича Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифлари уч кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн тўрт кун ичида Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда Давлат бюджети лойиҳасини маромига етказди ва Давлат бюджетининг маромига етказилган лойиҳасини Қонунчилик палатасига юборади.

Давлат бюджетининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай кўриб чиқилиши керак.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети мазкур бюджет қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида кўриб чиқиши учун Сенатга юборилади.

### **21-модда. Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш**

Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала, агар бу ҳол бюджетни тартибга солишда қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлса, Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи навбатда кўриб чиқилиши керак.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар уни қабул қилиш учун белгиланган тартибда киритилади.

## **V. Қонунчилик палатаси томонидан мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш)**

### **22-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичида кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонунчилик палатаси тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди, Қонунчилик палатасини тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

### **23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарори Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

#### **24-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги таклифлар Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга юборилади.

#### **VI. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

#### **25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш**

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўзининг тасдиғига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

**26-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш**

Қонунчилик палатаси ўзининг кўриб чиқиши учун киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини эса улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала Қонунчилик палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

## **VII. Қонунчилик палатаси томонидан бошқа масалаларни кўриб чиқиш**

**27-модда. Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни ва масъул қўмитанинг хулосасини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

референдумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида;

референдум ўтказмасдан туриб, референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусда таклиф қилинган қонунни ёки бошқа қарорни қабул қилиш ҳақида.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг референдуми масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида қарор қабул қилса, айти шу мазмун ёки маънодаги таъриф билан референдум ўтказиш тўғрисидаги масала камида бир йилдан кейин Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун такроран киритилиши мумкин.

## **28-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу шартнома расмий матнининг тасдиқланган нусхаси ва уни ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқлигининг асосларини ўз ичига олган ҳужжатлар билан биргаликда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарор Сенатга юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор лойиҳаси



**Қонунчилик** палатаси депутатларининг зарур овозлари сонини тўпламаган бўлса ва шу мажлис жараёнида мазкур қарор лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қайта кўриб чиқиши учун киритиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш таомилидан ўтмаган ҳисобланади.

**29-модда. Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган тартибда киритилган таклифига биноан туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала рад этилган тақдирда, у Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун камида бир йилдан кейин қайта киритилиши мумкин.

**30-модда. Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Қонунчилик палатаси депутатини жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномалари Қонунчилик палатаси томонидан, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, кейинчалик Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масала юзасидан қарори Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Қонунчилик палатаси депутатини жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш масаласи юзасидан қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

### **VIII. Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилиши**

#### **31-модда. Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.

Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросининг боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокама ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

#### **32-модда. Парламент сўрови**

Қонунчилик палатаси, шунингдек Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Қонунчилик палатасининг мажлисларида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент

**сўрови** уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Қонунчилик палатаси муҳокама яқунлари бўйича қарор қабул қилади.

### **33-модда. Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларнинг амалга оширилиши**

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисобдан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай, ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитади.

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисоботдан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай, ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботлари юзасидан қабул қилган қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатасининг мажлисида ҳукумат аъзоларининг фаолияти масалалари юзасидан уларнинг ахборотини эшитиш фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг ташаббусига кўра амалга оширилади ҳамда Қонунчилик палатаси мажлисларининг кун тартибига мувофиқ ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари, шунингдек Қонунчилик палатасининг депутатлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари ёки Қонунчилик палатасининг депутатлари талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан

қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларни эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.

## **IX. Яқунловчи қондалар**

### **34-модда. Қонунчилик палатасининг халқаро алоқалари**

Қонунчилик палатаси бошқа давлатнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, расмий парламент делегациялари алмашилиши, шунингдек халқаро алоқаларни мустақамлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиши мумкин.

Бошқа давлатларнинг парламентлари раҳбарларига, давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларига, парламент делегацияларининг раҳбарларига уларнинг илтимосига биноан Қонунчилик палатаси мажлисида сўзга чиқиш имконияти берилиши мумкин.

### **35-модда. Қонунчилик палатаси харажатларининг сметасини тасдиқлаш**

Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметаси Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**  
**2003 йил 29 август**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ**  
**СЕНАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА**

**I. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сена-  
ти фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонунларга, шунингдек Сенат томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос бўладиган ушбу Қонунга мувофиқ ташкил этилади.

Ушбу Қонунга белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин бўлиб, улар тузатишлар шаклида расмийлаштирилади.

**2-модда. Сенат фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари**

Сенат фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

Сенат иши вақти-вақти билан ялпи мажлисларга (бундан буён матнда мажлислар деб юритилади) ва Сенат қўмиталарининг (комиссияларининг) мажлисларига чақириладиган сенаторларнинг фаолиятига асосланади.

**3-модда. Сенат фаолиятининг ташкилий шакли**

Сенат фаолиятининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказиладиган мажлисларидир.

Сенат мажлислари, агар уларнинг ишида сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни маъқуллаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт.

Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат шакллантирилгандан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Мазкур мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Сенатнинг биринчи мажлиси ишини ташкил этиш учун мажлиснинг муваққат котибияти ва саноқ комиссияси сайланади.

Сенатнинг биринчи мажлисида унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади, шу жумладан, қоида тариқасида:

электрон тизимдан фойдаланиш устидан муваққат назорат гуруҳи сайланади;

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланади;

Сенатнинг қўмиталари тузилади.

Сенатнинг навбатдан ташқари мажлислари Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Сенатнинг Раиси таклифига ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Сенатнинг мажлислари очиқ, ошкора ўтказилади ва оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилади. Сенатнинг қарорига биноан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Сенат ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади), қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида мажлис ўтказади.

Қонунда белгиланган ҳолларда палаталарнинг қўшма мажлислари ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Сенат Раисининг, Қонунчилик палатаси Спикерининг таклифига ёки тегишли сенаторлар ёхуд Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилиши мумкин.

#### **4-модда. Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш**

Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат Раисини сайлашдан бошланади.

Сенат Раислигига ва унинг ўринбосарлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан тақдим этилади.

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида сенаторлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Сенат Раиси ёки унинг ўринбосари этиб сайланган ҳисобланади.

Сенаторлар орасидан сайланадиган Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланганлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни Сенат мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

#### **5-модда. Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш**

Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Сенат Раисининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Сенат Раисини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Сенат Раисини ёки унинг ўринбосарларини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарорни Сенат мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

#### **6-модда. Сенат Кенгаши**

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, кўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклиф-

лар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва Сенат қўмиталарининг раислари киради.

Сенат Кенгашига Сенат Раиси раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

## **7-модда. Сенатнинг қўмиталарини тузиш**

Сенат томонидан сенаторлар орасидан палатанинг ваколатлари муддатига раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар тузилади.

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари Сенатнинг қўмиталари таркибига сайланиши мумкин эмас.

Сенатда регламент, бюджет ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари, ташкилий-маъмурий масалалар, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, мудофаа ва хавфсизлик масалалари, ташқи сиёсат масалалари қўмиталари тузилиши шарт. Сенатда бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин.

Сенат қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан ошмаслиги керак.

Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари палата мажлисида Сенат Раиснинг тақдимига биноан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Сенат қарорлар қабул қилади.

## **8-модда. Сенатнинг комиссияларини тузиш**

Сенат муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссия Сенат мажлисида сенаторлар орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосарларидан иборат таркибда тузилади.

Комиссия тузилгани тўғрисида Сенат қарор қабул қилади.

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтга-



нидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари ўз фаолиятини тугатади.

## **II. Сенат мажлисида масалаларни кўриб чиқиш тартиби**

### **9-модда. Сенат мажлисининг кун тартиби**

Сенат мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар уларни кўриб чиқиш навбати, палатанинг ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган кўмиталари, маърузачилар (кўшимча маърузачилар), шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мажлис кун тартиби лойиҳасига киритилади.

Сенат мажлиси кун тартибининг лойиҳаси Сенат Кенгаши томонидан тузилади.

Сенаторлар Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилган масалалар тўғрисида олдиндан хабардор қилинади.

Сенат мажлисининг кун тартиби палата қарори билан тасдиқланади.

### **10-модда. Сенат мажлисларида овоз бериш шакллари ва усуллари**

Сенатнинг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш ном-ма-ном бўлиши мумкин.

Сенат мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Сенат мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни сенаторлар жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор Сенат томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда конституциявий қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Сенатор ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

### **III. Қонунларни ҳамда сенат қарорларини кўриб чиқиш тартиби**

#### **11-модда. Қонуннинг Сенат томонидан кўриб чиқилиши**

Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиغان ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган қўмитага (бундан буён матнда масъул қўмита деб юритилади) топширилади.

Масъул қўмитанинг хулосасида қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо бўлиши керак. Қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосада масъул қўмитанинг қонунни рад этиш зарур деб ҳисоблашининг важдари баён этилиши лозим. Масъул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади, Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенатнинг мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Кўриб чиқиладиган қонун юзасидан унинг муҳокамаси тартибда сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан маъқулланади, ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорида рад этиш важдари кўрсатилиши керак. Унда бир вақтнинг ўзида қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифлар баён этилиши мумкин.

Сенатнинг қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

## 12-модда. Келишув комиссияси

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Сенатда келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан, шунингдек Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси таркибига номзодлар юзасидан Сенат Раиси ва Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Келишув комиссиясининг Сенатдан кўрсатилган таркиби унинг мажлисида, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади.

Келишув комиссиясининг қарорлари келишув комиссияси таркибига кирган сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз бериши орқали қабул қилинади. Қарор, агар комиссиянинг ҳар бир палатадан сайланган аъзоларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгаришлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқиши керак.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламас, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

### **13-модда. Қонунни Сенат томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун қайта кўриб чиқиш учун бевосита Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган ва Қонунчилик палатаси қайта кўриб чиқишда илгари қабул қилинган таҳрирда маъқуллаган қонун белгиланган тартибда Сенатга юборилади.

Масъул кўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган ва Қонунчилик палатаси илгари қабул қилинган таҳрирда маъқуллаган қонун юзасидан хулоса беради.

Масъул кўмитанинг хулосаси олинганидан кейин қонунни Сенат томонидан қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала белгиланган тартибда Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритилади. Сенат қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан қайта кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

Агар Сенат рад этган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун Қонунчилик палатасида

**қайта кўриб чиқилганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Сенатнинг эътирозларини ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинса, ушбу қонунни Сенат янгидан қабул қилинган қонун сифатида белгиланган тартибда кўриб чиқади.**

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунни, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

**15-модда. Сенат қарорларини қабул қилиш тартиби**

Сенат қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қарор лойиҳаси Сенатга киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

Сенат Раиси Сенат қарорининг лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмита ва муддат белгилайди.

Сенат Кенгаши масъул қўмита вакилининг ахборотини эшитиб, қарор лойиҳасини Сенат мажлисининг кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади ва маърузачини белгилайди.

Сенат мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат қарори қабул қилинади.

Агар овоз бериш яқунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур миқдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган ҳисобланади.

Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги ваколатларига киритилган масала юзасидан қабул қилинган қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатасига юборилади.

#### **IV. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини қабул қилиш**

##### **16-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш**

Навбатдаги молия йили учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Сенатга юборилади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети Сенатнинг кўриб чиқиши учун топширилади ва масъул қўмита томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджетига доир материаллар сенаторларга олдиндан, Сенат мажлисида кўриб чиқилгунга қадар юборилади.

Давлат бюджетини Сенатнинг мажлисида муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси молия вазири ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети бўйича қарор Сенат томонидан жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай қабул қилиниши керак.

##### **17-модда. Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш**

Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилиши керак.

Давлат бюджетига ўзгартишлар ва қўшимчалар мазкур бюджетни қабул қилиш учун белгиланган тартибда киритилади.

#### **V. Сенат томонидан мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш)**

##### **18-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақ-

**димномаси** Сенат томонидан Сенатнинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенат тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди. Сенатни тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

### **19-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш**

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарори Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

### **20-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш**

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарори Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори маз-

кур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

## **21-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судини сайлаш**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш тўғрисидаги масалани ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тақдим этилган номзодлар овоз бериш пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар қайта рад этилса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенат кўриб чиқиши учун бошқа номзодлар тақдим этилади.

## **22-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини таъинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-



**ки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари лавозимларига тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Сенатга тақдим этади.**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги масалани Сенат ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари тайинлаш ёки уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари лавозимларига тайинлаш учун тақдим этилган номзодлар овоз бериш пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар қайта рад этилса, Сенат кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бошқа номзодлар тақдим этилади.

## **VI. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

**23-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш**

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа

органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўз тасдиғига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

**24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш**

Сенат ўз тасдиғига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини эса улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала Сенат қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг**

**Ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масалалар Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

**VII. Сенат томонидан бошқа масалаларни кўриб чиқиш**

**26-модда. Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш**

Сенат Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни, Қонунчилик палатасининг референдум ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш тўғрисидаги қарорини, шунингдек мазкур масала бўйича масъул қўмитанинг хулосасини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикасининг референдуми масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Қонунчилик палатасига, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ва уни ўтказиш санасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур масала юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатасининг қарорлари ушбу масала юзасидан Сенат қарор қабул қилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**27-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масаланинг Сенатда кўриб чиқилиши Қонунчилик палатасининг тегишли қарори Сенатга киритилганидан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат маъқуллаган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

**28-модда. Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларни ўзгартириш тўғрисидаги масала ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатаси ижобий қарор қабул қилганидан ва Сенатга тегишли материаллар келиб тушганидан кейин Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат маъқуллаган қарор белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

## **29-модда. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш**

Сенат амнистия тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади.

Амнистия тўғрисидаги ҳужжат мазкур ҳужжат қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида эълон қилиниши керак.

## **30-модда. Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг сенаторни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномалари Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг сенаторни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд тартибда бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш масаласи юзасидан қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

## **VIII. Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларнинг амалга оширилиши**

### **31-модда. Парламент сўрови**

Сенат, шунингдек сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослангирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Сенат мажлисларида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин. Сенат муҳокама яқунлари бўйича қарор қабул қилади.

### **32-модда. Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларнинг амалга оширилиши**

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитади.

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботини мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшитади ва муҳокама қилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ва Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботлари юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сенатга тақдим этган ҳар йилги ҳисоботлари Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенатнинг қўмиталари, шунингдек сенаторлар давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олишлари мумкин.

Сенатнинг қўмиталари ёки сенаторлар талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, ман-

**сабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.**

Сенат қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади.

## **IX. Яқунловчи қондалар**

### **33-модда. Сенатнинг халқаро алоқалари**

Сенат бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши, расмий парламент делегациялари алмашилиши, шунингдек халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирларни ўтказиши мумкин.

Бошқа давлатларнинг парламентлари раҳбарларига, давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларига, парламент делегациялари раҳбарларига уларнинг илтимосига биноан Сенат мажлисида сўзга чиқиш имконияти берилиши мумкин.

### **34-модда. Сенат харажатларнинг сметасини тасдиқлаш**

Сенат, унинг органлари ва сенаторларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатлар сметаси Сенат Раиси томонидан тасдиқланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**  
**2000 йил 14 декабрь**

**ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИНГ УМУМХАЛҚ**  
**МУҲОКАМАСИ ТЎҒРИСИДА**

**I боб. Умумий қондалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Қорақалпоғистон Республикасида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг асосий принциплари**

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: ихтиёрийлик; тенглик; ошкоралик; ҳамма учун очиқлик; эркин фикр билдириш.

**4-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари**

Фуқаролар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари бўлишлари мумкин. Чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг экспертлари Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига ушбу Қонунга мувофиқ жалб этилишлари мумкин.



## **5-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқароларнинг ҳуқуқлари**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқаролар куйидаги ҳуқуқларга эгадирлар: қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида эркин иштирок этиш; қонун лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига, оммавий ахборот воситаларига таклифлар ва мулоҳазалар киритиш; қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси учун депутатлар билан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг вакиллари билан ташкил этилган учрашувларда ва бошқа тадбирларда қатнашиш. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этувчи фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

## **6-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши**

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Оммавий ахборот воситалари қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг боришини ёритадилар, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини эълон қилиб борадилар.

## **II боб. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқлари кафолатлари**

## **7-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқаролар иштирок этишининг ихтиёрийлиги**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрийдир. Фуқароларни қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга мажбурлаш тақиқланади.

**8-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишда фуқаролар тенг ҳуқуққа эгадирлар. Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

**9-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказишда ошкоралик**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ошкора ўтади ва оммавий тусга эга бўлади. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

**10-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг ҳамма учун очиқлиги**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси унинг ҳамма иштирокчилари учун очиқ бўлиши керак. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга ҳеч ким монелик қилишга ҳақли эмас.

**11-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқароларнинг эркин фикр билдириш ҳуқуқи**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқаролар қонун лойиҳалари бўйича ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқига эга. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида ҳеч ким қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикрини билдиришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

**III боб. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш**

**12-модда. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш ташаббуси**

Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш ташаббуси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар

ва шахсларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссияларига тегишлидир.

### **13-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини тайинлаш**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки унинг Кенгаши қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида тушадиган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этиш муддати ва тартибини белгилайди.

### **14-модда. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиш**

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида, уларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилинганидан кейин ўн кундан кечиктирмай эълон этилади. Улар махсус нашрларда, бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам чоп қилиниши мумкин.

### **15-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказиш бўйича ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари: қонун лойиҳалари юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб борадилар; тушаётган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирадилар, ўрганиб чиқадиладар ва таҳлил этадилар; таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил этишга экспертлар, мутахассислар ва олимларни жалб қиладилар; қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси бўйича семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари уюштирадилар; таклиф ва мулоҳазаларни инobatга олган ҳолда қонун лойиҳаларини маромига етказадилар; қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

## **16-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига доир тадбирларни ташкил этиш**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар блоклари, шунингдек Олий Мажлис депутатлари сайлов округларида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига доир тадбирларни ташкил этадилар.

## **17-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказиш учун шарт-шароитларни таъминлаш**

Давлат органлари қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказиш учун: қонун лойиҳаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш; қонун лойиҳаларининг муҳокамасига доир тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш; қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг бориши ва якунлари тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида тарқатиш йўллари билан зарур шарт-шароитларни таъминлайдилар.

## **18-модда. Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш**

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳалари давлат органларининг мажлисларида, фуқаролар йиғинларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларида, ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида, оммавий ахборот воситалари орқали муҳокама қилиниши мумкин.

## **19-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазалари**

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазалари яқка тартибда ёки жамоа тарзида, оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. Қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазаларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг турар жойи, тегишли органнинг, ташкилот-

**нинг номи ва почта манзили кўрсатилади. Қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазалар имзоланган бўлиши керак. Қонун лойиҳаси юзасидан белгиланган тартибда киритилган таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқирилиши шарт. Таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиб олишни рад этиш тақиқланади. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазалари тавсия ва маслаҳат хусусиятига эга бўлади.**

**20-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси бўлиб ўтадиган тил**

Фуқаролар қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларини давлат тилида ёки ўзлари билган исталган бошқа тилда киритишга ҳақлидирлар.

**IV боб. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш**

**21-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш**

Фуқаролар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан умумхалқ муҳокамаси давомида қонун лойиҳаси юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

**22-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини умумлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирадиган ҳамда қонун лойиҳаларини маромига етказадилар.

**23-модда. Шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳисобга олиш**

Қонун лойиҳаларини маромига етказиш пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари, комиссия-

лари, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар блоклари аҳоли турли қатламларининг, жамият сиёсий кучларининг ҳамда давлатнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга оладилар.

#### **24-модда. Таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ахборот**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси яқунлари тўғрисида умумлаштирилган ахборот тайёрлайдилар ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари эътиборига етказадилар.

#### **V боб. Яқунловчи қондалар**

#### **25-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси яқунларини кўриб чиқиш**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси яқунларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўриб чиқади. Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси яқунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунни қабул қилади ёки қонун лойиҳасини қўшимча равишда ишлашга юборади ёхуд уни рад этади.

#### **26-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси яқунларини эълон қилиш**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси яқунлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

#### **27-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**  
**2000 йил 14 декабрь**

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 2001 йил, № 1-2, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, 3 декабрь)

**I. Умумий қондалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари**

Ушбу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

**2-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси**

Ушбу Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умум-мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

**3-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

**4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Рес-

публикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар (бундан буён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланадилар.

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати**

### **5-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари**

Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

- а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

### **6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатлари ҳисобланади.



## **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги**

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

## **8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.

## **9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

## **10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

## **11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзе-

кистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

## **12-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек юқори

**турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.**

#### **14-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати**

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколати ва мақомига, шунингдек ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

### **III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар**

#### **15-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асо­сида буюртма бериши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқару­вининг бошқа соҳаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар­нинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бош­қарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норма­тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича иши­ни мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

### **16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда нор­матив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиёти­ни ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўллани­лиш тажрибасини ўрганadi ва ҳисобга олади, ҳуқуқий тартиб­га солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатла­рининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитлар­ни аниқлайди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий му­ассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жа­моатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

### **17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади, тақдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа қайси давлат органи, шунингдек ташкилот билан келишилган бўлса, шу орган ва ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асослантирилган фикр қисқача баён этиб ўтилади. Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа органлар ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари, агар лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этилади.

### **18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасига баҳо беришда мустақилдир ҳамда экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ эмаслар.

### **19-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар-

**нинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари** (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки махсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тutilади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Қонунларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар тарзида баён этилади. Қонунларнинг моддалари қисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

## **20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини имзо қўйиб тасдиқлаш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни қуйидаги тарзда имзо қўйиб тасдиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони — Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ёки унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари — ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари — тегишли ҳоким томонидан.

## **21-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами;

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

## **22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш**

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун



**мчида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.**

**23-модда. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш**

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак.

**IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши**

**24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга қўйиладиган талаблар**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман баён тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

**25-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-

ларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

## **26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

### **27-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун, у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, татбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки энгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

### **28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқа изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда унда ҳужжат (ёки унинг қисми) қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига ёки ҳодиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз

бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёки ҳужжатга муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

### **29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эллик юридик шахсларга, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

### **30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тугатилиши**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қуйидаги ҳолларда амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

## **V. Яқунловчи қоидалар**

### **31-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради.

Қонун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Шарҳлаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

### **32-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам нашр этиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўпламлари ва мажмуаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нашр этади ёхуд уларни бошқа органлар ва ташкилотлар нашр этиши тўғрисида топшириқлар беради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тизимга солинган мажмуаларини нашр этади, мажмуаларни назорат ҳолатида сақлайди, уларга қўшимчалар нашр этади, уларни қайта нашр этади.

### **33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат томонидан ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 14 декабр,  
№ 160-II.  
МБ.QONUN/ 3-сес, Normativ

**«НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:**

1. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси

Э.Халилов

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 14 декабр,  
№ 161-П.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I боб. ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ–ЎЗБЕКИСТОН-ДА ДАВЛАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИСТИҚБОЛИ.....	13
1.1. Парламент ислоҳоти: бугуни ва истиқболи .....	13
1.2. Парламентаризм борасидаги хорижий тажриба.....	25
1.3. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси: ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва ваколатлари.....	54
II боб. ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ШАРОИТИДА ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ.....	77
2.1. Қонун ижодкорлигининг моҳияти ва мазмуни.....	77
2.2. Қонун ижодкорлиги жараёнининг босқичлари.....	92
2.3. Хорижий мамлакатлар парламентлари қонунчилик фаолиятининг хусусиятлари.....	119
2.4. Қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси.....	138
2.5. Қонунчилик жараёни кодекси: зарурати, тузилиши ва мазмуни.....	151
III боб. ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ САМАРАСИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ.....	166
3.1. Ҳуқуқий сиёсат, юридик башоратлаш ва қонунчилик фаолияти .....	166
3.2. Парламент маданияти ва қонунчилик техникаси.....	180
3.3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тили ва услуги.....	194
3.4. Қонунчилик ҳужжатларини системалаштириш.....	201
МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР (Хулоса ўрнида).....	209
ИЛОВАЛАР .....	225

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида 2002 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни .....	241
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида 2002 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни .....	260
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида 2003 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.....	276
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида 2003 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.....	300
Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида 2000 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.....	319
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида 2000 йил 14 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни .....	326



**ОДИЛҚОРИЕВ Ҳожимурод Тўхтамуродович,**  
юридик фанлар доктори;

**ТУЛЬТЕЕВ Ильёс Тавасович,**  
юридик фанлар номзоди

## **ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ**

**Монография**

**Муҳаррир С. А. Раззоқов, Б. А. Яров**  
**Техник муҳаррир М. М. Сафаров**  
**Компьютерда терувчи Н. Т. Аҳмаджанова**

Босишга рухсат этилди 25.02.2005 й. Бичими 60x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Гарнитура TimesUz. Шартли босма табағи 22.  
Нашриёт табағи 20,5. Адади 2000. Буюртма №13.  
Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

«Хега-Принт» босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Сирғали тумани,  
Спутник мавзеси, 17-даҳа, 52 А уй.

**ИЖКИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ**